

Жаҳон АДАБИЁТИ

Арабий-бақший, илғимий-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 3 (154)

2010 йил, март

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

[www. jad.uz](http://www.jad.uz)

МУНДАРИЖА

Абдугафур РАСУЛОВ. **Дунё эътироф этаётган китоб**.....3

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

МУЛЛАНАФАС. **Нафас, сен сўзласанг улус-элларда**.....7

Музаффар АҲМАД. **Улуғ туркман шоири**.....14

XX аср Македония турк шоирлари ижодидан:

Жон танда ёнартоғдир.....73

Тоҳир ҚАҲҲОР. **Ускуп илҳомлари**.....81

НАСР

Розия ТУЖЖОР. **Ҳикоялар**.....17

Виктория ТОКАРЕВА. **Сигинмагил осмон деб**.....54

Болеслав ПРУС. **Фиръавн. Тарихий роман**.....84

ПУБЛИЦИСТИКА

Мирпўлат МИРЗО. **Меҳрга муҳтож хилқат**.....136

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Муҳаммад Усмон Жамол. **Буюк донишманд**.....151

АДАБИЙ ЖАРАЁН

Николай АНАСТАСЬЕВ. **Олис дунёлардан мужда**.....168

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Агата КРИСТИ. **Лорд Эжуорнинг ўлими**. Роман.....172

Янги нашрлар.....205

ТОШКЕНТ
МАРТ

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

Таҳрир ҳайъати:

Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Азиз САИД
Гулнора МУҲАММАДЁРОВА

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ
Абдулла АРИПОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Анвар ЖАББОРОВ
Абдулла ИСМОИЛОВ
Абдурахим МАННОНОВ
Авазжон МАРАҲИМОВ
Минҳожиддин МИРЗО
Абдулла ОРИПОВ
Баҳодир ХОДИЕВ
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ

Навбатчи муҳаррир А.САИДОВ
Техник муҳаррир У.КИМ
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

Жаҳон адабиёти, 3. 2010

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 15.04.2010 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 2300 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги НМИУда чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2010 й.**

Дунё эътироф этаётган китоб

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг Ар-Риёд, Жидда, Дубай ва Абу-Даби шаҳарларида тақдимотлари бўлиб ўтди

Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир. Бу – буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг биз, авлодларга асрлар оша мерос бўлиб келаётган ўғитларидан бири. Муҳтарам Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарини қайта-қайта ўқир эканман, ҳар сафар ушбу ўғитнинг нечоғлиқ ҳаққоний ва ҳаётий эканига ишонч ҳосил қиламан.

Мен бу китобнинг пойтахтимизда ўтказилган дастлабки тақдимотида, ушбу асар муҳокамасига бағишлаб жойларда кенг жамоатчилик билан бўлиб ўтган учрашувлар, жонли суҳбатлар ва турли анжуманларда иштирок этдим. У ҳақдаги фикрларимни оммавий ахборот воситалари орқали билдирдим.

Айни пайтда китобда илгари сурилган ғоя ва қарашлар, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, жамиятимиз маънавиятини асраб-авайлаш ва юксалтириш, халқимизни, айниқса, ёш авлодни турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилишда ана шу асардан келиб чиқадиган энг муҳим ва долзарб вазифалар ҳақида таниқли олимлар, файласуфлар, ижодкор зиёлилар, журналистлар томонидан ёзилган мақола ва шарҳларни мунтазам ўқиб-ўрганиб боряпман. Шу аснода бу, ҳақиқатан ҳам, чуқур маъно-мазмун, бугунги маънавий тараққиётимизга бевосита дахлдор бўлган долзарб ва муҳим амалий ҳулосалар билан йўғрилган асарнинг янги-янги қирраларини кашф этапман.

Бинобарин, Юртбошимизнинг бу китоби биз учун бир марта ўқиб қўйиладиган асар эмас, балки барчамизнинг иш столимиздан доимий ўрин эгаллаган, мунтазам фойдаланиладиган, янада аниқроқ айтганда, ҳар биримиз кундалик фаолиятимиз давомида тез-тез муурожаат қилиб турадиган, том маънода дастуриламал қўлланма. Буюк Соҳибқирон бобомиз таъбири билан айтганда, бу китоб – биз учун ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

Авваламбор, китобда одамзот учун ҳамма замонларда энг муҳим масала бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилади. Президентимиз бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонларини – мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон

талаблари даражасида ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар мисолида ва бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда — ҳар томонлама кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этган.

Асарда “маънавият” категориясининг моҳияти чуқур очиб берилган. Муаллиф: **“маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”**, деб ёзади.

Китобда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, **маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак**. Шу боис асарда айнан инсон ва унинг маънавий оламига хос белги ва хусусиятлар янгича қарашлар негизида ёритилган. Бу китобда инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга эканини кўрсатиш, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритилгани, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиб, ёш авлодимизни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифалар аниқ белгилаб берилгани мен иштирок этган учрашув ва мулоқотларда кўпчилик томонидан қайд этилди.

Асар муаллифи ёзганидек, бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамокдамиз. Кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тариқасида таассурот уйғотмоқда.

Юртбошимиз глобаллашув тушунчасининг моҳияти ҳақида тўхталар экан, ҳозирги пайтда ер юзининг қайси бурчагида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топаётганига эътиборимизни қаратади. Дарҳақиқат, бугунги серқирра ва ранг-баранг ҳаётимизни кимдир юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври, деб таърифламоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

Ўзингиз ўйланг, Президентимиз китобининг дастлабки тақдимотидан буён ўтган қисқа фурсатда бу асар наинки юртимиз аҳли, айни чоғда жаҳон жамоатчилигининг назарига тушди. Бугун унинг турли тиллардаги таржималари бутун дунёга тарқалмоқда, атрофлича ўрганилмоқда, таҳлилу талқин этилмоқда.

Айниқса, “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарининг Ар-Риёд, Жидда, Дубай ва Абу-Даби шаҳарларида яқинда бўлиб ўтган тақдимотлари Шарқ дунёсида ушбу китобга қизиқиш катта эканининг амалий тасдиғи бўлди. Юртимизнинг бир гуруҳ олим ва мутахассислари қатори мен ҳам ана шу тадбирларда иштирок этиш бахтига мушарраф бўлдим.

Давлатимиз раҳбари глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида тўхталиб, холисона эътироф этганидек, бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ кўшнилари, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакат бу жараёндан четда қолаётгани йўқ.

Шу маънода, глобаллашув — бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. Ана шундай шиддатли замонда Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгилашни ва иқтисодий

ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштиришда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки каби йирик халқаро иқтисодий тузилмалар қатори Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа нуфузли молия ташкилотларининг роли ва ўрни ҳам бениҳоя ортиб бормоқда. Шу борада дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан араб давлатлари билан яқин муносабатлар ўрнатилгани ҳам ижобий самара бермоқда.

Сафаримиз давомида бўлиб ўтган учрашув ва мулоқотларда ана шу дўстона алоқалар тобора кучайиб бораётгани, ўзаро ҳамкорликдан нафақат бизнинг халқимиз, балки араб дунёси халқлари ҳам бирдек манфаатдор эканини яна бир бор ҳис этдик.

Ар-Риёд – Саудия Арабистонининг пойтахти, 6,5 миллион нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳобатли ва кўркам шаҳар. Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг араб дунёсидаги дастлабки тақдимоти ана шу шаҳарда бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ислом дунёсида ўзига хос нуфузга эга бўлган Подшоҳ Файсал номидаги исломшунослик ва тадқиқотлар марказининг муҳташам зали мазкур мамлакатнинг ижтимоий соҳаларда, таълим, маданият, маънавият масалалари бўйича фаолият олиб борадиган вазирликларининг раҳбару мутахассислари, нуфузли университетлар ва илмий-тадқиқот институтлари олимлари, иқтисодчилар, сиёсатчилар, журналистлар, турли давлатлар элчилари билан гавжум бўлди.

Саудиялик таниқли олим, доктор Туркий бин ал-Саҳув ал-Утайбий бошқарган, Файсал номидаги исломшунослик ва тадқиқотлар маркази бош котиби доктор Яҳё бин Жунайд иштироқида бўлиб ўтган конференциянинг ниҳоятда қизиқарли ва жонли ўтганини, аввало, Президент Ислом Каримов асарида кўтарилган долзарб масалалар бу мамлакат жамоатчилигида катта қизиқиш ва эътибор уйғотгани, анжуман аҳлининг чуқур эҳтиромига сазовор бўлгани, қолаверса, йиғилганларнинг аксарияти китоб мазмун-моҳиятини яхши ўқиб-ўргангани билан изоҳлаш ўринли, назаримда.

Бўлиб ўтган қизгин фикр алмашувларда “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида нафақат ўзбек халқи, балки бошқа Шарқ халқлари, бутун инсониятнинг эртанги истиқболга дахлдор ўта муҳим масалалар улкан сиёсат арбобларига хос теран таҳлил, юксак тафаккур, назарий ва амалий умумлашмалар асосида ёритиб берилгани таъкидланди. Одамзот қанчалик юксак тараққиётга эришмасин, маънавият унинг учун энг муҳим ҳаётий эҳтиёжлардан бири бўлиб қолавериши қайд этилди.

Китоб содда ва раван тилда, таъсирчан ҳаётий мисоллар, мантиқий мулоҳазалар асосида ёзилгани, унинг гуманизм руҳи билан суғорилгани асарни катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқишга, энг муҳим нуқталарини хотирада сақлаб қолишга асос бўлади, деган ҳаққоний фикрлар билдирилди.

Делегациямиз аъзолари Ўзбекистон истиқлол йилларида эришган юксак марралар, давлатимиз ва жамиятимизнинг истиқболи билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб қайтаришди. Миллий қадриятларни тиклаш борасида Ўзбекистонда араб тилида нашр этилган китоб ва альбомлар кўрғазмаси ҳам иштирокчиларда улкан қизиқиш уйғотди.

Тақдирот доирасида Саудия Арабистонининг вақф ва дин ишлари бўйича вазири Солиҳ Ол Шайх билан учрашувда қатнашдик.

Мазкур учрашув давомида Ўзбекистон замини азал-азалдан илму маърифат, дину диёнат, тараққиёт маркази бўлиб келгани, бугунги кунда бу анъаналар қайтадан тикланаётгани, Президент

Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” китоби бу ҳақиқатнинг ёрқин ифодаси экани мамнуният билан эътироф этилди.

Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахти Абу-Даби шаҳридаги Маданият ва мерос марказида ташкил этилган Ўзбекистон Президентининг китоби тақдимоти ҳам гоят фойзли ўтди. Бу марказ ёшлар, зиёлилар йиғиладиган маърифат ўчоғи сифатида машҳур экан.

Амирликнинг кўзга кўринган олимларидан бири, профессор Анад Сулаймон бошқарган ушбу қизгин анжуман якунида шу юртнинг навқирон ва ҳозиржавоб шоири Юртбошимизнинг асарига бағишлаб ёзган қасидасини завқ билан ўқий бошлаганида, китобдаги қуйидаги даъват беихтиёр ҳаёлимдан кечди: **“Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улугламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуг адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди”**.

Дубай ва Жиддадаги тақдирот тadbирлари ҳам шундай сермазмун ва сурурли бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, барча анжуманларда нафақат тadbир ташкил этилган шаҳар вакиллари, балки яқин-атрофдаги шаҳарларда яшаб, фаолият юритадиган олимлар, сиёсатчилар, тadbиркорлар, элчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Жиддадаги тақдирот маросимида, шунингдек, Макка, Мадина ва Тоифда истиқомат қиладиган ватандошларимиз ҳам иштирок этишди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобининг тақдимоти биз борган араб дунёсидаги барча шаҳар ва маданият марказларида юксак даражада ўтди.

Бунинг тимсолида биз она Ватанимизга, халқимизнинг бой тарихи, бебаҳо маданий мероси, унинг қудратли маънавий салоҳиятига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Маънавият, ҳақиқатан ҳам, улкан куч эканига амалда ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Бу китобнинг кучи, ҳаётбахш таъсири юртимиздан узоқ ўлкаларда яшаётган минг-минглаб одамларнинг юрагини ҳаяжонга солиб, уларнинг эзгу интилишларини кучайтиришга хизмат қилаётгани, чиндан ҳам, маънавиятнинг тенгсиз кучидан, унинг қалб мўъжизаси эканидан далолат беради. Биз дунёга улуг маънавият даҳоларини етказиб берган қадимий ва бетакрор диёрнинг фарзандлари эканимиздан, муҳтарам Юртбошимиз буюк аждодларимиз анъаналарини тиклаб, уларни замонавий асосда давом эттириб, юксак босқичга кўтараётганидан қалбимиз гурур-ифтихорга тўлди.

Шу ўринда навқирон Ўзбекистон, унинг ўсиши, тараққиёт омиллари, ёрқин сиймолари ҳақидаги “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарининг араб тилида чоп этилгани ва ушбу мамлакатларда чуқур илдиз отаётганидан қалбимиз қувончга тўлди.

*Абдуғафур РАСУЛОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети профессори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби*

Шоир таваллудининг 200 йиллигига

МУЛЛАНАФАС

Нафас, сен сўзласанг улус-элларда...

ФИРОҒИЙ

Умр узоқ, йўл қисқадир, ўтдинг сен
Сўзла, кўрай, йўлинг қайда, Фироғий?!
Бу сўзларни фикр айлаб ётдинг сен,
Очгин кўзинг, элинг қайда, Фироғий?!

Тунов куни бу дунёга келгандинг,
Яхши-ёмон фарқин сайлаб билгандинг,
Ўзинг аяб, япроқларни ўйландинг,
Сўзла қани, гулинг қайда, Фироғий?..

Жайрон овлаб, тоғ устида кезардинг,
Ўнгингда не бўлар, кўриб сезардинг,
Насихат-таълим деб дoston ёзардинг,
Қайда қолди сенинг кўнглинг, Фироғий?

Эрон томон оғир лашкар тортардинг,
Осмон юзин туман бўлиб ёпардинг,
Бошқа бўлди, умр шу! – деб ўтардинг,
Дандон тушди, тилинг қайда, Фироғий?

Қани ул дўстларинг, ганим душманинг,
Қани чечан бўлган тўти забонинг,
Қани боғ ичида битган райҳонинг,
Хаёл ичра ҳолинг қайда, Фироғий?

Бу не гафлат, яна қола билмассан,
Кўл узатиб, нарса ола билмассан,
Энди томошалар кўра билмассан,
Куръон тутган кўлинг қайда, Фироғий?

Вайрон бўлди қурган гўзал уйларинг,
Тепангдан туғмади кунинг, ойларинг,
Ўқсиз қолди элда камон-ёйларинг,
Ари йиққан болинг қайда, Фироғий?

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Дунё неча оғоч – барин санардинг,
Қайси ўтда нокор бўлиб ётардинг,
Эронда, Афғонда гўё ёнардинг,
Сувда сузган солинг қайда, Фирогий?

Кўр, боқ, ўйлан, сенинг тугади умринг,
Ватандан айрилди ул қилган амринг,
Пўстлади, қўкарди пўлатинг, темринг,
Жон берувчи сувинг қайда, Фирогий?

Омонат олдинг сен, эгаси сўрар,
Келтирар ҳар кун деб йўлингга қарар,
Қўй, достонинг сенинг ҳалиям ярар,
Олтмиш кечган солинг қайда, Фирогий?

Туркманнинг ичинда маълум мастона,
Не озод фикрлар солдинг достона,
Кир, кўрайлик сени ул зимистона,
Келтириб ташлади йўлинг, Фирогий?

Хуш қолинг, ватаним, эй гўзал элим,
Мамметжума дўстим, мулла Залилим,
Энди гаплашмоққа келмагай тилим,
Кечди порлаб турган ҳолинг, Фирогий!

КЕЛСА

Ҳинди овчилари чиқса шикорга,
Ўзга ов истамас “Фил!” саси келса.
Ўтов тузоқ бўлса булбули зорга,
Ўтовга ўт солар “гул” саси келса.

Жайроннинг боласин боқсанг, бажарсанг,
Сув ўрнига шакар-шарбатлар берсанг,
Ем қилиб гул берсанг, бир куни кўрсанг,
Ватанга қўл силтар “чўл” саси келса.

Зиқна бойлар севар тангани, молни,
Бир кун бетоб бўлиб кетса мажоли,
Ҳатто тебранмоққа бўлмаса ҳоли,
Сакраб турар агар “пул!” саси келса.

Бузуқ қарор этмас якка эр билан,
Дўстин кўрса, бўлмас касби-кор билан,
Йўлга кирмас таёқ билан, зўр билан,
Яхши зан¹ таш қочар “кел!” саси келса!

Қулга давлат келса, билмас отасин,
Нақд бор: “хар семриб, тепар эгасин”,
Қирқ чиллада кўрсанг тўнғиз боласин,
Урар-да, қочади “жул” саси келса.

¹ З а н – аёл.

Яхши зан суханвар бўлса сипойи,
Юзи мисли моҳтоб, ўн тўртнинг оий,
Қочар бадхўрлардан сўз отган сайин,
Чироқ ибo қилар “ел” саси келса.

Бадаслнинг кўнгли яйрар шарр десанг,
Ҳаргиз кетмас, эл дардига юр десанг,
Муллаларнинг жони чиқар “бер” десанг,
Янгидан жон кирар “ол!” саси келса.

Қорун мулкин олса бир эр ётиши,
“Пулим оз” дер, ҳар кун чекар нолиши,
Нуҳ умрига эга бўлса бир киши,
Ёқмас қулоғига “ўл!” саси келса.

Нафас, сен сўзласанг улус-элларда,
Булбул шайдо бўлар тоза гулларда,
Асал эзган даҳан ичра тилларда,
Ари ҳужум айлар “бол” саси келса.

ОЙ ЭНДИ

Висолингдан ғамгин кўнглим очилди,
Фирқатингда алиф қаддим ёй энди.
Олам аро юзинг нури сочилди,
Туғилмагай ўзинг каби ой энди.

Саҳар ели зулфинг паришон этар,
Ғамзанг – ўқдир, жигар-бағрим қон этар,
Шум рақиблар кўрса ҳолим танг этар,
Қиз, айлагин ўз кўйнингда жой энди.

Сендан ўзга ёрни кўзим кўрмасин,
Аллоҳ менга сенсиз ҳеч завқ бермасин,
Сен бўлмасанг, дунё бир дам турмасин,
Йиқилсам ҳам демам асло “вой” энди.

Нафас дер, бир ёр деб белим боғларман,
Ориф – ўзим, дўстларимни сақларман,
То ўлгунча “Дурдихон” деб йиғларман,
Кўзларимдан тўлиб оқсин сой энди.

ЁДИМА ТУШДИ

Ногаҳон кезардим гулу гулшанда,
Гулгун дудоқларинг ёдимга тушди.
Олма-анорингга кўзим тушганда,
Олма яноқларинг ёдима тушди.

Ҳар дардингдан чекдим фиғону нола,
Алифдек қоматим ўхшади дола,
Орзу айлаб, етолмайин висола,
Айрилиқ чоғларинг ёдима тушди.

Юзларинг шам эрур, сиёҳ кокиллар,
Сочларинг монанди мору сунбуллар,
Чаманлар боғланди, жамъ бўлди гуллар,
Бошдан-оёқларинг ёдима тушди.

Сенинг ҳасратингдан сарғайиб-сўлдим,
Жабринг тиғи билан бағримни тилдим,
Юз минг армон билан сендан айрилдим,
Ул кезган чоқларим ёдима тушди.

Нафас айтар, бағрим доғлар ичинда,
Базм айласам оқ ўтовлар ичинда,
Бодом камол топмиш боғлар ичинда,
Бодом қовоқларинг ёдима тушди.

ЁР БИР ЁНА, БИЗ БИР ЁНА

Тири пайконин гизлаюр
Қош – бир ёна, кўз – бир ёна.
Даҳанин очиб сўзлаюр
Тил – бир ёна, сўз – бир ёна.

Хазон айрилмас гулимдан,
Бир газал ёздим тилимдан,
Яшилбош учди қўлимдан,
Сув – бир ёна, гоз – бир ёна.

Севгилим кўзимдан учди,
Бориб рақибларга тушди,
Бир сўз била айрилишди
Ёр – бир ёна, биз – бир ёна.

Безаниб, жоним оларлар,
Кўрганлар ҳайрон қоларлар,
Ясанарлар, солланарлар,
Келин – бир ён, қиз – бир ёна.

Қулоқ солинг ушбу зора,
Сўзласин Нафас бечора,
Тилди бағримни сад пора
Тиғ – бир ёна, тир – бир ёна.

ТИШЛАРИНГА

Дур дарёдан чиқа билмас
Назар қилса тишларинга.
Дўзах мени ёқа билмас
Ёнибман оташларинга.

Ой сендан чирой олгандир,
Десалар, бу сўз ёлғондир,
Алифдек қоматим нундир,
Сажда айлаб қошларинга.

Бу дунё ҳам рўзи маҳшар,
Хайр этсанг — хайр, шарр этсанг — шарр,
Раҳмат кўкдан ерга тушар,
Тегиб кетиб сочларинга.

Кўп соғингандим мен ўзингни,
Эшитай калом-сўзингни,
Муносиб айла ёзингни,
Дучор этма қишларинга.

Топмоқликда мушкул кондир,
Топмаслик баъзан осондир,
Бандаман, ақлим ҳайрондир,
Санъатинга, ишларинга.

Нафас дер, чекарман зоринг,
Орзуйим — сенинг дийдоринг,
Жон фидоси — менман, ёрим,
Юзим суртсам тошларинга.

МУЛЛАНАФАС

Фафлат уйқусида қолдинг,
Уйғон энди, Мулланафас!
Гоҳ сарғайиб, гоҳи сўлдинг,
Уйғон энди, Мулланафас!

Ҳижрон дилга дард доғлашар,
Сени кўрсам деб чоғлашар,
Севар ёринг кўп йиғлашар
Уйғон энди, Мулланафас!

Бу дунёга дурлар тўлди,
Ойлар қочди, кунлар қолди,
Турғил энди, вақтинг бўлди,
Уйғон энди, Мулланафас!

Бир ёр келди олма-норли,
Булбул занахдон, гуфторли,
Фафлат уйқусинда зорли,
Қолдинг, уйғон, Мулланафас!

Қурсин-ай ёрнинг фироқи,
Бу дунё эмасдир боқий,
Шикастлаб ҳижроннинг ўқи,
Тегди, уйғон, Мулланафас!

Ёд айлади севар ёрни,
Оқ кўксида олма-норни,
Зулфлари эслатар торни,
Уйғон энди, Мулланафас!

Қора кўзларнинг қастига,
Махмал ёйди ёр устига,
Ола ўйманинг устига,
Отди, уйғон, Мулланафас!

Етар эрта маҳшар куни,
Қақшатар жонлару танни,
Ёр, уйқуда, дея сени,
Ўпди, уйғон, Мулланафас!

Сен ётибсан юрак доғлаб,
Белингни ҳижронга боғлаб,
Ифор олиб, кўп сийлоғлаб,
Сепди, уйғон, Мулланафас!

Нафас, келгин сен ҳушинга,
Кўп ўйин келар қошинга,
Ҳийла билан ёр ташинга
Тузоқ қурди, Мулланафас!

ҚУРБОНИМАН

Қора сочинг ўсиб ётар,
Ёрим, шунинг ҳайрониман.
Шамол тегса, анқиб кетар,
Ақлим кетиб, қурбониман.

Келсанг бизга йўлни бошлаб,
Сочинг санарман қулочлаб,
Қараб турсанг бармоқ ташлаб,
Кулар юзинг қурбониман.

Уйғонурсан кечалари,
Зулфинг сенинг — тоғлар мори,
Оқ кўксингда қўш аноринг
Бўлсам кириб боғбониман.

Фалак келар эсиб ели,
Фарқ этибдир кўзда сели,
Дўстлар, ёрнинг ул сунбули —
Мордир, унинг қурбониман.

Фалак қўймас бойитмоққа,
Тилим юрмайди айтмоққа,
Кўзим қиймас уйғотмоққа,
Жисми ичра жонониман.

Келар ёрим олтин тақиб,
Ошиқларин жонин ёқиб,
Уйга кириб, тўғри боқиб,
Кулганларин омониман.

¹ М а х м а л — бахмал ёпинчиқ.

Мендан бошқа севган кўпдир,
Ёлгон эрмас, сўзим ҳақдир.
Ол ёноқдан терни оқтир,
Сиёҳ зулфларнинг шониман.

Йигит келар чархин қуриб,
Асбобига тумор бериб,
Кўзин юмар, юзин кўриб,
Осмондаги тобониман.

Кўп йиғларман, ёрим билмас,
Насиб тортмас, қулиб келмас,
Ғариб дила қўлин солмас,
Билса, парилар жониман.

Оҳ, Нафас, сен бўлдинг гадо,
Ул ёрингдан қолдинг жудо,
Ноҳақ қилдинг жонинг фидо,
Бечоралар армониман.

КЎЗИНГ БИЛАН

Нечун дали айладинг,
Севгилим, кўзинг билан?

Мени ҳайронлар қолдирдинг
Ул тўти сўзинг билан.

Шуъла солдинг олама,
Ёр, нурли юзинг билан.

Ой-кунни банди қилдинг,
Қош қоқиб кўзинг билан.

Сайрон қилдинг чаманни,
Сўнаю розинг билан.

Капалакдай бегадинг
Тоғ-тошни тўзинг билан.

Вафо қилмадинг манга,
Ўтди кун ёзинг билан.

Сайр айладинг кундузлар
Сен келин-қизинг билан.

Уйқудан уйғотдинг сен
Ул тилла созинг билан.

Хоҳламадинг, севмадинг
Қора қош кўзинг билан.

Босган изинг ўпмадим,
Ўтдингми тизинг билан.

Булбулни солдинг дардга,
Ширин овозинг билан.

Тўй-томоша айларсан,
Сухбатли бозинг билан.

Жасадимни тош этдинг,
Қиш фасли музинг билан.

Нафас айтар, ўлдирдинг
Охирда нозинг билан...

Улуғ туркман шоири

XIX асрда яшаб ўтган туркман шоирлари орасида энг машҳурларидан бири, туркман мумтоз адабиётида “ишқ мулкининг султони” деб ном олган ажойиб шоир Муллонафас Қодирберди ўғли (1810-1862) ижодида Шарқ шеърияти анъаналарига хос панд-насихатлар, халқона қадриятлар, муҳаббат, ватанпарварлик ва бошқа олий инсоний фазилатлар юксак илҳом, шоирона эҳтирос ила қуйланган. Шоирнинг айниқса “Нор кезгин”, “Бедов”, “Истабки гўзал ёрни”, “Ёр, уйғонмадинг”, “Фироғий”, “Келса”, “Жон ўртанур”, “Ободон келин”, “Ёдима тушди”, “Ёр бир ёна”, “Муллонафас” каби шеърлари туркман халқи орасида каттадан кичиккача барчага ёд бўлиб кетган қадрдон мусиқий сатрлар ҳисобланади.

Шоир 1810 йил Сарахт шаҳрида зиёли туркман уламози оиласида туғилган. У Сарахт, Марв каби номи бутун Шарққа машҳур шаҳарларда вояга етди, мактаб ва мадрасага қатнаб таҳсил олган. Отаси мулла Қодирберди — замонасининг ўқимишли, илғор фикрли инсонларидан бўлиб, унинг хонадонидида ўша замон илм-фан соҳаларига — тарих ва адабиётга, фалсафага ва фикрга, ҳадис ва илму-одобга оид кўплаб китоблар тўпланган эди. Нафасбек мана шундай маърифатли, зиёли оилада тарбия кўрди. У оиладаги тўрт нафар оға-иниларининг энг кенжаси, эркатойи эди. Бу хонадонда туғилиб, униб-ўсган фарзандларнинг ҳаммаси саводли, оқ-қорани таниган, теварак-агрофда кечаётган турли хил воқеаларни, илм ва адабиётни яхши тушунадиган, таҳлил қила оладиган, билимли инсонлар бўлиб вояга етган. Оиланинг энг катта фарзанди Оғажон эл-юртга бахши, санъаткор сифатида танилди. Ўдекберди ва Ҳақбердилар ҳам зехни етук, кенг дунёқаршли зиёли, шахслар эди. Муллонафас ёшлигиданоқ мутолаага, китобга меҳр қўйган, ўзи эса узун бўйли, оқ-сарикдан келган, хушрўй-хушқомат йигит бўлганлиги замондошлари хотираларида айтиб ўтилган. Шунингдек, у созандалик, бахшичилик, деҳқончилик, муаллим-мураббийликдан ташқари, чавандозликни, қилич-бозликни ҳам пухта эгаллаган ғайратли, синчи одам бўлган. Нафас аввал отасидан, сўнг қишлоқ мактабида, Сарахтдаги ва Бухородаги мадрасаларда ўқиб таҳсил олади. У Шарқ адабиётининг атоқли намояндалари — Фирдавсий, Низомий, Румий, Хисрав Дехлавий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий ва Навоий, Озодий ва Махтумқули каби сеvimли шоирлар ижодидан баҳраманд бўлиб ўсди. Уларни ўзига устоз деб билди. Унинг бу каби талпиниши ва интилишларини “Кўнглим” шеъридаги сатрлар ҳам тасдиқлайди:

Низомий, Навоий, яна Фирдавсий,
Румнинг гулистони, Ҳинднинг товуси,
Ёлғончи дунёдан ўтарман осий,
Сизга кўп ҳурматлар қўйгандир кўнглим!

Шеъриятдаги илк қадамлариданоқ Махтумқули Фироғийни ўзининг маънавий устози деб танлаган Нафас бу улуғ донишманднинг халқона, чуқур маъно-

ли, ўткир фалсафий фикрларга бой шеърларини кўп мутолаа қилар, ёд олар, ўзи ҳам Махтумқулининг сеҳрли байтларидагидек кучли фалсафий фикрларни, қудратли маҳоратни, бадииятни, ҳис-туйғуларни оддий, халқчил сатрларда ижро этиш йўлларини ўрганар эди. Шоир ўзининг маънавий устозига бағишланган шеърда унинг руҳига муурожаат қилиб, шундай сатрлар битади:

Туркманнинг ичинда маълум мастона,
Не озод фикрлар солдинг достона,
Кир, кўрайлик, сени ул зимистона
Келтириб ташлайди йўлинг, Фирогий.

Мулланафас ижодида асосий ўрин эгаллаган, унинг туркман адабиётидаги мавқеини белгилаб берган мавзу — шубҳасиз, унинг ишқий лирик шеърларида озод-эркин инсоннинг муҳаббати эди. Албатта, ишқ-муҳаббатли сатрлар туркман шеърлятида Мулланафасгача ҳам, ундан кейин ҳам кўп ёзилган, кўп куйланган, қўшиқ қилиб айтилган. Аммо Мулланафас ижодида севги-муҳаббат, соф эҳтирослар, инсоннинг гўзал ва фидойи туйғулари бадиий тилда шундай юқори даражага кўтариб куйландики, инсон умрининг бебаҳо ёшлик чоғлари, такрорланмас ишқий лаҳзалар — бадиий образларга, гўзал тасвирларга, туйғулар таронасига эврилди ва туркман шеърлятида боқий-адабий сатрларга айланди. Зеро, Нафаснинг ўзи — бутун вужуди муҳаббат билан, гўзаллик билан, эҳтирос ва ҳалоллик билан чулғалган, гўзалликка ҳизмат қиладиган чинакам оташин қалб эгаси эди.

Воҳ-воҳ, ажойиб сийм тан,
Шулдир мени Мажнун этган,
Оқликда баҳс айлар бадан
Қирқ чилланинг қори билан, —

каби ўйноқи сатрлар, ёки қуйидагича машҳур кўшиқ бўлиб ўзбек халқи қалбидан ҳам абадий жой эгаллаган мисралар Нафас шоир ижодидаги олтинланган, нурланган, шуълаланган гўзаллик ва малоҳат тасвирлари деса бўлади:

Истабки гўзал ёрни, кўрдимки саломатдир,
Бош кўйдим оёғина, “Тур! — деди, — не ҳолатдир?”
Турдим, дедим: “Арзим бор!” — “Айт, деди, адолатдир!”
Дедим: “Сенга ошиқман!...” “Кўй, деди, на ҳожатдир?”

Бундай оташ табиатли муҳаббат тасвирларини биз унинг “Зухра — Тоҳир” достонида ҳам кўраимиз. Машҳур халқ афсонаси асосида ёзилган бу дoston чин муҳаббат талқини, инсон эркинлигини куйловчи дoston сифатида довруғ қозонди. Худди шу ўринда ўзбек адабиёти заминида яратилган XVI аср ўзбек шоири Сайёдийнинг дostonини, атоқли қаламкаш Собир Абдулланинг драмасини, Наби Фаниевнинг жаҳон экранларини айланган буюк фильмини эслаб ўтиш айна муддао бўлар эди. Дарҳақиқат, ўзбек адабий заминида пайдо бўлиб, турк, татар, озарбайжон, қримтатар, туркман ва бошқа халқлар орасида машҳур бўлган, сайқалланган ошиқ-маъшуклар қисмати ҳақидаги сюжет асрлар мобайнида турли халқлар оғзак адабиётида соф муҳаббатни, инсоний гўзалликни кўкларга кўтарган, вафо-садоқатни улугловчи бебаҳо асар сифатида кенг тарқалди. Тоҳир ва Зухраларнинг номи ҳам эндиликда жаҳон адабиётида машҳур бўлган Лайли ва Мажнун, Тристан ва Изольда, Фарҳод ва Ширин, Ромео ва Жульетта, Ғариб ва Шоҳсанам, Юсуф ва Зулайҳо, Кўзи Кўрпеш ва Баянсулув, Саёдхон ва Ҳамро сингари ошиқ-маъшуклар қаторида, жозиба таратиб турибди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш ўринли бўлар, гарчи Мулланафаснинг бир-икки шеърларида турлича қизлар исми учраса ҳам, шоир умри мобайнида аёли Бўстонтож билан бахтли ва шод-фаровон яшаб ўтганлиги ҳам бугунги ёшлар учун ибратли бир адабий воқеадир (шоирнинг ишқ-муҳаббат бобидаги тақдирини “ибратли” деб тақдим қилаётганимизнинг маъноси шуки, у “Зухра ва Тоҳир” дostonида ўзининг ва умр йўлдошининг номини асардаги мударрис, отиний эр-хотинларга бериб, уларни Мулланафас ва Бўстонтож элти исмлари ила улуглайди!). Айтган-

дай, шоир фарзандлари – Муҳаммадраҳим ва Муҳаммадрасулларни ҳам айнан ўша ибратли соф муҳаббатнинг, ўтли туйғуларнинг сармеваси деб қараймиз. Муҳаммадраҳим ҳам отаси йўлидан бориб, шоир бўлиб етишди, туркман адабиёти, китобат санъати гуллаб-яшнашига ҳисса қўшди. Унинг отаси Муллонафас билан қилган мушоираси сақланган бўлиб, бу ҳам туркман адабиётида ўзига хос ибратли, ноёб ҳодисалардан ҳисобланади.

Энди шоирнинг сўнгги кунлари ҳақида бир-икки мухтасар сўз. Бу ердаги гапнинг индаллоси шундан иборатки, юқорида айтиб ўтганимиз каби, Муллонафас шоир бўлиши билан бир қаторда халқона урф-одатларга, қадриятларга қаттиқ эътиқод қилган инсон эди. Туркманлар – от парвариш қилиш, от етиштириш санъатини илм-фан даражасида юксак тутадиган халқ. Муллонафаснинг чавандозлиги, от илмини (тарбиялаш, боқиш, парваришлашни), созилачиликни яхши билганлигини, жанговар тайёргарлиги устун бўлган эр инсонлигини айтиб ўтдик. Тарихдан маълумки, XIX асрнинг 50-60 йилларида туркман халқининг Эрон ҳукмдорлари билан муносабатлари жуда кескинлашган бир давр эди. 1861 йилдаги Қожор қўшини босқинлари туркман халқининг ватанпарварлик туйғуларини, ҳарбий иқтидорини кўз-кўзловчи воқеаларни намойн қилди. Айрим тарихчилар Муллонафас шоир мана шу воқеалар гирдобидида оғир жароҳат олганлигини, кейинчалик эса шу савашда етган жароҳатлар туфайли қазо қилганлигини тахмин этадилар. Бу тахминларнинг чинлигига ишонса бўлади. Зеро, Муллонафас – ватанпарварлик туйғулари қайнаб-жўшиб турган инсон, қиличбозликни пухта эгаллаган жангчи одам эди. Шундай жўшқин табиатли одам ватанига ёв аскарлари бостириб келган пайтда умумхалқ савашидан четда қолиб кетиши сира-сира мумкин эмас эди. Бинобарин, Муллонафаснинг қазо қилиши, вафотининг тафсилотлари ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлмасак-да, уни – ватан озодлиги йўлида шаҳид кетган, жонини фидо қилган юртпарвар, халқпарвар жангчи сифатида тасаввур қиламиз, айнан ана шундай шарафли ўлим топганлигига ишонамиз.

Муллонафаснинг лирик шеърлари, унинг ишқ-муҳаббатни куйлаган асарлари, “Зухра ва Тоҳир” достони ўтган юз йиллар мобайнида туркман тилида кўп мартаба, катта-катта адабларда нашр этилди ва халқ ичида кенг тарқалди. Шоирнинг деярли барча шеърлари туркман бахши-созандалари томонидан куйга солинган, севиб айтилган. Ҳозир ҳам радио-телевидениеда Муллонафас шеърлари, қўшиқлари ёки “Зухра ва Тоҳир” достонидаги машҳур сатрларнинг янги рамаган кунини йўқ. Айтгандай, ўзбек халқи учун ҳам Муллонафас аллақачон сеvimли номга айланган. Унинг шеърларини Комилжон Отаниёзов, Назиржон Раҳимов, Отажон Худойшукуров, Ортиқ Отажонов, Каримбой Раҳмонов каби ҳушовоз санъаткорлар ижросида кўп тинглагансиз. Мана эндиликда улуғ шоир ижодидан қилинган таржималарни ўқиш баробарида унинг сеҳрли сатрлари ила янада ичкироқ, янада яқинроқ танишдингиз деган умиддамиз.

Музаффар АҲМАД



Розия ТУЖЖОР

Ҳикоялар

ПАРВОЗ

Кунботар тоқларнинг елкасига қўнган. Ковушларимни ечиб, оёқларимни муздек сувга топширдим. Кунботар ёйдек елкамда иккита қанот ўстириб чиқарган бўлиб, бир соатлардан кейин оҳиста буғланганича ложувард сувда йўқ бўлиб кетса керак.

Дарахтлар ортига яширинган дарахтлар тепасидан қишлоқни кўрса бўладиган бир оралиқ топдим. Сув шивирлаб қўшиқ айтар, мен эса гоҳ қўнгил бериб, гоҳ ундан безиб у билан бирлашаман-да, бирга-бирга кетаман. Тошларнинг устидан ва остидан, ҳай-ҳайлаганча ва ҳарсиллаганча бирга кетамиз, бирга югурамиз ва бирга келамиз. Қаердан... қаергача?

Бу ердан ерости дарёсининг у томонигача. Юқори маҳаллагача. Узоқдаги харобаларгача. Қишлоқ қабристонигача. Чароғон узумзорларгача. Сўнгра айланамиз: қишлоқ, тегирмон, лойқа сувли дарёлар ва буғдой омбори атрофларини. Қайтганимдан сўнг сенинг оёқларинг изи тушган ва бугун кечаси яна бир бор сени кўргани келмоқчи бўлган ўша тупроқни етти марта тавоф қилганимга, етти марта қайтиб келганимга, етти марта кўрганимга ва етти марта ўпганимга амин бўламан.

Узоқдан тутун устунлари кўринади. Кунботарнинг симобий ранги унда шовқин уйғотган етти баланд устун. Етти устун сувда чайилган гуручлар ва сенинг келишинг шарофатига сўйилган қўйларнинг гўшти солинадиган бир неча пудлик қозонларнинг борлигидан дарак беради. Сен бир соатдан кейин келасан. Шамол ҳам палов сузилган лаганларнинг ҳамда ёмон кўзларни оловда куйдирадиган исириқларнинг ҳидини олиб келади. Худди ҳозир ҳам чолғучилар чалган куйнинг, шунингдек, оёқяланг ва кўзлари чақнаган ҳолда уларнинг ортидан

*Форсчадан
Шокиржон ОЛИМОВ
таржимаси*

Ушбу ҳикоялар ҳозирги Эрон адабиётининг машҳур аёл ёзувчиларидан бири Розия ТУЖЖОР қаламига мансубдир.

Розия Тужжор 1947 йилда Техрон шаҳрида дунёга келган. Унинг болалик даври Техрон шаҳрининг маҳаллаларидан бирида ўтди. Ўрта мактабни тугатгач, университетнинг психология факультетида таҳсил олади. 1985 йилдан бошлаб ҳикоянавислик билан шуғуллана бошлайди. Унинг илк ҳикоялар тўплами “Ҳикоя тақвими тўғрисида сура” номи билан босилиб чиққан. Бугунгача адибанинг бир неча асари китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган. Жумладан, «Ойнали аёл», «Етти тугун», «Наргислар», «Илдизларга саёҳат», «Ишқдаги шуъла», «Сабр тоши», «Акация кўчаси», «Хайрли тун», «Шуъла ва тун» каби бадиий асарлар ёзувчининг ижодида алоҳида ўрин тутди. Адибанинг ҳикоялари инсоннинг ички дунёсига қилинган сафарнинг баёнидан иборатдир.

Розия Тужжор бир неча йиллардан буён уч ойлик “Насрий адабиёт” журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси. Шунингдек, у Эрон “Қалам” жамиятининг таъсисчиларидан ва бошқарув кенгашининг аъзоларидан бири ҳам ҳисобланади.

югурганларича уларга жўр бўлиб кўшиқ айтаётган болаларнинг овозини олиб келаётгандай.

Шодлик бир йўловчидир. У уйдан бу уйга, у маҳалладан бу маҳаллага ўтиб юради. Унинг учун ҳеч қандай девор, ҳеч қандай эшик зулфини ва ҳеч қандай занжир йўқ. Бунда ҳамма бир-бирини топа олади ва отини айтиб чақира олади. Худди сен яхши кўрганингдек.

Бир болакай қишлоқдаги энг баланд ёнғоқ дарахтининг тепасига чиқиб олганича, ҳар доимги одагга кўра, қишлоққа кириб келаётган биринчи йўловчини кўриши билан жар солиб, қишлоқ аҳлини бундан хабардор этади. Ундан салгина нарида баланд бир шохда худди фазода чизилган қоп-қора сўроқ белгисига ўхшаган бир қарга кўниб турибди. Уни кўриб, кўнглим айнийди. Оғир, оғир.

Айтгандай, нега бу ерда турибман? Балки, узоқ муддатли ваҳима ва қарама-қаршилик мени бу ерларга етаклаб келгандир? Балки...

Кунботар тоқларнинг елкасидан учиб кетади. Менинг қанотларим ўз тусини йўқотади. Қишлоқ алангалар, ранг-баранг фонуслар ва тўрсимон чироқлар ёруғида чарақлайди. Сувга тушган тош тўлқинлар устига тўлқинлар, айланалар устига айланалар солади. Мен эса орқамдаги ўрмоннинг қоронғи бурчагида, қаршимдаги дарахтларнинг шовқин-суронида ва оқаётган сувнинг шивирлаб кўшиқ айтишида ўша кунни эсга оламан.

Мен борман ва отам бор. Машина, энг катта тезлик. Ҳаракат ва қочиш. Шаҳар ва шовқин-сурондан қочиш. Илонизи йўл ва дарахтларнинг бир-бирига ёпишиши. Яшил рангдаги узун бир чизиқ ва дарё узра нурнинг акси. Ўрмон, ҳамма ёқ яшил. Қоялар юзасига ўйиб туширилган. Вақт чизиғи синган. Ғам чегарасининг у томонига отиб юбориш. Барчаси шодлик ва руҳнинг чўзилиши.

Ногаҳон ёруғлик чакмонига ўралган баланд бўйли одамнинг қома-тига ўхшаб кетадиган узун бир нур устунини тушади. Кескин берилган тормоз. Айланиш ва яна айланиш. Баланд бир овоз. Тошга урилиш. Тўсатдан тўхташи. Нафаснинг ҳам. Кўрқувданми ёки тинчланганликдан? Менинг оғзим очилиб қолган. Қичқириқсиз. Отам кўлини юзига босди.

Қарайман. Бир дарахтни кўраман. Тик ўсган. Унда кўзгунинг катта-кичик бўлаклари, сеҳрли бодомлар, минг кўзли гуллар... Ишонмайман. Аммо бу ҳақиқат. Дарахтда кўзгу бор, кўзгуда эса ариқ, майсазор, ўрмон, булут ва шу томонга келаётган одам кўри-нади.

— Ҳеч нарса қилмадимми?

Отам бошларини ҳайрат аломати билан сарак-сарак қилади:

— Ишонгинг келмайди!

Бояги одам орқасига бурилади ва дарахтга қарайди. Фурур ва шукуҳ билан:

— Кўрганингиздек, бор.

Дарахт осмондир ва дарахт дарё, дарахт қушдир ва яна дарахт...

Ўша одам сенсан.

* * *

Қишлоқ уйғоқ. Тун елкаларига қўнган бўлса-да, уйғоқлиги ярақлашларини ўша чироқлар, алангалар ва юлдузлар ёруғида кўрди. Қарганинг сўроқ белгисига ўхшаб кетадиган шарпаси ҳам йўқолган. Болакайнинг қома-ти ҳам. Аммо аниқ келасан. Биламанки, келасан.

* * *

Баҳор бўлганда келамиз. Яна ўшандагидай мен борман ва отам ҳамда гуллар ва майсаларнинг ерга ва тоққа ёғаетган ёмғири бор. Қишлоқ беҳушдир, майда-майда ёғаетган кулранг ёмғирлар оғушида. Ҳануз дарахт сеҳрли бодомлари билан мағрур ва тик турганича қараб турибди, унинг нигоҳида эса булут, йўл ва ёғаетган ёмғир. Энди ойналар унинг танасидан ўтиб, шохларга етган.

Дарахтнинг кафтларида аланга. Сен эса ҳалиям уни томоша қилиш билан бандсан. Отанг сенга қарайди ва салом овози эшитилади:

– Салом, эски дўстим. Яна бизни ва қишлоғимизни эслаб қолиб-сиз-да? Хуш келибсиз!

– Нур сотадиган кишига салом!

– Мен қишлоқнинг муаллимиман.

Отам жилмаяди:

– Айтдим-ку, нур сотасиз деб.

– Бизнинг қишлоғимизга хуш келибсиз!

– Қишлоқларинг осойишта экан. Шаҳарга қараганда анчагина тинч ва жоннинг ҳузур. Бир неча кун қишлоғингизнинг меҳмони бўлсак бўладими?

Бу қишлоқда ҳар бир йўловчи учун жой топилади.

Сенга қўшилиб борамиз. Сенинг табассуминг эса юзларингга қўшилиб кетган. Ўтиб кетаётиб барча уйларнинг руҳиятига сингиб кетасан. Қишлоқнинг барча аҳолисининг қувончлари ва қайғулари сенга таниш:

– Карбалойи, салом! Эшитдим: мушкулинг осон бўлибди. Мубо-рак бўлсин!

– Авс Ражаб, худо сенга қувват берсин! Ишингнинг ярми битиб қолибди-ку!

– Бувижон, Рустамингдан қандай хабар бор? Яқин орада хат ёздими?

– Ғулломали, сумканг билан китобинг қани? Мактабинг йўқми сенинг?

Келамиз ва қоламиз. Руҳиятингнинг чек-чегараси йўқ. Денгиздан сачраган бир томчи сувни кўраман.

Ҳеч қанча вақт ўтмай отам билан бир нарса тўғрисида гаплашасан. Кўнглингдан кечган бир нарса тўғрисида. Ва отам...

– Сизнинг бирлаштиришингизни маъқуллайман. Маъқуллайман.

Ҳаммаси тезда юз беради. Ҳатто менинг дейишим ҳам:

– Мен ҳам.

* * *

Тун нигоҳи остида ноғора ва қўшноғораларнинг овози баландроқ ва янада баландроқ эшитилади. Ўзи билан бирга болаларнинг шовқини ва аёлларнинг шовур-шувирини олиб келади. Улар қўлларида фонус тутганларича тепаликдан юқорига ўрлайдилар.

– Ҳой, қаердасан, келин? Қаердасан?

Бир бош узум сувнинг ўртасига тушади ва оҳ чекади. Қўлларимни оғзимга қўзача қилиб бақираман:

– Мен бу ерданман... Бу ерда.

Фонуслар яқинроқ келадилар. Улардан таралаётган ёғду юзимни силайди. Энаганинг шубҳа-гумонга тўла овози эшитилади:

– Қаерда туриб олдинг? Яна ҳамма уни кутиб олишга бораётган бир пайтда-я?!

Қишлоқ этагига бош қўйган йўл чизигига қарайман:

- Бораман, ҳозироқ. Фонусларингни нари олинглар. Худо ҳаққи.
- Ҳар доим ҳаммадан ажралиб юрасан, қизгина!

Улар кетадилар. Мен эса юзимни юваман: узумзорлардан ўтиб келадиган ва ҳушидан айрилган ўша сув билан; дарёга қуйиладиган ўша сув билан; ўша дарахтнинг ёнидан ўтадиган ўша дарёга... ўша дарахтнинг...

* * *

Ишқ дарахтининг ёнида турибман: оқ кўйлақда. Тўлқинларга бўлиб ташлайман ва кўнгиб боғлайман. Минг бўлакка бўлиниб кетаман ва яна бирлашаман. Одамлар елкама-елка бўлиб, қизил, сариқ ва мовий дастурмоллари ҳавода елпийдилар. Ноғора, қўшноғора ва яқинларнинг табрик овозлари, тутаётган исириқ ва ёнаётган ўтинларнинг ҳидлари, қизил учқунлар ҳамда руҳимизни бир-бирига пайванд этадиган меҳрибон хутба овози.

– Кўряпсанми? Бу ерда нафас олса бўлади: яшаш учун ва ҳатто ўлиш учун ҳам. Ҳеч қаер бу ер эмас. Қишлоқ... Қишлоқ. Ерда минг илдири, осмонда минг шохи бор.

Куламан.

- Бу ер сенинг туғилган жойинг. Меники-чи?
- Туғилган жой шундай бир жойки, уни севиш мумкин. Севги эса кўлмақ сувнинг устидан ўтиб кетадиган ёрқин бир жимирлашдир.
- Ёки шамол кўлидаги қоқи ўт.
- Баракалла! Ёки қоқи ўт...

Одамлар аста-секин тарқалишади: қизил табассум ва тер томчилари билан. Дарахт ёнида эсдалик учун суратга тушамиз ва у ердан узоклашамиз. Одамлар йўлдан қишлоққа қайтишади. Биз эса ўртадан кесиб ўтган тўғри йўл билан ўрмонга борамиз. Дарахтлар елимларининг ҳиди, ҳаво намлиги ва номсиз гулларнинг ҳайратли нигоҳлари. Бир дарахтнинг орқасидан кичкина бир шайтонча пойлайди. Унга қарата тош отасан.

– Ҳей! Дуо ва тортишув учун ҳам вақт ажратиш керак эканлигини бизга эслатгани келдингми?... Чучварани хом санабсан! Бу орзуйининг оғир юки то абад елкангда қолиб кетади! То абад.

Шайтонча бир чийиллаб қўяди-да, дарахтлар ортида йўқолади. Ер замбуруғлар билан тўла; ва лою балчиқ билан ҳам. Бир неча қадам олдинга юрасан ва мен сенинг ортингдан. Ҳамширалик халатимнинг оқ этаги ҳилпирайди ва мен унинг ифлос бўлишидан хавотирдаман. Калламдан ўтаётган фикрни ўқийсан:

– Кўявер! Ҳамширалик халатининг оқ этагини кўявер. Кўрқма, унга бир парча ҳам доғ қўнмайди. Бирор парча ҳам. Сенга ёқса, халоссан.

Этагимдаги тўрлар ва юлдузларнинг яқинигача келаётган тилларнинг панжаларига қарайман. Улар гуллайдилар ва гулларини оёқларим остига тўкадилар.

Йўлнинг қолганини юрмаймиз. Парвоз қиламиз. Шайтонча ўрмон тубида зор-зор йиғлайди ва йўқолади.

* * *

Қишлоқнинг қалби кутиш азобидан шишиб кетган. Келиш вақтинг яқин қолган. Ариқ қуйлайди ва дарёга қуйилади. Дарё бир қишда юраги яллиғланган ва бутун бошли уч кун эс-ҳушидан айрилган ўша дарёдир. Бутун бошли уч кун.

Дарё наъра тартади, йиғлайди, кулади, кўлини белига қўйганича қай нарсани кўрса йиқитади ва ўзи билан бирга олиб кетади.

Қишлоқ саросимада, одамлар ҳам. Сен эса ҳар доимгидек олдинда. борасан. Оёқларингда этик, эгнингда қора чарм пальто. Кўприк бузилган, бирор-бир йўл йўқ. Мактаб у томонда. Болалар бу томонда.

Қишлоқ аёлларидан сўрадингки, ўтлардан узун тўр, дарёнинг узунлигига тенг келадиган бир тўр тўқишсин. Энди эса эркаклар уни елкаларига ташлаб олишганча тортиб кетишмоқда.

Кўприк аёлларнинг узун кокили каби тирикдир. Ҳансираб нафас олганича кичик балиққа минади. Сувни ёради. Бошқа одамлар ҳам сенга қўшилиб кўприкни дарёнинг қирғоғига улайдилар.

Сув ўкиради, Сен ва бошқа одамлар ҳам. Галаба сизлар томонда: болалар қўлларидан китоб туганларича секин-аста кўприк томон келётганларида, мактаб томонга ўтишнинг имкони бўлганда. Кўзларда ёшнинг гуллаши томоша қилса бўладиганлик манзара.

* * *

Ноғора ва қўшноғораларнинг овози тинган. Бир болакай ёнғоқ дарахти тепасида жар солади. Йўл бурилишида иккита заъфаронранг ёнма-ён чизиқ гимирлайди. Ковушларимни кияман ва шошилганча тепалиқдан пастга тушаман. Ялтироқ курт оёқларим остида ялтираб нур сочади. Қишлоққа яқинлашаман. Баланд тутун устунлари энди нурли олов ҳалқаларига айланган бўлиб, қозонлардан чиқётган буғлар паловни дамлаш учун ёпиб қўйилган латталар остида шишиб кетган.

Уйга бораман. Жим-жит. Худди чорчўп ичидаги расмдек. Кечаси ҳеч ким бу ерда қолмаган. Ҳамма йўл бўйидаги қишлоқ майдонига кетган. Ҳатто сени бир неча дақиқа олдинроқ кўриш улар учун муҳим. Самовар атрофини мовийранг бир буғ ўраб олган: бир неча дақиқадан сўнг томчиларга айланиб яна самовар жомига қайтиб тушадиган буғ. Худди қишлоқ аҳолиси учун ёмғир бўлиб, қишлоқ заминида мактаб, масжид ва шифохона гулларни, экинзорларда эса кичик ва олтинранг буғдой донларини ўстирганинг каби.

Уйдан чиқиб келаман. Осмонга қарайман. Ойнинг мисранг гардиши аста-секин юқорилаб келади. Кунботардан эсаётган шамол ўзи билан бирга узумнинг ҳидини олиб келади, оч чиябўрилларнинг увиллашини ҳам. Ойнинг мисранг гардиши кўнгилга гулгула солганча қишлоқ ўртасида туради.

Сен олдинда борасан, қишлоқ одамлари сенга эргашган. Бир чиябўри увиллайди, бошқа чиябўрилар ҳам. Кўзгудор дарахт уларни тоғнинг ўнқир-чўнқир жойларида қандай қилиб нобуд қилганларингни кўрган.

Уйдан йўл бошигача боришга йўл йўқ. Келишинга ҳам. Чақнаган чақмоқ эсимга солади: энди кетиш керак. Бу ерда бажаришим керак бўлган ишлар тамом бўлди. Бундан буёнига бу ерда қолиш тамом бўлиш маъносидадир.

– Илтимос, қолгин.

Икки бармоғингни бир-биридан айирасан-да, уларнинг орасидан менга жаннатни кўрсатасан.

– Қара, мана бундай шаклдаги жой. Аммо... бундан анча катта. Ечилиши керак бўлган боғичлари билан бирга.

– Кўнгиллари кенг одамлар боришлари керак. Шундай эмасми? Аммо нега?

Агар шунга лойиқ бўлсалар, жавоб беришлари керак.

Билардим: сени чақираётган ўша овоз шунчалик баланд бўлиб, бизнинг овозимизни эшитишинга йўл қўймайди:

– Илтимос, қолгин. Қол!

Менга бир дастрўмол берасан: унутилган гулларга тўла.

– Бировга дастрўмол совға қилишмайди, деб айтишади. Айрилиққа сабаб бўларкан.

– Аммо баъзида керак ҳам: қисқа муддатларга, кўнгил боғланишларини унутиш учун.

Бир бош узум билан кетар экансан, узумзорларни айланаман ва сабрли бўлганлигимга йиғлайман.

* * *

Яна бир марта болакайнинг жар солган овозини эшитаман, аёлларнинг ва болаларнинг шовқинини ҳам. Аммо мен узоқ муддатлардан кейин биринчи учрашувимиз қишлоқнинг ҳайратли нигоҳлари остида амалга ошишини истамайман.

Ўрмондан ишқ дарахти томон борадиган тўғридан кесиб ўтувчи йўлни танлайман.

Шайтонча йўлнинг ўртасида, бир дарахтнинг ортидан пойлайди:

– Қайтгин! У ерда ҳеч нарсанинг сенга кўзи учиб тургани йўқ, ранж-аламдан бошқа. Қайт!

Эшитишни истамайман...

Ўрмондан чиқиб келаман. Ишқ дарахти қаршимда бўй чўзади. Ой нури унинг кўзгуларида акс этади.

Қараб қоламан. Бир соат ўтади. Қишлоқ осмонида ранг-баранг фонуслар гулгун ўйнашади, ой ва юлдузлар ҳам.

Тақиллаган овоз эшитилади. Кулоқларимни динг қиламан. Борган сари яқинлашади. Бир шарпа пайдо бўлади. Олдинроқ ва яна олдинроқ келади. Энди уни яхшироқ кўришим мумкин бўлади: қўлтигида таёқ қистириб олган, эгнида тупроқ рангидаги кўйлаги бўлган қалин соқолли одамни.

Эй худойим! Бу сенсан! Аммо бор-йўғи биттагина оёғинг бор, иккинчи оёғинг... У оёғинг бир парча таёқ бўлиб, кўзгунинг синган бўлаклари унга ёпишган.

Тиззамга қулайман: ой ва юлдуз сенинг аршинга етказаман деб устун қўйган пайтда.

ХАЙРЛИ ТУН

– Совқотяпман!

Аёл шундай деди-да, пиёладан юқорига ўрлаётган бугни томоша қилди. Пиёла чиннидан бўлиб, кичкина ва ингичка бир ёриқ қизил гулнинг шохларидан ўтиб кетар, пиёланинг ярим ой шаклидаги оғзига етмасдан чап томонга хиёл бурилганча бош эгиб тўхтарди.

– Совқотяпман!

Яна бир марта айтди. Бу сафар ҳам эркак эшитмади. Ташқарида шамол кутурар, уфқнинг энг узоқ чегарасидан кулранг ва оғир булутларнинг етиб келгани аниқ эди. Аммо ёмғир ёғдирмасдан узоқ экинзорларгача борардилар. Фақатгина овоз эди: дераза ортидаги чуқурга тушиб кетганича ундан чиқа олмай гир айланаётган шамолнинг, шамолнинг овозидан бошқа овозни эшитмаётган ва унинг ҳам овозини ҳеч ким эшитмаётган ҳамда:

– Совқотяпман! — деб айтаётган аёлнинг овози эди.

Энкайганича ёзув столининг ортида ўтирарди. Қоғозга бир музчакнинг расмини чизди-да, унга саккизта гулбарг солди ва яна... токи у картошкагулга айлангунига қадар чизаверди. Сўнгра аёл қизил ранг-

нинг намлигидан бир озгинасини унга сочди-да унинг учун мўрт ва тез синадиган бир поя чизди. Эркак келиб уни теришини, сўнгра қарганинг қанотларидай қоп-қора бўлган сочларига санчиб қўйишини кутди. Аммо орқасини ўгириб олган эркак телевизорга термулиб ўтирарди. У гўё ҳеч қандай картошкагулни билмасди.

Ҳафсаласи пир бўлган аёл ўрнидан турди. Уст-бошларини кийди. Яланг оёқларига таққан позеблари овоз бердилар:

– Жиринг-жиринг!

Аммо девор юзидаги энкайган соя бошини кўтармади.

Аёл хонани айланарди. Бир марта, икки марта... бир неча марта... Булардан олдин, ана шу позеблари билан эркакнинг каравоти атрофида айланганида ярим очиқ кўзлари билан унга қандай қараганини эслашга ҳаракат қилди. Энди позебнинг жиринглаган овозлари чиқарди. Аммо эркакнинг сояси ҳалиям энкайганича турар, дераза ортида ҳуштак чалаётган шамол уни янада энкайтирарди.

Аёл тўхтади ва эркакнинг каравоти атрофида сочилиб ётган қоғозларга қаради. Чизиб тугатилмаган чизмалардан қорайган шахматсимон қоғозлар: соябони очилмаган аёл, соябонини ярим очиб олган аёл, соябонини тўла очиб олган аёл, ўнлаб соябонлар орасида саросимага тушиб қолган аёл, соябони билан учаётган аёл, осмондан ерга қулаб тушиб парча-парча бўлиб кетган аёл, синган соябонга суяниб турган аёл – буларнинг барчасини эркак чизган, у эса шунчалик маҳоратдан ҳайратга тушган эди. Қалам эркак бармоқларининг давомидек эди гўё. Эркак сигарета чекаётганга, сигаретаси қулини худди ўшандай аниқ ва васвасага тўлган ҳолда қоғознинг устига чертиб ташлар, сўнгра қоғоз устидан бармоқларини юргизаётганга ўхшарди.

Яна бир марта хонани айланди ва позеблари овоз бердилар:

– Жиринг-жиринг!

Ошхонага ўтди. Биргина кичик девор уни хонадан ажратиб турарди. Қанийди эркак унинг пиёз пўстини арчаётганини кўрса. Уткир пичоқ билан уни юпқа паллачалар шаклида тўғрар, сўнгра юпқа пиёз паллачаларидан ҳосил бўлган ярим ойчаларни товага солиб қовурарди. Оҳ, ярим ой куйиши билан сув солди ва у қайнай бошлади. Кичик кўпикчалар мил-мил қайнаб, сув қаъридан юқорига чиқиб келдилар ва идишнинг деворига ёпишдилар. Худди у эркакнинг қўлига ёпишгиси келгани каби. Аммо чизма чизаётган ва сигарета чекаётган эркак хонага сутсимон оқ нур таратаётган телевизорга тикилиб қолган, қошларининг орасида қора холи бор бир аёл ушбу хира нур ичра чўмилар ва унга қараб кулиб кўяр эди. Позебларининг овози шамолнинг овози ичра йўқолиб кетаётган эди. У гуручни қозонга солганидан кейин бир қатра қоннинг сув юзига тарқалганини ҳис қилди. Гўё шоликор бир аёлнинг қўлидаги сув унинг кўйлагига тўкилиб кетгандек.

Бошқа кийимини кийиб олиш учун ошхонадан хонага ўтди. Гуллари катта-катта бўлган яшил рангдаги кўйлак бўлиши керак эди. Оёқларига тақилган позеблари овоз бердилар:

– Мен шу ердман, мен шу ердман!

Шамолнинг овози баланд бўлганлигидан эркак бошини буриб қарамади. Ҳатто диктор аёл: “Хайрли тун, азиз томошабинлар”, деганидан сўнг ҳам эркак оқ экран кичик қор учқунларига тўлгунга қадар телевизорга тикилганича қолди. Аммо диктор аёлнинг қора холи ҳалиям ана шу оқлик орасидан кўриниб турарди.

Эркак бошини қуйи солди ва чизишга тушди: соябони очилмаган аёл, соябонини ярим очиб олган аёл, соябонини тўла очиб олган аёл...

Аёл шкаф томонга бориб, ундан шол рўмолини олди. Совқотиб кетганидан елкаларини шол рўмолнинг қўлларига топширди. Кийимилгич томонга бориб, у ерда осиглиқ турган бир даста соябонни қўлига олди-да, дераза томонга юрди. Унинг ҳар иккала табақасини очди. Орқасига бир қараб қўйди. Шамол ув тортиб, қоғозларни атрофга сочиб юборди. Эркакнинг сояси қимирлади. Аммо олдингидай девор юзида энкайганича қолди. Аёл тун жарлигига қаради: чуқурдан чуқур эди. Дераза лабига оёқ қўйди. Позеблар овоз берди:

– Жиринг-жиринг!

Аммо соя бошини кўтармади. Аёл яна бир марта елкаси оша устидан қаради. Шамол қоғозларни учириб телевизорнинг ўчган экранига олиб бориб урди. Тасвири энди экран юзида бўлмаган диктор аёл эса албатта бир кулиб қўйиб: “Хайрли тун”, деган эди ҳамки, эркак чалқанча ётиб олди-да, эснади. Дераза олдида турган у эса юзини ўгирди. Соябонини очиб совуқ ва қоронғи жарликка сақради. Шамол шиддат билан уни ўзи билан бирга олиб кетди. Узоқлашаётиб, деразанинг очиқ қолган икки табақасини қандайдир бир қўл ёпганини сезди. Балки, бу пешонасининг ўргасида холи бўлган ва телевизорнинг сутсимон оқ нури ичра чўмилаётган ва майингина қилиб: “Хайрли тун”, деган ўша аёлдир.

ШИША АЁЛ

Аёл кўзгунинг олдида тўхтади-да, оқ тоғиб қўйди. Кичкина бир булут доғи ойнанинг хотирасини остин-устин қилиб юборди. Кичкина олтинранг тароғини олди-да, тўғноғичлар асирлигидан озод бўлган сочларини таради. Шалолодайд товланаётган қоп-қора сочлар елка узра ёйилдилар. Кўзгунинг ичидан узоқ-узоқларни кўриш мумкин эди. Аммо бир-бири билан аралашиб кетган барча тасвирлар орасида ойналари юрак шаклида бўлган осмонўпар бино унинг диққатини кўпроқ ўзига тортарди.

Сочлари орасида сурат солинган рамкага ўхшаб қолган юзини кўриб, кулди. Булут доғи буеланиб, учи кетди. Телефоннинг жиринги сукунатни синдирди. Қўлини юраги устига қўйиб, оғриқдан бино бўлган бир тўлқинни ҳайдади. Қизил уст-бошини кийди-да, шошилганича телефон столчаси томон чопди. Столча ёнидаги стулнинг четига ўтириб, гўшакни кўтарди:

– Алло, эшитаман... эшитаман!

Эркакнинг таниш овози эди.

– Менман... Суҳроб... Қалайсан?

Оғриқ елкаларигача келди, сўнгра чап қўл бармоғининг учигача. Аммо кулди:

– Яхшиман. Овозингни эшитгандан кейин яхшиман... Қаердасан?

– Мана шу атрофларда.

– Яъни?

– Офисимдаман. Дўстларим ҳам шу ердалар. Янги бир нашрни йўлга қўйиш учун барча кучларимизни бир жойга йиққандик.

– Хўш?

– Бугун кечаси кечроқ борсам бўладими?

– Янами?

Эркак жим қолди. Гугуртнинг чақилган овози эшитилди:

– Майлими, хоним?

Аёл иккиланиб сўради:

– Яъни, бугун кечкурунга мўлжаллаган режамиз бекор қилиндими?

Бирга кечлик овқатни ейишга ва сўнгра кинога боришга келишгандик...

Эркак ҳомуза тортди-да:

– Айтгандай, гулларга сув қуйдингми? — деди.

Аёл нигоҳини меҳмонхона томонга бурди: сувга тўйган гуллар ҳамшиагидек ям-яшил эдилар. «Мендан кўра гулларни ўйладингми?» демоқчи бўлди. Аммо эркакнинг овози унинг хаёлини бўлди:

– Салом! Хуш келибсан! Буни қара-я!

Деразанинг ойнасига қаради. Мана бу янги дарз қачон тушган экан? Қўли билан юрагини янада маҳкамроқ сиқди. Яна эркакнинг овози эшитилди:

– Хўп, азизам! Менга бошқа ишинг йўқми?

Аёл ўрнидан ярим турди. Узоқлардан бир қора булут келарди. Шошиб-пишиб деди:

– Кечаси келаётганинда бош кийиминг ва соябонингни эсингдан чиқариб қолдирмагин. Ҳаво булутли.

Эркак деди:

– Хайр.

Аёл гўшакни қўйди. Совқотаётганди. Қўлини чўзиб мебелнинг ёнидага халатини олиб устига илди. Энди орқасида бир аждаҳо турганлигига амин эди. Оғзидан олов пуркалиб турган бир аждаҳо.

Иситмасидан олдин қалтиради. Шунчалик қалтирадики, уни устидан ечиб олди-да яхшилаб унга қаради. Сўнгра гижимлади-да, мебелнинг остига яшириб ташлади.

Деразанинг олдида борди. Булут доғи яқинроққа келиб қолган, осмон қоп-қора кўринарди. Бу баландликдан одамлар қанчалик ҳам кичкина бўлиб кўринишади-я. Кичик ва ёлғиз! Юрагига оғриқ ўрлади. Бамоғини эгиб деразани ёпди. Қайси дераза очиқ экан? Бу совуқ қаердан қирятгйкин? Меҳмонхона қанчалик катта эди! Шунча ёлғизлик учун шунча катталики?!

Ерга ўтирди. Ичида нимадир ғимирлаб, у букчайиб қолди. Оғриқ... оғриқ... қизил темир таёқча... момақалди роқ ва чақмоқ.

Доктор: «Бундай пайтларда мушакларингни бўш қўйишга ҳаракат қил», деб айтган эди.

Аммо қийинчиликка учраган киши учун бу иш худди ботқоққа чўкиб кетиш билан баробар эди.

«Қанийди эркак келса... Қанийди...»

Қуёшнинг сўнгги нурлари ёпиқ деразалардан меҳмонхона ерига ғира-шира ёруғлик ташлар, ушбу ғира-шира ёруғлик ораларида кўз ёшлар дарёсида сузиб юрган бир кўз ерга тушиб ётарди. Энгашиб уни олди. Бир шиша қорачиқ эди. Биров эшитиб қолишидан ҳам уялмасдан:

– Оҳ, ўлдим, ўлдим! – деди.

Сўнгра овозини баландлатди. Аммо бу фақатгина бир лаҳза давом этди. Овоз чиқаётган маҳалда эшик қулфи ичра қалитнинг ширқ этиб айлангани эшитилди. У эканлиги аниқ эди. Ноласини ичига ютди. “Йўқ, овозимни эшитмаслиги керак”, – деди ўзига ўзи. Хаёлидан агар эркак буни билиб қолса, ичидаги ўша мушт ўзининг зарбаларини кучайтириб, уни синдириб ташлайди, деган ўй кечди. Сўнгра уни бошқа севмай кўяди. Аъзойи баданида югураётган бу оғриқ оз эмасди.

Бир неча лаҳза қоронги ва ингичка йўлакка қараб қолди. Агар бошида бош кийим ва эгнида пальто кийган ва қўлида соябон тутиб олган эркакнинг шарпасини кўрганида ҳам, ўрнидан турарди-да, устидаги қизил кийимлари билан у томон ошиқиб:

– Чой? Бир пиёла иссиққина чой қилиб берайми? – деган бўларди.

Аммо эшик ҳануз ёпиқ эди.

* * *

Доктор суратларга ишора қилиб деганди:

– Аммо ҳали умид бор. Сени сақлаб қолишга бўлган умид.

Ўша лаҳзада унинг ортга қайтгиси ва яшин чақнаётган ўша ёруғ доирага беомон тикилгиси, мингта қўли бор махлуқ унинг юрагини тераётганини кўргиси келмасди.

Докторга айтган эди:

– Қандай қилиб сақланиб қолсам бўлади, доктор? Мен ўлишни истамайман.

Ана шундай соддалик билан айтган эди. Кекса ёшдаги доктор эса кўзойнагини кўзидан олиб, бош бармоғи ва қўрсаткич бармоғи билан кўзининг чеккаларини тозаллаган, сўнгра бошини кўтариб шифтга қараган эди:

– Дардингнинг ягона давоси шуки, ҳаётни севишинг керак, қизим.

Аёл эса бутун вужуди билан, ташналик ва очлик билан заминунга замонга қараб шундай деган эди:

– Доктор! Мен ҳамиша ошиқ бўлганман. Ҳамиша ҳаётдан белги берадиган барча нарсани севганман. Шундай экан, нега энди ўлим шунча одамнинг орасидан келиб-келиб мени танлаши керак? Нега мени?

Сўнг йиғлаб юборган эди:

– Мен ҳеч қачон бир мевани яхшилаб томоша қилиб олмагунча емайман. Мен ноз-неъматларга тўла дастурхонларни яхши кўраман... Мен...

Шундан сўнг эшикни очиб тўфон каби йўлга тушганди.

Йўлида қай гулни кўрмасин сўлиган, у кўрган ҳар бир шох синган, ҳар бир аёл фарёд чекаётган, ҳар бир сув музлаган бўларди. Эркак етиб келганидан сўнг даҳшат ва илтижо билан қўлларини чўзиб деганди:

– Ёрдам бер! Ёрдам...

Эркак даҳшат билан унга тикилган, аммо ҳеч нарса демаган эди. Қаттиқ шамол унинг бошидаги бош кийимини учириб юборган, бўйнидаги шарфининг учларини ҳилпиратарди. Аёл ялингансимон қўллари билан унга суянган эди:

– Мени севишинг керак... Худди мен сени севганим каби... Сақланиб қолишим учун алангаларга зорман. Менга эргашиб келаётган нарса бу ўлимдир. Уни даф қилишим учун ишқ жозибаси бўлиши керак. Чуқур жарлик. У ёққа боришни истамайман, истамайман...

Эркак нималар бўлаётганини эндигина тушунган одамдай унга қараб қолган ва сўраганди:

– Доктор нима деди?

Аёл бармоқларини эркак билакларининг этига санчиб шундай деганди:

– Айтдики, ўрмалаганча олдинга қараб боради, шох ва шохлар чиқаради. Сўнгра шунчалик ўсиб кетадики, гулдонинг синиб кетади. Мана шу.

Эркак деганди:

– Йўқ, мумкин эмас... Яъни...

Аёл ўз атрофида гир айланган эди. Худди япроқлар тўфонидай, худди ҳар доимги гирдибод. Ранги худди нилуфар гулнинг рангидай кўм-кўк бўлиб кетган эди:

– Агар олдинроқ тушунганимда эди, балким... Аммо ҳамиша ўйлардимки, танамдаги бу дард ўлим дарди эмас, балки тириклик дардидир.

Эркак қўлларини чўзиб унинг билакларига ёпишган эди:

– Кел, бирга айланамиз. Титраяпсан. Ҳар лаҳзада синиб қолишинг ва тўкилиб кетишинг мумкин.

Аёл унинг ортидан эргашган эди.

Кунботар йўлидан кетиб боришарди. Соялари эса ўлим ва ҳаёт ортидан. Эркак меҳрибонлик билан деганди:

– Бу ёлғон. Катта бир ёлғон. Сен ўлмайсан... Йўқ...

Аёл аччиқ кулиб шундай деганди:

– Болалигимда энагам менга ҳар куни саҳарлаб чўлга тикан тергани борадиган бир тикан терувчи тўғрисидаги эртакни айтиб берарди...

– Ҳўш?

– Энди мен ҳам ҳар куни эрталаб ана шу ўй билан уйғонишим, сўнгра тикан теришга тушишим ва кечаси бир боғ тикан билан бармоқларим тилинган ҳолда уйқуга кетишим керак.

Эркак унинг кўзларига тикилиб қолганди:

– Йўқ, бундай ҳам эмас.

– Улим узоқ йўлдан келиб сенда ин қуриб олганини билганингдан кейин, тикан теришдан бошқа нарсани ўйлай олмайсан.

Эркак уни ҳаёт томонга судраган эди:

– Қарагин! Сувга чўкаётган ўрдаклар, сирпанчиқ ўйнаётган чолга қара. Булар кулгули эмасми?

Аёл эркакнинг нигоҳига осилиб олган эди:

– Фақатгина мени сев! Энг яхши даво ана шу.

* * *

Энди бунга бир неча ой, балким бир неча йил бўлган эди. Олдинига шохларнинг ўсиши секин эди. Ҳатто доктор ҳам шунга амин бўлган эдики, унда ўлимнинг ўсиши тўхтаган. Бу эркакнинг сўзлари илиқ, нафаслари ҳам иссиқ бўлган пайтларда эди. Аммо кейинчалик дераза очилиб совуқ шамол кириб келди. Гўё қорлар маликаси бу ердан ўтиб, барча нарсанинг устини бир қават муз қатлами билан қоплаб кетгандай эди. Ҳатто ўғил боланинг нигоҳлари устини ҳам... Бу эртакни қаерда ўқиганикин?

Болалик боғида парвозлари кетидан югурган чоғларида, бир куни тушдан кейинги жазирама ҳавода ҳовлининг бир четидан сичқонлар ўша ерга олиб бориб қўйган йиртиқ бир китоб топиб олган эди. Ўша китобни ўқиган эди. Қараса эдики, қиш келиб қолибди.

Сўнгра шохлар кўпайган эдилар. Ўсишларининг овозлари эшитилиб турарди. Улар бир-бирларига пайванд бўлишар, натижада янада ўсаверардилар. Худди кундан-кун эркакнинг нигоҳи қоронғироқ, ғамнинг сояси эса каттароқ бўлиб кетаётгандай.

Аёл яна бир бор айтди:

– Оҳ, ўлдим... ўлдим!

Аммо ҳеч ким „Нега?“ - деб сўрамади.

Тиззалари билан юриб, сувратлар альбому турган жавон томон борди. Тўртбурчак хотиралар. Сувратларни олиб, уларни томоша қилди. Бахт ранги, кўзгу, чироқ, ой ва юлдуз, гулбаргларнинг тўкилиши, коптоқларнинг айланиши, рангли тухумлар, асал тўла жом, яшил барглар, Курьон, ёруғ юлдузлар ҳалқаси...

Ҳалқа йўқолганди. Нега? Ҳалқа охириги пайтларда йўқолганди. Бир куни эрталаб ўрнидан туриб қараса, ҳалқа йўқ. Эркакка қараб деганди:

– Ҳалқамни кўрмадингми?

Эркак истехзо билан қулганди:

– Бир қарға келди-ю, олиб кетди.

– Қарға?

Аёл деразадан ташқарига қаради. Дарахт шоҳида бир қарға қўниб турарди.

– Нега индамай қараб турдинг? Нега уни олиб кетишига йўл қўйдинг?

У шундай деб сўраганида эркак жавоб берганди:

- Кеч бўлганди.
- Кеч бўлганди?

Унинг шиша гулдони ҳам синган эди. Бу унда Юсуфнинг чиройидан бир шох олиб қўйган ва ушбу шох унда илдиз отган гулдон эди. Кейин шохнинг илдизлари қўпайиб, шиша гулдонни тешиб чиққан, гулдоннинг суви эса тўкилиб кетиб, гул сўлиб қолган эди.

Аёл гулни гултувакка экиш учун ундан чиқариб олган эди. Аммо синган шиша гулдон унинг қўлини кесиб юборган, унинг қўлидан оқаётган қон ерни бўяган эди. Қип-қизил эмас, кўм-кўк қон.

- Бир оздан кейин эркак айтган эди:
- Бу бинафша гулларни ким олиб келди?

Ҳозир унга яна бир марта телефон қилиши мумкин эди. Айниқса ҳозир – дард уни бўғаётган пайтда. Етгита рақамни терса кифоя. Ушбу қуюқ қоронғиликдаги етти юлдуз каби етгита рақамни. Ва унга айтиши мумкин эди:

– Иложи бўлса, фақат бугун кечаси эртароқ кел. Дўстларингга ҳам менинг кутаётганлигимни айт.

Шиша устига ёғаётган ёмғир минг шохли бир дарахтни вужудга келтирган эди. Бу шохларнинг ортидан ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Эркакка буни ҳам айтиши керак эди:

– Бош кийимингни эсингдан чиқариб қолдирма. Соябонингни ҳам.

Энага чилимнинг биллур қувури пойида ўтирганича эртак айтарди:

– Буғу даҳшат билан ўрмон томон қочди. Аммо унинг узун шохлари дарахтларга ўралашиб қолди. Шу пайт овчи милтиғи билан уни нишонга олди ва ...

Охирги – еттинчи рақамни қўйиб юборди. Айтиши керак бўлган гапни бўғзида сақлади: “Агар келсанг, соябонингни ҳам...”

Бир аёлнинг майин овози гўшакда ўрлади:

– Алло, марҳамат... Алло.

“Сиз кимсиз?” деб сўрамоқчи эди ҳамки, эркакнинг кулган овози аёлнинг овозига уланиб кетди:

– Агар жавоб бермаётган бўлса, гўшакни қўйиб қўй. Албатта, бирор безори бўлса керак. Гўшакни қўй.

Сўнгра чўзиқ гудок овози... Бир оз гўшакнинг оғзига қараб турди, сўнг уни жойига қўйди. Қўллари билан иссиқ қон фаввора бўлиб отилаётган бўғзини сиққан ҳолда шеър ўқиди:

Не мотамким, ғамгин бўлсанг-у, йиғламасанг!
 Не мотамким, хазон кўрган шох каби
 Офтобда ва ўзингнинг совуғингда қалтирасанг!

Қанча ўйламасин ушбу шеърнинг биринчи мисрасини эслай олмади. Гарчи муҳим бўлмаса-да.

Ўрнидан турди-да, оёқ кийимларини ечиб, оёқяланг йўлга тушди. Кўзлари ёшга тўлиб, нурнинг ингичка ёғдуси паноҳида унга тикилиб қолганди. Баланд бинонинг тепасидаги катта бешикка ўхшаш меҳмонхонада оҳиста у ёқдан-бу ёққа юрарди. Ахийри каравотига етиб борди. Карават устига йиқилди. Тим-қора тўлқинли сочлари атрофга ёйилди. Қўлини, бўм-бўш қўлини кўтарди-да, юраги устига қўйди:

– Энди вақти етиб келди.

Нигоҳини шифтга тикди. Боши айланиб қолган бир табассум капалакка ўхшаб қанот қоқди ва лабининг чеккасидан учиб кетди.

Бир овоз деди:

– Тарақ!

Учи ўткир бир шох терисини тешиб чиқди.

Бир неча дақиқадан сўнг аёлнинг боши бир томонга шилқ этиб тушди. Нигоҳи эса тўхтовсиз ўсаётган ва бутун меҳмонхонани қоплаб олган шохга тикилиб қолди.

Ўша баландликда унинг юраги эркакни эслаб жимгина йиғларди.

НАРГИСЛАР

Ингичка бир ариқ ва бир қатор бинафша гул: бахмал юзлари ва хумор кўзлари билан коптокчалардек гилдираётган сув пуфакчаларига термулган бинафшалар.

Ариқнинг бўйида ўтириб олганимча унда оқаётган сув салқинлиги бармоқларимнинг учи билан амин бўламан. Шамшодлар ортидан уларни кўраман: шуур ва идрокнинг заъфаронранг чегарасидан нариги томонда турган, ташқарига қарашдан олдин ичкарига тикилиб қолган одамларни. Мен ҳам шулардекманми?

Улардан кўрқаман. Ҳам кўрқаман, ҳам яхши кўраман. Илк кунларда яхши кўришдан кўра кўпроқ кўрқардим. Аммо энди кўрқишдан кўра кўпроқ яхши кўраман. Шунга қарамай қочишга бўлган истагим кучлироқ. Бироқ ҳалиям шу ерда ўтирибман ва бинафшаларнинг хумор кўзларига маҳлиёман. Қочишнинг йўли бормикан?

Мен томон келаётган ҳамширанинг қўлида бир стакан, мендан яшириб келаётган ҳовучида эса, албатта, ҳапдори! Сарикми ёки мовийми, фарқи йўқ! Уларнинг вазифаси - мени ларзага солиш, остин-устин қилиш. Чуқур кавлайдилар ва уни яна тупроқ билан тўлдирадilar. Токи мендан янги бир одам пайдо бўлгунига қадар: ранжалам тортмайдиган, йиғламайдиган, бармоқларининг ҳар бир бўғини бекордан-бекорга титрамайдиган, сигарета тутатмайдиган ва ўйламайдиган... ўй... ўй...

Ҳапдориларни оламан. Икки ойдан буён уларни оламан ва томоғимга ташлайман. Мажбурлашини истамайман. Биринчи кунлари қаршилик қилганимда унинг мажбурлаши қўполлик ва зўравонлик тусини оларди. Биринчи кунлари мен тўғри гапиряпман, деб ўйлардим. Аммо бора-бора томоғимга тикқан мовий ва сарик ҳапдорилар билан биргаликда шуни тушунтириб қўйишдики, мен хато қиляпман. Мени қўйиб юборишлари учун “хато қиляпман”, деб айтишим керак эди. Ҳеч бир нарса озодликдан яхшироқ эмас! Шамол каби озод бўлиш: бир жойда қолишни билмайдиган шамол каби. Ҳаракатлана олиш учун озод бўлиш. Кўзларингни юмасан ва ердан қайнаб чиқаётган кунботарнинг мулойим буғлари остида болалигинга қайтасан. Кўчалардан ўтасан. Уйларнинг эшикларини тақиллатасан. Долчин сепилган сарик шулла¹ ва назр қилиб пиширилган сумалак тарқатасан. Сўнгра эшикнинг очилган икки табақаси орасидан, четга сурилган бўз парда ортидан бир парча асалга ўхшаш нигоҳни, шунингдек, юқоригача ўрмалаб чиқиб кетган нилуфар гулининг шохини кўрасан. Ҳовузнинг лабидаги сўрида қул-қул қилиб қайнаётган самоварнинг буғини кўрасан. Шундан сўнг ҳавога ўзининг хушбўй ҳидини таратаётган қизил атиргулнинг гулбарглари билан ортингга қайтасан. Сўнгра қадамларни тезлаштирасан. Бутун йўлни югуриб босиб ўтасан. Кўчалардан ўтасан.

¹ Ш у л л а – эронликларнинг миллий таомларидан бири, ёрма ва сабзавотлардан тайёрланади, биздаги шовлага ўхшаш (*Тарж.*).

Долчин ва гулоб ҳидини ўзинг билан бирга олиб келасан. Сумалакнинг идишидан тушиб қолган бодомни ҳовучингда маҳкам сиқасан. Шунчалик даражада сиқасанки, унинг ёпишқоқлиги юрагингни сиқади. Кейин эса йўл-йўлакай бир скамейкага ўтирасан: қоришма ичра гилдираб айланаётган бодомдек кўзларингни юмиб. Бошдан-оёқ чарчоқ, бошдан-оёқ ёпишқоқлик, бошдан-оёқ ширинлик! На бир занжир, на бирор сиқилиш, на бирон тепки, на бирон мажбурлаш... Йиғлагим келади. Ширин уйқумдан сакраб тураман.

Ҳамшира кетган. У ҳапдорини ичганимга ишонч ҳосил қилди. У менга яширин бир занжир солган, шунинг учун ҳам энди мен билан иши йўқ. У ўз вазифасини бажарди:

– Энди дуппа-дуруст бир одамга айландинг!

Бу шу кунларда у менга такрор-такрор айтаётган гап.

Сув ҳалиям хиргойи қилади. Бинафшалар оҳиста нафас оладилар. Ботаётган куёш нурлари уларнинг нозик елкаларига оғирлик қилади. Азон овози келади. Қалбим ёрилади. Қалбим оғриқдан тарс ёрилишни истайди: руҳиятимнинг минг бир бурчагидан сиқиб келаётган оғриқдан.

Урнимдан туриб таҳорат олишим керак. Унда нега йиғлаяпман? Фурбатдалигим учунми? Ўз диёримни кўмсаётганим учунми? Ўтмишим сув қаъридан қайнаб чиқиб, пуфакка айланаётгани ва яна қайтадан ёрилиб кетаётгани учунми?

– Эркак ҳам йиғлайдими?

Отамнинг бақирган овози эшитилади:

– Сенам эркакмисан?

Кўз ёшларимни артаман:

– Ота, бу шимнинг ҳамма жойи ямоқ. Уни киймайман!

Ота, сумкам ва китобларимни қўлтигимга олиб, уларни эски латтага ўраб юришдан обрўйим тўкилди...

Ота, меҳмонларингга зиёфатлик олиб келиб беришдан уяламан. Бошқа бирор киши шу ишни қилақолсин...

Отамнинг фарёди кўкка етади:

– Қачон одам бўласан? Қачон эркак бўласан? Қачон мана бу мингир-мингирларингни йиғиштирасан? Бозордаги дўкон сеники, бир-бирининг устига тахлаб қўйилган гиламлар сеники, боғ сеники, катта йўлнинг ёқасидаги ер сеники. Буларнинг бари сеники. Буларнинг ҳаммаси пул-ку!... Сен буларни сақлаб қолишинг учун бор пулни сарфлашинг эмас, пул топишни билмоғинг лозим. Сен Ҳожи Нойибнинг ўғли эканлигингни тушунишинг керак. Қандай қилиб бирни иккига айлантиришни билишинг керак.

– Тушунаман, ота, аммо...

– Мен эркак бўлишингни истайман, лавлагининг баргига ўхшаб лапашанг бўлишингни эмас, қизталоқ!

– Ота, менга ёрдам бер! Мени масхара қилма!

– Одам фирибгар бўлиши керак! Бирни мингга урадиган бўлиши керак! Одам тегирмонга тушса бутун чиқадиган бўлиши керак!...

Аммо онамнинг жойнамози солинган. Умидсизликнинг иси келади.

– Она, шимимда ямоқ бор.

Юзларининг чеккаси қизаради.

– Ўзим сенга сотиб олиб келаман. Мато сотиб оламан-да, ўзим сенга шим тикиб бераман. Мана шу қўлларим билан!

Қўллари толиққанликдан қалтирайди.

– Унда отам пуллари кимга сарфламоқчи? Нимага сарфламоқчи?

– Ҳаммаси сеники. Сен унинг ёлғиз меросхўрисан... Ҳаммасини сенга қолдириб кетади.

– Меники? Ахир шимимнинг ҳамма жойи қирқямоқ-ку?! Ахир китоб-дафтарларим тугунчада-ку?! Мен... агар қўлимдан келганида эди, бўғардим!

Онам додлайди:

– Сен гиламфуруш Ҳожи Нойибнинг ўғли, унинг ёлғиз меросхўриси! Нима, буларнинг барчасини эрмакка йиғибдими?! Не умид билан чиққан?! Сени зўра ўқишингдан чиқариб олдим. Энди бўлса сен...

– Она, сен ҳам ёлғон гапиряпсан. У сени ҳам ўзининг ёлғонларига ишонтирибди. Сенинг чиройли юзингни ҳам вақтидан анча олдин қаритибди. Сенинг тиниқ нигоҳларингни ҳам хира қилиб қўйибди. Оппоқ қўлларингни ҳам қавартирибди. Сенинг руҳингни ҳам хона ва омбор, ичкари ҳовли ва ташқари ҳовли ўртасида овора қилиб қўйибди. Она, унинг бу гаплари ёлғон эканлигига ишонмайдиган ўша ёшлик чоғларингни соғинаман.

Она, ўша бахмал қопланган сандиқчанг, ундаги китобларинг, чўнтак ойначанг, исириқ солинган халтачанг қани? Она, мени ўзинг билан олиб кет. Мени исиригингдан чиқаётган мовий тутун билан бирга олиб кет. Бу ёмон кўзлардан жудаям чарчадим. Бу қарашлардан, бу ёлғонлардан, бу қоронгуликлардан ҳам!...

Она, мени қийинчилик билан катта қилдинг. Мен катта бўлмас эдим. Фонуслар ёнида, кабутарлар ини олдида, зилол сувнинг бўйида турган бўлардим, аммо катта бўлмасдим. Мен ёлғон, қоронгулик ва ифлослик билан катта бўлмасдим. Мени машаққат билан катта қилдинг. Ойнага ўхшаб қаршимда туриб олдинг ва ҳадеб: “Катта бўл! Тезроқ, тезроқ! Отанг ёлғиз. Сен Ҳожи Нойиб гиламфурушнинг ёлғиз ўғлисан. Отанг эркак бўлишингни истайди, ҳа, эркак бўлишингни!” дединг.

Гилам савдоси билан шуғулланадиган катта савдогар. Бойлик устига бойлик. Аммо унда нега қўлларинг қалтираяпти, ота? Ушбу бойликнинг ҳар бир тийини учунми?

* * *

Боғнинг этагида оқсоч Руқия холанинг хонаси. Руқия хола шолча устида ухлайди, шолча устида ўтиради, шолча устида кечлик қилади, шолча устида йиғлайди, шолча устида худо билан гаплашади. Невараси ҳам ўша жойда катта бўляпти. Келини ҳам ўша жойда чақалоқ дунёга келтиради. Кўрдим: неварасининг оёқлари худди пишган лавлагидек қизариб кетган. Қарасам, уни совуқ сувда ювинтиради. Қарасам, уни ўша ерда – шолча устига қўйиб юборди ва йиғлади. Боланинг икки тиши худди марвариддек ярақлайди. Руқия холанинг марваридлари ҳам ана шу.

Чуқур-чуқур нафас ола бошладим. У ердан то катта меҳмонхонагача бўлган йўлни югуриб босиб ўтдим. Гиламчани бағримга босиб оламан: юзасида оҳунинг – ов майдонида қочиб бораётган оҳунинг тасвири бўлган ўша гиламчани.

Гиламчани унга олиб бораман. Даҳшатга тўла кўзлари билан менга қарайди-да: “Ҳожамнинг ўғли, хожамнинг ўғли”, дейди.

Бутун тун бўйи уйқум нурафшон бўлади. Руқия холанинг невараси қип-яланғоч гиламнинг юмшоқ патлари устида гилдираб ўйнайди ва сувнинг шилдирашига ўхшаб кулади. Бутун тун бўйи тишлари юлдузлардек порлаб чиқади.

Аммо эрталаб бошимнинг устида турасан: мени осишга шай бўлган дор каби. Юзимга тушган тарсакининг зарбидан уйғониб кетаман.

– Ҳали менинг пулларимни шундай қилиб авайлаб-асрамоқчимисан, ҳаммол?!

Гапларингга жавоб бермоқчи бўламан, аммо овозим чиқмайди. Сўкиниш ва таъна-маломат ёмғири остида бошимни эгаман, аммо овозим чиқмайди. Руҳим тилка-пора бўлиб кетади, аммо ҳануз гунгу лолман. Нега?... Чунки пул топишни билмайман. Онамнинг қўлида ўсган лапашангман. Ахир онам яхши аёл. У меҳр ва вафонинг, кечиримлилик ва фидокорликнинг, сабр ва чидамлиликнинг тимсоли...

Ҳамшира келиб бошимда тўхтади. Туфлиларини оёқларим олдида жуфт қилади. Яъни: “Марҳамат!” Яъни, парвоз тугади ва қафас менга мунтазир. Бинафшаларни, ариқчадаги сувни, кичик ва озод пуфакчаларни аллақачон қоронғулик ичиб қўйган.

Ҳамширага эргашаман. Заррача қаршилик оғир жазога сабаб бўлади. Каравотнинг устига чўзилишим билан бошимни чойшабнинг тагига оламан. Ҳамшира эшикни ёпиб чиқиб кетади. Улар ҳам келишади: бахмал кийимнинг ухлаган ва уйғоқ парчалари; занг урадиган соатнинг овози; супачада менга қараб ўтирган ит; занжирнинг учига осилган ва ҳавода муаллақ қолган хуштак; олдинлари учрамаган мовий рангли канақунжутлар; оёқлари ва қанотлари узилган ва фақатгина нигоҳ ташлаб турган пашша.

Улар эрталабгача мен билан бирга бўлишади. Кетишади ва яна келишади. Офтоб юзини дераза ойнасига қўйиши билан мен ҳам уйқуга кетаман. Беланчак у томондан-бу томонга бориб келаверади.

* * *

Катта меҳмонхонада зиёфат дастурхони ёзилган. Отам дўстлари билан қатор бўлиб ўтириб олишган. Лабига олтин суви югуртирилган бели ингичка қадаҳлар, биллур ликопчалар, қимматбаҳо сигареталарнинг қолдиқлари билан тўлаётган ва бўшаётган қулдонлар...

Ота, сен йиғляпсан! Ота, ҳали умид сўнганича йўқ! Ота, сеннинг қалбинг ҳали тўлалигича совуқ ва қора бўлиб улгурганича йўқ! Ота, сен ҳалиям Руқия холанинг қанчалик бечора эканлигига ишонасан! Маҳалладаги кўмирфурушдан кўмирининг кукунини ўзингнинг ҳисобингдан Руқия холага бериб туришини сўраганингни ўзинг айтдинг. Аммо... нега гиламни уларнинг тагидан тортиб олдинг?

Оҳунинг ўқ еганини ўзим кўрдим. Унинг қонга ғарқ бўлганини ўзим кўрдим. Руқия холанинг невараси ерга йиқилиб тушганини ва бошқа кулмаганини ўз кўзларим билан кўрдим. Унинг жойнамозини шолча устига ёзиб, худога қараганини ҳам ўзим кўрдим.

– Пул топмас ношуд! Ҳали менинг мол-дунёмни шундай қилиб асраб-авайлайсанми?!

Бошимга урасан ва урасан: данг-г, данг-г, данг-г!...

Ўзинг эмас, гапинг уради.

Куннинг қоқ ўртаси. Дўконда тушки уйқуга кетгансан. Шифтга ўрнатилган паррак ишлаб турибди. Унинг овози бошимни айлантиради. Гиламлар бир-бирининг устига тахлаб ташланган. Деворга ҳам осиб қўйилган, ернинг устига ҳам ташланган, оморда ҳам... Сен бир бурчакда ухлаб ётибсан. Сурпдан тикилган оқ кўйлагинг тананга ёпишган. Сийрак сочларинг тердан жиққа ҳўл. Қамишдан тўқилган елпигичинг қорнинг устида кўтарилиб-тушади.

Гилам тахламлари орасидаги ингичка йўлакдан ўтаман. Уларни насамми, деб ўйлайман... Улар китобларга ўхшаб қалин тахлаб ташланган. Уларни очишим керак. Уларни ўқишим керак. Мени зўрлаб олиб келдинг, ҳа, зўрлаб олиб келдинг. Менга дединг: “Ўқиш сенга

нима беради?! Одам бўлиш, хожа бўлиш ўқиганлар эмас, балки пулдорлар эришадиган нарса!”

Онам сочларини юлади ва юзига чанг солади:

– Ҳожи Нойиб! Худо ҳаққи, болани тинч қўйинг! Қўйинг, болам ўқисин! Ўзи учун одам бўлсин!

Юрагим сиқилади. Ҳамиша у билан сенинг ўрталарингдаги бу жангдан юрагим сиқилади.

Мени ўзинг билан бирга олиб келасан. Гарданимга уриб олиб келасан. Гарданимга муштлаб-муштлаб дўконга олиб келасан. Ўн тўрт ёшимда ёрдамчинг қилиб оласан. Дўкон мен учун зиндон бўлади.

Онам йиғлайди. Ўзимни кўрмаётганга оламан. У йиғлаётганини кўрмаслигимни истайди. Мен ҳам унинг йиғлаётганини кўрмайман. Кашта тикади. Мато юзасига гул ўрнига пулларни қатор қилиб тикади. Йиғлаётганини кўраман. Аммо кўрмаганликка оламан.

Не-не воқеалар юз бермади. Не-не воқеалар юз бермоқда. Менинг ёрдамчилик ишимдан кўнглинг тўқ эмас. Дўкондорликнинг уддасидан чиқа олишимга ишонмайсан.

Ота, унинг қалбини қандай қилиб вайрон қила олдинг? Қандай қилиб ундан бу умидни, бу гурурни, аёл бўлиш ҳиссини ўғирлашга эришдинг? Ота, қандай қилиб бундай қила олдинг?... Сен янги бир меросхўрга эга бўлишни истаяпсан.

Ухлайман. Шунчалик ухлайманки, қайтиб ўрнимдан турмайман. Отам режа тузган. Отамнинг менга бўлган умиди сўнган. Унга тегирмонга ташласа бутун чиқадиган, қаллоб, золим ва фирибгар бир меросхўр керак.

– Бир ўғил – бир эркак. Уни ўзим тарбия қиламан. Ўзим!

* * *

Уйимизга ёш аёл келади. Унинг кўзлари сенинг ёшлик чоғларингдаги кўзларинга ўхшаб кетади. Она, сен менга тушунтиришга ури-насан:

– Ҳеч фарқи йўқ, болам! У ҳам худди мендек, фақатгина бир оз ёшроқ, холос. Уям сенинг онанг. Сенга ука олиб келиб беради: сенинг ёнингга ёндош бўладиган ука.

Ҳолим бўлмайди. Титрай бошлайман. Менинг онам? Бир бегона аёл-а? У нега бизнинг уйимизда? Нега сенинг каравотингда ухлайди? Нега сенинг кийимларингни кияди? Нега бизнинг дастурхонимиз атрофида ўтиради? Нега уни “кичик бека” деб чақирадилар? Мен... нега унинг кўзларга тик боқолмайман? Нега?

– Она, қўйгин, боғнинг нариги томонига борай. Қўйгин, пахтахонага борай.

– Пахтахонага?!... Ўғлим, жинни бўлиб қолдингми? Пахталар устига?!

– Она, ҳамма ёқ пахтага тўла: худди булутдай, худди гулдай, худди шамолдай...

* * *

Неча йил ўтди? Неча йил орқамни босиб ўтиб кетди?

Онам букчайганича мато юзасига кашта тикади. Қатим тортади-да руҳининг парча-парча бўлиб кетган бўлакларини бир-бирига тикиб бирлаштиради: сенинг қўлларингда парча-парча бўлиб кетган руҳининг бўлакларини. Ота, бугун кечаси ёш хотининг билан қаердасан? Биз қаердамиз?

Йигирма шамли чироқ шуъласи унинг юзига қирмизи тус берган. Ота, қандай қилиб кўнглинг борди? Уни бунчалик хор қилишга қандай кўнглинг борди? Баҳона мен эдимми? Менинг лапашанглигим ва ношудлигимми? Менинг “китобхўрлигимми”?

Боққа ўзимни ураман: боғнинг нариги чеккасидаги пахтахонага. Пахталар юмшоқ ва меҳрибон: худди энага каби, худди она каби. Бошимни елкаларига қўяман-да йиғлайман. Улар худди булут каби, худди бир беланчак каби – парчаланиб кетганлигим ва ёлғизлигим катталигидаги бир беланчак каби меҳрибон.

Беланчак у ёқдан-бу ёққа бориб келади ва мени булутларнинг нариги томонига элтади.

Ҳашира яна қўлларида ҳапдори билан бошимда турибди. Бошини энгаштириб сўрайди:

– Алаҳсираяпсанми?

– Оҳ, йўқ! Агар “ҳа” десам, мени яна ўша қаватга элтасизми? Кўл-оёқларимни боғлаб ўша темир беланчакка солиб қўясизми?

– Йиғлаяпсанми?

– Мен...? Мен...? Йиғлаяпман...?

Бўлимдан чиқиб келаман. У ернинг ҳавоси мени бўғади.

Девордан ошиб қочиб кетаётган чоғида қўлга тушиб қолган ва назоратчи Ҳабиб оғодан роса калтак еган одамни кўраман. Йўл-йўл иштон кийиб олган, ҳамиша сонларни тескари санайдиган ва ҳамиша ракетанинг учишини кутиб юрадиган бу одам ҳозир бир бурчакда гужанак бўлиб олганича ўйга чўмган. Унинг ёнидан ўтиб кетаман.

Бинафшаранг дунё, заъфаронранг дунё, нафас олиб бўлмайдиган қафас, занжир, девор ва тўсиқ... Қанийди бир умр ана шу шамшодларнинг ортида яшириниб қолса ва барча ҳамширалар уни топишолмаса. Ўшанда майсалар устида чўзилиб ётиш ва юлдузга қадар чиқиб бориш мумкин бўларди. Ўшанда ойнанинг елкасига юзларини қўйганча тўйиб йиғларди.

* * *

– Китобхўр, йўқот кўзимдан китобингни! Кел, ёнимда ўтир ва ҳисоблаб кўр. Ёнимда ўтир-да ўрган. Бир сенга қарайман, бир одамларнинг болаларига ва аламмим келади.

Ота, сенга айтмадим: бошимни китоб варақларининг орасига қўйсамгина нафас ололаман. Ўн тўрт ёшимдан ўн тўққиз ёшимгача бўлган умримни кимга сотиб юбординг?

Ота, агар китобни ерга қўйсам, ўзимни йўқотиб қўяман: сенинг дўконингда, сенинг боғингда, сенинг ерингда...

Сенга айтмадим, айтишга журъат қилмадим. Мен фақат сенга қарардим, термулиб-мўлтираб қарардим. Сен эса дод солардинг:

– Онаси, ўғил ўстирдингми? Бунинг аҳволига қара! Худди эчкига ўхшайди! Худди эчкига ўхшаб қарайди!

Онам хафа бўларди ва чиройли кўзлари ёшга тўларди:

– Нега менга бундай гапларни гапирасиз? Ўғлим бирор гуноҳ иш қилибдими?

Сен гўлдирардинг, сўкинардинг. Сўнгра шимингни кийиб, ҳасангни қўлингга олиб кетворардинг.

Ота, сен бир бор бўлса-да, қайрилиб қармасдан кетардинг.

* * *

Гидамлар девор, деворлар эса тош. Равоқлар паст... Нафасим сиқилади. Оёқнинг терлаган ҳиди, куядорининг ҳиди, оғир ва дим ҳавонинг ҳиди.

Мен қаердаман? Ҳамшира яна олдимга келибди. Яна ҳапдори олиб келган. Мендан бир нарсани сўрайди. Унга жавоб бермоқчи бўламан. Аммо тилим огир. Бошимга ҳужум қилганидан сўнг тилим тугилади.

Ҳамшира сув тўла стакан ва бир неча ҳапдорини қўлимга беради. Сариқми ёки мовий, фарқи йўқ. Стакан чўзилади, сўнгра кенгайди. Панжаларим билан томоғини сиқаман. Бирор нарса дейишим керак. Акс ҳолда бўғиламан. Ҳазабимни ҳовучимга олиб сиқаман. Ҳамшира қичқиради. Қўлларимдан қон оқади. Юзимни қўлларим билан яшираман. Ҳозир... ҳозир отам келади ва дод солади: “Лапашанг! Менинг мол-дунёимни шундай қилиб асрамоқчимисан?! Шундай қилиб-а?!”

Мени олиб кетишади: судраб-қўтариб, пастки қаватга. Ҳамширанинг айтишича, стаканнинг синиқлари билан унга ҳужум қилибман. Мен-а? Менда шунчалик журъат бор эканми?

Ҳамширанинг кўзлари худди унинг кўзларига ўхшайди: онамнинг ўрнига келган ўша аёлнинг, онамни ранжитган ва йиғлатган ўша аёлнинг.

Ота, қалбимни вайрон қилдинг: ҳали соппа-соғ бўлиши мумкин бўлган қалбимни.

* * *

Отам мени кўргани келди. Доктор қўлларимни ечишларини буюрди. Отам менга олма ва мандарин олиб келибди. Ёш хотинини ҳам ўзи билан бирга олиб келган. Кўлида бир даста наргис гули билан. Наргис гуллари худди онамнинг кўзлари каби ёшга тўла.

– Ота, гиламларингни нима қилдинг?

Заҳарханда куламан.

– Нега уларни оловга ташладинг? Мен сенга нима ёмонлик қилган эдим?!

Ота, дўконинг ёниб кетдими? Худди картошкагуллардай, худди онамнинг қалбидай? Онамни қаёққа жўнатдинг? Аччиқлаб кетиб қолдими? Худди ярадор қанотини судраб кетган кабутар каби, ярадор қалбини олиб кетдими? Чодирини бошига ташлади-да, ёш тўла кўзлари билан кетиб қолдими? Кетаркан ўзининг ҳамма нарсасини: обрў-иззатини, ёшлигини, ўғлини, меҳр-муҳаббатини ташлаб кетдими?

* * *

Гиламлар бир-бирининг устига тахлаб ташланган. Харидорлар келишади ва кетишади. Пул устига пул! Телефонлар жиринглайдилар. Сенинг номинг чет элларгача ёйилиб кетган. Кичик бека сенга бир ўғил олиб келиб берган. Онам аччиқлаб кетиб қолган. Сен мени ўзининг дўконингга олиб келдинг. Ўн тўрт ёшимдан ўн тўқиз ёшимгача бўлган умримни кимга сотиб юбординг? Куядорининг ҳиди, оёқларнинг терлаган ҳиди, гилам патларининг ҳиди, ёлгон ва қаллоблик ҳиди, Руқия хола ва неварасининг совуқ урган яланг оёқларининг ҳиди... Онам эса йўқ. Унинг кўз қорачигидек бўлган ўрни билинади.

Ота, бир мартагина бўлса-да, менга яхшилаб қара! Менга қараганинда ҳам кўзингга мен эмас, пул кўринадими? Менинг кўз ёшларимни ҳам пул билан ўлчайсанми? Онамнинг вайрон бўлган қалбини ҳамми?

“– Унга бир чек бердим: имзо қўйилган бўш чек. “Истаган нарсангни ёз”, дедим. Аммо кўзларим олдида йиртиб ташлади. Гўрга! Кетса кетаверсин. Ахийри бир куни боши деворга тақ этиб урилади-

ку! Унга яна нима керак эди?! Ҳамма нарсага эга эди-ку?! Умуман нимага кетиб қолди ўзи?”

“– Ҳамма нарсага... Аммо сенга эга эмасди-ку! Менга ҳам эга эмасди. Фурурга ҳам!”

“– Аҳмадим доктор бўлишини истайман. Унинг ўқишини ва одам бўлишини истайман.”

Наргис гуллари йиғлайдилар: худди онаминг кўзлари каби. Уларнинг заъфарон ранги менга озор беради. Кичик бека менга қарайди. У сенга ўғил олиб келиб берди, аммо унинг ўғли Руқия холанинг невараси каби шолча устида ухламайди. У қонга ботган оху тасвири туширилган ўша гиламинг устида ухлайди.

* * *

– Нега гиламларни ёқиб юбординг, ўғлим?! Менинг суянган суянчигим, катта ўғлим! Мен сенга нима ёмонлик қилган эдим?!

Дастрўмолинг билан кўзларингни сиқасан.

Демак сен ҳам йиғлашни биласан! Демак қора тошнинг бағрида ҳалиям бир булоқ яшириниб ётибди!

Менга олма артиб берасан. Юзимга тикиласан. Сен ҳам бечорасан. Қалин қошларинг остида кўзларинг чўкиб кетади.

Қўлингни уриб ташлайман:

– Кет... Йиғлашимни кўрмасингдан олдин кет!

Мени тинчитишга, олдимда қолишинга рухсат беришга кўндиришга уринасан. Билакларингни маҳкам сиқаман: худди бўғзимни сиқиб келаётган газаб каби. Кичик бека менга қарайди. Кўзлари кўрқувга тўла. Унинг томоғидан бўққим келади, унинг кўзлари ҳам ёшга тўлсин деб: худди онаминг кўзлари каби, худди наргис гуллари каби. Сен дод соласан:

– Ҳамшира! Ҳамшира!

Тутқаноғи тутди деб ўйлайсан. Даҳшатдан титрайсан. Куламан. Сенинг титраётганингдан қувонаман. Ҳамшира келиб билагингни чангалимдан озод қилади. Ўзингни орқага оласан.

Шундан сўнг бошқа келмайсан. Биламанки, энди ҳечам келмайсан. Менга артиб берган олмангни ахлат челаққа ташлайман.

Менга укол урадилар. Тўнғизлар! Мени жинни деб ўйлашади. Бишлишмайдики, ҳаммадан ҳам эс-ҳушлиман.

* * *

Тасмалар қўлимнинг терисини қитиқлайдилар. Бир ўргимчак девор юзасига тўр тўқийди. Кўпайтириш жадвали миямда юқорига бориб-келади. Пахтаҳонанинг эшиги очик. Шамол пахталарни ташқарига учиради. Руқия холанинг невараси пахталарнинг остидан қочиб чиқади: худди қор остидан қочиб чиққан жўжа каби.

Боғча сариқ ва мовий гуллар билан тўлган. Деворга осилган ниқоб кулади. Китобларимни қаерга кўмдинг, ота? Болалигимни-чи? Онаминчи-чи?

Кўкрагининг остида камалакнинг тасвири бўлган бир қалдирғочнинг жасади қўлимда. Уни қаерга кўмай? Боғнинг деворлари бунчалик баланд! Бирор-бир туйнук йўқ. Капалакларнинг қанотларини ким юлиб олди? Сен онамга: “Уни бориб кўришга ҳаққинг йўқ!” дебсан. Менинг сенга бўлган умидимни чилпарчин қилдинг, ота. Пулларининг саноғи бўлган ўша кунлар, сендан муҳаббатнинг ҳиди келиб турган, сен ҳали пулнинг асири бўлмаган ўша кунлар қаёққа кетди?

Ундан сўнг нима бўлди? Сен қандай қилиб аста-секин буларнинг барчасидан узоқлашдинг?

* * *

Доктор мени хонасига чақирди. Устига шиша қопланган катта столнинг ортида ўтирганча менинг парвозимни текшириб кўрарди. Мен у билан мулоқотга киришолмайман. Унинг ўткир нигоҳлари остида титрайман. Қўлларимни камзулим чўнтагига яшираман ва титрайман. Овози келади:

– Ҳўш, гапир, аҳволларинг қалай?

– Аҳволим?

Оддий савол. Аммо жавоби-чи?... Унда нега тилим калимага келмайди? Нега тилим айланмайди? Нега миямда қон югуради? Нега “мен”, “мен”, дейман-да, бир нарса томоғимга келиб тикилаверади?

Доктор сўрайди:

– Ҳўш, “сен” нима?

Йиғлагим келади... Саволига жавоб бера олмайман. Ярадор оху тўғрисида гапириб бера олмайман. Руқия холанинг марваридлари тўғрисида, кўзлари ёшга тўла наргис гуллари, онамнинг қанотлари ва унинг ўша қанотларини қўлтиқлари остига йиққанича кўчанинг бурилишидан ғойиб бўлгани тўғрисида сўзлаб беролмайман.

Доктор менга палатамга кетаверишим мумкинлигини айтади. У менинг ҳеч нарса демаганлигимдан ноумид бўлади.

* * *

Дераза ортидан ёмғир ёғишини томоша қилиш мумкин: кеча кечасидан бошлаб эрталабгача тинмай ёғиб чиққан ва ҳалиям ёғаётган ёмғирни...

Пастки қаватдаман. Юқорида бошсиз одамлар юришибди. Бошсиз оёқлар. Аммо бир жуфт катта-катта кўз: наргис гулларининг катталигидек, ёшга тўла, ҳикоя ва ғамга тўла бир жуфт кўз ҳавода муаллақ ҳолда энгашганича менга тикилиб қолган. Эй худойим, уми...? Онамми?

Чойшабни бошимга тортаман. Мени шу ҳолатда кўришини истамайман. Аммо бир неча дақиқа кейин эшикнинг оғзида пайдо бўлади. Кўлидаги ширинликлар қутисини каравотнинг устига отади. Ўзини ҳам. Сўнг бутун вужуди билан зор-зор йиғлайди.

– Она, бу сенмисан?! Қайтиб келдингми?!

– Ҳа, болам, қайтиб келдим. Сенинг оқсочлигингни қилиш учун қайтиб келдим! Отангнинг, ҳатто кичик беканинг оқсочлигини қилиш учун!

– Она, сен бекасан! Ҳали ҳам бекасан!

– Биргаликда уйга бориш учун олдингга келдим. Руқия холанинг хонасига, пахтахонага — сен истаган жойга бориш учун... Менга сўзлаб беришинг учун: сув ва юлдузлар тўғрисида, оху ва тоғдаги сарв дарахти тўғрисида, сен боришни истаган ҳар қандай жой, сенинг хаёлингни банд этган ҳар қандай нарса тўғрисида гапириб беришинг учун...

Оҳ чекаман-да, бошимни каравот панжарасига қўяман.

– Она, гуруринг қаёққа кетди? Мен туфайли, Ҳожи Нойиб гиламфурушнинг мағлубиятга учраган меросхўри туфайли сен ҳам мағлубиятга учрадингми?

Доктор келади.

– Мен... мен сиз билан гаплашишим керак, доктор.

Доктор жилмаяди:

– Қадамингизга ҳасанот.

Онам билан бирга унинг кабинетига борамиз. Столининг устида бир даста наргис гуллари меҳрибонлик билан менга қарайдилар. Энгашиб улардан бирини оламан ва онамнинг қўлига тутаман. Доктор менга қарайди. Унинг қаршисидаги стулга ўтираман-да гапиришга уринаман. Наргис гулларининг кўзларида ёш ҳалқаланади...

ТЎКИЛГАН ГУЛЛАР

Туннинг нариги бошидан келарди. Олдинига оҳиста-оҳиста ҳаракатланиб, кўрсаткич бармоқларини ерга нуқир, аммо кейинроқ булутлар оқ чекканларидан сўнг қадамларини тезлаштирардилар. Энди тарновнинг ихтиёри ўзида эмасди. Овозини баралла қўйганича войвойлаб йиғлар, нола қилар, унинг овози икки табақали эшикларнинг тирқишидан ичкарига кириб келарди.

Хона қоронғулик бағрига ғарқ бўлган эди. Фақатгина қора тутун босган йигирма шамли чироқ оғзидек жудаям кичкина бир сариқ нур шифтнинг бир бурчагини ёритиб турарди. Аммо чироқнинг керосини тугаганидан сўнг биргина ёруғлик гули ҳам бир-икки қанот қоқди-ю, тўкилиб тушди.

Энди фақатгина қоронғулик бағрида ёмғирнинг, кекса, ўрта ёш ва ёшгина аёллар ва қизнинг — кампирнинг, Азизахонимнинг ҳамда Маржонанинг пишиллаб нафас олганлари овози чиқарди.

Кампир сандал этагида, ўзининг ҳар доимги жойида гужанак бўлиб олганича ухлаб ётар, бош томонида намоз ўқиганда қиядиган чодирри ҳамда косанинг ичида ясама тишлари турарди. У гижимланган кичик бир соядай қимирламасдан ётарди.

Ундан сал нарироқда бўйлари узун ва елкалари ориқ Азизахоним ётар, юзларининг ранги ўчган, кўзларининг остида кўм-кўк ҳалқалар кўзга ташланарди.

Сандалнинг бошқа томонида қоронғулик бағрини милтиллаб турган фосфордек Маржона ётарди. Лойсувоқ томга тушаётган ёмғирнинг шитирлаши, ёғоч эшик ва деразаларнинг титраши ҳамда тарновнинг ўкириб йиғлаши овозлари ҳаммаси бир бўлиб уни тинч уйқу бағридан суғуриб олишган эди.

Оёғининг кафтини манқалнинг деворига ёпиштириб олган, куйдирувчи иссиқ оёқ панжаларининг учидан тортиб юрагигача йўл топиб борар ва томирларида бир жўшқинлик уйғотарди. Хаёллари худди учар юлдуз каби ўзи ётган нуқтадан ўқдек учиб музчечак дарахтининг нариги томонига бориб тушарди.

Аммо... бу овоз?... қаердан келаётган экан?! Олдинига яхшилаб қулоқ солди, сўнгра ўрнидан сакраб турди.

Овоз хонанинг ичидан, бошининг тепасидан келаётган эди. Бу олдинига майин, сўнгра эса қаттиқроқ зарбалар билан бир маромда туша бошлаган ёмғир томчиларининг овози эди.

Эмаклаганича одинга юрди. Қўли билан гиламни ушлаб кўрди. Гилам ҳўл эди.

– Ойи, ойи, том... қулаб тушяпти!...

Унинг қичқирган овози билан Азизахоним ва кампир жойларидан сапчиб туришди. Азизахоним қоронғуликда пайпасланганича гургурт қидирар экан, уйқусираб сўрарди:

– Қани? Қаер?

Кампир эса зўрға ҳаракатланган ҳолда бир қўли билан бошига чодирини тутган, иккинчи қўли билан эса ўзиям билмайдиган ниманидир қидирарди:

– Азиза, менга ёрдам бер! Мени ташқарига олиб чиқ. Ҳозир тириклай гўрға тиқиламан!..

Азизахоним гугурт чақди. Оловини олдинроқ олиб келди. Янаям олдинроқ. Тепага қаратди... Шифт ёрилган, унда пайдо бўлган бир неча тешиқдан сув чакиллаб томарди.

– Эй худойим!

Кампир қалтирарди:

– Азизажон, мени қутқар!

Рангида ранг қолмаган Маржона эса шифтга тикилган ҳолда деворга суяниб қолган эди.

Азизахоним катта-катта қадам ташлаб эшикнинг олдига етиб борди. Лўкидонни суриб, эшикни очди-да, бақирди:

– Нега қотиб қолдинг, қизим?! Ташқарига қочмайсанми энди?!

Маржона кўзларини ёрилган шифтдан узмаган ҳолда орқаси билан юриб, хонадан чиқди-да, дод сола бошлади.

Азизахоним ярим турган ҳолда қўлларини осмонга чўзиб илтижо қилаётган кампир томонга югурди.

– Азиза! Азизажон, мени қутқар!

Азиза тишларини гижирлатиб захрини сочди:

– Ҳаммасига сен айбдорсан! Мана шу вайрона уйингга ёпишиб қолгансан.

Маржонанинг дод-фарёди билан қиблага тескари қилиб солинган хонанинг эшиги очилди-да, ундан ҳовлиққан ва саросимага тушган Яҳё югуриб чиқиб келди:

– Нима гап? Нима бўлди?

Маржона эса икки қўли билан бошига урганча дод соларди:

– Том... кулаб тушяпти. Кулаб тушяпти-и!...

Азизахоним чодирини белига боғлаб олганича кампирни катта меҳмонхонага олиб бориб қўйди, сўнг ҳовуз томонга югуриб кетди-да қўлида тоғора ва мис лаган кўтарганича қайтиб келди. Яҳё оёқяланг югуриб келиб, томи қулаётган хонанинг ичига бош суқди ва бақириги ёмғир овозини босиб кетди:

– Мен нарсаларни олиб чиқаман! Сен ташқарига чиқиб тур!

Осмон тинимсиз ёғар, кампирнинг йиғлаган овози ёмғирнинг шитирлаган овозига жўр бўларди. Азизахоним Яҳёнинг гапига эътибор ҳам бермасдан, у билан биргаликда хонадаги буюмларни олиб чиқишга киришди. Маржона олдиндаги хона билан катта меҳмонхона орасидаги тор йўлақда қўлларини қовуштирганича даҳшатга тўла кўзлари билан бу тўс-тўполонга қараб турарди. Пичирлаб нималардир айтар ва нималарнидир илтижо қиларди. Яҳё билан Азизахоним эндигина хонадаги гиламни судраб ташқарига олиб чиқишган эдилар ҳамки, даҳшатли гумбурлаган овоз чиқди. Капир фарёд солди. Азизахоним бошига мушглади:

– Эй худойим!

Яҳё эса гиламни ташлади-да:

– Маржона? – деди. – Маржона қани?

Маржона чақмоқлар ёруғида икки бўлинган қоронгулик орасида қўлларини бўм-бўш фазога чўзганича дод солди:

– Йўқ... Йўқ!

Яҳё яна олдиндаги хонага қайтди. Шифтнинг бир қисми кулаб тушган, ёмғир билан тўлиб-тошган қоп-қора булут шифтда ҳосил бўлган ушбу катта тешиқ устида турганича ҳалиям пишқирарди.

* * *

Тарқоқ булутлар орасидан пойлаб қараётган қуёш ўзининг заиф нурларини сочганча музчечак дарахтининг шохларида ялтираб акс этарди. Азизахоним ҳовлининг ўртасида қўлда супурги тутганича турар, Яҳё эса том тепасида тарновнинг оғзини тозалар, терисини изғирин шамол қизартириб юборганди. Бир ҳовуч лой аралаш дарахт баргларини қўлида тутиб турган ҳолда пастдан Азизахонимнинг овозини эшитди:

– Маржона... Маржона?!...

Бир оздан сўнг шамол Азизахонимнинг қизига айтаётган гапларини унинг қулоқларига етказди:

– Бориб амакингга айт... Уйнинг қолган қисми ҳам қулаб тушмасидан бу ёққа бир келсин-да, укасининг етим қолган болаларининг тақдирини бир ёқлик қилсин.

Эшик қарсиллаб ёпилиши билан Яҳё қаддини тиклади. Маржонанинг оппоқ кўйлаги бир томчи сув каби кўчанинг бурилишига томди ва кўздан ғойиб бўлди.

Яҳё ҳовлига тушиб келди. Тарновнинг оғзидан сидириб олган бир ҳовуч ахлатни бориб боғчанинг бир бурчагига тўкди, сўнг ҳовузча устидаги брезентни чеккага сурди ва ҳовузчанинг устига қатор қилиб терилган ходалар орасидан кўлини сувга тикди. Музлаб қолган бир балиқ кўзлари ҳайратдан қотиб қолган ҳолда ҳовузчанинг шиша шифтига ёпишиб қолган эди.

Бейхтиёр кўлини орқага тортди. Қаддини тиклади ва ҳовузча атрофида тўпланиб қолган хазонларни супураётган Азизахонимга қараб деди:

– Муҳсин оғо йўқми?

Азизахоним хокандозни деворга суяб қўяр экан, икки ҳовли ўртасидаги зинага ўтириб, гурури поймол бўлган аёл каби оҳ чекди:

– Эҳ, оғагинам... Агар дунёни сув босса, менинг Муҳсинимнинг тўпигига чиқмайди. Ҳаммадан яширсам ҳам сиздан яшира олмайман, Яҳё оғо.

Яҳё ҳўл қўлларини қўлтиғига артиб қуритди-да, Муҳсин ётган хонага қараб борди. Ярим очиқ эшикнинг бир бурчагидан хонанинг ичкарисига кўз ташлади. Муҳсин тартибсиз ҳолда айқаш-уйқаш бўлиб ётган кўрпа-тўшагида ўликка ўхшаб ётарди.

Эшикнинг ойнасини бир неча марта тақиллатди.

– Муҳсин оғо... Муҳсин оғо!

Муҳсин бир қимирлаб қўйди. Эринибгина бошини овоз чиққан томонга бурди. Ярим очиқ ва хўмрайган қовоқлари орасидан унга қаради-да, сўнгра яна ундан юзини ўгириб, кўрпани бошига тортди.

– Муҳсин оғо, бир дақиқа ўрнингиздан турунг-да бу ёққа келинг. Анави хонанинг томи қулаб тушди. Келинг, кўрайлик-чи нима қилса бўлади.

Муҳсин норози ва бўғиқ овозда кўрпанинг остидан гулдиради:

– Кўйсанг-чи, оғо. Тонг саҳарлаб... Ким туриб хонанинг томига қараб юради ҳозир? Қолганиям қулаб тушмайдим менга деса!

Яҳё орқасига қайтди-да, Азизахонимга қаради. Азизахоним музлаган қўлларини қўлтиқлари остига қистириб олган ҳолда деди:

– Сизга нима дегандим, Яҳё оғо? Ердан сел келадими ёки осмондан тош ёғадими – унга барибир. Чўнтагида пул бўлса бўлди, қолгани билан иши йўқ.

Яҳё нима қилишини билмай музчечак дарахти томон борди ва унинг нам танасига суянди. Ўзиям нега бу уйдан шартта кетиб қолгиси келмаётганлигини билмасди.

Азизахоним кампирнинг овозини эшитиб хона томон юраркан:
– Яҳё ого, – деди. – Бир пиёла иссиққина чойимизга чақирмоқ-
чийдим. Кампир одам қанчаям чой ичарди. Келинг, ичингизга бир оз
иссиқ киради.

Яҳё ого паст овозда деди:

– Раҳмат, Азизахоним. Кераги йўқ.

Азизахоним ҳали хонага киришга улгурмасидан ташқари эшик-
нинг тақиллагани эшитилди. Орқасига бурилди-да, катта ҳовлини
кесиб ўтди. Икки зинапояни битта қилиб ҳатлаб, кичик ҳовлига қадам
қўйди. Ҳовлига кириш йўлагидан ўтди-да, эшикни очди:

– Ассалому алайкум, амакиси! Марҳамат, кириг!

Бўйлари баланд, елкалари кенг ва сочларига оқ оралаган Мустафо
ого елкасига тўн ташлаб олган ва қўлларида чиройли доналари бор
тасбеҳ тутган ҳолда ҳовлига қадам қўйди:

– Нима бўлди, Азизахоним?

Ичидаги барча дард-аламни фарёди билан биргаликда Мустафо
огонинг оёқлари остига тўккиси келган Азизахоним унинг тик қараб
турган ўткир нигоҳларига кўзи тушиши билан бошидан чодирини
олди-да тугунини ечди ва у билан баданини ўради.

– Ойимга бирор нарса бўлдими?

Азизахоним кесатгандек жавоб берди:

– Йўқ, кампир соғ-омон. Тўрт мучаси соппа-соғ. Манави уйдан
ҳам чидамли бақувват!

Маржона амакисининг орқасидан келиб, бир соя каби ичкарига
сирпанди-да, ҳовлига кириб кетди. Зинапоянинг этагига етганда ҳали-
ям дарахт остида турган Яҳёга бир қараб қўйди. Зиналардан кўтарил-
ди. Музчечак дарахтининг синиб тушган шохи кеча кечаси ёққан
ёмғир натижасида тўпланиб қолган хазонлар билан биргаликда унинг
нигоҳини ўзига тортиди.

Бир лаҳза энгашди. Сўнгра қўлини тортиб олди-да, кичик йўлак
томон юрди ва катта меҳмонхона пардасининг ортида ғойиб бўлди.

Кириш йўлагидан ўтиб, кичик ҳовлига етган Мустафо ого томи
қулаб тушган хонага бош сукди:

– Бу уйни энди тузатиб бўлмайди. Бундан анча олдин эскириб
бўлган эди. Неча марта айтдик, ойим қулоқ солмади. Неча марта айт-
дик, дод-фарёд қилди. Энди нима деркин? Бекордан-бекорга айтма-
ганимизни энди тушуниб етган бўлса керак?!

Азизахоним овозини баландлатди:

– Нимасини айтасиз... Эрталабдан бери нола-фигон қилиб ётибди.

Мустафо ого хонанинг деразасидан ҳалиям ҳовлида турган Яҳёга
кўз ташлади. Яҳё уни кўриши билан калласини қимирлатиб салом
берди. Мустафо ого эса унинг саломига алик ҳам олмасдан Азизахо-
нимга юзланиб деди:

– Бу қачон кетади? Ҳалиям шу ердами?

Азизахоним паст овозда деди:

– Ҳали муҳлати тугаганича йўқ. Ойнинг охиригача вақти бор.

Мустафо ого юзини ўгириб, лой ва ахлатга тўла тоғора ва лаганга
ҳамда тешилган томга қаради. Сўнгра хонанинг ичини бир айланиб
чиқди ва жойида қолиб кетган бир неча уй буюмларини бармоғи-
нинг учи билан суриб қўйди:

– Худо раҳмат қилгур укам ойимни кўндираман деб роса урин-
ганди. Аммо кўнмади. Агар ўша пайтда уйни сотганимизда эди, аҳво-
лингиз бундан анча яхши бўлган бўларди. Яъни ҳаммамизнинг аҳво-
лимиз яхши бўлган бўларди.

Сўнгра бир йўталиб қўйди-да, хонадан ташқарига чиқди ва ҳовлига қадам қўйди.

– Ўглингиз қаерда? Бу бола қай гўрда ётибди?

Ҳалиям ҳовлида бўлган Яҳё қулоғигача қизариб кетди. Ҳовузчанинг юзига терилган ходалар устига ўтирди-да, қўлларини қовуштирди.

Шунча пайтдан бери ичидаги гапни Мустафо оғога айтаман деб келарди. Аммо ҳозир...

Азизахоним шошиб-пишиб деди:

– Болагинам, Муҳсин, ярим кечаси роса овора бўлди. Офтоб чиқиши билан бир оз мизғиб олай деб уйга кириб кетди.

Муҳсин оғо тасбеҳини у қўлидан-бу қўлига оларкан, истехзо билан жилмайди:

– Рост айтаётган бўлинг-да, ишқилиб. Раҳматли укамнинг ҳамма умиди мана шу биттагина ўғлидан эди. Бунингиз эркак бўлиш ўрнига, тагин бир... ло илоҳо иллоллоҳ....

Азизахоним ранжигансимон деди:

– Нега нафасингизни совуқ қиласиз, амакиси?!...

Мустафо оғо тор йўлакдан катта меҳмонхона томонга юрди. Эшик пардасини четга сураркан, паст овозда деди:

– Бугуноқ Авс Ражабга айтаман, келиб уйни бир кўриб кетади. Унинг ўзи бунақа ишларни яхши тушунади. Уйни сотишга ойимни кўндириб қолсак ажаб эмас.

Маржона устига чой тўла стаканлар қўйилган патнисни кўтарганча парданинг бир чеккасидан чиқиб келди. Амакиси унга бир назар ташлади-да, жилмайди:

– Кўз тегмасин! Кап-катта қиз бўлиб қолибсан-ку!

Патнис устидаги стаканлардан бирини олди-да, хонага қараб юрди.

Маржона тор йўлакдан ўтди. Аммо ҳовлига қадам қўйишидан олдин Азизахоним патнисни унинг қўлидан олди, унинг устидаги стаканлардан бирини олиб айвоннинг лабига қўйди ва патнисни қўлида тугган ҳолда Маржонани ўзи билан бирга катта меҳмонхона томонга олиб кетди.

Яҳё совқотганини ҳис қилди. Кўзи чой тўла стакандан оҳисталик билан осмонга ўрлаётган мулойим бугда эди. Ушбу совуқ кундаги ягона иссиқ нуқта ҳам ушбу тор йўлакда ярақлаётган ана шу ақиқранг чой эди. Аммо нега уни олиш учун қўлини чўзмаганини тушунмади. Ўрнидан турди-да, хонасига қараб юрди. Кийимини кийиб кўчага чиқди. Гунг бир ғам унинг елкасига елкасини қўйди ва у билан бирга кўчанинг бурилишидан ғойиб бўлди.

Кампирнинг кўзи ўғлига тушиши билан йиғлай бошлади:

– Илоё, бўйгинангдан онанг айлансин. Бошимга нималар тушганини кўрдингми? Уйим бузилганини кўрдингми? Отанг раҳматлидан қолган ёдгор уй қандай қилиб вайрон бўлганини кўрдингми?

Мустафо оғо эшикнинг остонасида ўтираркан, телпагини бошидан олди-да, тиззасига кийгизди. Сўнгра ўйчан ҳолда тасбеҳ ўгиришга тушди.

– Болагинам! Бошимизга нималар тушганини кўргани келдингми? Умримнинг охирида қандай хор-зор бўлганимни кўргани келдингми? Жигарим қандай куйиб, ҳалқумимдан қандай отилиб чиқишини кўргани келдингми?

Мустафо оғо тасбеҳнинг охири донасини бармоқлари остидан ўтказар экан, истамайгина қимирлаб қўйди-да, тилга кирди:

– Ойи, яна бошладингизми? Ўзинг пиширган ошни ўзинг ич, дейдилар. Сизга неча марта айтдик, қулоқ солмадингиз. Мана оқибати!

Кампир бирдан йиғлашдан тўхтаб, бошини кўтарди ва баланд овозда деди:

– Нима дединг? Эшитмай қолдим? Агар отангдан ёдгор қолган мана шу уйни сотишни айтаётган бўлсанг, тўғри қилдим. Энди сен ҳам келиним ва невараларим билан тил бириктириб, умримнинг охирида мени дарбадар қилмоқчимисан?! Агар шундай қиладиган бўлсаларинг, берган сутимга розимасман, ўғлим. Илоё, сени ҳам менга қарши қайраганлар балога йўлиқсинлар!

Мустафо ого асабийлашиб ўрнидан турди. Телпагини бошига илиб, тасбеҳини чўнтагига солди-да, чойдан бир ҳўплам ҳам ичмасдан деди:

– Бўлди-да, энди, ойи! Яна дийдиёйнгизни бошладингизми? Раҳматли укам бир умр ялиниб ўтди. Ҳозир хотини ва болалари ҳам. Бу эскириб кетган уй чириб, тўкилиб, қулаб боряпти. Кеча кечаси битта хонанинг томи қулаб тушибди, бугун яна биттаси ўзингизни босиб қолади. Жиддийроқ қараш керак бунга. Бошқа чорамиз йўқ.

Кампир кўкрагига муштлаб, дод солди:

– Бу ердан худо раҳмат қилгур отангнинг иси келади. Ёш ўлиб кетган укангнинг иси келади. Муртазони мана шу уйда уйлантирдим. Мана шу ерда ўзингни катта қилдим. Мана шу уйда ўзим келин бўлганман. Бу уйда не-не дастурхонлар ёзмадим, не-не меҳмонлар кутмадим. Ҳайҳот, ҳайҳот... не-не дуохонлик кечалари, не-не... Эй худо... худо... худо!

Мустафо ого ўзини эшикдан ташқарига урди. Шу пайтгача бу можарони кузатиб ўтирган Азизахоним унга қўшилиб ташқарига чиқди:

– Сизга айтмаганмидим, амакиси? Эшитгиси ҳам келмайди. Уйни сотишдан гап очилиши билан ана шундай нола-фигонини бошлайди.

Мустафо ого этигини оёғига яхшилаб кийди-да, аста-секин ҳовлидан ўтди. Азизахонимга бир кўз ташлади:

– Буёғини менга қўйиб бер. Ҳаммаси яхши бўлади. Фақат мана бу йигитнинг иложи борича тезроқ жавобини бериб юбор. Уни қайтиб бу уйда кўрмай.

Азизахоним унинг ортидан эшикни ёпиб қолар экан, деди:

– Хўп бўлади. Нима десангиз шу.

* * *

Азизахоним ҳалиям кичик ҳовлида эканлигида Муҳсиннинг қадам товушларини эшитди. Зинанинг устида бир оз тўхтади. Ранги заъфарондек сарғайган Муҳсин уйқусираган ҳолда отасининг эски пўстинини елкасига ташлаб довдираганича ҳовлининг нариги томонидан келарди. Азизахоним овозини кўтариб деди:

– Яхши ухлаб турдиларми?! Не ажабким, шаҳзодамиз ҳам ўринларидан турибдилар! Бу томонгаям бир қараб қўй, ўғлим. Зарар қилмайди!

Муҳсин онасининг гапларига эътибор ҳам бермай кичик йўлакдан ўтди-да, катта меҳмонхона томон йўл олди. Кампир уни кўриши билан бошқатдан йиғлашга тушди:

– Муҳсинжон, болам! Мени ўзинг қутқар! Мени бўрилар ўраб олишганини кўр! Ҳеч бўлмаса сен бирор нарса дегин.

Муҳсин бу гапларга аҳамият ҳам бермасдан пўстинни ечиб ерга улоқтирди. Хонанинг бурчагидаги самовар олдида чўк тушиб ўтирган Маржонага ярим нигоҳ ташлади-да, сандалга ўтираётиб буюрди:

– Чой...

Унинг ортидан хонага кириб келган Азизахоним ғазабга тўла овоз билан деди:

– Энди бу жувонмаргнинг қулоғига нималарни қуяяпсан?! Менга қарши қайраяпсанми? Қанча дод-вой қилма, бу уй сотилади. Бир-икки кун ҳаялласак, яна битта хона ағанаб тушади.

Муҳсин шошмасдан сигаретасини ёқиб, тутунини тепага пуфларкан:

– Каптарларим нима бўлади? – деди. – Эндигина бу жойларга ўрганишган эди.

Азизахоним титраётган қўлларини кўкраклари остига уриб, бақирди:

– Каптарларинг? Илоё, ҳаммасига қирғин келсин! Ундан кўра бўйи етиб қолган синглим нима бўлади, десанг бўлмайдими?

Муҳсин унга ярим бир нигоҳ ташлаб қўйди-да, қўлидаги гугурт қутисини отиб ўйнашга тушди. Гугурт қутиси гоҳ тик тушар, гоҳ ёнбоши билан, гоҳ олди билан тушар, гоҳ орқаси билан, гоҳ шоҳ бўларди, гоҳ вазир...

Азизахоним самоварнинг олдига бориб, бир стакан чой қуйди-да, унинг олдига – сандалнинг устига дўқ эткизиб қўйди.

Кампир бўйнига осилган кичкина бахмал халтачадан бир ҳовуч қанд-қурс ва тутмайиз олиб чиқди-да, сандал устига тўкди.

Азизахоним гўлдиради:

– Этагига майиз ҳам солиб бер. Сенинг ёнингни олади.

Муҳсин истар-истамас чойни ича бошлади.

Маржона хонадан чиқиб кетди-да, гуруч солинган катта мис патнисни кўтариб қайтиб кирди. Сўнгра бир бурчакка ўтириб гуручни тозалашга тушди. Онаси диққатини унга қаратди:

– Илоё, онагинанг ўлсин, қизим. Ҳеч ким мана бу етим қолган қизнинг тақдири нима бўлади, демайди. Ўзим унинг бахти тўғрисида ўйлашим, унга келаётган совчиларга жавоб беришим керак. Чунки отаси ўлиб, беғам одамларнинг қўлида қолиб кетган.

Кампир ҳар доим гап тополмай қолганида секингина ўзини олиб қочганидек, бу сафар ҳам боши билан кўрпанинг ичига кириб кетди ва кўзини юмиб олди.

Азизахоним ярадор йўлбарсдай ўқирди:

– Ҳа-а, ёқмаяптими?! Қачон зарурроқ бирор нарса тўғрисида гап бошласак, ўзингни ухлаганга соласан. Аммо ҳозир айтиб қўяй: агар ҳамма хоналарнинг томи қулаб тушадиган бўлса, бирор уста ёки қурувчининг бу ерга келиб уйларни тузатишларига йўл қўймайман. Майли, бу уйлар ҳаммамизнинг устимизга қулаб туша қолсин.

Муҳсин бирданига ўрнидан сапчиб турди-да, титраётган қўлидаги бўш стаканни зарб билан деворга отди:

– Бўлди қил энди! Тоқатимни тоқ қилиб юбординг. Минғиллай-вериб миямнинг қатигини чиқариб ташладинг-ку! Бечора кампирни тинч қўясанми ёки йўқми?!

Азизахоним олдинига унга қараб қотиб қолди, сўнгра йиғлашга тушди:

– Худо урсин сени! Юрагимни минг пора қилиб ташладинг. Худоё эрталабдан кечгача қулоғинг остида гўнг-гўнг қилиб миянгни айнитаётганлар балога йўлиқсинлар. Биттагина ўғлим менга суянчиқ бўлиш, мана бу хароба уйлардан қутқариш ўрнига ўшаларнинг гапига қулоқ солганидан кўра, худо жонимни олгани яхши эмасми?!

Муҳсин сандалнинг чеккасига қўли билан тиралиб ўрнидан турди. Эски пўстинни елкасига илди ва хонадан чиқиб кетди. Ранги сомондай сарғайган эди. Букчайиб келганди, ундан-да букчайиброқ кетди.

Бошини қуйи солиб олганча гуруч тераётган Маржона эса ўрнидан туриб хонадан чиқди, бир оздан сўнг қўлида супурги ва хокандоз кўтариб қайтиб кирди.

Шиша синиқлари ҳамда онасининг кўз ёшлари синиқларини бир-галикда супуриб олди.

* * *

Азизахоним овқат пишириш баҳонасида энг қийин пайтларда ўзининг ягона бошпанаси бўлган, ҳовлининг юзасидан бир неча зинапоя пастроқдаги жим-жит бир бурчакда жойлашган ошхонага келган эди. Ошхона Азизахоним унинг қоронғу ва тор бурчакларга бош қўйганча ўзи билан ўзи гаплашиши, дилидаги дардларини ёриши ва тўйиб-тўйиб йиғлаши мумкин бўлган бу ҳовлидаги ягона нуқта эди. Бу ерда ўйлаш ва ғам чекиш, ғам чекиш ва кўз ёши тўкиш мумкин эди. Бу ерда худди ўзининг онаси ва бувиси каби, ўчоқнинг олдида ўтириб оловга ўтин ташлаш ва ўзининг бахтиқаролигидан юм-юм йиғлаши, сўнгра эса юзлари ғам-аламдан эмас, балки ўчоқдан чиқаётган тутундан қизариб кетганлигини айтиш мумкин эди. Бу ерда ошхона хизматкори бўлиш ҳамда ўзининг бахтиқора эканлигини худди ошхонадаги ўчоқ ва қозонларнинг қоралиги каби табиий қабул қилиш мумкин эди.

Бугун унинг бир кўзи қозонда бўлса, иккинчи кўзи осмонда эди. Кўнгли ғаш эди. Агар яна ёмғир ёғса ва уйнинг қолган хоналари ҳам бирин-кетин қулаб тушса нима бўлади? Ер чўкиб, уйнинг пойдевори тагидан зил кетса-чи? Унда Муҳсинни қаерга олиб кетади? Маржонани кимнинг эшигига олиб боради? Уйсизлик ва дарбадарлигига қандай қилиб чидайдди? Хор-зор бўлганлигига-чи?

Муҳсин учун, унинг одам бўлиши учун не машаққатлар чекмади. Аммо не қилсинки, ҳаммаси унинг истаганларига тескари бўлиб чиқарди. Ўғлини мактабга берган вақтларидан бошлаб у доим дарслардан қочиб чиқар, кўчама-кўча сангир ва бировларнинг боласини уриб-сўкар, тош билан бошларини уриб ёрарди...

Кейинги пайтларда ҳам каптарларга ишқи тушиб қолган, доим томда ўтириб олганича каптарбозлик қилар, шу туфайли онаси кўшнилари олдида бошини кўтара олмай қолганди.

Бундан-да каттароқ мусибат бошига тушганлигини кейинчалик ҳис қилди. Биринчи марта ярим очиқ эшикдан мўралаб ўз кўзлари билан кўрган, яна бир марта эса қўйлагини юваётган чоғида унинг чўнтагидан пистага ўхшаш кичкина бир нарса топиб олган эди. Аммо бу нарсани хаёлига ҳам келтириб кўришга, ҳатто тилига ҳам олишга журъат қилмаган эди. Кимга ҳам айтиши мумкин эди бу мусибатни? Кимнинг ҳам ичи ачирди унга ва унинг ўғлига? Бу гапни бировга айтгани билан унга шармандалик ва ғам-аламдан бошқа нима ҳам олиб келарди?

— Ойи, менга пул керак.

— Қайси гўримдан оламан пулни?! Бир дунё хазинаси бор деб ўйлайсанми мени?!

Муҳсин устига овқат сузилган идиш олиб келинган патнисни олиб, деразадан ташқарига улоқтириб юборганди:

— Бунақа гапларинг билан бошимни ачитма. Менга пул керак, пул! Тушундингми?

— Туққан онасини шунчалик зор йиғлатган сендай ўғилни худо урсин! — дея зор-зор йиғлай бошлаганди Азизахоним. — Ўз онаси-

нинг жигар-бағрини пора қилган сендай болани худонинг ўзи қаро ернинг қаърига тиксин!

Шунда Муҳсин ўша ерда турган чилимнинг узун найини суғуриб олиб, онасига томон хезланган эди.

Азизахоним фарёд солган эди:

– Ур, ярамас, ур! Кел-да, туққан онангни аямай ур, номард! Уриб-уриб, ўлдир! Зора шу билан бу дунёнинг азобларидан қутулиб кетсам.

Муҳсин қўлидаги чилим найини зарб билан боғчадаги гулларнинг орасига отган эди. Гуллар пайҳон бўлганича қолган, унинг ўзи эса уйдан чиқиб кетганича бир неча кун қай гўрларда йўқ бўлиб кетган эди. Шундан сўнг Азизахоним ноилож меҳмонхонадаги ўн икки метр-ли гиламни йиғиб, гаровхонага топширган, Муҳсин яна пайдо бўлгач эса гиламни гаровга қўйиб олинган пулни унинг очкўзлик билан чўзилиб турган қўлига “заҳар бўлсин”, дегандек тап этиб ташлаган эди. Аммо бу билан муаммо ҳал бўлмади. Олдинига кумушранг шамдон ва тошойна, кейинчалик қизил гулли ликопчалар ва устига қушлар тасвири солинган патнислар, мис лаган ва тоғоралар... ҳамма-ҳаммаси сотилди. Ҳайҳот, ҳайҳот! Маржонанинг тақдири нима бўлади? Бўйи етиб қолган отасиз Маржонанинг?!

Ўчоқда тутаётган ўтин Азизахонимнинг юрагидаги дард-аламларга қўшилиб, унинг кўзларидан шовиллаб ёш оқизарди. Осмон қовоғини солиб олган, ошхонанинг ҳовлига қараган кичкина деразасидан унинг бир бурчагини кўриш мумкин эди. Бугун кечаси ҳам ёмғир ёғармикин?

* * *

Эндигина дастурхонни йиғиштириб бўлган эди ҳамки, ташқари эшик тақиллаб қолди. Мустафо оғо келганини кўнгли сезди. Юрагида ғалати бир безовталиқ бор эди. Булутлар лаҳза сайин кўпайиши билан унинг ичи ҳам қоронғулашиб борарди. Ювилмаган идишларни патнисга солиб, ҳовлидаги ҳовузчанинг ёнига олиб бориб қўйди. Сўнгра шошилганича ташқари эшик томон юраркан, юзларига томаётган илк ёмғир томчиларини ҳис қилди.

Эшикни очиши билан Мустафо оғони ҳамда унга эргашиб келган Авс Ражабни кўрди. Уларга салом бериб, ўзини чеккага олди. Мустафо оғо “Ё оллоҳ”, дея ичкарига қадам қўйди:

– Авс Ражаб уйни кўргани келди. Агар маъқул топса, иншооллоҳ, савдоси пишади ва ҳаммаси яхши бўлади.

Азизахонимнинг юраги зил кетди:

– Худди ўзларининг уйларидек деб билсинлар, марҳамат.

Эркаклар олдиндан тушишди, у ҳам уларнинг ордидан эргашиди.

Авс Ражабни танирди. Биргина у эмас, балки маҳалланинг барча одамлари уни яхши билишарди. Катта бойликка эга бўлган Ҳожи Солиҳ гиламфуруш кутилмаганда касодга учраб, унинг барча мол-мулки кимощди савдосига қўйилганида ана шу одам шарт ўртага тушиб унинг мол-мулкини учдан бир нархига сотиб олган, кейинчалик ҳам уни қамокдан қутқариб олиш учун пул тўккан эди. Қайси даврада ўтириб қолса ҳам: “Мен савоб учун унга ёрдамлашдим, унинг мол-дунёси учун эмас”, деб мақтаниб қўярди.

Ҳеч ким унга: “Ёлгон гапиряпсан”, дея олмасди. У кейинчалик Мирзо Тақий қандолатфурушнинг меросхўрлари ихтиёрида бўлган бир боғ ҳовлини ҳам текинга қўлга киритди-да, сўнгра булдозер билан суриб, кафтдек теп-текис қилди. Ағдариб ташланган шунча довдарахтга одамнинг ичи ачийди. Шундан сўнг бир неча пайтгача оқ

акация дарахтининг ҳиди маҳалладаги одамларнинг бошини айлантириб юрди. Афсус... Сўнгра эса ана шу ерда катталиги катакдек бўлган бир неча уй солиб, унга-бунга сотди. Энди бу ер илгаригидек жим-жит ҳам эмас, ундан дарахтлар ва гулларнинг муаттар ҳиди ҳам келмас, аксинча эндиликда катакдек уйлардан иборат бўлган кичкина бир маҳаллага айланиб улгурган бу жойда болаларнинг шовқини ва оналарнинг бақир-чақирни ҳукмрон эди. Ушбу маҳаллачадан макон топган ушбу одамларнинг қай жойлардан келиб қолганлигини ҳеч ким билмасди.

Икки эркак ҳовлини айланиб кўздан кечирар, Азизахоним ҳам уларнинг кетидан эргашиб юрарди. Меҳмонхонанинг эшиги олдига етишганида Мустафо ого қулфни ушлаб кўриб, сўради:

– Очилмайдами?

Азизахоним иккиланиб турди-да, сўнгра бўйнига осиб олган калитни олиб қулфни очди. Меҳмонхона ичидаги гиламсиз яланғоч ер офтоб нурларида товланарди. Мустафо ого савол нигоҳи билан унга қаради:

– Гиламлари қани?

Азизахоним шошиб-пишиб жавоб берди:

– Байрамга оз қолди. Гиламни ювишга берган эдик...

Муҳсиннинг хонаси олдига етишганида яна бир баҳона келтирди:

– Эшикнинг орқасига бир тўда лаш-лушларни қўйган эдик. Эшик яхши очилмайди. Бу ерни кўриб ўтирмасаларинг керак, ахир?!

Катта меҳмонхонанинг эшигига етганларида кампирнинг нолаю қарғиш овозлари кўтарилди:

– Менинг ҳаётимни шунақасига барбод қиладиган бўлсаларинг, мана шу амакингдан яхшилик кўрманглар, илойим! Бир бегона одамни нега бу ерга олиб келасизлар? Илоё, худо мендек бир бечора кампирни азоблаган сиздек номусулмонларни жазоласин!

Мустафо ого овозини баландлатди:

– Азизахоним. Бирор жойга ўтириб, икки оғиз гаплашиб олсак бўладими?

Азизахоним ҳовлининг ҳамма томонига бир қараб чиқди-да, бориб Яҳё турадиган хонанинг эшигини очди.

Авс Ражаб оёқ панжасининг учида туриб, ҳовлига қараган деразадан рўпарадаги томи қулаб тушган хонага қаради:

– Бу хона эскириб-чириб кетибди-ю?! Илма-тешик бўлиб кетган! Қачон қурилганди?

Мустафо ого Яҳёнинг хонасидаги эскириб ранги ўчиб кетган гилам, ёғоч қаравот ва тоқчада қалин қилиб терилган китобларга назар ташлади-да:

– Жойини топиб олибди! – деди истехзо билан ўзига ўзи.

Сўнгра ҳовлига қараб баланд овозда деди:

– Маржона қани? Айт, чой олиб келсин.

Авс Ражаб эса ҳовлини қадами билан ўлчаб чиқаркан, баланд овозда сўради:

– Кудуғи қаерда?

Мустафо ого хонанинг ичидан бошини чиқариб деди:

– Уста, кўпам очкўзлик қилма. Бу ёққа келгин-да, аввал бир стакан иссиқ чой ичиб, томоғингни хўллаб ол. Сўнгра асосий иш тўғрисида гаплашамиз.

Азизахоним катта меҳмонхонага кирди. Бир бурчакда тиззаларини йиғиб, гужанак бўлиб ўтирган Маржона ияги билан қўлларига суянганча рўпарасига тикилиб қолган эди. Унинг сал нарироғида кампир пичирлаб бир нарсалар деганича йиғларди.

Азизахоним бир лаҳза тўхтаб қолди. Пичирлаб ўзига ўзи деди:

– Қизгинам!

Сўнгра хаёлларини жамлаб олди:

– Ўрнингдан тур-да, амакинг билан меҳмонига чой олиб бор.

Маржона бошини кўтарди. Нигоҳида бир чақмоқ чақнагандек бўлди.

– Ойи, эшик тақиллаяпти.

У шундай деди-да, ўрнидан туриб хонанинг эшиги томон югурди.

Азизахоним билаги билан эшикни тўсди:

– Чодиринг қани?

– Чодир?

Маржона орқага тисланди. Унинг кўзларидан чақнаётган чақмоқ Азизахонимнинг юрагини тешиб ўтаётгандай эди. Нигоҳига дош бера олмай кўзларини олиб қочди:

– Маржона, чой... Меҳмонларга чой олиб бор.

Кампир ҳалиям йиғлаганича қарганарди.

Маржона бели ингичка ва лабига олтин суви югуртирилган учта сатканни олиб уларга чой қўйди.

У ҳали чодирини бошига ёпмасидан олдин Азизахоним унинг олди-борди-да, бошига санчиб қўйилган сочтўғноғичини ечди. Маржонанинг мулойим ва мафтункор қоп-қора сочлари ёйилиб кетди. Азизахоним чодирни унинг бошига ёпди.

Энди кампирнинг ҳам овози ўчган, жим ўтириб уларнинг гапларини пойларди.

Маржона хонадан чиқди. Унинг орқасида қолган эшик пардасидаги Лайли уйқуга кетган эди. Азизахоним унинг ортидан ҳовлига тушиб келди. Яҳёни кўрди. Ҳовлининг ўртасида тик турганича хонасидаги чақирилмаган меҳмонларга тикилиб қолган эди.

Маржона ингичка бир нур ёлқинидай шип этиб Яҳёнинг ёнидан ўтди-да, унинг хонаси томон кетди. Азизахоним унинг ортидан борар экан, Авс Ражабнинг харидор нигоҳига, сўнгра бир дам унга қайрилган Яҳёнинг оғир нигоҳига кўзи тушди.

Азизахоним энгашиб ҳовузчанинг юзидаги брезентни четга сурди. Қўлларини ювиши керак эди. Шу пайт Яҳёнинг хаста овозини эшитди:

– Балиқлар ўлиб қолишган, шундай эмасми, Азизахоним? Ҳаммаси музлаб қолибди!

Азизахоним бошини кўтарди. Маржона Яҳёнинг хонасидан чиқиб келди-да, устига чой тўла стакан қўйилган патнисни Яҳё томон тутди. Қарашларидан ўт чақнаб турар, одамни ҳаяжонга соларди. Яҳё эса ҳайрат билан унга тикилганича қотиб қолган, чойдан чиқаётган мулойим буғнинг ортидан ҳамма жой қоп-қоронғу кўринар эди. Кўзойнагини ечиб, ойнасини артди ва яна қайтариб кўзига тақди. Мустафо оғо унинг хонасидан чиқиб келаркан, бир йўталиб қўйди:

– Иҳм... Мени кечирасиз-у... бир нарсани сизга айтиб қўймоқчийдим. Бу уй бугун сотилди. Менимча... ўзингизга бошқа бир жой топишингиз керак.

Яҳё яна бир марта кўзойнагини ечди, орқага тисланди ва уйдан чиқиб кетди.

Туман ҳамма ёқни қоплаб олган эди.

Маржона катта меҳмонхонага қараб югурди. Патнисни хонанинг бир бурчагига отди-да, сандалнинг устига солинган кўрпанинг ичига кириб кетди. Руҳининг чил-чил синаётган овозини эшитмаслик учун кўрпанинг бир учини оғзига босди. Ҳеч қачон агар бу уй сотиладиган, боғчалари, ҳовузи ва деворлари бузиладиган бўлса, музчек дарахтининг жажжи ва хушбўй гулларини, гуллари тўкила бош-

лаган дарахтга ўхшаб қолган Яҳёни ҳам энди бошқа кўрмаслиги тўғрисида ўйламаган ҳам эди.

* * *

Тун эди. Бугун кечаси кампир ё сергаплик қилиб кўп гапириб чиқадиган, ё йиғи-сиғи ва қарғиш билан машғул бўладиган бошқа тунлардагидан фарқли равишда жим эди. Унинг учун бугун эрталабдан бошлаб ҳозиргача ўн йил вақт ўтгандек эди гўё. Кўзлари безовта, тили боғлиқ эди. Шифтга термулганича оғир нафас оларди.

Маржона ҳам жим эди. Шалоладай сочларини ёйиб олганича оқ сурпдан тикилган тугунчани тиззасига қўйиб олиб, унинг ҳошиясига тўр тикарди. Чироқнинг сояси унинг узун киприкларини янада узунроқ кўрсатарди.

Азизахоним намозга турганига бир соатча бўлган эди. Намозини тугатиб, жойнамозни хонанинг бир бурчагига қўйди-да, деразанинг олдига бориб, ойнасини қоплаган буғ қатламини артиб тозалади. Сўнгра юзини унга ёпиштириб, ҳовлининг нариги томонига қаради. Мўҳсин ётган хонанинг чироғи ўчиқ, Яҳёнинг хонасидан эса чироқ нур таратиб турарди. Азизахонимнинг юраги эзилди: унинг учун нима ҳам қила оларди? Маржонанинг мовий нигоҳлари, Мўҳсиннинг букчайган қадди, кампирнинг вайрон бўлган дили учун нима ҳам қила олиши мумкин? Унут бўлган ўзи учун-чи?!

Дераза ойнасининг артилган жойини яна қайтадан буғ ғубори қоплаб олаётган чоғда Маржонанинг овозини эшитди:

– Ойи, эшик тақиллаяпти.

Елкасига ташлаб олган чодирини бошига қўндирди-да, ҳовлига қадам қўйди. Қор ёғарди. Осмон худди баҳордаги шаффоф анор гуллари каби қизғиш тус олган эди. Ташқари эшик олдидаги кириш йўлагига етгач сўради:

– Ким?

Унинг овозидан таниди.

– Мен – Эҳтиромман.

Эшикни очди:

– Сенмисан? Ярим кечаси нима қилиб юрибсан?

Эҳтиромхоним семиз гавдасини бир силкитди-да, ҳовлига қадам қўйди ва ўша жойнинг ўзида ерга ўтириб олди.

– Вой ўлмасам! Бу нима қилганинг?!

– Менга мана шу ер яхшироқ. Кўп вақтингни олмайман.

Эҳтиромхоним қўлини юрагининг устига қўйиб олганича ҳансираб нафас оларди.

Азизахоним унинг қаршисида орқаси билан деворга суянди-да, оҳиста пастга сирғанди.

– Азизахоним! Майда-чуйда қилиб ўтирмасдан, гапнинг бўлаганини айтаман. Яхши биласанки, бир умр фарзандсизлик доғида куйиб ўтдим. Бу доғ менинг юрагимда умримнинг охиригача қолса керак. Кунботар чоғида Мустафо оғо келиб, менинг бутун умидларимни чиппакка чиқарди. “Бундан ортиқ сабр қила олмайман”, деди... Оҳ, Азиза! Шундай бир кун келишини хавотир билан кутиб юраддим, аммо бундай тез келишини билмаган эканман. Кеч тушган маҳалдан то ҳозиргача ичимда бир нарса узилиб кетгандек ва бутун танам ичра қанот қоқаётгандек бўляпти.

Азизахоним беихтиёр қўлини чўзиб, унинг қўлидан ушлади. Бироқ Эҳтиромхоним қўлини тортиб олди:

– Йўқ-йўқ! Менга ичинг ачишини истамайман! Сен... нарсаларингни йиғиштир-да, бизнинг уйимизга кўчиб ўт. Бошқа бир аёл

келиб, мени бу уйдан ҳайдаб юборганидан кўра, сенинг келганинг яхшироқ.

– Мен?!

Азизахонимнинг овози ҳайрат ва даҳшат билан тўлиб-тошган эди.

– Мустафо оғо ҳаммасини менга айтиб берди. Авс Ражаб Маржонангга харидор бўлибди. Бу тўғрида аҳду паймон қилиб ҳам олишибди. Уйингнинг олди-сотдиси тўғрисида ҳам бир келишувга эришибди. Сен тўғрингда ҳам менга айтиб берди. Уйнинг битта хонасини сенга бўшатиб беришимни буюрди. Майли, келгин... Балким сенинг қадаминг билан бизнинг кўкрагимизга ҳам шамол тегиб қолса. Бир кундош бошимга келиши керак экан, ўша сен бўлақолгин. Фақат йўқ демагин... Майли, шу билан менинг мушкулим ҳам, сенинг мушкулинг ҳам осон бўлақолсин. Эҳ, биттагина тирноққа зор қилди-я... Мустафо оғонинг ҳам сабри тугади.

Азизахоним орқаси билан деворга янада қаттиқроқ ёпишди. Гўё юрагидаги барча дардини деворнинг ичига тўкиб солмоқчидек эди.

– Демак уйни сотишдан мақсад шу экан-да?!

Эҳтиромхоним ўрнидан турди:

– Яхши қол, синглим.

Азизахонимнинг боши гангиб, девордан ўзини узди. Эшикнинг қарсиллаб ёпилган овози келганидан сўнг паришон ҳолда хонага қайтди. У ҳам бу кечаси Маржона каби бир дунё гап ва икки дунё сукутдан иборат эди.

Маржона тугунчани бир чеккага қўйиб, уйкуга кетган эди. Кампир ҳам. Бир оздан сўнг Азизахоним ҳам йигирманчи лампанинг ёниб турган пилтасини пасайтирди-да, сандалнинг бир бурчагига кириб чўзилди. Аммо тун бўйи кўзларига уйқу келмади. Осмон гира-шира ёришаётган пайтидагина кўзи илинибди. Тушида ҳовузчанинг бўйида турган эмиш. Таҳорат олмоқчи бўлганда, ногаҳон ҳовузчанинг устига ташланган ходалар орасидан икки қўл – музлаган иккита оппоқ қўл чиқди. Дод солмоқчи бўлди, аммо овози чиқмади. Бошини бошқа томонга бурди. Яхё ўз хонаси ичкарасидан дераза ойнасига юзини ёпиштириб олганича оғзини катта очиб олиб овозсиз куларди.

Жиққа терга ботган ҳолда ўрнидан сапчиб туриб кетди. Юраги такапука бўлиб, Маржона томон эгилди. Унинг тинчгина ухлаб ётганини кўриб юрагини босиб олди. Чодирини танасига ўраб олди-да, ҳовлига чиқди. Ҳовли юзасига пишиқ гиштдан терилган тўшама ҳамда шамшодларни оппоқ қор қоплаб олган эди. Сув қувури жўмрагининг учига боғлаб қўйилган латтани ечди ва кўрган тушини сувга айтди. Сўнгра таҳорат қилиб, хонага қайтди. Аммо осмонни қоплаб олган булутга монанд яна бир булут унинг юрагини ўраб-чирмаб олганича тарқагиси келмасди.

* * *

Қор тинимсиз ёғарди. Хона гўрдек қоронғу ва тор кўринарди. Фақатгина Яхёнинг хонасида ёниб турган чироқнинг нурлари кўзга ташланарди: Яхёнинг ўзи каби ёниб турган чироқнинг. У ўзининг барча нарсаларини – талабалик йиллари туғилиб ўсган қишлоғидан бу шаҳарга олиб келган, доимо у уйдан бу уйга, бу уйдан бошқа бир уйга ташиб-кўчириб юрган, кўрпа-тўшак, китоблар билан тўла эски чамадон ва бошқа лаш-лушлардан иборат бўлган нарсаларини йиғиб-териб, кўчишга тайёр қилиб қўйган эди. Буларнинг барчасини қатор қилиб териб қўйган, ўзи эса каравотнинг устида ўтирганича эшикнинг ярим очиқ икки табақаси орасидан ташқарига тикилиб

ўтирар эди. Ҳаво совуқ эди: бўлиши керак бўлганидан ҳам ортиқроқ, ҳар йили қиш фаслининг баҳмон¹ ойида бўладиган совуқдан-да совуқроқ эди. Музчечак дарахти нега бунчалик букчайиб қолган? Фамданмикин ёки номусдан? Ёки шунча воқеаларни кўриб туриб, қўлидан ҳеч нарса келмаганлиги учун афсусланганлигиданмикин? Уйнинг қулаб бораётган деворларига таянч бўла олмадими ёки тўкилиб бораётган ёш юракка мадор бўла олмадими? Сигарета ёқди. Ёниб тутаётган сигарета эмас, балки қалби эди. Унинг қулини қай шамолларнинг қўлига тўкса экан? Қўллари... унинг қўллари бир кечада қариб, қуруқшаб қолганга ўхшарди. Юраги ва руҳи ҳам, чеҳраси ва нигоҳлари ҳам...

Ногоҳ музчечак дарахтининг оппоқ қорга ўранган ялтироқ шохлари орасидан, ушбу дарахтнинг мавж ураётган танаси ортидан Маржонани кўриб қолди. У оёқяланг бўлиб, ўрилган сочларини елкасига ташлаб олганича кичкина айвонда нафас олишдан тўхтаган дарахтлар ва гулларни томоша қилар эди. Сўнгра оҳиста келиб, гуллардан бирининг битта шохини узиб олди-да, оёқяланг оппоқ қорлар устидан ўтиб, уни Яҳёнинг хонаси деразаси лабига қўйиб, орқасига қайтиб кетди. У оёқлари остидаги совуқ қорга эътибор ҳам бермас, кўзлари ўтдай чақнаб турарди.

Бу тушмиди ёки ҳақиқат? Бир неча дақиқадан сўнг елкасига эски пўстинини ташлаб олган Муҳсин букчайганича хонасидан чиқиб келди. Қор устидаги Маржонанинг оёқяланг босиб ўтган изларига қараб истеҳзоли тиржайди. Сўнгра ўша изларни – ишқ билан тўла юракчаларни заҳарханда кулганича топтайверди, топтайверди... Яҳё бунда ўзининг ширин орзулари қандай қилиб қўмилаётганини кўрди. Сигаретасининг қолдигини икки бармоғи орасига олиб маҳкам сиқди. Бармоғининг териси куйиб ачишди. Жойидан сапчиб турди. Бир куч уни бу уйдан қувмоқчи бўлаётгандай эди, гўё. Терисининг ачишаётган жойини топди. Руҳидаги ачишиб оғриётган нуқталарни эсидан чиқариши учун, танасидаги ана шу оғриқ нуқтасига эътибор қаратиши керак эди.

Нарсаларини икки марта қатнашда кўчага олиб чиқди. У билан хайрлашадиган ҳеч ким йўқ эди. Нигоҳи билан уйни айланиб чиқди. Иккиланиб олдинга юрди. Катта меҳмонхона эшигига тутилган қаламкор парда ортида тўхтади.

– Азизахоним!

Азизахоним шошилиб уйдан чиқди. Гўё Яҳёга нимадир демоқчи бўлаётганга ўхшарди: “Ҳеч нарса дема. Ҳеч нарса демасдан жимгина кет... Фақат кет... Маржона чиқиб қолмасидан кет”. Аммо овози чиқмасди.

– Мен... мен хайрлашгани келгандим.

Шундай дея ижара ҳақини у томон узатди.

– Лекин ҳали ой тугамаган эди-ку?

Яҳё гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади: “Мен учун ҳамма нарса тугади, ҳатто ой ҳам, Азизахоним”.

Аммо унинг ҳам тили айланмасди. Қўлидаги пулни ерга ташлади-да орқасига бурилиб, ҳовли томон йўл олди.

Ташқари эшик олдидаги кириш йўлагига етганида кўзойнагини ечиб, ойнасини артди ва яна кўзига тақиб олди.

Эшикнинг ортидан Азизахонимнинг овози қулоғига чалинди:

– Маржона! Нега мотам тутиб олдинг? Чойни дамла.

¹ Б а ҳ м о н – мелодий йил ҳисобидаги 21 март кунидан бошланувчи эронча ҳижрий-шамсий йил ҳисобидаги йилнинг ўн биринчи ойи, 20/21 январь – 20/21 февраль оралиғига тўғри келади (тарж.).

* * *

Қор устига қор ёғар, гўё ширин ва аччиқ хотиралар ана шу қорлар остида қўмилиб кетаётган эди.

Кампир, Азизахоним ва Маржона – ҳар учаласи сандал атрофида сукутга гарқ бўлганларича жим ўтиришарди. Катта меҳмонхона шифтининг бир бурчагидан томчи томар, унинг остига қўйилган мис тоғора тинкиллаб овоз чиқарарди.

Ҳар учаласининг кўзи шифтда, қулоғи чакиллаб томаётган томчида эди. Аммо хонада ҳукмрон сукунат уларнинг ҳар бирининг танаси, кўзи ва қалбига ёпишган муз парчаси бўлиб, уларни музлатарди.

Кампир энди йиғлаб-сиқтамас, қарганиб-илганмасди ҳам. Сукут сақлаганича ўзини тақдир ҳукмига топширган эди. Аммо бу уй деворлари ёрилиб, томлари тешилган тақдирда ҳам, ҳатто у пойдеворидан зил кетган чоғида ҳам унинг уйи эди. Зеро унинг илдизлари мана шу уйда, мана шу ҳовлининг тупроғида эди.

Бу уй неча-неча қишларни кўрмади. Шундай қишлар ҳам бўлгандики, уйдан ошхонага бориш учун қор орасидан ариқча ўхшаш чуқур йўлак очишар эди.

Шундай қишлар ҳам бўлгандики, худо раҳматли эрининг бир ўзи барча томларнинг устидаги қорларни кураб чиқар, сўнгра иссиққина сандал четида ўтириб, бир пиёла иссиқ чой ичгач: “Биринчи қор қарганики, охирги қор одамники”, дерди.

Мустафо ва Муртазонинг мана шу уйда дунёга келган кунларини эслади. Мана шу ҳовлида ўйнаб, ўсиб-улғайишди. Мана шу уйда уларнинг ҳар иккаласига келин олиб келди.

Мана шу уйда олдин эри билан, сўнгра эса ўғли Муртазо билан видолашди.

Эри оламдан ўтгач, унинг барча борди-келдиларию меҳмондорчиликлари барҳам топди. Шу билан бирга унинг олдинги ҳурмат-иззати ҳам кўтарилгандай бўлди. Эндиликда ўғли Мустафо бир ойда бир мартагина онасидан хабар олгани келар, оғзи тугилган кичкина тугунчани секингина унинг тўшаги остига тиқиб қўярди. Кампир ҳам ўғли кетгач секингина ўша тугунчани олиб, ичидаги пулларни санаб қўрар, сўнгра кундалик харажатларини бир четга олиб қўйиб, қолганини камзулининг астари ичига солиб, устидан тиқиб қўярди. Бу пулларни ўзининг ўлимлиги учун, қолаверса бўйи етиб қолган Маржонанинг тўйига деб асраб қўярди. Аммо энди бу пуллар тўғрисида ҳам ўйлашни истамасди.

Дераза ойнасидан юқорига қаради. Қор тинимсиз ёғишда давом этарди. Ёғётган минглаб қор учқунлари тўкилаётган гуллармикин ёки эришилмаган орзулар? Кўзларини юмди. Оҳ тортди: чуқур бир оҳ, бутун аъзойи баданидан отилиб чиққан узун бир оҳ, умрининг узунлиги қадар бўлган, унинг ғамлари каби узун ва бепоён бир оҳ... Шу билан кампирнинг сўнги нафаси ҳам унинг танасини тарк этди.

* * *

Юк машинаси кўчанинг бошида турарди. Мустафо оғо уй буюмларининг охиргисини ҳайдовчи ёрдамида машинага жойлади-да, уларга қараб деди:

– Энди машинага чиқаверсаларинг ҳам бўлади.

Маржона билан Азизахоним ҳорғин ва лол ҳолда кўчанинг нариги бошига термулганча қотиб қолган эдилар. Катта жез қулф уйнинг ёғоч эшигига ўлим муҳрини урган эди.

– Машинага чиқинглар.

Улар ҳаракатга келдилар. Аввал Азизахоним, сўнгра Маржона юклар орасига жойлашдилар.

Машина йўлга тушди. Кўча четидаги уйларнинг ёпиқ деразаларидан бир-иккитаси ярим очилди. Улар юзларини маҳкам ўраб олдилар.

Кўчанинг бурилишидан ўтганларидан сўнг, машина кабинасида ўтирган Мустафо оғо унинг орқа деразасини тақиллатиб, сўради:

– Яхши кетяпсизларми?

Иккаласидан битаси ҳам жавоб бермади.

Кўча четидаги пиёдалар йўлагига елкасига пўстин ташлаб олган Муҳсин уст-боши чанг ва тупроққа беланиб ўтирар, ёнида каптарлари солинган қафас турарди. Машина у ердан ўтиб кетаётган чоғида бир бор бошини кўтарди-да, одамнинг эътиборини тортмайдиган бемаъни бир тарзда ғулдиради:

– Каптарга кеп қолинг!.. Каптарга кеп қолинг!..

Бир оздан сўнг машина муюлиш ортида кўздан ғойиб бўлди..



Виктория ТОКАРЕВА

СИГИНМАГИЛ ОСМОН ДЕБ

ҲИКОЯ

Хотини баттар семириб кетишдан қўрқарди — уйда ҳеч вақт киройи нон бўлмасди. Трофимов эрталаблари нон сақланадиган ёғоч идишни очганида чумоли талаб ётган қоқ-қуруқ, моғор босган нон бўлақларига кўзи тушар ва шунда у ўз ҳаёти ҳақида ўйлаб кетарди. Ҳаёти ҳам ана шундай тотсиз, бесамар, аллақандай таҳқиромуз кечаётгандек туюларди унга.

Ошхонага кирган хотини ўзини оқлаган бўлади:

— Ўзинг олиб кела қолмадингми? Мен нон емайман, биласан.

— Сендан бошқа ҳам одам бор-ку, бу уйда, — дейди Трофимов.

— Йўқ деса ҳам бўлади, — дейди хотини секингина аянч билан. — Мен борманми-йўқманми, сенга барибир-ку.

Унинг гапида жон бор эди. Трофимов бошқа аёлни севарди. Сильвана деган, Римда яшайди у. Аслини олганда, истиқболсиз, беҳуда бир туйғу эди бу. Истиқболсиз-у, лекин тарихи бор. Ва бу ҳам, индаллосига кўчилса, Трофимовнинг ёлғиз ўзига дахлдор бир кечмиш эди.

Трофимов Сильванани илк бор “Бир аёл қиссаси” деган итальян фильмида кўрган. Москвага бундан бошқа у қатнашган бирорта ҳам кино келмаган. Балки Сильвана аллақачон кино оламини тарк этиб кетгандир ёки ҳали ҳам роль-пол ўйнаётгандир-у, у фильмлар бизда сотиб олинмаётгандир. Трофимов ўша фильмни атиги бир марта кўрган. Унда ўн беш ёшларда эди, саккизинчи синфдами ўқирди. Экранда соҳибжамол, зотдор отдек дуркун Сильвана пайдо бўлган. Унинг кўзлари катта-катта, ҳайратомуз даражада чиройли, тишлари ҳам дурдек оппоқ ва ипга тизилгандек бир текис эдики, бунақаси ҳаётда кам учрайди, негаки табиат заргар эмас, бирон-бир нуқсон билан ҳам яратиши мумкин-да. Сильвана эса табиатнинг бамисоли ҳар жиҳатдан мукамал бир асари эди. У совуқдан совуқ, кўримсиз бир нусхани оппоқ, бўлиқ қўллари билан кучоқлаб, бағрига қаттиқ босади.

Русчадан
ШОҲСАНАМ
таржимаси

Машҳур рус адИБаси Виктория ТОКАРЕВА 1937 йили Ленинградда туғилган. Болалигида у шифокор бўлишни орзу қилган бўлса-да, мактабни тамомлагач, фикри ўзгариб, Ленинград консерваториясига ҳужжат топширади. Тўрт йил давомида муסיқий таълим олган Виктория бир муддат Москва яқинидаги қишлоқ мактабларининг бирида мусиқадан дарс беради. 1963 йили у актрисаликка ҳавас қилиб, ВГИКка ўқишга киради. Айнан шу даврда Виктория Токаревада ижодкорлик қобилияти юз кўрсатиб, иккинчи курсдалигида

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

54

Кейин бирдан умидсизликка тушиб йиғлай бошлайди, нуқрадек ялтираб оху кўзларидан йирик-йирик ёш томчилари тўкилади.

Ун беш ёш — ҳайрату завқ-шавқлар палласи. Сильвана Трофимовни чин маънода ҳам, кўчма маънода ҳам ларзага солган эди. Уни ўшанда ажиб бир титроқ тутиб, жойидан қимирлаёлмай қолган.

— Ҳа, нима бўлди, мазанг қочдимми? — деб сўраган синфдош ўртоғи Кирка Додолев.

Трофимов гиппа бўгилиб, гапиролмай қолган. Кейин ўз-ўзидан томоғи оғриган. Сильвана унинг жисмига бедаво дард, табиблар таъбири билан айтганда — вужудда хира пашшадек кезиб юрувчи тилларанг стафилокок мисол жойлашиб олган эди. Баъзан-ку, бу дард унча сезилмасди. Аммо унинг борлиги аниқ эди. Гоҳо сира кутилмаганда бош кўтариб қоларди.

Мактабни тамомлагач, Трофимов университетнинг журналистика факультетига ҳужжат топширди — бир куни Италияга борарман ва балки Сильванадан интервью оларман деган хаёлда. Ана шунда чинакам севги қиссаси бошланади. Ҳолбуки, бу қиссанинг илк сатрлари анча олдин — Трофимов ўн беш ёшдалигида битилган. Бевосита учрашувдан кейин эса Сильвана уни астойдил севиб қолади. Трофимов бир неча чет тилни ўрганди: итальянча, инглизча, японча — ким билади дейсиз, балки Сильвана у билан японча сўзлашмоқни ихтиёр этар.

Ҳар бир миллатнинг тили ўзига ўхшайди, бегона сўзлар жарангига қулоқ тутибоқ Трофимов баайни ўша миллатни ҳис этарди, баъзан сал-пал англиз бўлиб қолса, гоҳ японга айланарди.

У оддий муҳбир эмас, чинакам зўр журналист бўлиб етишсагина Италияга юборишлари мумкин. Трофимов ҳар жиҳатдан пухта билим эгаллади, ота-онасини ҳайратга қўйиб, эринчоқ-танбал бир боладан тиниб-тинчимас, серғайрат талабага айланди. Охир-оқибат серғайратлилиқ унга хос бўлиб қолди.

Учинчи курсни тугатиш арафасида йигирма ёшли Трофимов “Смена” журналининг энг яхши очерк танловида биринчи мукофотга сазовор бўлди. Расми журналнинг охирги бетдан битта олдинги саҳифасида чоп этилди. Сурат хира, сифатсиз эди. Аммо нима бўлганда ҳам бу унинг сурати, мана, бир неча минг ададда чоп этилди, шуниси муҳим эди. Қиёфаси энди гўё Трофимовнинг ўзидан ажралиб чиқиб, инсониятга дахлдор бўлиб қолган эди. Бу ҳол эса уни Сильванага яқинлаштирарди. Демак, улар энди деярли тенг мавқеда. Трофимов мукофотини “ювиш” учун гуруҳдошларини ресторанга олиб борди. Роса шовқин-сурон билан хурсандчилик қилиб хумордан чиқишди. Ҳаёт уларнинг ҳар бирига боқий умр, шон-шуҳрат, муҳаббат инъом этадигандек эди гўё. Аммо байрам нақд авжига чиққан дамда Трофимов ўзини ниҳоятда ожиз ҳис этди. Эҳтимол, жисмининг аллақайси пучмоғида мудраб ётган анови тилларанг лаънатиларга жон битгану улар томирлари бўйлаб галаён бошлагандир. Трофимов

“Ёлғонсиз кун” деган дастлабки ҳикояси чоп этилган. Адибанинг “Хэппи энд”, “Менинг ўрнимга”, “Қанотли отлар” каби асарлари китобхонларга айниқса манзур бўлган.

В.Токарева асарлари кўпинча А.П.Чехов ижодига қиёс этилади. Адибанинг ўзи ҳам бу буюк ёзувчи ижодидан баракали сабоқ олганини эътироф этади. Шунингдек, у Сергей Давлатов ижодига алоҳида хурмат билан қарашини таъкидлайди.

В.Токарева кино соҳасида ҳам салмоқли фаолият юритган. Бугунги кунгача унинг сценарийлари асосида (ҳамда ҳаммуаллифлигида) ун тўртта фильм суратга олинган. Улар орасида “Дадил бўлмоқ учун юз грамм”, “Тумор”, “Мимино” ва “Омадли жентльменлар” кино шинавандалари ўртасида жуда машҳур.

дафъатан бир нарсани англаб етди: “Смена” журналининг мукофоти ҳам, эски пулдаги қирқ рубль қалам ҳақи ҳам Сильванага бир чақа! Трофимовга ҳаёт бирдан рангсиз, маънисиз туюлиб кетди. Лекин сездирмасликка ҳаракат қилди — жўраларининг кайфиятини бузгиси келмади. Арзи ҳол қилган тақдирида ҳам бирортаси унга ҳамдард бўлмоғи даргумон. Ва ҳатто битта-яримтаси мушт тушириб қолиши ҳам мумкин...

Трофимов кейин иккинчи мукофот — Болгариянинг “Олтин буқа” совринини қўлга киритди. Ундан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мукофотига эга бўлди. Бора-бора Трофимов олган мукофотларини санамай қўйди. У зўр журналист бўлиб етишди — тамом-вассалом. Ҳамкасблари ҳазиллашиб уни “Олтин қалам” деб атарди. Аммо Сильвана учун булар арзимас майда-чуйдалар...

Трофимов талай йил бировга кўнгли қўёлмай, уйланомай юрди. Чунки учраган номзодлар уммон билан қийслаганда — бир кўлмак, ариқча, жуда бўлмаса, ирмоқдек гап эди. Сильванага бўлган муҳаббат Трофимовни бошқа аёлларнинг қўли етмас бир юксакликка — осмони фалакка олиб чиқиб қўйган эди. Бундай “мавқе” аёл кишигагина эмас, эркаклар учун ҳам фахрлидир. Трофимов Лермонтовга ўхшаган кўркам, сирли, аммо ҳаётдан кўнгли қолган одамдек таассурот қолдирарди. Аёллар том маънода ҳам, кўчма маънода ҳам унинг оёқлари остига ўзини таппа ташларди. Биттаси яхмалак майдонида нақд пойига келиб тушиб, майиб бўлишига сал қолган. Трофимов “Победа” машинасига ўхшаб 60 километр тезликда келаётган эди-да. Ҳозир унақа машина чиқмаяпти, бир вақтлар эса энг зўр автомобиль ҳисобланарди. Трофимов қизга урилиб кетиб, ўзи ҳам йиқилиб тушган. Кейин уни уйига кузатиб қўйишга мажбур бўлган. Қизнинг исми Галя экан. Бугун қайси қизни қараманг, исми Наташа бўлганидек, ўша кезлар уларнинг бари Галя бўларди. Қиз чой ичиб кетинг деб, уйига таклиф қилди. Чой устида эса ҳали тасодифан эмас, атай унинг оёғи остига йиқилганини айтса денг! Қиз бу “жавобсиз” муҳаббатдан чарчаб бўлган, энди севган одамнинг қўлида, ҳатто оёқлари тагида ўлмоққа ҳам рози экан. Маълум бўлишича, Галя Трофимовни мактаб давридан, яъни саккизинчи синфдан то ўнинчи синфгача, кейин университетда — биринчи курсдан то охиригача севган. Улар бир мактабда, лекин қўшни синфларда, битта олий ўқув юртида, лекин бошқа-бошқа факультетларда ўқиган экан. Трофимов уни эслай олмади, бундай қизни у ҳатто туш ҳам кўрмаган экан. Трофимов учун аёл зоти икки тоифадан — Сильвана ва Сильвана бўлмаганлардан иборат эди. Биринчи тоифага фақат Сильвана мансуб бўлиб, қолган ҳаммаси иккинчи тоифага кирарди. Модомики, Сильванага уйланиш тақдирига битмаган экан, иккинчи тоифага мансуб ҳар қандай аёлни хотин қилиб олавериши мумкин. Мана, ўзи жон-жон деб турибди, нега энди шу Галяга уйланмасин!

Тўй Гаянинг уйида ўтди. Одам кўп. Дастурхон атрофига ҳамма бирдан сигмади, худди сершовқин оромгоҳлардаги каби навбат билан ўтиришга тўғри келди. Шунга қарамай, базм роса қизиди, меҳмонлар бақариб-чақариб обдон хурсандчилик қилишди.

Галя ҳам бахтдан, ҳам пойабзали оёғини сиқаётганидан қарахт аҳволда ўтирарди. Унинг оёғи бирмунча дағал, шундан уялиб, бежиримроқ кўринсин дея у икки ўлчам кичикроқ туфли кийиб олган эди. У кезлар аёллик латофати оёқ ихчамлиги билан ҳам ўлчанарди-да. Йиллар ўтиб эса, эмин-эркин юриш учун Галя бир ўлчам каттароқ оёқ кийим сотиб оладиган, яъни ўттиз тўққизинчи эмас, қирқинчи

пойабзал киядиган бўлди. Бировлар нима деб ўйласа ўйлайвермайдими! Галянинг оёғидаги туфлининг катта-кичиклиги билан кимнинг иши бор! Ҳамма гап ўзида қолган. Атрофдагиларнинг фикрини эътиборга олиш нуқтаи назаридан, ёшлик ўртайшарликдан фарқ қилади, албатта. Умуман, эрку ихтиёр масаласида ҳам.

Тўйда ҳам бирор кимса Галянинг ўзини ўзи азоблаб қилган фидойилигини сезмади, ҳаммаси тўйгунча ичиб-еб, ўйнаб-кулди. Галя эса уриб-тиқиб оёғига биллур туфли кийиб олган шумшук қиздек ҳис этди ўзини. Охир-оқибат у туфлисини ечиб ташлаб, оёқяланг юрди. Кимдир қадаҳини қўлидан тушириб синдирган экан, Галя шиша синиғини билмай босиб, оёғини кесиб олса денг! Трофимов дарров сочиқ билан келиб унинг олдида тиз чўкди-ю, дафъатан ўзини хув бирдагидек ночор ҳис этди. У Сильвананинг олдида тиз чўкиб тургани йўқ-ку. Сильвана ҳозир Римда, эрининг қучоғида. У Трофимов билан эмас, бирон-бир миллионер — шарикли ручка ёки электрон соат чиқарадиган заводнинг эгаси ёки сайёҳлик бюросинингми, отелнингми ва яна алламбалоларнингдир хўжайини бўлмиш эри билан бирга! Трофимовнинг тўйи эса, мана, гулгула бир каталакда бўляпти. Дастурхонда помидору шўрбалиқ, газаклару дирилдоқ, холос. Бу ёқда Галянинг оёғини пойабзали сиқаётир, бармоқлари қон Трофимов гўёки ўз қўли билан орзуларини бўғизлаётгандек...

Меҳмонлар қўл ушлашиб келин-куёвни даврага олганча қўшиқ куйлай бошлашди. Трофимов эса ўртада тиз чўккан қўйи хаёл оламида ёлғиз учиб юарди.

Сўнг у маст бўлиб ҳожатхонада ухлаб қолибди. Охири эшикни бузиб киришга мажбур бўлишибди.

Тўйдан кейин ҳаёт бир маромда давом этаверди. Эллигинчи йиллар, олтмишинчи, кейин етмишинчи йиллар... бир-бирини кувиб ўтаверди. Олтмишинчи йилларда қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирила бошланди. Бастакорлар бунга бағишлаб куй басталаса, шоирлар шеър, журналистлар эса мақола ёзар эди. “Олис-олис йўллар, салом, қўриқ ерлар”. Етмишинчи йилларда Байкал-Амур магистрали қурилиши бошланди. Телевизорда бағбақадор қари хонанда куйларди: “БАМ, БАМ, БАМ — миллионлар сенда жам”.

Трофимов мамлакатдаги ўзгаришлар билан ҳамқадам ҳудудма-ҳудуд кезди, қўриқ ерларга ҳам борди, БАМга ҳам. Тюменда нефть кони очилганда вертолётда балиқ-палиқ дегани урчимайдиган Самотлор кўлига қараб ҳам учган эди. Трофимов вертолётдан пастга қараб, қайнаб-қўпчиб ётган сарғимтил ботқоқликни кўрган ва бу унга ернинг танасида маддалаган ярадек бўлиб туюлган эди. Олимларнинг таъкидича, табиатда ботқоқлик бўлгани маъқул, ҳатто жуда фойдали ҳам. Ботқоқликни қуриштириш табиатга нисбатан зўравонлик эмиш. Бунинг учун у бир кун келиб ўч олиши мумкин. Табиат ўзига нима фойдаю нима зарар эканини беҳато билади. Одам боласи эса худо эмас, бор-йўғи табиатнинг бир бўлаги, худди мана шу ботқоқлик мисоли.

Трофимов мудом замон билан ҳамнафас, баъзан у билан баҳсга киришар, баъзан эса даҳолар сингари ўзича ундан ўзиб ҳам кетар эди. Даҳо деганлари оддий одамдан шуниси билан фарқ қиладики, у замондошларидан юз ва ҳатто икки юз йиллаб илгарилаб кетиши мумкин.

Италияга бориш эса Трофимовга насиб этмади. Сильвана ҳам Москвага кела қолмади. Инглиз ва япон тилларида бошқалар билан

сўзлашишга тўғри келарди. Лекин Сильванадан, тўғрироғи, унга бўлган муҳаббатдан Трофимовга баъзи бир кўникмалар мерос бўлиб қолди: тиним билмай меҳнат қилиш, аёлларга бефарқлик, яъни хотинбозликка берилмаслик, шу ишгагина берилиб, ҳаёт синовларидан қочмаслик.

Галя ўзини бахтли аёл деб ҳисоблашига асос бор эди. Асос бор-у, аммо бахтнинг ўзи йўқ эди. Трофимов жисман уники бўлса-да, руҳан унга бўйсунмади. Унинг кўнглини овлаш учун нима қилиш лозимлигини билолмай Галянинг боши қотарди. Эри ҳам бордек, ҳам йўқдек. Бу зиддиятни ичига сиғдирилмай у охир-оқибат семириб кетган ва доим парҳез сақлар, таомдан тийилиб ўзини обдон ҳолдан тойдирган, қачон қараманг оч-наҳор, хўмрайиб юрар эди. Шундай экан, бахт ҳақида гапиришга ҳожат бормикан?!

Ишга иштиёқ ва иродалилиқдан ташқари, Сильвана Трофимовга бой берилган умрдан пушаймонлик ҳиссини ҳам сингдирган эди. Ичига кириб олган анови тилларанг лаънагилар ҳам гўёки Трофимов билан бирга кексайди, энди улар вужуддаги томирларда илгаригидек сурбетларча бемалол сайр қилиб юрмас, аксинча, бор-йўқлиги ҳам унча сезилмас эди. Лекин ҳамон бор, бор. Трофимов буни билар ва ўйлаб тушкунликка тушарди. Трофимов Сильвана деган дардга мубтало бўлган. У битта-яримтаси буни сезиб қолишидан ҳадиксирар ва дардини мағрурлик ортига яширмоқчи бўларди. Шу боис кўпчилик Трофимовни такаббурроқ деб ўйларди.

Етмишинчи йиллар ўтиб, саксонинчи йиллар келди. Италиян неореализми ўтмишга айланди. Неореализм асосчиси Чизаре Дзаваттини оламдан ўтди. Жина Лоллобрижида сураткашлик билан шуғуллана бошлади. Эски юлдузлар сўниб, ўрнида янгилари пайдо бўлди: Стефания Сандрелли, кейинроқ эса Орнелла Мути. Аммо улардан бирортаси Трофимовни Сильваначалик ҳаяжонга солмади. Эҳтимол, ўн беш ёш айна ҳайрату ҳаяжонлар даври бўлгани учундир. Қирқ беш яшар одамни эса унча-мунчаси билан ҳайратга солиб бўлмайди. Ҳаётига бирор таҳдид қилинса, дейлик, эшик очилсаю худди Италиянинг сўнгги йиллардаги сиёсий детективларидагидек, пешонасига тўппонча тиралсагина у ҳайратдан донг қотиши мумкин. Бундан бошқа таассуроту ҳаяжонларга йиллар давомида кўникиб, ўрганиб борар экан киши. Эҳтимол, сидқи садоқатнинг ўзга сабаблари ҳам бордир. Трофимов аҳдида собит одам. Барқарорлик — феъл-атворга хос, интизомнинг бир аломати. Трофимов, масалан, уй жиҳозларининг ўрнини алмаштиришни ёқтирмасди. У ўн йиллаб битта пальтони кийиб юраверарди, иш жойини ҳам ўзгартирмади. Бир мартагина уйланган, хотини — Галя, ҳаётидаги ягона муҳаббати — Сильвана ва доимий таътил вақти — июль ойи эди. Олтинчи синфдан бошлаб сирдошига айланган, ўша кезлар “Бир аёл қиссаси” фильмини бирга ўтириб томоша қилган Кирка Додолев унинг яккаю ёлғиз дўсти эди. Бошқа биров эмас, айнан шу Кирка унга таътилни бу йил июлда эмас, августда ол, июль ойида халқаро кинофестиваль бўлади ва Москвага кўпгина италян актёрлари қатори Сильвана ҳам келармиш, деб айтди.

Сильвана келади. Орзу ушалади. Кўп йиллик бўлса-да, орзу барибир орзу-да.

Кирка Додолев бу хабарни телефонда айтди. У бошқа нимадир кутган эди, аммо Трофимов миқ этмади. Томоғи гиппа бўғилиб, гапиролмай қолди, холос. У гўшакни қўйдию уйига жўнаворди. Уйда ошхонадаги жўмрак бузилган экан. Тўхтовсиз чакиллаб турган сув

худди қизилиштон дарахтга тумшуқ ураётган каби одамнинг миясида акс садо берарди. Трофимов томоғини боғлаб олди-да, жўмрак созловчи устани чақирди. Томаётган сув, Сильвана ва томоқ огриги орасида ботиний бир боғлиқлик бордек туюларди унга. Аммо уста Виталий келиб жўмракни кўздан кечиргач, гап нимадалиги маълум бўлди: арзimasгина бир балоси ишдан чиқибди, шуни алмаштириш керак эмиш.

— Ўша зормандадан ўзингизда йўқми? — деб сўради Трофимов.

— Нега бўлмас экан, бор, албатта, — деди Виталий. У кичкина жомадончасини очиб, жимитдеккина резина ҳалқача олди.

Трофимов унга ажабланиб қаради. Уй эгаси билан водапроводчи усталар ўртасида муносабат бошқача бўлишига ўрганган эди-да. Одатда бундай ҳолларда уста мана шу савил резина ҳалқача ҳам бир йиллардан буён савдода йўқ, камёб эканини, лекин у таниш ҳамкасбларидан суриштириб топиши мумкинлигини айтади. Узига-ку, пул-мул шарт эмас, бироқ анови ҳожатбарор одамга нимадир қистирмаса бўлмайди. Уй эгаси ялинишга тушади, кейин ўлганининг кунидан, аслида устанинг чўнгагида турган ўша ўн бир тийинлик матоҳ учун беш рубль тўлайди.

Виталий эса буткул бошқача экан. Ё сувчи усталарнинг янги авлоди етишиб чиқдими, ё бунинг янги авлодга мутлақо алоқаси бўлмай, Виталийнинг ўзи шундай инсофли одамми, бир нарса дейиш қийин.

— Неччи ёшдасиз? — деб сўради Трофимов ундан.

— Қирқ бешдаман. Нима эди?

Трофимов яна ажабланди. Юзидаги ҳорғинликни айтмаса, Виталий ташқи кўринишдан худди касб-ҳунар билим юртининг битирувчисига ўхшарди. Генерал Грёмин ҳам Татьяна Ларина унга турмушга чиққанда қирқ беш ёшда экан, Пушкин эса уни “оқ сочли чол” деб таърифлаган. Ёки йигирманчи асрга келиб, техник тараққиёт сабаб ҳаёт шароити ўзгариб, одам эллик ёшга етганда ҳам унчалик қариб улгурмайдими, ким билсин. Ёки урушдан олдин ва уруш йиллари туғилганлар шундай тузук ўсмай, нимжонроқ бўлиб қолганми? Эҳтимол, ёш кўриниш Виталийнинг ирсиятига хосдир. Виждонли ва навқирон!

Агар ювиб-тараб, рисоладагидек кийинтирилса, Виталий чала академикка ҳам, жаҳонгашта сайёҳга ҳам ё бир йўлтўсар қароқчига ҳам ўхшаб кетаверар эди.

Ёсида, Трофимов қачондир телевизорда бир кўрсатув томоша қилган эди. Кўрсатув иштирокчилари олдида каттакон бир портретни қўйиб, бу дунёга машҳур олим экани айтилган ва ташқи қиёфасига қараб унга тавсиф бериш сўралган эди. Қатнашчилар уни доно, зукко, камтар ва юксак интеллект эгаси дея сифатлаган. Шунда бошловчи бу одам олим эмас, ашаддий бир жиноятчи эканини айтган. Янада эътибор билан, синчиклаброқ қаранглар, деган. Мунозара қатнашчилари портретни энди обдон кўздан кечириб, бу нуханинг башарасида ақлий ноқислик, зехни пастлик ва шафқатсизлик акс этиб турганини бир овоздан таъкидлашган. Кейин эса бошловчи узр сўраб, бу ҳақиқатан ҳам каттакон физик олим, аллақандай назариянинг асосчиси эканини айтган ва тагин бир марта эътибор билан назар солишни сўраган. Энди унинг юзида яна ақл, қудрат, жиддият пайдо бўлган. Қизиги шундаки, Трофимов ҳам суратга қандай кўз билан қараса, шундай хусусиятларни кўрган. Демак, ҳаммаси маълум ёндашувга боғлиқ экан-да.

Виталий Трофимовга ёқиб қолди. Унга ҳатто бўлажак фестиваль ва Сильванадан сўз очгиси келиб кетди. Бояги хабар уни тўлқинлантириб юборган, қувончини ким биландир баҳам кўришни хоҳларди. Галяга айтиб бўлмайди — эрнинг хотинига бегона аёл ҳақида сўзлаши ноқулай.

Ўгли билан ҳам бу хусусда гаплашолмайди. Ўгли ҳозир шундай ёшдаки, унинг назарида, одамлар ўртасидаги муносабат турлича эмас, балки тайин бир хилдагина бўлиши мумкин ва у биргина ном билан аталади. Трофимов билан Сильвананинг муносабати-чи, буни нима деб атамоқ керак... Шундай экан, ўгли бу гапларни тушунмайди, буниси аниқ. Демак, дилидагини етти ёт бегонага қўрқмай айтаверса бўлади.

— Июль ойида кинофестиваль бўлади, — деди Трофимов анчайин гап йўғида бир гапдек.

Виталий ишдан бош кўтариб деразага қаради. Қор ёғаётир. Июлгача ҳали узоқ. У яна индамай ишини давом эттираверди.

— Пресс-бар эрталабгача ишлайди... — Трофимов балки Сильвана билан бир столда ўтириш насиб этар, дея хаёл қиларди.

— Қаерда? — деб сўради дабдурустдан Виталий.

— Нима “қаерда”? — деди Трофимов тушунмай.

— Ўша пресс-бар деганлари-да, қаерда ўзи?

— “Москва” меҳмонхонасида. Нимайди?

— Ўзим, сўрадим-қўйдим, — деди Виталий.

— Сиз “Бир аёл қиссаси” деган кинони кўрганмисиз? Эллигинчи йиллари шундай фильм бўларди. Кўрган бўлишингиз керак.

— Хўш... — деди Виталий.

— Кўрганмисиз ўзи, йўқми? — деди Трофимов худди шуни билиши жуда зарурдек.

— Эсимда йўқ.

— Демак, кўрмагансиз. Йўқса, эсингиздан чиқмасди. Шу фильмда бир актриса бўларди... Ўшайм келармиш.

— Ҳозир кампир бўп қолгандир, — дея тусмоллади ўзича Виталий.

— Нега энди? — деди Трофимов саросимага тушиб.

— Фильм эллигинчи йилларда чиққан деяпсиз, ҳозир саксонинчи йил. Ана энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг. Эллик ёшларда у бугун, балки олтмишда ҳамдир.

Вақт аталмиш холис ҳакамни шунда Трофимов умрида гўё биринчи марта ҳис этди. Фақат Трофимовгагина эмас, Сильванага ҳам дахлдор ҳодиса эди бу. Лекин икки тоифа одам қаримайди: марҳумлару орзунгда яшаётганлар. Шундай бўлса-да, Трофимов ҳанг-манг қолиб Виталийга тикилди. У эса айни чоғда бамайлихотир ишини тугаллаб, натижасини текшириб кўрмоқда эди. Жўмрак силлиққина беркилар — анови резина қистирма келаётган сувни тўхтатиб қолар эди.

— Мана, бўлди! — деди Виталий ва асбоб-ускунасини жомадончасига жойлай бошлади.

Трофимов бирдан ҳушига келиб, ҳамёнини титкиламоққа тушди. Илгарилари бундай ишлар учун бир рубль бериларди. Аммо ҳозир бир рублнинг қиймати қолмади, унга ҳеч вақо бермайди. Трофимов уч рубль берсамми ё беш рублми, деб бош қотирарди. Беш рубль кўпроқдиров: ҳалол бир меҳнаткашни йўлдан оздириши мумкин, кейин у қўл ҳақи олмаса ишламайдиган бўлиб қолади, инсоний фазилатини йўқотади. “Ҳалол меҳнат” деган гаплар бугун эскирган. Ҳаммасига зиёлилар сабабчи. Улар жамиятнинг олдинги сафида бўлмоғи керак, бундай уч сўм-пуч сўм тиқиштириб ишчи синфининг онгини заҳарламаслик даркор.

Шу ўйларга борган Трофимов уч рубль чиқариб Виталийга узатди.

— Шарт эмас, — деди Виталий.

— Нега энди? — дея таажжубланди Трофимов.

— Бунингизни нима қиламан, ишлаганим учун ойлик беради-ку!
— Нима бало, жэкингиз унвон-пунвонга ҳаракат қилиптими? — деди Трофимов.

— Қанақа унвон? — дея елка қисди Виталий.

— Ҳалиги... энг илғор меҳнат бригадасими, деган гаплар бор-ку...

— Шахсан менинг унвон-пунвони билан ишим йўқ. Ўз ишимни бажараман, вассалом.

— Сиздақалардан кўпми у ерда? — деб сўради Трофимов.

— Унисини билмадим. Менимча, ҳар бир одам ўзича ягона бўлади, бири иккинчисига ўхшамайди. Ҳаммани бир қаричда ўлчаш — бу қанақаси ахир...

Трофимов қўлидаги пулдан хижолат бўлди.

— Нима ҳам дердим, раҳмат сизга... Менга ҳам бирор хизмат бўлса, бемалол айтаверасиз, — деди.

— Шу... умримда бир марта бўлсаям пресс-бар деганларини кўрсам эди, — дея кўнглидагини айтди-қўйди Виталий ҳам.

Ташқарида қор ёғарди. Июлгача — худо пошшо. Айни чоғда эса Трофимов Виталийни хурсанд қиладиган бирор гап айтгиси келарди.

— Бўлди, гап йўқ! — дея ваъда бериб юборди у. — Бажонидил олиб бораман...

Виталий кетди. Трофимов синфлар ўртасидаги чегара тобора йўқолиб бораётгани ҳақида ўйларди. Бугун деҳқонни ишчидан, ишчини зиёлидан ажратиш қийин. Ҳамма китоб ўқийди, телевизор кўради, хоҳлагани — кийим дўконларида эркин сотилаётган жинси шимни олиб кияди. Бу ҳол яхшимикан ё ёмон? Трофимов бу саволга аниқ жавоб топа олмади ва ўйлаб кўриш керак, деб қўйди ўзича. Алоҳида ўрганишга арзийдиган муҳим мавзу экан бу.

Пресс-барда чекишга рухсат бор эди. Зал унча катта бўлмаганидан тутун паға-паға булутмисол муаллақ осилиб турарди. Елка-бўйни очиқ ясан-тусан аёллар тутун ичра гўё сузиб юрарди. Қай бири чет эллигу қайсиси ўзимизники — ажратиш қийин. Ҳаммаси чет элликка ўхшайди. Бар хизматчиларининг эса кўзи пишиб кетган, бир қарабоқ фарқлайди буларни.

Трофимов тутун ичидаги тошойнада ўз аксини кўрди. У чет элликлардан фарқ қилибгина қолмай, улардан ўтиб ҳам тушарди: эмин-эркин, башанг, ёзлик оқ костюм-шимда, кўкрак чўнтагида тўқ қизил дастрёмол, бўйнида ҳам қимматбаҳо тамаки ва атир ҳиди анқиб турган худди шу тусдаги галстук.

Сильванани у эшикдан киргани ҳамано таниди. Деворга тақаб қўйилган столдан жой олган Сильвана ёнидагилардан бир бош баланд кўринарди. У ўттиз йил илғари қандай бўлса ҳозир ҳам шундай — дуркун ва жилвадор эди. Унинг ёнида ҳар ерга суқилиб юрадиган Бантик лақабли нусха ўтирарди. Бантик дейишлари бежиз эмас — у аёллар либоси устаси эди. Улгудек учар ва келишган бу одам ҳамиша ҳар жойда диққат марказида бўларди. Трофимов Сильвананинг ёнида бўлмоқни бир умр орзу қилиб ўтиши мумкин, Бантик эса шу тобда унинг биқинида ўтириб олиб бемалол каттакон қадаҳини шампанга тўлдирмоқда. Сильвананинг нариги ёнидан қайсидир чет эл савдо ширкатининг Москвада фаолият юритувчи вакили жой олган. У тилмочлик қилаётган бўлса керак. Ширкатчи йилнинг ўн икки ойидан тўққиз ойини Москвада, уч ойини самолётда — бир мамлакатдан бошқасига учиб ўтказар эди. У паст бўйли, кўркам чеҳрали, бизнинг тушунчамизга кўра, мол-мулкининг чеку чегараси йўқ бадавлат бир

одам эди. Фарбликлар ақидасича эса, анчайин бир мулкдор, холос. Лекин аёллар оламида роса машхур. Эҳтимол, шу сабаб ширкатчи Москвада узоқроқ қолиб юргандир. Фарбда бошқа миллат аёлларига қараганда рус аёлларига эътибор катта. Чунки улар романтикроқ, очиқкўнгил. Рус аёлини бахтли этиш қийин иш эмас.

Бантик Трофимовни кўриб, қўл тўлаб ёнига чақирди. Демак, ишлар ҳозирча кўнгилдагидек.

Столга яқинлашгач, Трофимов бу даврада машхур режиссёр ҳам борлигини кўрди. Унинг сиқилиброқ ўтиргани сезиларди. Чамаси, бу каби базми жамшидларга унча тоқати йўқ — қиёфаси ўлганининг кунидан чидаб ўтирган одамни эслатарди. Вокзалда поезд кутаётган йўловчининг юз ифодаси шундай бўлади.

Трофимов Сильванага қарамади. Бу фурсатни атай кейинга сурарди. Тўғрироғи, ботинолмаётган эди. Мана, энди қарамай иложи йўқ.

— Таништириб қўяй, — деди Бантик дали-фулилик билан. — Бу италян актрисаси...

— Биламан, — деди Трофимов унинг гапини бўлиб ва Сильванага тик боқди. Боқди-ю, вужудини олов чулгагандек бўлди.

— Бу киши эса бизнинг машхур журналист. Ўз ишининг устаси. Бўриси деса ҳам бўлаверади. Бўри! — дея таништиради Трофимовни Бантик.

Ширкатчи унинг гапини таржима қилди. Сильвана ниманидир сўради, нега “бўри” деганига тушунмади чоғи.

— Зўр журналист, — деди Бантик. — Гранде профессоре.

Сильвана оҳиста бош қимирлатиб, оппоқ, бўлиқ қўлини чўзди. Трофимов унга тикилиб қолди, аммо қўл узатмоққа журъати етмади.

— Ўтирсанг-чи, нега туриб қолдинг? — дея ажабланиб қаради унга Бантик.

Олти кишилик столнинг тўрт жойи банд, иккитаси бўш эди. Бантик даврасига одам танлаётган экан. Трофимов билан бир столда ўтиришнинг ўзи мартаба-да. Феллини бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда... Қолаверса, ким билан ўтириш Бантикка муҳим, обрў-эътиборга ўч одамлар асли шунақа бўлади.

Кинорежиссёр ноқулай вазиятдан чиқиш учун Сильванага шампан тўлдирилган қадаҳ тутди. Сильвана “гранде профессоре” нега унга қўл бермаганига ҳайрон эди; балки русларда шундай таомил бордир. Сильвана қадаҳни жаннатий лабларига олиб бораркан, оҳу кўзлари билан Трофимовни бошдан-оёқ кузатиб чиқди. Трофимов ловуллаб ёнаётган гулхан ўртасида тургандек ҳис қиларди ўзини.

— Ўтир энди! — деб қистай бошлади уни Бантик.

Трофимов стулни суриб ўтироқчи бўлаётган эди, билагига боғич тақиб олган бир одам келиб:

— Сизни сўрашяпти, — деди.

— Мени? — деди ҳайрон бўлиб Трофимов.

— Сизни, сизни, — дея эшик томон имо қилди навбатчи.

Трофимов у ёққа тикилиб, қуюқ тутундан кўзи бирор нимани илғаёлмади.

— Мен ҳозир, — деди у Сильванага қараб. — Уно моменто.

Сильвана билинар-билинемас бош қимирлатиб қўйди. У ўзини ростакан нозанинлардек тутарди. Нозанинлик — унга касб. Бу касб эгаси бўлмиш аёл атрофидагиларни гап билан ўзига қаратиб, ишонч ва ихлос уйғотиш ниятида суҳбатдошининг қўлидан ушлаб олмайди; бундай қилмоғига ҳожат ҳам йўқ. Суҳбатдошини қўлтиқлаб олиш — ўзига эътибор жалб этишнинг яна бир йўли.

Қайсидир даражада тажовузкорлик деса ҳам бўлади буни. Чинакам нозанин эса бунақа усулларга муҳтож эмас, у истаса-истамаса, табиий равишда ўзи билан ўзгалар ўртасида кўринмас бир девор пайдо бўлади. Трофимов ҳам Сильвана билан икки оғиз гаплашиб-гаплашмай, ана шу деворга тўқнаш келди. Унинг қалбини аллақандай ҳис — бесаранжомликми, бефарқликми қамраб олган эди.

— Маъзур тутасиз, — дея учинчи марта такрорлади Трофимов ва навбатчининг ортидан юрди.

Эшик яқинида тамаки тутуни сийракроқ эди. Шунда бирдан Трофимов анови сувчи Виталийни кўриб қолди. Икки барваста йигит унинг йўлини тўсиб турарди. Виталий кулранг коржомда эди, бошида сунъий чармдан тикилган малларанг япасқи бир қалпоқ. Чамаси, у кечки навбатчиликда бўлган, иш йўқлигидан ёлғиз ўтиравериб зериккану ҳув ўшандаги ваъдага кўра бу ёққа қараб келаверган.

— Ана ўзи! — дея қачқириб юборди Виталий эшикка яқинлашаётган Трофимовни таниб. — Гапга ишонмадинглар-а, хумпарлар, — деди кейин навбатчиларга таънаомуз оҳангда. — Ўзинг айт буларга!

Трофимов саросимада қолди. Виталий жуда бемаврид келган эди. Кал бошга темир тароқдек бўлиб. Аммо шу тобда кераксиз тароқ бўлиб турганини Виталий қаёқдан ҳам билсин! Ҳув ўшанда таклиф қилинган эди, келаверибди-да у ҳам.

— Энди бизни ўтказиб юборасизлар, йигитлар, — деди навбатчиларга Трофимов ва ичкарига қараб юрди. — Бу кишини қаққириб берганларингиз учун раҳмат.

Виталий Трофимовга яқинлашиб, атрофга аланглади:

— Роса чекиб ташлабсизлар-ку, а! Хўш, қаерга ўтирдик?

Қуюқ туман ичидан Бантик чиқиб келди.

— Нима, қочиб қолмоқчимисан? — деди у Трофимовга.

— Қочиб қолмоқчи эмасман! — деди Трофимов дона-дона қилиб.

— Ё пул-мулинг йўқми?

— Бор, бор.

— Унда юр. Бу ерда туриш ноқулай.

Трофимов Бантикнинг ортидан юрди, Виталий эса унга эргашди.

Келиб столдан жой олдилар. Виталий Трофимов билан кинорежиссёрнинг ўртасида ўтирарди. Даврада янги одам бўлгани ва бошқалардан яққол ажралиб тургани учун Виталийга Сильвана қизиқсиниб қаради.

— Мен бу кишининг ошнасман, — дея ўзини-ўзи таништирди Виталий ва Трофимовнинг елкасига қоқиб қўйди.

— Ҳа, шундай, — деди унинг гапини тасдиқлаб Трофимов. — Бу — биз русларнинг Ален Бомбари.

— О-о! — деди Сильвана ҳайратини яширолмай, бир зум ўзининг осмондаги нозанин эканини эсидан чиқариб. — Се импосибле!¹

— Ҳа, худди шундай, — деди Трофимов. — Бизнинг Ален Бомбар бу.

— Ким у ўзи? — деб сўради Виталий пичирлаб Трофимовдан.

— Ҳув мен сенга айтган итальян актрисаси мана шу-да, — деди Трофимов ҳам шивирлаб.

— Йўқ, мени кимдир биттаси деб таништиряпсан-ку, ўшани сўраяпман.

— Кейин айтаман, кейин, — деди Трофимов.

— Сизларда ҳам шунақаси бўлганмиди? — деб сўради ширкатчи ажаблангандек.

¹ Бўлиши мумкин эмас (италь.).

— Бўлмасам-чи! Биз ҳеч бир соҳада ортда қолмаймиз! — деди мағрур оҳангда Трофимов.

— Шунақа денг! Эшитмаган эканман-да, — дея ўзини оқлаган бўлди ширкатчи.

— Кўрққан ҳамдирсиз? — деб сўради Бантик. Чамаси, у ўзини Виталийнинг ўрнида тасаввур этиб кўради.

Виталий Трофимовга қаради.

— Кўрққанман деб айт, — дея маслаҳат берди Трофимов.

— Сен нима деб ўйловдинг... Кўрққандаки! — деди Виталий ролини ишонарли қилиб ижро этаркан.

— Шуниси қизиқ-да, — дея гапга аралашди кинорежиссёр. — Кўркув йўқ жойда қаҳрамонлик ҳам бўлмайди.

Гумбур-гумбур мусиқа бошланди. Улар ўтирган стол оркестрга яқин эди. Ширкатчи Сильванани рақсга таклиф қилди. Сильвана ўрнидан турди. У оқиш-сарғимтил ипак кўйлақда эди. Трофимовнинг димоғига ясин гулининг ўткир ҳиди урилди.

Сильвана билан ширкатчи рақс тушаётганлар тўпига қўшилди. Ширкатчи Сильвананинг тирсагидан келарди. Ғарба бунинг аҳамияти йўқдир — бой бўлсанг, тиззасидан келсанг ҳам бўлаверади.

— Байталнинг ўзгинаси-я! — деб юборди Виталий Сильванага қараб туриб.

Бантик эса оқ-сарикдан келган нозиккина, эртақдаги “дюймовочка”га ўхшаган бир навниҳолни рақсга етаклаб чиқди.

— Буни қара, — деди завқланиб Виталий. — Кўйнингга солиб юрсанг ҳам бўлади-я!

Виталийнинг Сильвана тўғрисидаги гапидан Трофимов ранжимасди. Аксинча, байталга ўхшатиб у Сильванани осмондан ерга тушириб қўйган, қўл етмас Сильвана билан оддий банда Трофимов орасидаги масофани хийла қисқартиргандек эди. Ахир, ҳамма ҳам одам-да. Бировнинг бировдан нима ортиқ жойи бор экан?

— Бундай бир кийиниб ҳам олмасан, — деди Трофимов беозоргина қилиб.

— Э, нима фарқи бор? — деди ажабланиб Виталий. — Бизга шунисиям бўлаверади.

— Сенга балки шуниси қулайдир. Ўзингга билинмайди-да. Бошқаларнинг олдида эса ноқулай. Эгни-бошингга қарайди барибир.

— Э, қараса қарайверсин, — деди бепарво қўл силтаб Виталий. — Ҳалиги одаминг ким эди?

— Кимни айтгансан? — деди Трофимов.

— Боя мени кимдир деб таништирдинг-ку?

— Ален Бомбар, — деди дона-дона қилиб Трофимов.

— Татарми у?

— Йўқ, француз. У пуфлама қайиқда ёлғиз ўзи океанни сузиб ўтган.

— Нега энди?

— Инсоннинг нималарга қодирлигини синаб кўриш учун-да.

— Яъни қанақасига?

— Океанда ёлғиз қолган одамнинг қўлидан нима ишлар келади — шуну билмоқчи бўлган.

— Ҳўш, нималар келаркан қўлидан?

— Сувга ғарқ бўлиши мумкин у. Омон қолиши ҳам мумкин. Ҳаммаси ўзига боғлиқ.

— Ҳўш, ўша французингни ақулалар еб қўйса нима бўларди?

— Шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Таваккал қилган-да.

— Нима учун? Нима кераги бор экан?

— Боя сўрадинг-ку буни, — деди Трофимов. — У кема ҳалокатига учраган одам фақат қўрқувдангина юраги ёрилиб ўлиши мумкинлигини исботламоқчи бўлган. Демак, қўрқувни енга олса, одам тирик қолади. Хомбалиқ ебми, океан сувидан ичибми.

— Нима, у кема ҳалокатига учраганми?

— Йўқ, ундай эмас.

— Бўлмаса, бу оворагарчиликнинг нима кераги бор эди?

— Ўзи учун қилмаган-да бу ишни. Бошқаларни деб қилган. Ҳар қандай мушкул вазиятдан ҳам йўлини топиб чиқиб кетса бўлади — шуни амалда исботлаб берган у.

— Ҳа-а... — дея ўйланиб қолди Виталий. — Бу иши учун пулдан ҳам қоплаб олгандир?

— Унисини билмадим. Балки олгандир, балки йўқ. Гап фақат пулда эмас-ку, ахир.

— Бўлмаса, нимада экан?

— Гояда.

— Гоя дегани нима?

— Ие, гоя нималигини билмайсанми ҳали?

— Билишга-ку биладан, лекин сенга ўхшаган маданий одамнинг ҳам фикрини эшитгим келяпти-да.

— Гоя — мавҳум тушунча, орзу, умид дегандай гап, билдинг?

— Муҳаббат-чи? У ҳам қирадимми гояга?

— Бир томонлама муҳаббат бўлсагина қиради, — деди Трофимов хаёлга толиб.

Икки томон муҳаббатининг меваси — фарзанд, демак, бу мавжудлик, мавҳумлик эмас. Бир томонлама муҳаббат эса қўл етмас даражада — осмонда, кўзни қамаштириб туради, холос; орзу-порзу деганлари ҳам шундай.

— Ёрилиб кетаман бу ерда, — деб қолди бир вақт режиссёр. — Менга бундай тadbирлар тўғри келмайди. Яйраб яшашни билмайман мен, фақат иш бўлса — бўлди. Ахир, яшашни билиш ҳам бир қобилият-ку.

Виталий ҳеч балога тушунмади. Трофимов эса тушунарди-ю, нима деб ҳамдардлик қилмоқни билмасди. Бировга ҳамдард бўлмоқ учун унинг ҳолатини ҳис этмоқ керак. Трофимов ҳозир Сильвананинг қармоғига балиқдек илингану ўз қалбига қулоқ тутишдан бошқасига ярамас эди.

Сильвана билан ширкатчи келиб жойига ўтирди. Гўё Виталийнинг пешонасига араб имлосида алланима деб ёзиб қўйилгану Сильвана шуни ўқишга уринаётгандек ундан кўз узмай ўтирарди.

— Нега менга мунча бақрайди бу? — деди Виталий ўзини ноқулай сезиб.

— Ўзидан сўраб кўр.

Трофимов худди сакрашдан олдин тайёрланаётган парашютчидек бор иродасини тўплаб, Сильванани рақсга таклиф қилди.

Сильвана ўрнидан туриб Трофимовнинг ортидан юрди. Оркестр яқинида турфа оломон чайқаларди. Майин муסיқа янграмоқда. Трофимов қўлларини секингина Сильвананинг белига олиб борди. Унинг бели худди гипслаб қўйилгандек қаттиққина эди. “Корсет шекилли”, деб ўйлади Трофимов. Сильвананинг кўкраги Трофимовга тегиб турарди, у ҳам гўё пластмассадан ясалгандек эди. Юзлари бир-бирига тегай-тегай дерди. “Мен ўйлаганчалик бўйдор ҳам эмас экан, — деди ичида Трофимов. — Бор-йўғи биру саксондир”.

Сильвананинг кўзлари остида ажиндан нишон ҳам йўқ эди. Териси худди ноғорага тортилгандек таранг.

“Ажа-аб, — дея хаёлидан ўтказди Трофимов, — умри давомида бирон марта кулмаган ёки йиғламаган эмасдир, ахир”.

Сильвана гўё нафас ҳам олмайгандек на тафти сезиларди, на бошқаси. Трофимов гўёки елкасида бошқариб туриладиган мурвати бор каттакон бир қўғирчоқ билан рақс тушаётгандек эди.

Рақс ниҳоясига етиб, столга қайтишди.

— “Бир аёл қиссаси” фильмингизни эслайсизми? — деб сўради Трофимов.

— Унақа фильмни биринчи марта эшитишим, — деди Сильвана.

— Ие, ие... — деди Трофимов довдираброқ. — Бизда бир вақтлар қўйиларди...

Сильвананинг юзида билинар-билиномас таажжуб аломати пайдо бўлди.

— Нима деяпти? — деб сўради Виталий. Улар итальянча гаплашмоқда эдилар.

— “Бир аёл қиссаси” фильмини билмас эмиш.

— Балки бу бутунлай бошқа актрисадир, — деб тусмоллади Виталий ўзича.

Трофимов гангиб қолган эди. Кинодаги билан рўпарасидаги Сильвана бир одам эканини у билиб турибди. Аммо орзусидаги Сильвана ўзгача эди, буниси эса гўёки ўшанинг омонат нусхаси, таъвиядек бир нарса.

— Сиз айтаётган кино уларда балки бошқача номланар, — деди ширкатчи ҳам тахмин қилиб. — Сизларда кассабопроқ бўлсин деб кўпинча бошқача номланади-ку.

— Таажжуб, — деб қўйди Трофимов ўзича.

Таажжубланарлиси — фильм қандай ном олганида эмас, Трофимовнинг орзусидаги сиймо бугун қандай қиёфага кирганию ўша бир вақтлардаги мавҳумот қай тарзда рўёбини топганида эди.

Мабодо ичидаги анови тилларанг лаънатилар тагин бош кўтариб, “Хўш, нима бўпти?” деса, Трофимов бир оз енгил тортган бўлармиди, одатий тушкунликка чўмганча ўтираверармиди... Аммо ҳозир ичида ҳеч нима қилт этмасди. Балки энди йўқолиб битгандир? Ўттиз йил бурун бу дарди бедавога Сильвана уни мубтало қилган эди — ўттиз йилдан сўнг яна унинг ўзи бунга барҳам бергандир?

Сильвана Виталийни рақсга таклиф қилиб ўрнидан турди. Виталий эса жойидан қимирламади.

— Сени рақсга таклиф қиляпти, — деди Трофимов Сильвананинг гапини таржима қилиб.

— Мен рақс тушишни билмайман, — деди Виталий хижолат бўлгандек.

— Ҳа энди, билганингча тушаверасан-да, — деб минғирлади Трофимов.

Ўзи эса алланечук хотиржам тортди. Қармоқдаги балиқча ўхшамоқлик унинг жонига теккан эди. Бемалол, эмин-эркин ўтиришни, муסיқа тинглаб дам олишни, теваракни кузатишни истарди у; ёки умуман, ҳеч кимга қарамаса, ҳеч нимага қулоқ солмаса, ўрнидан туриб бу ердан чиқиб кетса, кўнгли буюрганини қилса!

Виталий умрида биринчи ва эҳтимол, охирги марта кинофестиваль пресс-бариди итальян киноюлдузи билан рақс тушмоқда эди. У Сильвананинг елкасидан келарди; кўзи фақат тилла дўконидаги каби, аёлнинг кўкрагини безаб турган қимматбаҳо тақинчоқларни кўрар эди, холос.

Елкасида залворли қўллар — Виталийнинг назарида икки томонидан иккита дазмол босиб тургандек: жуда оғир ва куйдирай дерди. Аёлнинг вужудидан гўё аллақандай бир титроқ таралмоқда эди. Виталий худди ишхонаси олдидаги сиртига бош чаноғи устидан салб белгиси тортилган катта кучланишли ток будкасига кириб қолгандек ҳис қиларди ўзини. У Сильванага суяниб олган, айни чоғда эса балонинг домига тушгандек безовта эди. Бир бошга — бир ўлим, лекин Виталий ҳам ҳаётга бир марта келган-ку.

Сильвана энгашиб, унинг қулоғига бир нима деди.

— Ҳеч бало эшитилмаяпти! — деди бақриб Виталий.

Аёл Виталийга лаб қимирлашиданоқ айтилган гапнинг маъносини уқиб оладиган гунг одамдай разм солиб қаради.

Виталий аввал оркестрни, кейин қулоғини кўрсатиб, қўл силкиб қўйди. Бу ишоралар “ҳеч нарса эшитилмаяпти” деган маънони англатиши керак эди.

Тушунди шекилли, Сильвана бош ирғади ва эшикка имо қилди. Виталий ҳам тушунди: аёл у билан ташқарида, тоза ҳавода, шовқин-суронсиз бирор жойда гаплашмоқчи.

— Бўпти, — деди Виталий ва Сильванани қўлтиқлаб олди.

Улар столлар оралаб, Трофимов ва ширкатчининг ёнидан ўтиб, эшик томон юришди. Режиссёр кўринмасди: аллақачон уйига бориб, уйқуни уриб ётган бўлса керак. Бантик эса бошқа столга — “дюймовочка”га ўхшаган малласоч қизнинг ёнига ўтиб олибди. Сильванани Виталий билан кўргач, у “дюймовочка”сидан чалғиб, бир лаҳза уларнинг ортидан тикилиб қолди. Нимадир деб чақирмоқчи бўлди-ю, улгуролмади.

— Э, тупурдим шуларга, — деб қўйди кейин ўзича.

— Кимга? — деб сўради қизиқсиниб “дюймовочка”.

— Шуларга-да, ҳаммасига. Найрангбозлар!

“Дюймовочка” бўйинини гоз қилиб ўзича мағрурланиб қўйди. Бантик ундан бошқа ҳаммага тупурияпти. Демак, у ҳаммадан афзал, ҳаммадан устун. Аммо Бантикнинг кўнгли ғаш эди. Мана, биттаси океанни қайиқда сузиб ўтган, бошқаси “гранде профессоре”, яна бири ажнабий! Ҳаммаси бисотидаги “кузур”ини столга ташляпти. Бантик эса фақат пул тикиши мумкин — пули кўп. Лекин бундай пайтда пулнинг ўзи етмас экан-да.

— Э, қўй шуларни, — дея юпатарди уни “дюймовочка”, паришонлиги сабабини билмаса-да. — Сен ҳали ёшсан, улар эса ҳаммаси қари!

Бантик бирдан жонланиб кетди. Нега шу нарсани ўйламабди — дарҳақиқат, ёшлик энг зўр “кузур” эмасми! Эртанги ҳаёт деганлари-ку бу. У ҳали биргина кун мана шундай чўзилиши мумкин-у, ўн йил эса кўз очиб-юмгунча елдек ўтиб кетишини хаёлига келтирмас эди. Ҳадемай Бантик ҳам уларнинг ёшига етади, ана шунда бошқа бир тайинроқ “кузур” топиши керак бўлади.

Сильвана “Москва” меҳмонхонасининг олд тарафидаги асосий йўлакка келди. Ўзини бундайроқ бир давлатнинг президенти каби тутаетган калондимоғ дарбон ёнидан ўтиб ичкари кирди. Виталий эса дарбоннинг сезгир ва айни чоғда лоқайд туюладиган ногоҳи қаршисида иккиланиб қолганида Сильвана ҳамроҳининг келаётган-келмаётганини аниқлаб олмоқчи бўлгандек орқасига ўгирилди. Шундан сўнггина қаёққа, нима учун бораётганини билмаса-да, дадилланиб Виталий унинг ортидан юрди.

Меҳмонхона лифти кенг-мўлгина эди, шу ернинг ўзидаёқ бошқача ҳаёт нафаси сезиларди. Виталий ўзга бир оламга тушиб қолгандек бўлди.

Сильвана жойлашган хонанинг шифти жуда баланд, нақд олти метрлар келарди. Буни бемалол икки қаватли қилиш мумкин — энг замонавий уйларнинг ҳам шифти уч метрли, демак, иккита хонадон жойлашади.

— Бала-анд, — деди Виталий қўлларини тепага чўзиб.

Сильвана шифтга қараб, ғайриоддий ҳеч нимани кўрмади. Бу сингари маҳобатларга кўзи ўрганган эди. Чамаси, уйининг ҳам шифти шундай, балки бундан ҳам баландроқдир. Рус Ален Бомбарини нима бунчалик ҳайратга солди экан — Сильвана шунисига тушунолмади.

— Ке?¹ — деб сўради Сильвана.

— Ҳа, шундай, ўзим, — деди Виталий хонани тутиб кетган турфа ҳиддан бўғилиб оромкурсига чўқаркан. Хона кенгу катта бўлишига қарамай, атир бўйидан ҳавоси хийла оғирлашган, нафас олиш ҳам қийин эди.

“Чивин ҳам бўғилиб ўлар бу ерда”, деб хаёлидан ўтказди Виталий ва шу хулосасида жон бор эди. Москвада авжи саратон, айни чивин кўпайган палла. Бу ўлгур ҳам ваҳшийлашиб кетган ҳозир, шаҳарниям “ишғол қилиб” улгурди. Куяни айтмайсизми, сунъий матоларни ҳам ямлаб ташлайди. Ахир, бошқа нимаям есин, табиий газлама чиқмай қўйган бўлса! Бари сунъий ё сунъийнамо. Аста-секин одамларни ҳам шунга ўргатиб боришаётир. Айтишларича, сунъий қора увилдириқ ҳам чиққанмиш, кўринишидан мутлақо фарқлаб бўлмас экан.

Шу тобда чивин билан куяга бало борми? Сильвана қўлларини Виталий томон чўзганча ўз тилида нимадир деб чулдирадди. Унинг оғзидан чиқаётган сўзлар бамисоли бир-бирига мингашиб келар, овози ҳам бильярд соққаси каби юм-юмалоқ, сип-силлиқ эди гўё. Албатта, Виталий у нима деётганини тушунмасди, аммо аёл муҳим бир нарса ҳақида гапираётгани аниқ эди. Сильвананинг мижжаларида ҳатто ёш пайдо бўлди. Эғнидаги либослари башанг, таомнинг сара-сарасини еганидан юзлари тип-тиник, табиий увилдириқни ҳам қошиқлаб ургани кўриниб турибди.

— Кўлингни совуқ сувга урмагансан-да, — деди Виталий. — Менинг Надкамга ўхшаб кун кўрганингда, билардинг. Сен эса... мана бунақа шифту тақинчоқлар билан...

— Ке? — деди яна Сильвана.

— Ўзим. Шунчаки. Тўқликка шўхлик, дейдилар буни. Одам сал қийинчилик ҳам кўриши керак-да. Бусиз яшаб бўларканми? Расвогарчилик-ку бу. Тушундинг?

Сильвана янада тез гапира бошлади. Сўзлар унинг оғзидан гўё дув-дув тўкилар, бир-бирига урилар ва учиб кетар эди. Кўзларининг таги худди масхарабозникидек қорага бўялди. Виталийнинг унга раҳми келиб кетди.

— Йиғи-сигини қўйсанг-чи, — деди у. — Набиралардан бордир? Ҳозир юрибсан мана бундай дунё кезиб, қариган чоғда набира керак бўлади. Умр ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади. Ҳаёт дегани нима ўзи? Умргузаронлик-да. Хурсандчиликда вақт тез ўтади. Ҳаётинг зерикарли бўлса-чи, роса чўзилади-да. Кузьяев дегани бор, бирга ишлаймиз. Кеча мен тўқсон учинчи хонадонга бориб, кир ювиш мошинасини тўғридан-тўғри сув қувурига улаб беришни келишиб келган эдим — йигирма беш рублга. Ҳар биримизга ўн икки рубль эллик тийиндан

¹ Ҳа, нима? (италь.)

тегиши керак эди. Ишни мен гаплашиб келибман-у, Кузьев Николайни бошлаб борибди у ерга. Демак, мени четга чиқариб қўйган. Бориб турган инсофсизлик-ку бу. Лекин мен гўё парво қилмадим. Паст кетмайин дедим-да. Тушундинг-а? Сен бўлсанг...

Сильвана Виталийнинг сўзларини худди ёш қизалоқдек эътибор ва соддалик билан тингларди. Унингча, Виталий жуда жиддий, муҳим гапларни гапирар, нақ барча муаммоларига ечим топиб бераётгандек эди. Виталийнинг ўктам овози ва ўз тилида нималарнидир қатъият билан сўзлаши аёлга далда берарди.

Уларнинг ҳар иккаласи ўз дардидан гапирарди. Сильвананинг назарида, ҳеч ким уни мана шу одамчалик тушунмайди. Демак, юрагида борини тўкиб солиши, ҳатто ўзи тан олгиси келмайдиган сирларини ҳам унга айтиб, иқроор бўлиши мумкин.

— Ёшим эллиқда, — дерди Сильвана. — Аммо шу чоққача на ўзимга ёққан бирорта ролда ўйнадим, на ўзимга муносиб бирорта эркакни топдим. Деярли ҳеч нимага эришолмадим, йигирма йил аввал қандай бўлса — ҳозир ҳам шундай, гўё ҳаммаси олдинда. Ахир, мен эллиқка кирдим!..

Виталий нимадир деди. Сильванага у гўё: “Вужуд қалбдан кўра тез қарийди. Қалб қаримайди. У доим йигирма ёшда. Ҳаммамизда шундай, демак, сенда ҳам”, деётгандек туюлди.

— Барибир ҳам ўзимга ачинаман. Бир умр муҳаббатимни изладим-у, тополмадим.

— Айб ўзингдадир-да?

— Ўзимда, ўзимда. Айбим — муросасозлигим. Бир умр учраганининг этагидан тутиб юрибман-а! Ёлғиз қолмоқдан қўрқардим-да. Ким билан бирга бўлмайин, хаёлан Уни кутардим. Икки жон овораси! Таваккал ҳам қилиш керак-да. Мана, сен ҳаётингни хавф остига қўйиб бўлса-да, мақсадингга эришибсан-ку.

— Шундаймикан-а?

— Бўлмасам-чи! Сен — ҳақиқий тирик инсонсан. Мен билганлар эса — ўзининг шаън-шавкати деб титраб-қақшайдиганлар бари. Улар фақат ташқи кўринишнинг гамида, мудом пўрим бўлиб, ўзига оро бериб юради. Сени эса мода-подаям қизиқтирмайди, сен ҳатто тирноғингга ҳам қарамайсан. Ўзинг хоҳлагандек юраверасан, сенга биров бир нима деёлмайди, чунки туриш-турмушинг шу, табиий. Сенинг олдинда анови галстук таққан олифта бойваччалар нақадар кулгили эканини билсанг эди!

— Юрагингдан урдимми дейман?

— Гап ундамас, шунчаки бир-биримизга ўхшаш эканмиз. Мен ҳам аслида сендақаман. Аммо ёлғизман.

Сильвананинг кўзлари баттар ёшланди.

— Ие, яна нима бўлди? — деди Виталий унинг қўлига сал бармоқ теккизиб.

— Эзилиб кетдим-да. Ҳаловатим йўқ. Гўёки чинакам бир Муҳаббат умр бўйи мени кутган-у, мен унинг ёнидан ўтиб кетгандекман. Мен аслида шуҳрат қозониб, кўплаб дўстлар ортириб, ўшалар орасидан Уни топарман, деган хаёлда киноларда ўйнаганман. Аммо на хусн, на машҳурлик бу борада чикора экан. Истеъодлиман, буни биламан, бироқ аёл зотининг бор бахти — умр йўлини биргаликда дадил босиб ўтиш мумкин бўлган Уша инсонни топа билишида экан. Менинг эса бахт қушим қўлимдан чиқиб кетгандек...

— Ҳамма ҳам шундай деб ўйлайди, — деди бепарволик билан Виталий.

— Лекин мен ўзим учун биттагинаман-да.

— Ҳаммаям ўзи учун битта.
 — Ҳўш, сенингча, нима қилишим керак энди?
 — Пешонангдан кўрасан-да бу ёғини.
 — Пешона, пешона деб юраверса... Менга ҳозир келажак ҳаётим олдингисидан кўра равшанроқ туюляпти. Гўё ҳаммаси ҳали олдиндадек.

— Кексалик аломати бу. Ёшларга эса бари ортда қолгандек туюлади.
 — Бағритош одам экансан.
 — Мен ўзимга ҳам ана шундай шафқат қилмайман. Киши ҳақиқатнинг кўзига тик қарай билмоғи керак.
 — Қобилиятли одам қаримайди. Истеъдод — ёшликнинг акс садоси.
 — Ўзингни мана шундай алдаб-овутиб юравер. Мендан маслаҳат сўрасанг, одам ёшига ярашган ишни қилгани маъқул.

Сильвананинг қошлари чимирилди.

— Бу нима деганинг?
 — Ана, дарахтга ўхша, дарёдек бўл.
 — Дарахтнинг барги тўкилади-да. Дарёнг эса музлайди.
 — Сен ҳам шундай бўл. Чўчима бундан. Муҳими, қадр-қиммат. Қадр-қимматсиз одамнинг аҳволи маълум. Ўзингни ўзинг хор қилма, юзингни мана бундай томошақовоққа ўхшатиб юришингни қара! Одам дегани одамдек бўлиб қариши керак-да.

Сильвана катта-катта кўзларини лўқ қилиб Виталийга тикилиб қолди. Унинг гап-сўзлари сал телбанамо эди. Аммо ана шу телбанамолик замирида одамга қандайдир таскин берадиган, ҳай, нима бўпти дегандек хотиржамликка ундайдиган нимадир бор эди. Инсон табиатнинг бир бўлаги ва унинг қонунларига бўйсуниб яшамоғи керак. Тошдан бошқа жами жону жонзот каби.

— Дарахтга ўхшаб барг тўкмоққа ёки дарёга ўхшаб музламоққа вақт бор ҳали, ҳозир айни куз-ку — мен нима қилишим керак, айт?

— Қишга ҳозирлик кўравер. Аста-секин.

— Сен-чи?

— Мен ҳам шундай қиламан.

Иккаласи бамисли бир сафда эди. Бу саф қаҳратон қиш айёмига яқинлаб қолган. Ундан у ёғига — худо пошшо!

Дафъатан Сильвананинг миясидаги туман тарқаб кетгандек бўлди. Мавҳумлик барҳам топди. Унинг ўрнини тансиқ бир ҳаловат эгаллади, гўё бари жой-жойига тушди. Қушдек енгил тортди. Эрталаб бу ерга нимага келдим ўзи, деган ўй унга тинчлик бермаётган эди. Шунча олис масофадан бекорга келмаган экан — мана, ҳаётида энди ҳеч қандай ўзгариш бўлмастлигини англаб турибди. Олдинда эса — қору қировли қиш! Ўйлаб қараса, ҳозирги ҳаётдан нолимаса ҳам бўларкан. Эндиликда кўнгилни бир жойга қўйиб, ўтган-кетганини хотиржамгина сарҳисоб қилиб, бориға эса шукрона айтиб юравериш мумкин. Мудом қаёққадир ошиқишга ҳам ҳожат йўқ энди. Тўхтаб, бемалол теварак-атрофни кўздан кечириш имкони бор: мана — уйлар, одамлар, мана бу эса — мен, ўзим...

Ванна тарафдаги сув қувурида аллақандай гувиллаш эшитилди. Виталий унда бир носозлик борлигини фаҳмлаб, дарҳол ўрnidан турди-да, ваннага кирди. Қандайдир мурватни қотириб қўйди, яна бирини бўшатди.

Сильвана орқасидан келиб уни кузатиб турарди.

— Ҳа? — деди Виталий.

— Одам сен билан бежавотир сезади ўзини. Сувда ҳам, қуруқликда ҳам, — деди Сильвана итальянчалаб.

— Пул-мулинг керак эмас, — деди Виталий. — Ҳар ҳолда меҳмонсан...

Ҳали кун ёришмаган, гира-шира бир палла эди. Кечаги дарбон ҳали алмашмабди, бирор бурчақда мириқиб ухлаб олган кўринади — тетик-бардам боқиб турибди.

— Яхши боринг, — деди у Виталийга.

Виталий миқ этмади. Чунки у гапга жавоб қайтарадиган аҳволда эмас эди.

Кўз олдида фақат бояги аёлнинг юзи, тўғрироғи, чақалоқникидек ҳар дақиқа ўзгариб турадиган юзлари: бир қарасанг, йиғлаб юбореди, бир қарасанг, кулади. Ўзининг Надъкаси ҳам шунақа. Умуман, аёл зотининг ҳаммаси шу: итальянми, русми, миллионерми, камбағалими — фарқи йўқ. Севса ва севилса, бас, шундан бошқаси керак эмас унга. Айтадилар-ку, подшонинг кўнгли қурбақага тушибди деб. Буям шунчаки бир матал-да. Албатта, қурбақага ҳам кўнгил қўйиш мумкин-дир-у, аммо бу ўткинчи ҳол. Вақти келиб, барибир қурбақа эканлиги маълум бўлади.

Итальян аёл уни бошқа одам деб ўйлади — океанни сузиб ўтган анови француз деб. Виталий ҳам, йўқ, мен у эмасман, демади. Демак, алдади. Яна алдади. Доим ёлгон гапиргани гапирган. Маврид-бемаврид. Одат бўлиб қолган. Ҳалиги француз одамларни деб шўр сув ичибди, хом балиқ ебди, акулалардан ҳам кўрқмай туну кун океанда юрибди. Виталий-чи, ишдан бўш вақтида биров учун ҳатто қўлини совуқ сувга урмайди, дунёда бор қувур ёрилиб, одамлар тизза бўйи сувга кечиб юрса ҳам!

Виталий хаёл билан бўлиб Яузе дарёси қирғоғига келиб қолди. Тонгги гира-ширада Андроньев монастири оқариб кўзга ташланар, девор этагида юк машинасининг гилдираги қорайиб турар эди.

Виталий ана шу резина чамбарни юмалатиб сувга туширди, сўнг ўйлаб ўтирмай унинг устига чиқиб олди-да, қўли билан эшкак эшган мисол сузиб кетди.

Уни кейин аллақардадир сувдан тортиб олишди.

Трофимов бардан тонгга яқин чиққан эди. Тунги шаҳар бўйлаб пиёда кезаркан, оёқ товушларидан бошқа сасни эшитмасди. Не-не воқеаларга гувоҳ тарихий бинолар ёнидан ўтаётиб, шаҳрим нақадар гўзал-а, деб ўйлади у. Авваллари бунга эътибор бермас экан-да.

Умуман, шу чоққача кўп нарсага эътибор қилмай юрган экан у — худди биргина ўпка билан нафас олиб, биргина кўз билан қараб яшагандек. Энди эса гўё тўйиб-тўйиб нафас олар, бутун вужуди кўзга айланиб атрофга боқарди, завқи ичига сиғмас эди.

Сильвана бардан чиқиб кетганича қайтиб келмади, сувчи ҳам аллақайёққа гойиб бўлди. Майли, ҳечқиси йўқ. Ёш бола эмас. Адашиб қолмас. Трофимовнинг ўзига келсак, у Сильвана аталмиш дарддан бутунлай фориг бўлди. Гўё вужуди ҳам аллақандай энгил тортгандек. Мана, энди у бемалол нафас олади, она шаҳридаги ўзгаришларни кўриб, кўзи қувнайди, муҳими, бундан бу ёғига ҳаёти бошқача, мазмунли бўлади.

Инжилда “Сигинмагил осмон деб” мазмунидаги ҳикмат бор. У “Бировнинг жонига қасд қилма”, “Бировнинг молига кўз олайтирма” сингари диний ўғитлар билан бир қаторда туради. Демак, маъбудга сиғингандек бировга сиғиниш — тирик жонга қасд этишдир. Яъни жонингни унга бахш этасан, фақат уни деб яшайсан, жисминг ўзингники-ю, қалбинг уники. Бу ўзлигингни унутиш, ўз-ўзингга хиёнат билан баробардир.

Трофимов Арбат кўчасидан кетаётир, озод-эркин Трофимов — жисми ҳам, руҳи ҳам фақат ўзига тегишли. На Сильвана, на йиллар мобайнида вужудида кезган анови тилларанг лаънатилар, на юрагини кемирувчи қониқмаслик ҳисси ва на ўзи эришолмаган бошқа ҳаётга ҳавас қийнайди уни энди. У ўзини ўша — ўн беш яшар ўсмирдек ҳис этарди. Ҳаёт ҳали олдинда, худди альпинист каби уни қайта забт этиш мумкин, ҳаммасини қайтадан бошлаш эмас, етиб келган жойидан янада юқорироққа қараб интилмоқ керак — тик ва баланд қояга, энг юксак чўққига! У ерда мағрур қад кериб, атрофга назар ташламоқ ва байроқ қадамоқ учун!

Ўтган ўттиз йил мобайнида Трофимов ўзини унчалик олдирмаган, ҳали ҳам навқирон кўринарди. Худди шу вақтгача музлатгичда сақлангану ҳозиргина ундан — янгидан куч тўплаб, ҳаётга ишонч билан чиқиб келаётгандек.

Хотини ҳам, ўғли ҳам ўз хонасида беғам-беташвиш ухлаб ётган экан. Негаки уларнинг суянган тоғи бор. Улар буни ҳатто уйқуда ҳам ҳис этади. Трофимовнинг вужудини майин бир илиқлик, қаноат ҳисси қамраб олди. Аёли ва ўғлининг борлигига, шу икки инсоннинг ҳаётига ўзи масъул эканига у ич-ичидан шукрона айтди. Мана бу унинг аёли, мана бу унинг ўғли. Трофимов шуларга керак. Демак, у ёлғиз эмас.

Одатдагидек, уйда нон йўқ экан — ўша, чумоли талаб ётган моғор босган бўлак-сўлакдан бошқа. Нимжон, худди ёзув машинкасининг чизиқчасига ўхшаган увоққина чумолилар бўзчининг моксидек у ёқдан-бу ёққа зир югуради. Шундай беозор кўринадиган жонзотнинг “термит” дея ваҳимали ном билан аталиши-чи, бутун бошли ёғоч уйни еб битириши мумкин экан-да шугиналар!

Хотини бўсағада сассиз, шарпадек бирдан пайдо бўлди.

— Нонга чиқиб келайми? — деб сўради Трофимов.

— Ўзим ҳам чиқиб келавераман.

— Юр, бирга чиқамиз.

— Нега энди? — ҳайрон бўлди хотини.

— Бирга-бирга-да, — деди Трофимов шу сўзнинг маъносини уқтирмоқчидек.

Хотини унга ҳув бир замонлар яхмалак майдонида оёғи остига келиб тушган қизалоқ сингари журъатсизгина тикилди. У эшик кесакисига суянган кўйи худди бир бегонадек тараддулланиб турарди.

— Кир, киравер, — деди Трофимов. — Нега туриб қолдинг...



Жон танда ёнартоғдир

XX аср Македония турк шоирлари ижодидан

Яҳё КАМОЛ

(1884 Ускуп – 958 Истанбул)

ЙЎҚОЛГАН ШАҲАР

Ускуп-шонли Йилдирим Боязидхон диёри,
Авлоди фотиҳонга унинг азиз ёдгори.
Феруза гумбазлар-ла бизнинг шаҳримиздир у,
Бизники у, чеҳраси, руҳи ила биздир у.
Ускупки, Шар тоғинда Бурсанинг давомидир,
Тоза қонлар тўкилган бир лолазор жомидир.
Кўкларга осилмиш, боқ, уч уруш силоҳлари,
Кўзлардан томган ёшдир ҳар байрам сабоҳлари.
Кирмагандим умримнинг ҳали ўсмир чоғига,
Онамни кўмиб қайтдик совуқ куз тупроғига.
Исобекнинг сўғишда очилган мзорлиги
Руҳимга то охираг нақш айлади борлигин...
Бир вақтлар бизникийди ватанда, бугун нечун
Бизники эмас Ускуп, қон ютармен бу учун.
Қалбимда бир хаёли қолиб, ғойиб бўлган у,
Айрилиқдан эзилган қалбларда қолган қайғу.
Айрилиқ битмаса-да, ўтса-да қанча сана,
Биз сенда бўлмасак-да, бизлардасан сен яна.

Абдулпаттоҳ РАУФ

(1910 – 1963, Ускуп)

СЎНГ НАФАСИМДА ВАТАНИМ

Тунга айланди йўлингда неча кундузларимиз,
Тонг отар деб кутдию сўнди неча кўзларимиз.
Ўлар эрсамда агар сўнг нафасимда ватаним
Ишқию меҳри билан янграса сўнг сўзларимиз.
На кафан истагимиз ё на гўзал мақбарадир,
Энди кимга қоладир кимсасиз ўксузларимиз.
Эй буюк ўтмиш, сенинг чўнг ҳайбатинг алдамасин,
Тоғ надур, воҳ, тошчалар бўлсак агар ўзларимиз.
...Бир баҳор ишқи билан қиш демадик, ёз демадик,
Ҳеч туганмайди бироқ қишларимиз, кузларимиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

73

Минг тикан бостик-ку, эй холиқи кулл, бир гул учун,
Бунга бир шоҳиди одил қонаган юзларимиз.

Бу қулинг дардини сўйларга макон топмади ҳеч,
Сенга равшан не эрур сўзларимиз, изларимиз...

Шукри РАМУ

(1918 – 1988, Ускуп)

УНУТМАЙМАН

Сап-сариқ япроқлар кўкда учаркан,
Шамол қанотига осилиб олдим.
Ичимда уруш, ўч ҳисси жўшаркан,
Ўзимни Оқтошда деб хаёл қилдим.
У Оқтошга хотирам аён,
Унутмасман уни ҳеч қачон.

Йўлчилар денгиздан қайтди қирғоққа,
Кеча шафағида ўзимни кўрдим.
Қалбимдан қояга ёғилди ўқлар,
Йўлимни оловлар ичига бурдим.
У оловга хотирам аён,
Унутмасман уни ҳеч қачон.

Аскарлар ташланди қора илонга,
Бўронда судралиб бориб, сув ичдим.
Чанг, туман тўларкан тунда ҳар ёнга,
Кўшиғимни айтиб, жанггоҳдан кечдим.
Кўшиғимга хотирам аён,
Унутмасман уни ҳеч қачон.

Она силар экан ўғлин бошини,
Гўзал эрталарга қувват тиладим.
Ўлимга чимиргач Ҳаёт қошини,
Ўлсам ўлибман-да, ачинмам, дедим.
Сўзимга-да хотирам аён,
Унутмасман уни ҳеч қачон.

Қорли ер куларкан баҳорга чўмиб,
Хароба деворлар йиқилган пайти,
Шаҳид йўлдошимни мазорга кўмиб,
Кўзимда ёш билан ортимга қайтдим.
У шаҳидга хотирам аён,
Унутмасман уни ҳеч қачон.

Лутфу САЙФУЛЛОҲ

(1926, Ускуп)

МАСХАРА

Менга қараб
Кулинг,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ғазабга мининг,
Оғзингизга сиққанча сўкинг.

Лаънат, қарғиш,
Нафратингизни —
Барисини устимга тўкинг!

Мен — бир масхараман.
Мен — худди сизман.

СЎНГРАСИ

Сендан сўнгра
Кўлкангдир
Саҳнада
Сендан қолган.

УМИД

Кошки ҳар ким
Унга ўхшаса —
Яхшилик қилиб юрса.

Тушида кўрганни
Ўнгида кўрса.

МЕҲР

Сени суюнтирдим,
Кўп куюнтирдим.

Яшадим қувончинг,
Қайғунга шерик бўлиб-
Иссиқ нонни ўртасидан
Бўлгандай бўлиб.

Нажотий ЗАКАРИЁ

(1928 – 1988, Ускуп)

ШОИР

Ёлғизлик ўлдирмоқ истади шоирни
шоир ёлғизликка яшашни ўргатди

тузумлар ўлдирмоқ истади шоирни
шоир тузумларга яшашни ўргатди

дўстлари ўлдирмоқ истади шоирни
шоир дўстларига яшашни ўргатди

душманлар ўлдирмоқ истади шоирни
шоир душманларга яшашни ўргатди

шоирни ҳеч нарса ўлдира олмади
уни ўлдиражак фақат ўз шеърлари.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

75

Илҳомий ЭМИН*(1931, Радўвич)***УХЛАМАС УЙҶУ**

роса кута кута сени
эшигим очиқ қолди
сени соғиниб соғиниб
уйқум ухламас бўлди

эшигимни ел олди кетди
уйқумни-да сел олди кетди
эшиксиз уйқусиз на гўзал
гул чечаксиз на демак маҳшар

юз йил ўтди
келмадинг
келмадинг-да бор бўлдинг
келмадинг-да йўқ бўлдинг

ЎЛИМСИЗ ТОШ

ариқ ичинда бир қуш
кимники бу қуш
тупроқ

ариқ ичинда бир туш
кимники бу туш
булоқ

булоқ ичинда бир юз
кимники бу юз
кулиш

булоқ ичинда бир куз
кимники бу куз
кўчиш

кўчиш ичра кўк
юлдуз
кимники у кўк
булут

кўчиш ичра бир илдиз
кимники илдиз
умид

Асад БАЙРАМИЙ*(1934, Ўхри)***БОШИМДА ЁҶИЛГАН ШАЪМ**

Бу кеча кўл бўйлаб кезаркан кўрдим
юлдузлар чўмилиб ювинаётир
чўкмасынлар дея кўриқлаб турдим
ҳар бирига боқиб титрадим дир-дир.

ЖАҶОН АДАБИЁТИ

76

Синди кўл ойнаси
 ёнарди бир шаъм
 оёғим олти бўп қочдим ўша дам
 уйимга беркиниб
 хушим йўқотдим
 кўлдан чиққан каби қон терга ботдим.
 Кўрдимки бошимда бир шаъм ёнарди...

Жовид САРАЧЎҒЛИ

(1935, Ускул)

Хилватда хаёл сурсаму кўз солсам унинг-ла
 Руҳ оламининг дўст кўринар панжарасиндан,
 Жўшгай юрагим, кошки бир он қолсам унинг-ла
 Бир акси садо тўйсам унинг тотли сасиндан.

Ҳар ҳолу ишим қутли сўзин амрига солсам,
 Васлиқла замон чархини бир тўхтага олсам,
 Ваҳдатда бир осуда сарой қурдира билсам
 Кўнглимни абад қургучи ул ҳандасасиндан.

Фарҳод каби қўрқмас на тоғу на дала-туздан,
 Вуслат дея тап тортмагай ул ҳеч ғаламусдан,
 Жон танда ёнартоғ каби портланди бу юздан-
 Жонон элига боқмоқ учун уст тепасиндан.

Бир лаҳза севинтир шу ҳақир бандани, ё Раб,
 Кўз ёши тўкиб бунда сўроқлар сани, ё Раб,
 Ўйлаб турадирман, чақирар деб мани, ё Раб,
 Тиқ этса эшик зулфуни гоҳ ел нафасиндан.

Комил кишилар ҳеч тиламас амри маҳолни,
 Жоҳилки ўйин деб биладир биздаги ҳолни,
 Муштоқи мудом кун-кеча истар у жамолни,
 Ҳеч ибрат олурларми башар фалсафасиндан.

Ҳижрон аламиндан неча эллар ёқа йиртар,
 Битмай бу фироқ фасли, висол дардлари ортар,
 Жовид каби осийни ўзинг авф ила қутқар,
 Ғафлат йўлининг нафу ҳаво васвасасиндан.

Нусрат Дишо УЛКУ

(1938, Призрен)

БОРЛИҚ

Баъзан яқин
 Баъзан узоқмиз
 Баъзан совуқ
 Баъзан қайноқмиз.

Қирғоқлар каби яқин
 Қирғоқлар каби узоқ

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Қиш каби совуқмиз гоҳ
Ёз каби иссиқ ҳар чоқ.

Баъзан сархуш
Баъзан элимиз
Гоҳо ғариб
Ошиқ асирмиз
Сархушлардан сархушмиз
Донолардан ҳам доно
Ғариблардан ғариброқ
Шайдодан ўта шайдо.

Баъзан бормиз баъзида йўқмиз
Баъзан очмиз баъзида тўқмиз
Инсонлар каби бормиз
Руҳлар каби йўқ
Очлар қадар очмиз
Тўқлар қадар тўқ.

ЧИН ШОИР

Йигит ўлар шон қолар
От ўлар майдон қолар
Майдонда ботир қолар
Шоир ўлар шеър қолар.

ЙЎЛИНГИЗ ЙЎЛЧИСИМАН

Сувсаганлар қўлидан
Сув ичмоқдаман
Сиз ҳам ичаяпсизми?

Сархушлар йўлидан
Тебраниб кетмоқдаман
Сиз ҳам кетаяпсизми?
Очлар нонин қўлидан
Олиб-да емоқдаман
Сиз ҳам емоқдасизми?

Диндорларнинг йўлидан
Озиб-да ўтмоқдаман
Сиз ҳам ўтаяпсизми?

Бўларин айтсам баъзан
Ўзимдан кечмоқдаман
Сиз ҳам кечаяпсизми?

Авний ЭНГГУЛЛИ

(1947, Ускуп)

ДУОЛАР ЯРАТАМАН

топиноқлар
масжидлардан

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
78

ахтараман ўзимни
ахтараман ўгирмасдан
улардан ҳеч кўксимни

кўзларимни кўкка қаратаман
сени эсларкан ҳар он
дуолар яратаман

ЗИЛЗИЛАДАН ҚОЛГАН ИЗЛАР

улар тоғлардай
кимсасиз
ёлғиз

ахтарарлар
онасини
отасини

акасини синглисини
йўқотган улар

ўлган ўлди
соғ қолганда
очиқ қолди
яралар

ЮКСАЛМОҚ

юксалмоқ инсонга инсон деб қараш
инсонийлик эса бутун юксалиш
бошқани эзмасдан туриб юксалмоқ
барча юксалишдан устун юксалиш

Фаҳри АЛИ

(1948, Ускуп)

ЗАМОН-ЗАМОН

Кимдир замон-замон инсонни ўқ қилар
Кимдир замон-замон инсонни йўқ қилар

Кимдир замон-замон инсонни бор қилар
Кимдир замон-замон замонни дор қилар

ҲЕЧАМ

Йиллардир аҳволи ўша ўшадир
Ўша эски гапга ямоқ қўшадир
Мишмиш ғийбат қилиб ўтар булар ҳам

Йиллардир бир зайл чайналар бу халқ
Ҳечам уялмади бирорта одам

Юсуф АДИБ*(1949, Ускун)***АЙРИЛИШ**

Яна бир уй йиқилмоқда —
 Бу ишни,
 Бунга ўхшаш кўп йўқотишни
 Кўра-кўра безиб қолдим
 Кичиклигимдан
 Харобалар атрофимни,
 Босмасин зимдан.
 Ҳеч қолмасин инсон инсонсиз.
 Яна бир уй йиқилмоқда
 Бугун ичимда.

КЎЛ

Кўл ичида бир кўл-а!
 Суви мовий, моп-мовий,
 Атрофи одам тўла.
 Боймисан бой-да булар.

Чўмиладир араб қизлари
 Яланғоч
 Қирғоқларда,
 Урушдан узоқларда.

Ирфон БЕЛЛУР*(1954, Ускуп)***АЛДАЙ ОЛМАС ТЎҒРИ ТЎҒРИНИ**

Ўқ отолмас бошқа бир ўқни
 Сув чўктира олмас балиқни
 Илон қуса олмас заҳарни
 Тузоқ тута олмас каптарни
 Қулни-да ўт ҳеч ёқа олмас
 Йиқиқлар бир уй бўла билмас
 Ҳақорат-ла битмас ҳақорат
 Адоват-ла битмас адоват
 Сўзлай олмас соқов сокинлик
 Тирилтолмас ўликни тирик
 Алдайолмас тўғрини тўғри

Неча юз йил ўтди-да кетди
 Сен ўзинга етолмай нетдинг.

ОВЛАШ ВА ОВЛАНИШ

1

Сен бахтлисан қармоқнинг бир учида
 У учида балиқ питирлар
 Денгиз эса гувлар ўзича.

2

Ўлди
Пулга айбсизлигини
Сотиб ола билган одам ҳам.

3

Бахтлидирман водийда
Зотан ёлғизлигимнинг
Чўли ёнар ичимда.

ҚЎРИҚЛАШ

Сенинг нонингни пичоқмас ҳар вақт
Менинг эмагим қўриқлар фақат.

Сенинг сувингни сувомбор эмас,
Менинг сувларим қўриқлар фақат.

Сенинг боғингни деворлар эмас,
Менинг боғларим қўриқлар фақат.

Сенинг севгингни шеър, қўшиқ эмас,
Менинг пок севгим қўриқлар фақат.

Сенинг эркингни ўқ, қурол эмас,
Менинг ҳурлигим қўриқлар фақат.

Сенинг умрингни саройлар эмас,
Менинг ҳаётим қўриқлар фақат.

*Туркчадан
Тоҳир ҚАҲҲОР
таржималари*

Ускуп илҳомлари

Қомусларда таъкидланишича, Македўния давлати милоддан олдинги V асрда қурилган. Унинг юксалиши Иккинчи Филиппнинг Юнонистонни истило этиши ва кейинчалик ўғли Александр Македонскийнинг жаҳонгирлик йилларига тўғри келади. Рим империяси бу давлатни таназулга учратган. Милоднинг V асрида Оттила бошчилигида ҳунлар, VII асрда эса славян қабилаларининг бу ўлкага келиши, сўнгра Булғор подшолигига тобелик македон тилининг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатган, македонча славян тил гуруҳига киритилган. 1392-1912 йилларда ўлка Усмонлилар

салтанатига қараган, шу даврда бу ўлкада турклик ва мусулмонлик билан боғлиқ маданият, адабиёт яратилган. Болқон урушлари натижасида у давлат сифатида тугатилган: уни серблар, булғорлар, юнонлар бўлишиб олишган. Иккинчи жаҳон уруши сўнгида олтита давлатдан ташкил этилган Югославия ичида Македония ҳам бор эди. Ер юзида шўроларнинг қулашига боғлиқ ўлароқ Югославия ҳам йиқитилди, унинг золим ҳукмдори ҳам қатл этилди ва Македония мустақил республика (8 сентябрь 1991) бўлди.

Ўзбекистон ва Македония ўртасидаги маданий адабий алоқаларга ўтган

асрнинг 70-йилларида асос солинган. 1980 йилда «20-аср Македония шоирлари» тўплами босилганди. Унга Македонияда ҳар йили ўтказиладиган жаҳон шоирларининг халқаро Струге шеър оқшомларида 1978 йилда қатнашган атоқли адиб Ҳамид Фулом «Шеърят диёрининг элчилари» деган сўзбоши ёзган. Тўпламга К. Рацин, К. Неделковский, В. Марковский, М. Богоевский, С. Яневский, Б. Конески, А. Шапов, Г. Ивановский, Л. Каровский, А. Караманов, М. Ренджов, Р. Павловский, Б. Смачоский, Р. Ячев, А. Вангелов каби ўн беш македон шоирининг шеърларидан намуналар жамланган бўлиб, уларни русчадан Сулаймон Раҳмон, Шавкат Раҳмон ва бошқалар ўзбекчага ўгирган эдик. Ўшанда Македонияда турк қардошларимиз яшашидан, уларнинг ўзига хос адабиёти ҳам борлигидан хабарсиз эдик. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида халқимиз ва адабиётимиз бутун дунёга танилаётгани каби, биз ҳам жаҳонга янги кўз билан қарамоқдамиз, уни янгича ўрганмоқдамизки, Македониядаги турк қардошларимиз шеърятини намуналари билан илк бор танишувимиз ҳам мустақиллигимизнинг бир мевасидир.

Болқон оролида етти юз йилдан бери яшаётган турк қардошларимиз ўзига хос маданият, адабиёт ҳам яратишган. Бугунларда ҳам бу ерда икки ярим миллиондан ортиқ турклар ва умуман 12 миллион мусулмон яшамоқда. («Туркия ташқарисидаги туркий адабиётлар антологияси. 32 жилдликнинг 7-жилди. Македония, Югославия-Кўсўва адабиёти». Анқара, 1997 й. 14 бет. Македониялик турк шоирларнинг ўзбекчага илк бор ўгирилган шеърлари ана шу китобдан олинди). Тадқиқотчиларнинг ёзишича, Усмонлилар замонида Истанбулда 609, Бурсада 156, Эдирнада 150, Кўниёда 60, Диёрбакрда 40 шоир етишган бўлса, салтанатнинг Осиё ва Овруподаги ўлкаларидан ҳам, масалан, Бағдоддан 35, Босниядан 26, Салўникдан 16, Софиядан 16, Скопье-Ускупдан 18, Белграддан 11, Кўсўванинг бошкенти Приштина ва Призрен шаҳарларидан 13 туркийда ёзган машҳур ижодкор чиққан. Приштиналик Масихий (1470-1552), Призренлик Сўзий Чалабий (ваф. 1524) ва Шамбий (ваф. 1591) девон тузган атоқли, мумтоз шоирлардандир.

Хусусан Македонияда туғилиб ижод қилган турк мумтоз шоирларига келсак, улар орасида (16 аср ва ундан кейин яшаганлардан) ускуплик шоирлардан Ота, Дуррий, Фанний, Фаридий, Ҳаққий, Ҳамдамий, Ҳавасий, Исҳоқ Чалабий (ваф. 1542), Изорий, Лаълий, Мирий, Муидий, Номий, Ниёзий, Узрий (ваф. 1523), Риёзий (ваф. 1546), Сеҳрий, Волиҳий (ваф. 1599), Вусулий (ваф. 1592), Зорий ва Қалқонделен, Монастир ва бошқа шаҳарликлардан Ваҳийи (1547), Вазний, Аёний, Жалолбей, Фирдавсий (ваф. 1564), Котибий, Кашфий, Мардий, Сабоий, Сомий, Сазоий, Синон, Ҳофиз Ҳоварий (ваф. 1565), Садрий (ваф. 1585), Ваҳжий (ваф. 1670), Ориф Маҳмадий кабиларнинг аруз вазнидаги шеърлари жамланган девонлари мавжуддир.

XX аср Македония турк шоирлари ижодида ҳам ўтмишдаги бой анъаналар давом этди ва ўзбек адабиётидаги бўлгани каби, улар ҳам 20-йиллардан кейин эски аруз вазнидан узила бориб, миллий бармоқ вазнига ўтдилар, кейинроқ эса Оврупода кенг тарқалган эркин вазнда ёзиш кенг тус олди. XX аср турк шеърятининг энг буюк шоири ҳисобланадиган Яҳё Камол ҳам Ускупда 1884 йилда туғилган, шу ерда вояга етган, Истанбулда (1902), Парижда (1903-1912) ўқиган ва кейинги умрини Истанбулда кечирган. Шунинг учун ҳам унинг ижодида Ускуп ва Истанбул ватан ва миллат рамзи ўлароқ муҳим ўрин тутди. Я. Камол шарҳ ва фарб тушунчасини, шеър санъатини мукамал эгаллаган, ижодида бирлаштира олган шоирдир, шунинг учун ҳам унинг бошқа ижодкорларга таъсири катта бўлган. Атоқли адибимиз Ойбек 1966 йилда «Дружба народов» журналида босилган «Адабиёт, тарих ва замонавийлик» мавзусидаги суҳбатида бу ҳақда шундай деган: «Янги турк поэзиясининг асарлари мени илк марта лирик соддалик йўлида изланишга ўргатди. Мен турк поэзияси билан техникумининг талабаси бўлган йилларимда танишдим. Уша пайтда Бокуда Яҳё Камол, Ризо Тавфиқ, Абдулҳақ Ҳамид ва бошқа бир неча турк шоирларининг асарлари нашр қилинганди. Бу асарлар менинг ҳам қўлимга тушиб қолди. Булар ҳозир ҳам менда сақланади. Яқинда уларни қайтадан варақларканман, илк марта таъсирланганимни кўз

олдимга келтирдим. Муҳим ва мураккаб нарсалар ҳақида соддагина қилиб сўз айтиш мумкин экан». (Ойбек. Асарлар. 10 томлик. Тошкент 1974 й. 9 т. 338 б.) Улуг ёзувчимиз Ойбекнинг юқоридаги сўзлари бу кунларда ҳам, ўзбек-турк ва ўзбек-македон адабий алоқалари тарихида ҳам алоҳида аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш ўринлидир.

Македониянинг бошкенти Скопье-Ускуп ўртасидан Вардар дарёси ўтади. Машҳур меъмор Синон қурган Тошкўприк шаҳарнинг иккала қисмини бирлаштириб туради. Кўприк жанубида, Эски шаҳарда асосан муслмон турклар яшайди. Эски шаҳар тарихий обидаларга бой. Мустафо Пошо, Мурод Пошо, Исҳоқ бей жомелари, уларнинг минораларидан етти юз йилдан бери ҳар куни таралаётган азон товушлари ҳам шоирлар учун илҳом булоғидир. Ускупта тарихий обидалардан яна Қалъа, Эски чорси, Яҳё Пошо жомеси, Соат минораси, Сулу хон ва Довуд Пошо ҳаммомлари, мадарасалар, такялар, мазорлар... мозий шоирларига илҳом бергани каби, бугунги авлодга ҳам шонли ўтмишнинг ибратли ҳайкали ўлароқ руҳ, фахр бахш этмоқда. Я. Камол Ускупнинг ўтмиши ҳақида сўзлаб, бу шаҳар Иккинчи Муродхон давронининг жонли расмига ўхшайди: халқ ҳалиям ўша лаҳжада сўйлашади, кийиниши, яшаш тарзи ҳам ўша даврагидай, дея таъкидлаганди.

Бугунги Македония республикасида 120.000 турк яшайди. Уларга оид ТДП-Турк демократик партияси, Турк ойдинлар жамияти, Турк маданияти маркази фаолият кўрсатади, давлат парламентида уларнинг 2 депутати аъзодир. Уларнинг адабиёти ва матуботи баравар ривожланмоқда: «Бирлик» (1944 йилдан) газетаси, «Севинч» (1950 й.), «Тўмурчуқ» (гунча, 1957) каби болалар журналлари, «Саслар» (1966 й.дан) санъат журнали, «Турк тили», «Борлиқ», «Гунай» (кунгай-жануб) журналлари, Ускуп радио-телевидениесининг туркча эшиттириш ва кўрсатувлари Македония турк адабиётининг шаклланишида, ўсишида муҳим хизмат қилди.

Миллатлар бир-бирларининг маданиятларидан таъсирланиб тараққий топадилар. Тиллар ҳам бири-бирдан таъсирланади, жумладан, Туркия туркчасида мингларча араб, форс, юнон, франсуз, инглиз сўзлари бўлгани каби, масалан, юнончада уч минг, булғорчада беш минг, сербча ва хорватчада етти минг, македончада, руминча, мोजарчада эса ундан ҳам ортиқ турк сўзлари мавжуд. Адабиётда ҳам бу таъсир сезилади, албатта. Бугунги македониялик турк шоирлар ижодида хусусан энг илғор Овруро шеърятининг турли шакллари ва мушоҳада тарзининг таъсири очик акс этгани бунинг исботидир.

*Тоҳир ҚАҲҲОР,
ЎзДЖТУ доценти*

Болеслав ПРУС

Фиръавн

Тарихий роман

БИРИНЧИ КИТОБ

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Рамсес Куйи Мисрга ҳукмдор бўлган кундан бошлаб унинг олдида шундай қийинчиликлар ғов бўлдики, ҳатто шоҳ саройида ўсган бўлса ҳам буларни тасаввур қилиб кўрмаган эди.

Уни шундай азоблашдики, бу азобнинг жаллодлари жамиятнинг турли қатламларини ташкил этувчи тиланчи ва илтимосчилар бўлди.

Биринчи кунёқ ўз саройи атрофида бир-бирини суриб, олдинга интилаётган, майсаларни депсиб, дарахтларни синдираётган, тўсиқларни ағанатиб юбораётган оломонни кўрган валиаҳд қоровулларни чақирди. Учинчи кун эса ўз уйидан шоҳ саройига қочиб ўтиб, жон сақлади. Саройда кўпсонли кўриқчилар, энг муҳими баланд деворлар уни оломондан ҳимоя этарди.

Рамсес бу ерга келганидан бери ўтган ўн кун ичида бутун Мисрнинг, ҳатто бутун дунёнинг вакиллари унинг қабулида бўлдилар.

Қабулга дастлаб юқори табақадаги улуғлар киритилди. Унинг тасаввурида табриклаш учун келган ибодатхоналарнинг олий қоҳинлари, вазирлар, юнон, иудея, ассирия, нубия элчиларининг турфа либослари аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Кейин қўшни ҳудудлар ҳукмдорлари, судьялар, муншийлар, Менфи корпусининг катта зобитлари ва мулк эгалари келдилар. Улар ҳеч нарса сўрамасдан фақат ўз қувончларини изҳор этдилар. Шундай бўлса ҳам шаҳзода қабулдагиларни эрталабдан чошгоҳгача, ундан кейин қоронғи кечгача тинглар экан, боши ғовлаб кетди ва ўзини бемажол ҳис қилди.

Ундан кейин қуйи табақа вакиллари қўлларида олтин буюмлар, қаҳрабо, хорижий гиламлар, мушк-анбар ва мевалардан иборат совғалар олиб келдилар. Улар кетидан судхўрлар ва пулдорлар, қурилишларнинг янги тарҳини кўтариб олган меъморлар, ҳайкалтарошлар, гишт терувчилар, кулоллар, дурадгор ва оддий усталар, жавонсозу темирчилар, кўнчилару темир қуювчилар, боғбону тўқувчилар, ҳатто жасадларни ёриб, мўмиёлайдиган мурдашўйлар ҳам унинг ҳузурда бўлдилар.

Муборакбод этувчиларнинг кети узилмай туриб хайру эҳсон сўровчилар, мажруҳлар, бевалар ва етимлар, ўғиллари учун саройдаги ла-

Давоми. Боши ўтган сонда.

возимларни илтимос қилувчилар киришди. Муҳандислар суғориш усулларининг янги лойиҳаларини, табиблар касалликка қарши воситаларни, мунажжимлар башоратларни таклиф этдилар. Қамоқдагиларнинг яқинлари жазоларни юмшатишни ёки ўлимга ҳукм қилинганларни афв этишни сўраб келдилар. Беморлар шаҳзоданинг қўл текизиб қўйишини ёки тупугидан беришларини илтимос қилдилар.

Шунингдек, гўзал аёллар ва оналар: бирлари итоаткорлик билан, бошқалари хира пашшадек ёпишиб, қизларини хизматга олишини ўтириб сўрадилар. Айримлари ўз фазилат ва истеъдодларини айтиб, маошлари баҳосини оширишни ҳам унутмадилар.

Ҳар дақиқа алмашилиб турувчи қиёфаларни кўрган, дунё бойлиги ҳам етмайдиган талабларни эшитган Рамсеснинг мадори ўн кун ичида тугади. Уйқусизликдан шунчалар ҳоридики, ҳатто пашшанинг визиллаб учини ҳам жаҳлини чиқарадиган бўлиб қолганидан вақти-вақти билан одамлар нима ҳақида гапираётганини ҳам англамайдиган бўлиб қолди. Шунда яна Херихор ёрдамга келди: шаҳзода энди одамларни қабул қила олмаслигини эълон қилишни аёнларига буюрди. Лекин тарқалишга бир неча бор берилган буйруқни писанд қилмай дарвоза тагида тўпланиб турган оддий одамларни ҳайдаш учун таёқлар билан қуролланган нумибиялик аскарларни ишга солдилар. Шундан кейин оломон тутундек тарқалди, айримлари калтак зарбидан орттирган ярачақаларига бир неча кун совуқ матоларни босиб юрдилар.

Ана шу воқеалардан кейин одамларни кўрарга кўзи йўқ бўлиб қолган Рамсес тунд бўлиб юрди.

Икки кун давомида кафтларини боши остига қўйиб, шифтга маъносиз термулганича ётди. Муборак отасининг худолар меҳроби олдида кун ўтказишига энди ҳайрон бўлмай қолди. Лекин Херихорнинг таги кўринмайдиган вазифаларни қандай қилиб бажаришини тушунмас эди. Бундай ишлар одамни бўрон бўлиб қулатиши, ҳатто мажрух қилиши ҳам мумкин-ку.

Илтимосчилар иродангни эзиб, фикрларингни ютиб, қонингни сўриб турганида режаларингни қай йўсинда амалга оширишинг мумкин? Атиги ўн кун ўтиб касал бўлсам, бир йилда ақлдан озаман-ку. Бу амалда ўтириб режаларимни амалга ошириш у ёқда турсин, жинни бўлиб қолмасам яхши эди!».

Чорасизликдан безовта бўлган шаҳзода қандай ҳукмфармолик қилишини ўйлаб, ҳузурига Херихорни таклиф этди ва йиғидан томоғи бўғилгани ҳолда унга ғам-ташвишларини тўкиб солди.

Вазир давлат кемаси таъминотчисининг шикоятларини юзида табассум билан тинглади.

— Биз яшаётган улкан сарой Сенеби деган ягона меъмор томонидан қурилганлиги сенга маълумми, шаҳзода?—деди у.—Шуни айтиш керакки, у қурилиш охирига етмагунча ҳеч кимга ҳисобот бермаган. Биласанми, ўша меъмор нега ўз режаларини толиқмай, руҳини туширмай амалга оширган?

— Ҳўш, қандай қилиб?

— Чунки у ҳамма ишни бир ўзи бажармаган, ёғоч ва тошларни ўзи йўнмаган, лой қормаган, гишт пиширмаган, уларни ўзи ташиб, ўзи урмаган. У фақат бино тарҳини чизган. Сен эса, шаҳзода, ҳаммасини бажармоқчи — ҳам эшитиб, ҳам талабини қондирмоқчи бўлдинг. Бунга одам боласининг кучи етмайди.

— Илтимосчилар орасида ҳақиқатдан ҳам адолатсизлик билан хафа қилинганлар, тақдирланмаганлар бўла туриб, мен қандай бефарқ қарайман. Ахир давлатнинг асоси адолатда-ку, —жавоб берди валиаҳд.

— Бир кунда ўзингни чарчатмаган ҳолда қанча одамни тинглашинг мумкин?—сўради Херихор.

— Айттайлик йигирма кишини.

— Бу ҳам анча кўп! Мен куни билан олти-ўн кишини қабул қилиб, эшита оламан. Бироқ шунда ҳам илтимосчиларни эмас, балки олий муншийларни, юқори даражадаги бошқарувчилар ва вазирларни. Уларнинг ҳар бири энг муҳим гапларни—армияда, фиръавн мулкида, кемаларда, вилоятларда нималар рўй бераётганини, шунингдек, дин ҳақида ҳамда Нилда сувлар миқдорини айтадилар. Улар майда гапларга ўрин қолдиришмайди, лекин ҳар бири менга учрашидан олдин қўйида турувчи муншийлардан камида ўн нафаридан маълумот оладилар: олий муншийнинг ҳар бир ёрдамчиси ва ҳар бир бошқарувчи аввал ўнтадан қўйи амалдорларни тинглаган бўлишлари керак. Улар ҳам ўз навбатида яна ўнтадан қўйи амалдорларни тинглаган бўлади. Шундай қилиб, мен ва онҳазрат ҳар куни фақат ўнтадан одам билан гаплашиб, дунё ва мамлакатнинг юз минглаб жойларида нималар бўлаётганини билиб оламиз. Мемфис кўчасида турган қоровул фақатгина бир неча ўнлаб уйларни кўра олади, холос. Ўнбоши эса бугун кўчани билади, юзбоши бутун бир маҳаллани, шаҳар бошлиғи бутун шаҳарни, фиръавн эса улар устида гўё Птаха ибодатхонасининг минорасида тургандек фақат Мемфиснигина эмас, кўпгина шаҳарлар — Сехам, Он, Херау, Турра, Татаун ва ғарбий саҳронинг чеккаларигача кўради. Бундай баландликда туриб подшоҳ, албатта, мискин ва камситилганларни билмаслиги мумкин. Лекин дангаса оламонни пайқай олади. У ошхонада овқатланаётган аскарни кўрмайди, бироқ полкнинг машқларга чиққан ёки чиқмаганини билиб олади. Деҳқон ёки шаҳарликнинг тушликка қандай овқат тайёрлаётганини кўрмайди, бироқ шаҳарда юз берган ёнғинни кўра олади. Давлатимизнинг бу тартиби, — давом этди қизишиб кетган Херихор, — бизнинг фаҳримиз ва кучимиздир. Фиръавнларнинг биринчи сулоласидан бўлган Снофру коҳиндан ўзига қандай ҳайкал қўйишини сўраганида у шундай деган: ерга тўртбурчак чизгин-да, олампаноҳ, унга олти миллион йўнилмаган тош қўйгин, улар халқнинг рамзи бўлади. Шу қатлам устига олтимишта йўнилган тошни қўй, улар қўйи амалдорлар; уларнинг ҳам устига олти минг силлиқланган тошни қўй юқори амалдорлар; уларга олтимишта нақшинкор тошларни тергин, яқин маслаҳатчиларинг ва саркардалар. Энг юқорисига эса олтин куёш акс этган битта тошни тиккалаб қўйгин, бу сен ўзинг бўласан». Фиръавн Снофру шундай қилган. Қадимги зинадор эҳромлар давлатимизнинг асл кўриниши ана шу тарзда вужудга келган. Қолганлари ҳам ана шу йўсинда бошланган. Бу абадий иншоотларнинг чўққисидан дунё сарҳадлари ва узоқ авлодлар кўриниб туради.

— Давлатнинг ана шундай тузилишида, — гапида давом этди вазир, — шунингдек, бизнинг қўшниларимиздан устунлигимиз мужассамланган. Ҳабашлар бизга ўхшаб кўпчилик эдилар. Лекин уларнинг подшоҳи ҳайвонларни ўзи боқарди, жазога тортилганларни ўзи калтакларди, уларнинг қанчалигини билмас эди. Қўшниларимиз бос-тириб кирганида ҳатто одамларини ҳам тўплай олмаган. Ягона Ҳабашистон эмас, балки у одамлар галасидан иборат бўлган. Ҳозир улар бизга қарам. Ливия ҳукмдори ўзи суд қилади, айниқса бой амалдорлар суд жараёнига вақтини шунчалар кўп сарфлайдики, улар мамлакатининг ёнгинасида пайдо бўладиган қароқчилар тўдаларини биз даф қилиб турамыз. Яна шуни ҳам билгинки, жанобим, агар Финикияда қаерда қандай воқеа юз бераётганини билиб турадиган ҳукмдор бўлганида бу мамлакат бизга бир дебен ҳам ҳадя тўламаган бўлар-

ди. Бахтимизга Ниневия ва Бобил подшоҳларининг атиги бир нафардан вазири бор, холос. Улар ҳам сенинг ҳозирги аҳволингга ўхшаб ишдан толиқадилар! Улар ўзлари кўриб чиқишни, ўзлари ҳукм қилишни, буйруқлар чиқаришни ихтиёр этганлари учун ҳам давлат ишларини юз йилга чалкаштириб юборганлар. Агар қандайдир мисрлик мирза ўша ёққа бориб, шоҳларга хатларини кўрсатиб ва давлатимиз тузилишини айтиб берса борми, ассирияликлар бир неча ўн йиллар ичида Иудея ва Финикияни, ундан кейин шарқ ва шимолни эгаллаб, қуруқлик ва денгиздан устимизга шундай қудратли армиялар ёпирилардики, эҳтимол биз уларни қайтаролмай қолардик.

— Бўлмаса, ҳозир, уларда тартибсизлик ҳукм сурган пайтда ҳужум қилсак-чи? — хитоб қилди шаҳзода.

— Биз ҳали олдинги ғалабаларимиздан ўзимизга келиб олганимиз йўқ, — совуққина жавоб қилди қоҳин ва Рамсес билан хайрлаша бошлади.

— Наҳотки ғалабалар бизни кучсизлантирган бўлса? — деб юборди шаҳзода. — Ахир биз юришлардан қанчалаб жавоҳирларни олиб келдик!

— Ишлайверса болта ҳам ўтмаслашади, — луқма ташлади Херихор ва нари кетди.

Рамсеснинг англашича ҳаммадан кучли бўлган вазир ўзи армия тепасида туришига қарамай, қандай қилиб бўлса ҳам тинчликни сақлашни хоҳларди.

— Кўрамиз! — ўзича пичирлади у.

Жўнаб кетишидан олдин Рамсес отаси ҳузурига таклиф этилди. Фиръавн мрамор залда ўтирар, тўрттала кириш йўллари нубиялик соқчилар билан кўриқланарди.

Фиръавн тахти ёнида валиаҳд учун курси қўйилган бўлиб, кичикроқ хонтахтада папирус қоғозига ёзилган ҳужжатлар ётарди. Деворлар дала ишларини акс эттирувчи рангли суртма суратлар билан безатилган, бурчакларга беихтиёр кулиб турган Осирис ҳайкаллари қўйилган эди.

Рамсес отасининг таклифи билан ўтиргандан кейин фиръавн деди:

— Мана, ўғлим, мулкдорлигинг ва қўшинлар қўмондони эканлигинг тўғрисидаги ёрлиқлар. Қалай? Кўринишингдан дастлабки ишларинг чарчатганга ўхшайди?

— Сиз онҳазратга хизмат қилсам кучга тўламан.

— Лаганбардор! — жилмайди фиръавн. Эсингда бўлсин, ҳориб қолишингни истамайман. Ўйнаб кул, ёшлик қувнаб қолишни талаб қилади. Бу эса муҳим ишларинг бўлмайди, дегани эмас.

— Мен тайёрман.

— Аввало. Аввало сенга ўз ташвишларимни очиқ айтаман. Хазинамиз ёмон аҳволда. Солиқларнинг йиғилиши, айниқса, Қуйи Нилдан, йилдан-йилга камайиб боряпти, харажатлар эса ортяпти. Аёллар-чи, аёллар, Рамсес, оддий одамларнинггина эмас, ҳатто менинг каттагина маблағимни ютиб юборяптилар. Улар саройда юздан ортиқ ва ҳар бири оқсочлар, чеварлар, сартарошлар, тахтиравон кўтарадиган қуллар, уй хизматида алоҳида қуллар, отбоқарлар, қайиқчилар, ҳатто жазманлари ва болалари кўпроқ бўлишини хоҳлайдилар!.. Болалар-чи!.. Фивадан қайтганимда мен эслай олмаган бир аёл йўлимга югуриб чиқди ва уч ёшли соғлом ўғилчасини кўрсатиб, гўё у менинг ўғлим бўлгани учун маош тайинлашимни талаб қилди... Менинг уч ёшли ўғлим бўлишини тасаввур қилиб кўргин-а!.. Албатта, мен у билан баҳслашиб ўтирмадим. Чунки бу — нозик масала. Иқтидорли

одамнинг бўлмағур нарсаларга пул сарфлаганидан одоб сақлагани яхшироқ. — У бошини сарак-сарак қилиб уф тортди. — Молларим тенг ярмига камайиб кетди. Бунинг сабабини сўраганимда, шундай жавоб қилишди: «Халқ қашшоқлашди, аҳоли бир қисмга камайди, шимолдаги ерларни денгиз, шарқдагисини шамол кумга бостирди. Бир неча йил ҳосил яхши бўлмади». Хуллас, бахтсизлик кетидан бахтсизлик. Хазинанинг эса таги кўришиб боряпти. Илтимос қиламан, буларни яхшилаб ўрган. Атрофни кузат, ақли ва ишончли одамларга яқинлашиб, улардан тергов гуруҳлари тузиб ол. Ҳисоботларни қабул қилиб, қоғозларга ишониб қолма, обдон текшириб кўр. Менга айтишларича, сен уокни кўришда саркардалардан ҳам ўтар экансан. Агар шу гап рост бўлса, биринчи қарашдаёқ гуруҳнинг ҳисоботи ҳақиқатга қанчалар яқин эканини билиб оласан. Хулоса чиқаришга шошилма, муҳими хулосаларингни ичингда сақла. Қандайдир муҳимроқ фикр келганида ёзиб кўй ва бир неча кундан кейин яна бир бор ўйлаб, уни ҳам ёзиб кўй. Бу сени хушёр бўлишга, вазиятга қараб баҳо беришга ўргатади.

— Ҳаммаси буюрганингдек бўлади, — деди валиаҳд.

— Бажаришинг лозим бўлган иккинчи вазифа анча мушкулроқ. Оссурияда рўй бераётган ҳодисалар давлатимизни безовта қилмоқда. Қоҳинларимизнинг айтишларича, Шимолий денгиз ортида эҳромга ўхшаган тоғ бўлиб, чўққиларини қор, пойини яшиллик қоплаган. У ғалати хусусиятга эга: бир неча йил дам олиб, бирдан тутайди, силкиниб, гумбирлайди, кейин Нил сувларига тенг бўлган суюқ олов отармиш. Оловлар тоғ ёнбағирларига тошиб, каттагина майдонларда деҳқонларнинг меҳнатини чиппакка чиқарармиш. Буни билсанг, ўғлим, Оссурия ана шу тоғнинг ўзи. Юз йиллардан бери бу ерда сокинлик ва тинчлик ҳукмрон. Лекин бирдан ичкари томондан бўрон кўтарилиб, катта армия пайдо бўлар ва тинч кўшинларни горат қиларкан. Ҳозир Ниневия ва Бобилда гумбурлаган овоз эшитиляпти, тоғ эса тутаяпти. Бу бизга қанчалар хавф солишини ва чора кўриш зарурлигини ўйлаб кўришимиз керак бўлади.

— Улдасидан чиқармиканман?.. — секин сўради ворис.

— Кузатиш ва кўра-билишни ўрган, — давом қилди фиръавн. — Ўз кўзинг билан кўрганингга қаноат қилмай, бошқаларни ҳам ёрдамга чақир. Фақат мисрликларнинг фикрлари билан чекланма, зеро ҳар бир халқ ва одамда ўзининг дунёқараши бўлади, уни бошқалар пайқамайди. Шунинг учун оссурияликлар тўғрисида финикияликлар, иудейлар, хетт ва мисрликларнинг фикрларини эшит, уларнинг қайси бир хулосаси бошқаларга тўғри келишига эътибор бер. Агар ҳаммалари Оссурия томондан хавф бор деса, демак сен ҳақиқатан ҳам шундайлигини биласан. Борди-ю, турлича одамлар ҳар хил фикрларни билдирганида яна ҳам хушёр бўл, бу гапнинг яхшилигидан ёмони кўпроқ.

— Эй шоҳим, сен худоларга ўхшаб гапиряпсан, — шивирлади Рамсес.

— Мен кексайдим, тахт баланд бўлгани учун бошқа одамлар ўйлаб ҳам кўрмаган нарсаларни кўраман. Агар сен қуёшдан пастда нималарни кўраётганимни сўраганингда, бундан ҳам ибратли гапларни айтган бўларди.

— Оссурия ҳақида мен сўрайдиган одамлар ичидан юнонларни айтмадинг, — деди валиаҳд.

Фиръавн мамнун жилмайиб, бошини тебратди.

— Юнонлар!.. Юнонлар!.. Буюк келажак ана, ўшаларники. Бизга нисбатан ҳали улар боладирлар, лекин вужудларида улугвор руҳлар яшайди. Юнон ҳайкалтароши ясаган ҳайкални эслайсанми? У тирик

одам, менинг эгизагим. Уни саройда бир ой олиб турдим. Лекин барибир, охирида Фивадаги ҳарамга ҳадя этдим. Ишонасанми, тош эгизагим супада туриб, ҳокимиятни бўлиб беришни талаб қилишидан кўрқдим. Мисрда шунақаям галаёнлар бўлардики!.. Юнонлар. Улар ясаган баркашларни, улар қурган қасрларни кўрганмисан? Улар лой ва тошдан шундай нарсалар ясайдики, ҳатто қарилигим унут бўлади, оғриқларимни эсдан чиқараман. Уларнинг тили-чи?.. Эй худолар! Юнонлар тили ҳам мусиқа, ҳам ҳайкал, ҳам суратнинг уйғунлигига ўхшайди!.. Мободо Миср ҳам одамларга ўхшаб ўлиши мумкин бўлганида юнонлар бизнинг ворисларимиз бўлиб қолардилар. Шунда ҳамма нарсани ўзлари қилганликларига дунёни ишонтирган ва биз дунёга келмагандек бўлардик. Лекин аслида улар бизнинг бошланғич мактабларимиз ўқувчиларидир. Зеро, ўзинг билганингдек, биз юксак тафаккурларимизни келгиндиларга бермаймиз.

— Бироқ шундай бўлса ҳам юнонларга ишонқирамагандай кўри-насан, назаримда?

— Чунки улар ўзига хос халқ. Финикияликларга ҳам, уларга ҳам ишониб бўлмайди. Финикиялик, агар хоҳласа, ҳақиқатни кўриб туради ва сенга айтади. Аммо қачон айтиши сенга маълум эмас. Юнон эса боладек бегубор, ҳақиқатни айтишга ҳар доим тайёр, лекин айта олмайди. Дунёни у бизга қараганда бошқачароқ кўради. Унинг кўз ўнгиди ҳамма нарса Миср осмони ва сувлари каби товланиб кўринадди. Шундан кейин юнонлар фикрига таяниб бўладими? Фиръавнлар сулоласи даврида узоқ шимолда минглаб бизнинг шаҳарларимизга ўхшаган Троя деган кичкина шаҳар бўлган. Бу каталакдек жойга юнонларнинг турли дайди галалари бостириб келаверишлари нисбатан оз бўлган аҳолининг жонига тегди. Ўн йиллик бесаранжомликлардан кейин бу кичик истеҳкомни ўзлари ёқиб юбориб, бошқа жойга кўчдилар. Бир сўз билан айтганда, оддийгина қароқчилик тарихи!.. Шундай бўлса ҳам юнонлар Троя жанглари ҳақида чунонам куйлашадими! Биз эса уларнинг мўъжизалари ва баҳодирликлари устидан куламыз. Чунки бу ҳақда ўз вақтида аниқ маълумотларга эга бўлганмиз. Унинг ёлгонлигини аниқ-равшан билсак ҳам. Бола энагасининг эртагини эшитгандай тинглаб, унга илҳақ бўламыз!.. Юнонлар шундай, улар туғма ёлгончилар. Лекин ёқимтой ва баҳодир халқ. Уларнинг ҳар бири рост гапиришдан кўра ҳаётдан ажралишни афзал кўрадилар. Финикияликларга ўхшаб ўзларининг манфаати учун эмас, маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёлгон сўзлайдилар.

— Финикияликлар билан қандай мулоқотда бўлишим керак? — сўради валиаҳд.

— Улар ақлли, меҳнатсевар ва довюрак, бироқ савдогар одамлар. Ҳаётларининг маъноси бойлигини кўпайтиришдан иборат. Финикияликлар сувга ўхшайдилар: кўп оқизиб келиб, шунча кўп оқизиб кетадилар ва атрофга сачрайдилар. Шу сабабдан уларни Мисрда турли тирқишлардан аста кириб олишларига оз имкон бериш ва назорат қилиш лозим. Агар уларга яхши ҳақ тўлаб, бойлигини оширишга умид бағишласанг яхши хуфялар бўла оладилар. Осуриядаги махфий ҳаракатлар тўғрисида нималарни билсак — улардан эшитганмиз.

— Яхудийлар-чи? — сўради шаҳзода кўзларини олиб қочиб.

— Улар ҳисоб-китобли халқ. Лекин тунд ақидапарастлар. Мисрнинг туғма душманлари. Мободо Осурия этикларининг нағаллари бўйинларига ботса, ўша заҳоти бизга мурожаат қиладилар. Лекин кеч бўлмаса яхшийди. Улар хизматидан фойдаланиш керак. Аммо бу ерда эмас, албатта Ниневия ва Бобилда.

Хукмдорнинг чарчагани билиниб турарди. Рамсес хайрлашаётиб, унинг пойига тиз чўкди. Фиръавн уни оталарча қучгандан кейин онаси томон йўл олди.

Малика ўз хонасида ўтириб, худоларга кийдириш учун ҳарир матолар тўқийётган эди. Саройдаги аёллар эса кашта тикар, уларга гул солишар ва гулдасталар боғлашар, ёш қоҳина Исида ҳайкали олдида исириқ тутатишарди.

— Сенга миннатдорчилик билдириб, хайрлашгани келдим, онажон.

Малика ўрнидан туриб, ўғлини қучоқлаганича кўзида ёш билан деди:

— Ўзгариб кетибсан!.. Энди сен катта кишисан! Сени шунчалар кам кўраманки, агар суратинг юрагимга жойлашмаганида қиёфангни унутган бўлардим. Меҳрсиз. Хафалигингни унутармикансан деб шаҳар мулкдори билан неча марта ҳовлингга яқин сузиб бордим. Сен эса менинг истиқболимга ўша канизагингни олиб чиқдинг.

— Кечир!.. Кечир!.. — деди Рамсес онасини ўпар экан.

Малика уни турфа гуллар очилиб турган боғга олиб чиқди. Ўзлари ёлғиз қолганларидан сўнг деди:

— Аёл бўлганим учун мени она ва аёл қизиқтиради. Кетишингда ўша қизни ўзинг билан олиб кетасанми?.. Шунини эсда тутгинки, йўлдаги ҳаракатлар ўзига ҳам, боласига ҳам зарар келтириши мумкин. Ҳомиладорлар учун дам ва сокинлик энг яхши нарса.

— Сарра ҳақида гапиряпсанми? — ҳайрон бўлиб сўради Рамсес. — У ҳомиладорми?.. Бу ҳақда менга айтмаган.

— Эҳтимол уялгандир ёки ҳали ўзи ҳам билмайди, — жавоб қилди малика. — Нима бўлганда ҳам йўлга чиқиш...

— Уни олиб кетиш хаёлимда ҳам йўқ! — хитоб қилди валиаҳд. — Лекин нега мендан бунини яширди?.. Гўёки менинг болам эмасдай.

— Шубҳали бўлма! — пўписа қилди она. — Одатда қизлар уялади-лар. Эҳтимол, ташлаб кетади, деб кўрққандир.

— Ахир уни саройга олиб келмайман-ку! — онасининг гапини бўлди асабийлашган шаҳзода. Кўзлари мамнунликдан чарақлаб кетган малика киприкларини юмиб олди.

— Сени яхши кўрган аёлни ўзингдан қўпол равишда итаришинг яхши эмас. Биласанми, сен уни етарлича таъминлагансан. Биз ҳам бир нималар берамиз. Шоҳлар қонидан бўлган гўдак ҳеч нарсага зориқмаслиги керак.

— Албатта-да, — деди Рамсес, — тўнғичим гарчи валиаҳдлик ҳуқуқига эга бўлмаса ҳам шундай тарбия олиши керакки, катта бўлганда менга таъна келмасин.

Рамсес онаси билан хайрлашиб, Сарранинг ёнига бормоқчи бўлди. Лекин аввал ўз уйига келди.

Унинг хаёлини икки туйғу эгаллаган эди. Сарра ўзини ёмон ҳис қилаётганининг сабабини сир тутгани жаҳлини чиқарса, яқинда ота бўлишидан фахрланарди.

У — ота! Ана шу туйғу салобат бағишлади, саркарда ва меросхўр сифатидаги нуфузини оширди. Ота — бу катталарга тавозе билан мўлтираб турадиган бола дегани эмас.

Шаҳзода фахр ва ҳаяжонда эди, Саррани кўргиси, пўписа қилгиси, кейин қучоқлаб, ҳадя инъом қилгиси келди.

Бироқ уйига қайтиб, Қуйи Мисрдан ҳисобот олиб келган икки ҳокимга рўпара келди. Уларни тинглаб бўлгач, ўзини чарчаган ҳис қилди. Бундан ташқари уни кечки қабул кутар, кечга қолишни хоҳламасди. «Яна унинг ёнига боролмайман, — ўйлади у, — бечора, мени кўрмаганига деярли ўн кун бўлди». У ҳабашни чақирди.

— Подшоҳни кутиб олганимизда Сарра сенга берган қафас қани?
 — Менда, — деб жавоб берди ҳабаш.
 — Ундай бўлса каптарлардан бирини ол-да, учириб юбор.
 — Каптарларни еб бўлишди.
 — Ким еди?
 — Ошпазга каптарларни Сарра бериб юборганини айтган куним у сенга қовурма ва қийма тайёрлади.
 — Тимсоҳ ютгурлар! — қичқирди ғазабланган шаҳзода.
 У Тутмосни чақиришни буюрди. Унга каптарлар билан бўлган воқеани айтиб, зудлик билан Сарранинг ёнига боришни буюрди.
 — Унга зумрад сирғалар, ҳар бири икки талант баҳосидаги илик-узук ва билакузукларни олиб борасан. Шуни айтгинки, ҳомиладорлигини яширганидан хафаман. Лекин гўдак соғлом ва чиройли туғилса уни кечираман. Мабодо ўғил бўлса унга яна битта далаҳовли тақдим этаман!.. Яна бир қисм яҳудийларни ўзидан четлатиб, уларнинг ўрнига мисрлик эркак ва аёллардан хизматкорлар ёлласин. Ўғлим ҳозирги муҳитдаги уйда дунёга келишини хоҳламайман. Катта бўлгач, албатта, у яҳудий болалари билан ўйнайди ва улар унга отасини чириган хурмо билан сийлашга ўргатишади, — кулганича гапини тугатди шаҳзода.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Келгиндиларнинг Мемфисдаги маҳалласи шаҳарнинг Нилдан унча узоқ бўлмаган шимоли-шарқ қисмига жойлашган эди. Бу ерда бир неча юзлаб уйлар бўлиб, уларда оссурияликлар, яҳудийлар, юнонлар, кўпроқ финикияликлардан иборат бир ярим мингга яқин одам яшарди.

Бу томон шаҳарнинг бой қисми ҳисобланарди. Ўттиз метрча келадиган кенг, тош лаппаклар ётқизилган тўғри кўча маҳалланинг тож томирига ўхшарди. Кўчанинг икки қирғоғида ғишт, қум ва оҳакдан қурилган уч қаватдан беш қаватгача уйлар бўй чўзиб турарди. Уларнинг ертўлаларига омборлар, биринчи қаватига дўконлар, иккинчисига бойларнинг турар-жойлари, юқорисига тўқимачилик, этикдўзлик, заргарлик устахоналари, энг юқорисига ҳунармандларнинг тор хоналари жойлашган. Бу маҳалланинг уйлари шаҳарнинг ҳамма жойида бўлгани каби оқ рангда эди. Улар орасида ўтлоқдек яшил, буғдой бошоғидек олтинранг, осмондек мовий, қондек қизил бинолар ҳам кўзга ташланарди.

Уйларнинг олд қисмида шу хонадонларда истиқомат қилувчиларнинг ҳунарларини акс эттирадиган ўймакор тасвирлар туширилган эди. Заргарларнинг уйларидаги қатор расмларда олтин занжирлар ва билакузуклар ясаётган манзаралар ўзга юртларнинг ҳавасини келтиргудек эди. Савдогарларнинг маҳобатли уйлари деворларида савдо ишининг машаққатлари ва хавф-хатарга тўла эканидан гувоҳлик берувчи тасвирлар акс этган, яъни денгиздаги балиқ думли даҳшатли мўъжизалар, саҳрода эса оғзидан олов пуркаётган қанотли аждарҳолар, узоқ оролларда кавшлари финикияликларнинг кемаларидек келадиган улкан одамлар таъқиб қилаётгандай эди.

Табибнинг касалхонаси деворида мижозларнинг шол бўлган оёқлари ишлай бошлагани, кексаларнинг ҳатто тишлари қайтадан чиқиб, ёшликлари қайтиб келгани тасвириланди. Маҳаллани бошқарадиган маҳкама деворига катта челақлар тасвири туширилган бўлиб, уларга олтин узукларини ташлаётганлари, мирзанинг қулоғига кимдир

шивирлаётгани, ерга чалпак қилиб ётқизилган одамни икки киши калтаклаётгани акс этарди.

Маҳалла кўчаси ҳар доим одамлар билан тўла бўларди. Деворлар тагида замбил ва елпугич кўтарганлар, югурдаклар ўз хизматларини таклиф этишарди. Йўлнинг ўрасидан эшак ва ҳўкизлар қўшилган арвалар тинимсиз равишда мол таширдилар. Йўлакларда сув, узум, қоқ балиқ сотувчилар тинимсиз бақиршар, шунингдек, атторлар, гулчи аёллар, мусиқачи ва ҳар хил кўзбўямачилар турганиб юришарди.

Одамларнинг тинимсиз ҳаракат қилаётган, бир-бирларини туртиб, бақир-чақир билан савдо қилаётган оқимида сариқ кийимдаги миршаблар ажралиб туришарди. Улар кийган кўйлаклар тиззагача бўлиб, оёқлари кўриниб турар, калта қиличларини тақиб, қўлларига таёқ ушлаган эдилар. Ҳокимиятнинг бу вакиллари йўлакларда ўзаро суҳбатлашганича юришар, кўплари тош териб ясалган тепаликка чиқиб, оёқлари остида юрганларни кузатишарди.

Назорат ана шу тарзда қаттиқ ўрнатилгани учун киссавурлар жуда ҳам чаққон ҳаракат қилардилар. Одатда уларнинг икки нафари мушталлашни бошлар, миршаблар уни томоша қилаётган оломонга кўшиб калтаклаётганларида бошқа шериклари чўнтакларни «тозалаб» қўядилар.

Кўчанинг деярли қоқ ўртасида келиб чиқиши Тир шаҳридан бўлган финикиялик Асархаддонга қарашли келгиндилар ўзларини бир оз четга олиб яшардилар. Уй тўртбурчак шаклида қурилган, кўплаб деразаларидан атроф аниқ кўринар, айланиб юриб ҳамма тарафни бемалол кузатиш мумкин эди. Катта работ устида кема тасвири, пештоқида эса шох Рамсес XIIнинг худоларга қурбонлик қилаётгани ва чет элликлар қабули ҳолатини тасвирловчи дағал матодаги расмларда тўқ-қизил рангли, бўйлари дароз финикияликлар алоҳида ажралиб турардилар. Узундан келган деразалар доимо очиқ турар. Зарур бўлганида қалин мато ва чўплардан ясалган дарпардалар осилган. Ҳўжайин ва уйда яшовчиларнинг хоналари юқоридаги уч қаватни эгаллаган, пастда эса емакхона ва вино учун ертўла жойлашган. Денгизчилар, ҳаммоллар, ҳунарманд ҳамда турли-туман келгиндилар ҳовлида—мато осилган шийпонда овқатланишарди. Бойроқ ва мартабалироқлари эса ҳовли четига айланасига қурилган бўлма айвонларда меҳмон қилинарди. Ҳовлида овқатланадиганлар хонтахта вазифасини бажарувчи ясси тошларга дастурхон солиб, ерда ўтириб овқатланардилар. Бўлмаларда ҳаво салқин бўлиб, хонтахталар, курсилар, ҳатто мизғиб олиш учун паст бўйли юмшоқ ўриндиқлар қўйилганди. Бундан ташқари ҳар бир бўлмада алоҳида қилиб қўйилган катта хонтахталарда нон, гўштли овқатлар, балиқ, шунингдек, мевалар, пиво, мусаллас ва сув тўла кўзалар қалашиб ётарди. Ҳабаш йигит ва қизлар овқат келтиришар, бўшаган кўзаларни олиб кетиб, ертўладан тўлдириб чиқишар, ҳатотлар эса ҳар бир қадах сув, бурда нон, саримсоқ бўлагини назоратга олиб, ёзиб ўтиришарди. Ҳовли ўртасидаги баландликда икки нафар одам қўллариди таёқ билан атрофни кузатарди. Уларнинг вазифаси хизматкорлар ва хатотлар ишини кузатиш, турли миллатлардан иборат камхарж меҳмонларнинг ўзаро жанжалларини таёқ билан бостириб туришдан иборат эди. Шунинг эвазига ўғирлик ва жанжаллар бўлмалардагига қараганда камроқ содир бўларди.

Маҳкаманинг ҳўжайини шаҳарда машҳур бўлган Асархаддон узун кўйлак ва юпқа ёпинчиқда меҳмонлар орасини айланиб юриб, ҳамманинг ўзига тегишли бўлган нарсаларинигина олишини кузатарди.

— Еб, ичинглар, ўғилларим! — дерди у юнон денгизчиларига. — Бунақанги тўнғиз гўшти ва пивони дунёнинг ҳеч бир ерида сизларга инъом этмайди. Эшитишимча, сизларни Рафия ёнида кўтарилган бўрон анча қийнабди. Сизларни сақлаб қолган худоларга қурбонликлар қилинглари... Мемфисда бир умр бўрон бўлмайди. Денгиздаги чақмоқлар эса сизларнинг чўнтақларингиздаги мис чақалардан кўпроқ. Қурбонлик қилиш учун менда асал ҳам, ун ҳам, ҳатто тутатқилар ҳам бор. Анави бурчақларда ҳамма халқларнинг худолари тасвирланган. Лекин меҳмонхонада одам боласи очликни қондириб, ибодат қилиши учун арзонга тушадиган шарт-шароитлар бор.

У шундай дея бўлмадаги савдогарлар ёнига чиқди.

— Енглари, ичинглар, марҳаматли жаноблар! — таклиф қиларди у, чуқур таъзим билан. Ҳозир замонамиз яхши. Марҳаматли тахт вори-си, умрлари зиёда бўлсин, Бубаст томонга аёнларини эргаштириб дабаба билан келмоқда. Подшоҳликнинг юқорисидан олтин юкланган кемалар биз томон сузмоқдаки, бундан ҳаммамиз бойиб кетамиз. Олинглар, каклик, гоз, янги балиқ, аёло даражадаги қовурмалар бор. Кипрдан шунақаям зўр мусаллас жўнатибдиларки! Агар уларнинг бир қадаҳи икки дирҳам турмаса яҳудийга айланиб қолай! Лекин сизлар, отахонлар ва саховатли йигитлар, бугун уни бир дирҳамдан оласизлар. Фақат бугунга холос, бай очиш учун!..

— Ярим дирҳамга берсанг тотиб кўрамиз, — деди савдогарлардан бири.

— Ярим дирҳам? — такрорлади хўжайин. — Мабодо бундай нархга сотсам, Нил ҳам Фива томонга қараб тескари оқиб кетади! Сенга бўлса, майли Вавелс, сен Сидоннинг гавҳарисан. Ҳой қуллар!.. Бизнинг қадрдонларга энг катта кўзаларда Қибрис мусалласидан келтиринглари.

У нари кетгач, Балелис шерикларига деди:

— Агар шу мусаллас ярим дирҳам турса қўлларим қуриб қолсин! Лекин, майли!.. Миршаблар камроқ ёпишишади бизга.

Турли миллат ва турфа табақалар одамлари билан ўзаро суҳбатлар ким нималарни еб-ичаётганини ёзиб турувчи мунцийлар ва уларнинг ҳам устидан тайинланган назоратчиларни кузатиб туришига ҳалақит бермас эди. Айниқса, хўжайин олдинги бўлмалардан бирида ёстиқларда чордона қуриб ўтирганича сув билан хурмодан ҳузур қилаётган одамга эътибор берарди. Мусофир қирқ ёшлар чамасида; сочи қалин, соқоли қоп-қора, кўзлари ўйчан, фариштали юзи жаҳлга ҳеч қачон ошно бўлмагандай эди.

— Бу хавфли каламуш!.. — ўзича ўйлади хўжайин, меҳмонга зимдан қараб. — Ўзи қоҳинга ўхшайди-ю, лекин қора чакмон кийиб олибди. Менга бир талантли олтинлари ва қимматбаҳо буюмларни топширди, лекин мусаллас ичиб, гўшт емайди. У ё улуг пайгамбар, ёки каттагина товламачи.

Кўча томондан икки нафар илон ўйнатувчи яланғоч ҳолда кириб келиб, қопларидан илонларни олди-да, намойишни бошлаб юборишди. Кичикроғи сурнай чала бошлади. Каттаси турли илонларни баданига ўраб олди. Бу илонларнинг биттаси ҳам «Кема ёнида» меҳмонхонасининг ҳамма мижозларини тарқатиб юбориш учун кифоя қиларди. Сурнай тобора авжига чиқар, морбоз эса илонларнинг гашига тегиб, афтини бужмайтирарди. Жаҳли чиққан илонлардан бири унинг қўлини, иккинчиси юзини чақиб олди. Морбоз эса газабланган бўлиб илонларнинг учинчисини тириклайин ютиб юборди. Ҳамма бу томошанинг нима билан тугагини ҳаяжон билан кузатарди. Илон мор-

бозни чақиб олганда улар кўзларини юмиб олдилар. Морбоз илонни ютиб юборганида эса ҳаяжондан инграб юбордилар.

Ҳақат олдинги айвондаги меҳмон ёстиққа ёнбошлаганича ҳолатини ўзгартирмади, томошага қараб ҳам қўймади. Морбоз пул йиғиш учун ёнига келганида иккита мис тангани унга улоқтириб, қўли билан нари туришини ишора қилди.

Томоша ярим соат давом этди. Морбозлар ҳовлини тарк этишлари биланоқ меҳмонхона хўжайини ёнига хизматкор ҳабаш югуриб келди-да, қулоғига бирнималарни шивирлади. Шу пайт осмондан тушган каби миршаблар пайдо бўлди. Улар Асрхаддонни пастга бошлаб тушиб, узоқ суҳбатлашишди. Шунда меҳмонхонанинг муҳтарам хўжайини кўксини мушглаб, бошини чангаллади. Ниҳоят, ҳабашнинг қорнини тепки билан сийлади-да, ўнбошига қоврилган ғоз гўшти билан Қибрис мусалласидан келтиришни буюриб, ўзи олдинги бўлмадаги меҳмон ёнига борди. Гарчи меҳмон ўзини мудраганга солиб ўтирган бўлса ҳам, кўзлари очиқ эди.

— Сенга ғамгин хабар бор, — деди хўжайин меҳмоннинг ёнига ўтирар экан.

— Худолар одамларга ёмғир билан қайгу юборадилар, — бепарво жавоб берди йўловчи.

— Морбозларни томоша қилгунимизча, — деди хўжайин мош-гуруч соқолини силаб, — ўғрилар иккинчи қаватга чиқиб нарсаларингдан иккита қоп билан битта сандиқни ўмаришибди. Уларда қимматбаҳо нарсалар бўлса керак-да!..

— Йўқолган нарсаларим ҳақида сен судга мурожаат қил.

— Нега энди судга? — шивирлади хўжайин. — Ўғриларимизнинг ўз шартлари бор. Оқсоқолга одам юборамиз, буюмларни баҳолаймиз, йигирма фойизини тўласанг, топилади-қўяди. Бу ишда мен ёрдам бераман.

— Менинг ватанимда ҳеч ким ўғрилар билан музокара олиб бормайди. Мен ҳам шундай қиламан. Мен сенга меҳмонман, ҳамма нарсаларимни сенга ишонганман, унинг учун сен жавоб берасан.

Муҳтарам Асрхаддон бошини қашиди.

— Узоқ юртдан келганлар, — овозини пастлатиб гап бошлади хўжайин, — яъни, сиз, хетлар ва биз, финикияликлар, ога-инимиз. Сенга маслаҳатим шуки, Миср судига яқинлашмаганинг маъқул. Чунки унинг кириш эшиги бору чиқиш эшиги йўқ.

— Гуноҳсизни худолар деворлар ичидан ҳам олиб чиқиб кетадилар, — жавоб берди меҳмон.

— Гуноҳсизни!.. Бу қуллар мамлакатида қай биримиз ўзимизни гуноҳсиз ҳисоблаймиз. Ана қара, ҳов анави ерда миршаб ғоз гўштини маза қилиб чайнаяпти. У ажойиб ғозни ўзим ҳам ҳузур қилиб еган бўлардим. Бу луқмани унга нега берганимни биласанми? Чунки у сени суриштира бошлади.

Финикиялик шундай деб меҳмонга кўз қирини ташлади. Аммо у пинагини ҳам бузмаётганди.

— У мендан, — давом этди хўжайини, — икки соатдан бери бир ҳовуч хурмони чайнаб ўтирган қора кийимдаги анави одам ким, деб сўради. Мен эса: «Хурмати баланд Пхут» дедим. У бўлса: «Қаердан экан?» — деди. — «Хетлар юртидаги Хароан шаҳридан, унинг уч қаватли уйи, катта ери бор». — «Нега келибди?». «Шунинг учунки, отаси бир қоҳинга беш талант қарз берган экан, ўшани олгани келибди», дедим. Биласанми, ҳурматли жаноб, у менга нима деди?.. У дедик: Асрхаддон, сен фиръавннинг содиқ қули эканингни биламан, меҳмондўстсан, лекин хушёр бўл!.. Ҳеч ким билан танишмайдиган, мусаллас ичиб кўнгил хуш-

ламайдиган, жим ўтирадиганлардан эҳтиёт бўлгин. Ўша харранлик Пхут Осурия жосуси бўлиши мумкин? Бунга эшитиб юрагим тўхтаб қолди, — давом этди хўжайин. — Сенга барибир шекилли, — хафа бўлди у Хетнинг ҳатто жосуслиқда айбловдек шубҳа ҳам чўчитмаганини кўриб.

— Асрхаддон, — деди меҳмон бироз индамай тургач, — сенга ўзимни ҳам, мулкимни ҳам ишониб топширганман. Қопларим ва сандигимни топиш ҳақида ўйла, бўлмаса ғозингни маза қилиб еган миршабга арз қиламан.

— Ундай бўлса, ҳеч бўлмаганда молларингнинг ўн беш фоизини ўғриларга тўлашга ижозат бер, — деди хўжайин.

— Бунга йўл қўймайман.

— Ҳеч бўлмаса ўтиз дирҳам бергин!

— Бир дебен ҳам бермайман!

— Бечораларга ўн дирҳам берақол.

— Яхшиликча кет, Асрхаддон ва худолардан ақлингни қайтариб беришларини сўра, — жавоб қайтарди меҳмон ўша хотиржамлик билан.

Ғазабдан нафаси тиқилган хўжайин ёстиқдан ирғиб бош кўтарди.

«Ҳа, заҳарли илон! — ичида ғазабланди у. — У фақатгина ҳақини олиш учун бу ерга келмаган... Яна нимасидир бор... Юрагим сезиб турибди, у бой савдогар, эҳтимол қаҳвахона хўжайинидир, қозилар ва қоҳинлар билан тил бириктириб менинг ёнимда иккинчи меҳмонхона очмоқчидир... Ҳе, яшин урсин сени! Мохов касалига учрагур!.. Ҳеч кимга нафи тегмайдиган қурумсоқ, ўғри!».

Марҳаматли Асрхаддон ҳали жаҳлдан тушмай туриб кўча томондан най билан чирманда овози эшитилди ва бирор дақиқалардан кейин ҳовлига деярли яланғоч ҳолатдаги тўрт раққоса чопиб кирди. Ҳам-моллар ва денгизчилар уларни олқишлар билан кутиб олдилар. Ҳатто айвонда ўтирган мўътабар савдогарлар улар томонга қизиқиш билан қарадилар ва раққосаларнинг қадди-қомати тўғрисидаги фикрлари билан ўзаро ўртоқлаша бошладилар. Раққосалар эса табассум ҳамда қўл ҳаракатлари билан томошабинларга саломларини етказдилар. Уларнинг бири қўшнаё, иккинчиси чирманда чала бошлади, қолган икки нафар ёшроқлари ҳарир рўмолларини меҳмонларга теккизишга интилиб рақсга тушдилар. Шароб ичиб ўтирганлар эса қичқиришиб, раққосаларни ёнига чорлаганларидан кейин ҳовлида муштлашиш бошланиб кетди. Лекин назоратчилар таёқлар билан тезда тартиб ўрнатишди. Ливияликлардан бири таёқларни кўриши биланоқ жаҳли чиқиб, ёнидаги пичоғини олган эди икки ҳабаш уни дарҳол тинчлантирди ва мис узуклар ҳамда овқатлар учун пулларни ундириб, кўчага улоқтириб ташладилар.

Бу вақтда раққосалардан бири денгизчилар ёнига тиз чўкди, улар эса май ва ширинликлар билан меҳмон қилдилар. Каттароғи чирмандасини кўтариб, пул йиға бошлади.

— Исида илоҳасининг ибодатхонаси учун хайр қилинглр, жаноб йўловчилар. Исида барча жонзотларни ўз паноҳига олгай. Қанча пул берсангиз худолар сизга шунчалар мўл бойлик ва бахт юборадилар. Ибодатхонага эҳсон қилинг! Исида онанинг ибодатхонаси учун!

Унинг чирмандасига мис симлар ўрамидан тортиб кичик олтин зарраларига ташлашди. Савдогарлардан бири у билан бирга бўлиш иштиёқини билдирган эди, қоҳина қиз бошини сарак-сарак қилиб, «йўқ» ишорасини билдирди.

Қоҳина олд айвонга кўтарилганида харранлик Пхут чарм халтасидан олтин олиб деди:

— Иштар — буюк ва раҳмдил илоҳа. Буни ўшанинг ибодатхонасига ҳадя этаман.

Коҳина унга диққат билан қараб туриб пичирлади:

— Аннаэл, Сахиэл.

— Амабиэл, Абалидат, — паст овозда жавоб қайтарди келгинди.

— Билишимча, сен Исида момони яхши кўрасан, — овозини баландлатиб гапира бошлади коҳина. — Кўринишингдан бой-бадавлатга ўхшайсан. Фолингни кўриш шарт эмас.

Қиз унинг ёнига ўтириб, бир неча хурмони оғзига солди ва Пхутнинг қўлини ушлаб гап бошлади:

— Сен Бретор ва Хагита (ер юзининг шимолий ҳамда жанубий қисмидаги руҳлар) мамлакатидан келгансан. Йўлинг мўл бўлган... Бир неча кундан бери финикиялик сенинг ортингдан кузатяпти, — шивирлаб қўшимча қилди қиз. — Савдогар бўлмасанг ҳам пул учун келгансан, кун завол топгандан кейин ёнимга боргин... Истақларинг, — давома этди қиз овозини чиқариб, — амалга ошиши керак. Мен Турбатлар кўчасида, (яна шивирлаб) «Мовий осмон остида» уйда яшайман. Фақат, бойлигинга кўз олайтирган ўғрилардан хушёр бўл, — гапини тутатди у Асрхаддон эшитиб турганини кўриб.

— Меҳмонхонамда ўғрилар бўлмайди, — деди қизишиб кетган финикиялик. — Лекин кўчадан келганлар ўғирлик қилишлари мумкин.

— Хафа бўлма, оқсоқол, — деди коҳина истехзоли кулиб, — жаҳлинг чиққанида бўйнингда қизил чизиқлар пайдо бўляпти. Бу эса беажал ўлимнинг аломати.

Бу гапни эшитган Асрхаддон совуқ башоратдан фориг бўлиш учун дуо ўқиб, уч марта туфлади. Хўжайин нари кетгач, коҳина харранлик меҳмонга эркалана бошлади. Гулчамбардан атиргул олиб унга узатгач, қучиб хайрлашди ва бошқалар ёнига кетди.

Мусофир хўжайинни чақирди.

— Бу аёлнинг, — деди у, — менга меҳмон бўлишини хоҳлаб қолдим. Хонамга боришини айт.

Асрхаддон унинг кўзларига тикилганича қўларини ёзиб хохолади.

— Нима бало, терлама касалига йўлиқдингми, харранлик! — қичқирди хўжайин. — Агар мисрлик коҳина билан ишқий муносабатлар бўлганида мени аллақачонлар шаҳардан ҳайдаб чиқарган бўлардилар. Бу ерда фақатгина мусофир аёлларни қабул қилиш мумкин.

— Ундай бўлса мен аёлнинг ёнига бораман, — деди Пхут. — У доно ва номусли аёл, мушкулларимга ёрдам беради. Кун ботганидан кейин менга кузатувчи берасан, тагин йўлда адашиб қолмайин.

— Қалбингга барча ёмон жинлар кириб олибди, — жавоб қилди хўжайин. — Бу танишув сенга икки юз дирҳамдан ҳам кўпроққа тушади. Эҳтимол, унга уч юзни тўлаб, яна ибодатхона оқсочларига ҳам берарсан. Тахминан шунча пулга, айтайлик, беш юз дирҳамга ёшигина гўзал қизим билан танишинг мумкин. У ўн тўртга тўлди. Эсли қизлар қатори ўзига сеп йиғяпти. Нотаниш шаҳарда тун бўйи дайдиб юрма. Йўқса миршаблар ёки ўғрилар қўлига тушиб қоласан. Уйда боридан фойдалансанг-чи. Розимисан?

— Қизинг мен билан Харранга кетадими?

Хўжайин унга ҳайрон бўлиб қаради ва бирор сирни очганга ўхшаб пешонасига шапатилади. Мусофирнинг қўлидан ушлаб, хилватроқ дераза ёнига бошлади.

— Энди билдим!.. — деди у ҳаяжон билан. — Сен хотинлар билан савдо қиласан. Лекин билиб қўй, мисрлик аёлни олиб чиқиб кетга-

нинг учун бор мулкинг мусодара қилинади. Ўзинг эса тош конига бадарга қилинасан. Агар мени шерик қилиб олсанг, бошқа гап... Бу ердаги одатлар менга таниш.

— Ундай бўлса ҳалиги қоҳина аёлнинг ёнига қандай бориш мумкинлигини айт, — жавоб қилди Пхут. — Ҳа, ёдингда бўлсин, қош қорайгач йўлбошчи берасан, эрталаб қопларим ва сандиқларимни қайтарасан. Йўқса судга мурожаат қиламан.

Пхут шундай дея ошхонадан чиқиб, ўз хонаси томон кетди.

Саросимада қолган Асрхаддон финилияликлар май ичиб ўтирган дастурхонга яқин келиб, улардан бири — Кушни чақирди.

— Менга яхши меҳмонларни юборибсан! — деди хўжайин дағал овоз билан. — Анави Пхут ҳеч нарса эмас экан. Камига, юкларини ўғрилардан қайтариб олиш учун пул ҳам бермас экан. Энди эса менинг аёлларимга совғалар бериш ўрнига мисрлик раққоса ёнига бормоқчи.

— Нимасига ҳайрон бўлиш керак, — кулиб жавоб берди Куш. — У финикияликлар билан Сидондаёқ топишиши мумкин эди. Бу ерда у мисрлик аёлларни ҳавас қиляпти. Кипрда кучли мусаллас ичмай тирликлар пивосини ичган одамни аҳмоқ дейишади.

— Айтяпман-ку, — гапни бўлди хўжайин, — бу хавфли одам. Ўзини оддий шаҳарликка соляпти. Кўриниши эса қоҳинлардай. Сенинг кўринишинг эса, Асрхаддон, олий қоҳинга ўхшайди. Аслида эса ошхона хўжайинисан. Курсини арслон териси билан қоплаганинг билан у курсилигича қолаверади.

— Лекин нега у қоҳиналар ёнига бормоқчи? Қасам ичишга тайёрманки, хеттликнинг бу қилиғи айёрлик, у базмга эмас, балки фитначиларнинг қандайдир йиғилишига боради.

— Жоҳиллик ва очкўзлик ақлингни хиралаштирибди, — таъна билан деди Куш. — Сен хурмо дарахтидан қовун узмоқчи бўлган одамга ўхшайсан. Пхут беш талант ҳақини қайтариб олиш учун қоҳиналарга яқин бўлган одамлардан дуо олишга интилаётгани ҳар бир савдогарга маълум. Сен эса бунини тушунмаяпсан.

— Чунки у оламаноҳнинг жонига қасд қилмоқчи бўлган оссуриятлик жосус эканини юрагим сезиб турибди.

Куш Асрхаддонга норози алфозда қаради.

— Ундай бўлса орқасидан бор! У билан изма-из юр. Агар бирор нарса сезсанг, эҳтимол унинг молларидан сенга ҳам бирор нима тегиб қолар.

— Мана энди ақли гап айтдинг! Майли, у каламуш қоҳиналари ёнига борсин. Ундан кейин қаерга хоҳласа — кетсин. Унинг кетидан кўз-қулоқларни юбораман. Улардан яшириниб бўпти.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Кеч соат тўққизларда Пхут «Кема ёнида» меҳмонхонасидан машғала кўтарган ҳабаш ҳамроҳлигида чиқди. Ундан ярим соат олдин эса Асрхаддон турбатлар кўчасига ишончли одамани юбориб, харранликнинг «Яшил юлдуз остида» уйдан яширинча чиқиб кетиши мумкинлиги ва қаерга боришини кузатишни буюрди.

Хўжайиннинг бошқа бир кузатувчиси Пхутдан сал орқароқда: тор кўчаларда деворга қапишиб олиб, кенг жойларда маст одам қиёфасида чайқалиб борарди.

Кўчалар бўм-бўш, замбилчилар ва ҳаммоллар ухлаб ётишарди. Фақат ясси томлар устида ишларини тугатишга шошмаётган ҳунармандларнинг уйларида чироқ милтирарди. Атрофдан арфа, най овозлари, қўшиқ ва кулги товушлари, болғаларнинг зарби, дурадгор

аррасининг фир-ғири эшитиларди. Гоҳида маст одамнинг бақирғи ёки ёрдам сўраб қилган илтижоси эшитилиб қолади.

Пхут билан ҳабаш кетаётган кўчалар асосан тор, қинғир-қийшиқ ва ўнқир-чўнқир эди. Лекин улар манзилга яқин қолганлари сайин паст қилиб қурилган уйлар бошланди. Ҳар замонда боғлар, аниқроғи хурмо ва бутазорлар кўзга ташланади. Зарангларнинг шоҳлари қочиб кетмоқчи бўлаётгандай деворларга осилиб қолган.

Турбат кўчасида манзара ўзгарди. Фишт уйлар ўрнини боғлар эгаллади. Уларнинг ўртасига чиройли уйлар қурилган. Дарвозаларнинг бири ёнига келганларида ҳабаш машъалани ўчирди.

— Мана шу «Яшил юлдуз» бўлади, — деди у Пхутга чуқур таъзим қилиб, сўнг орқасига қайтди.

Харранлик дарвозани тақиллатди. Бироздан кейин чиқиб келган хизматкор унга диққат билан тикилиб гудирлади:

— Аннаэл, Сахиэл.

— Амабиэл, Абалидот, — жавоб берди Пхут.

— Сенга саломлар бўлсин, — деди хизматкор, тезлик билан дарвозани очар экан.

Боғ оралаб чамаси йигирма қадам юргач, Пхут ўзини хос уйнинг айвонида кўрди. Таниш қоҳина унга пешвоз чиқди. Ичкарида турган соч-соқоли қора одам харранликнинг ўзига чунонам ўхшардики, у ҳайронлигини яширмади.

— У сени пойлаганларни чалғитиш учун керак бўлади, — деди қоҳина кулиб.

Пхутга ўхшатиб гримланган одам атиргулдан ўралган чамбарни бошига кийиб, қоҳина кузатувида иккинчи қаватга кўтарилди ва сал ўтмай у ерда қадаҳлар жаранги ва най овозининг янграгани эшитилди. Пхутнинг ўзини эса ҳаммомга олиб боришди. Ювинтириб, сочларини мойлаганларидан сўнг эгнига оқ либос кийдиришди.

Учовлон ҳаммомдан яна хиёбонга қайтиб чиқишиб, боғлар орасидан узоқ юришди ва бўм-бўш майдонда пайдо бўлдилар.

— Анави томонда, — дея Пхутга мурожаат қилди қоҳиналардан бири, — ёғочдан ишланган турбатлар бор, бу томонда — шаҳар, мана бу жойда эса ибодатхона. Хоҳлаган томонингга бор. Сенга ақлинг йўл кўрсатади, муқаддас сўзлар сени хавф-хатардан сақлайди.

Қоҳинларнинг иккаласи ҳам боққа қайтишди. Пхут эса ёлғиз қолди. Ой чиқмаган бўлса ҳам тун унчалар қоронғи эмас эди. Узоқда туманга чулганган Нил ялтираб турарди. Осмонда катта Айиқ туркумининг етти юлдузи нур сочарди. Йўловчининг тепасида эса Орион ёғду сочар, қоронғи миноралар устида Сириус турарди.

У бир неча ўн қадам юрмасданоқ девор ортидан одам шарпаси кўриниб, изма-из кела бошлади. Шу лаҳзада ўчакишгандай атрофни куюқ туман қоплаб, ибодатхоналарнинг тоmidан бошқа нарса кўринмай қолди.

Яна бир неча қадам юрган харранлик тош деворга дуч келди ва осмонга бир қараб олгач, гарб томонга йўналди. Унинг боши устидан каттакон қушлар ва кўршапалаклар учиб ўтарди. Туман батамом қуюқлашиб қолганида харранлик мўлжални йўқотмаслик учун деворларни пайпаслаб кетишга мажбур бўлди. Саёҳат анчага чўзилди. Ниҳоят Пхут жез михлар қоқилган пастак эшик ёнига келди. Михларни чап бурчагидан пастга қараб санади ва айримларини қўли билан босиб туриб, бошқаларини буради.

Охирги миҳга қўли тегиши билан эшик оҳишта очилди. Харранлик бир неча қадам ташлаб, ўзини зулмат чулғаб олган ертўлада кўрди. Тўшамани оёқлари билан пайпаслаб, совуқ нафас уфуриб турган қудуқ ёнига келгандай бўлди. Бу жойда, умуман, бу мамлакатда биринчи марта бўлишига қарамай, оёқларини тушириб, пастга сирғалди. Қудуқ унчалик чуқур эмас эди. Пхут пастга суйри қилиб қурилган йўлакда пайдо бўлгач, гўё олдиндан биладигандай илдам юриб кетди.

Йўлакнинг охирида эшик бор эди. У ёғоч илгакни пайпаслаб топди ва уч марта тақиллатди. Унга жавобан қаердандир овоз келди:

— Сен, муқаддас жойни тунда безовта қиладиган одам, бу ёққа киришга ҳуқуқинг борми?

— «Мен эрни ҳам, аёлни ҳам, болани ҳам хафа қилмаганман, қўлларим қонга беланмаган. Ҳаром овқат емадим, ўзгалар мулкини ўзимники қилиб олмадим. Ёлғон сўзламадим, катта сирларни сотмадим...». (Асл манбалардан олинган).

— Сен биз кутган одаммисан ёки шундай бўлиб кўринишга уриняпсанми? — бироздан кейин сўради овоз.

— Мен ўша, Шарқдаги биродарлардан келиши керак бўлган одамман. Лекин иккинчи исм ҳам меники. Шимоллий шаҳарда менинг уйим ва дўст-ёрларим бор. Лекин улар менга бегона, — жавоб қайтарди Пхут.

Эшик очилиб, шаффоф парда олдидаги столда ёниб турган машъала ёритган хонага кирди. Пардага қанотли шар, иккита илоннинг тасвири зар билан тикилган эди. Нарироқда эса оқ либосли мисрлик турарди.

— Айт-чи, бу ерга кирган одам, — гап бошлади коҳин қўли билан Пхутни кўрсатиб, — пардадаги рамзлар қандай маънони англатишини биласанми?

— Шар,—жавоб бера бошлади хонага кирган одам,—биз яшаётган олам тимсоли, қанотлар эса ҳавода бургутга ўхшаб учаётган одамни англатади.

— Илонлар-чи?.. — сўради коҳин.

— Икки илон, агарда бу буюк сирни ким ошкор қилса икки марта: жисми ва руҳи билан ўлишини донишмандга эслатиб туради.

Бир дақиқа сукутдан кейин коҳин яна сўради:

— Агар сен чиндан ҳам Бероэс (коҳин шу сўзда бошини эгди), ер ва осмон сирларини билувчи Хали (у яна бош эгди) бўлсанг содиқ қулингга айт-чи, қайси юлдуз мўъжизакор?

— Хор — сет (Юпитер) жозибалироқ. У осмонни ўн икки йилда бир марта айланиб чиқади, зеро унинг атрофида тўртта кичик юлдузлар айланади. Аммо Хор-ка (Сатурн) ундан ҳам жозибалироқ ва осмонни ўттиз йилда айланиб ўтади. Унга фақат юлдузларгина эмас, балки ҳар замонда йўқолиб турувчи ҳалқа ҳам тобедир.

Бу гапни эшитган мисрлик коҳин Халдей олдида тиз чўкиб, юзини ерга теккизди. Кейин ўрнидан туриб Халдейга бўйинпўш ёпинчиқ узатиб, хушбўй гиёҳлар қаерда турганини кўрсатгандан кейин чуқур таъзим билан ертўлани тарк этди.

Халдей бир ўзи қолди. Бўйинпўшни чап елкасига ташлаб, ёпинчиқ билан юзини беркитди. Олтин қошиққа хушбўй гиёҳлардан солиб, парда олдидаги чироқда тутатди. Бир нималарни пичирлаб, уч марта айланганида исиріқ тутунидан ҳосил бўлган ҳалқалар уни ўраб олди.

Шу пайт бўм-бўш ғорда ғалати ҳаракатлар сезилди. Гўё шифт юқорига кўтарилиб, деворлар икки томонга сурилаётгандай эди. Меҳроб олдидаги ҳарир парда қимирлай бошлади, худди кўринмас қўллар

уни ҳилпиратаётгандай эди. Ҳаво бир гала қуш учиб ўтгани сингари енгил титради.

Халдей кийимини икки томонга очиб, сирли белгилар туширилган туморни олди. Ер остининг ҳамма жойи титраб кетди. Сирли парда ҳилпиради, зулматни олов чироқлар ёритди.

Шундан кейин сеҳргар қўлларини баландга кўтариб хитоб қилди: — «Осмон отаси, мунис ва сахий зот, мени гуноҳлардан фориғ айла, Арзимас қулингни ёрлақа ва қудратли қўлларингни итоатсизларга узатгинки, сенинг қудратингдан уларни огоҳ этай.

Мана, мен — худонинг мададига таянувчи: мен — қўрқмас ва башоратчи. Мен — қудратли — дуолар айлаб сизларни чақираман... Пайдо бўлинглар, итоатгўйлар. Айё, Сарайё номи билан...».

Шу заҳоти атрофдан овозлар эшитилди. Дастлаб чироқ ёнидан қуш учиб ўтди, кейин сариқ либос, сўнг думли одам, энг охирида хўроз тасвирланган тож кўринди.

Халдей давом этди:

— «Қудратли ва абадий яшовчи худо номи билан. Аморул, Танеха, Рабур, Латистен. Сизларни чорлайман. Қуёшни ўз бағрига олган юлдуз номи билан, мана бу нишон билан, тирик худонинг шавкатли ва чақиндек номи билан» (Сеҳргарнинг ҳақиқий афсунларидан).

Ҳаммаёқ бирдан сукунатга ботди. Меҳроб олдида шер минган, тож кийиб, қўлига шох асо ушлаган шарпа кўринди.

— Бероэс!.. Бероэс!..—деди шарпа бўғиқ овоз билан.

— Истардимки, шу ҳарамдаги барча биродарларим мени қабул қилсинлар ва бобиллик оғаларимдан олиб келган сўзларимга қулоқ тутсинлар,—жавоб қилди Халдей.

— Айтганлари бажарилади,—деди шарпа ва ғойиб бўлди.

Халдей ҳайкалга ўхшаб бошини орқага ташлаган, қўлларини узатган ҳолда ҳаракатсиз қолди. У ғайриоддий шу ҳолатда ярим соат чамаси турди. Шу вақт ичида ер ости деворларининг бир қисми икки ёнга сурилиб, уч нафар мисрлик коҳинлар кириб келди. Улар кўзга кўринмас тиргакка таяниб ҳавода учаётгандек ҳолатда бўлган Халдейни кўриб ҳайронликдан бир-бирларига қараб олдилар. Уларнинг каттаси шундай деди:

— Авваллари шундай қилишарди, лекин ҳозир бу иш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

Улар қотиб қолган танага қўл текизиб, атрофида айланишди, мурданикига ўхшаш қонсиз, сап-сариқ юзига ҳаяжон билан тикилишди.

— Ўлибдими? — сўради кичиги.

Бу сўзни эшитиб Халдей қадини тиклади, юзларига енгил қизиллик югурди, узатилган қўллари пастлади. У чуқур нафас олди-да, ҳозиргина уйғонгандай хонага кирганларга тикилди ва бирор дақиқалар ўтгач, гап бошлади:

— Сен, — деди у каттасига, — Мефрес, Мемфисдаги Птаха эҳромининг олий коҳинисан. Сен — Херихор, Фивадаги Амон эҳромининг олий коҳинисан, бу мамлакатда фиръавндан кейинги энг қудратли одамсан. Сен, — дея кичигига юзланди, — Пентуэр, Амондаги иккинчи пайгамбар ва Харихорнинг маслаҳатчисан.

— Сен эса, Бероэс. Бобиллик коҳин ва донишмандсан, — жавоб қайтарди Мефрес. Бу ерга келишинг бизга бир йил олдин маълум қилинган.

— Ҳақ гапни айтдинг, — тасдиқлади халдей.

У ҳаммани навбати билан бағрига босди. Сўнг ҳаммаси халдейга таъзим қилдилар.

— Умумий ватанимиздан донишликка тўла хабар олиб келдим, — давом этди Бероэс. — Яхшилаб тинглаб, хулоса қилинглар.

Херихорнинг ишораси билан Пентуэр горнинг ичкарасига кириб, катталар учун суянчиқли учта курси ва ўзига эса пастак курси олиб келди. Кейин чироқдан узоқлашган ҳолда ўтириб, қўйнидан мум суртилган тахтакач билан чўпни олди. Қолганлар ҳам жойлашиб бўлганларидан кейин халдей гап бошлади.

— Сенга Мемфрес, Бобил коҳинларининг олий жамияти мурожат қилади. Мисрдаги қоҳинлар табақаси инқирозга учради. Кўпчилиги пул тўплайди, қўплаб хотин олади, ҳаётини айш-ишратда ўтказди. Сизларда бугун донолик қадрланмай қўйди. Сизлар кўринмас дунё устидан ҳам, ўз нафсларингиздан ҳам устун келолмайсизлар. Айримларингиз олий эътиқодни йўқотгансизлар, келажак эса кўзларингизга кўринмайди. Энг ёмони шуки, кўпгина коҳинлар маънавий заифлигини билганлари ҳолда кўзбўямачилик билан содда одамларни лақиллатадилар. Олий жамоат шундай дейди: агар ҳақиқат йўлига қайтмоқчи бўлсангиз, Бароэс бир неча йилга сизлар билан қолади. Зора у Бобилнинг меҳробидан келтирилган учкун ёрдамида Нил устида ҳокимият ёғдусини таратса.

— Айтганларингнинг ҳаммаси адолатдан, — жавоб қилди Мемфрес гамгин овозда. — Бир неча йил биз билан қолгин, токи ўсиб келаётган ёшлар сизларнинг донишлигингиздан ўргансин.

— Энди эса олий кенгашдан сўз сенга, Херихор..

Херихор бош эгди.

— Буюк сирларни менсимаган коҳинларингиз Мисрга қора кунлар яқинлашаётганини кўра билмадилар. Мисрга ичкаридан фалокат хавф соляпти. Уни даф қилиш эса хайрли иш бўлиб, у фақатгина донишликнинг қўлидан келади. Бироқ шуниси ёмонки, агар сизлар яқин ўн йил орасида Оссурияга уруш бошласангиз, уларнинг қўшини сизларни тор-мор қилади. Фолиб қўшинлар Нил соҳилларига келиб, асрлар давомида қилинган ишларни йўққа чиқаради. Юлдузларнинг Нил устида бундай даҳшатли кўриниши XIV сулоладан бери бўлмаган. Ўшанда гиксослар мамлакатингизни забт этиб, талаган эдилар. Учинчи марта бундай ҳолат беш юз ёки саккиз юз йил кейин такрорланади. Хавф Оссурия ва Халдейдан шарқда яшовчи халқ томонидан бўлади.

Коҳинлар даҳшатдан қотиб қолдилар. Херихорнинг ранги оқарди. Пентуэрнинг қўлидаги тахтакач тушиб кетди. Мемфрес бўйнидаги туморини ушлаганича қуруқшаб қолган лаблари билан пичирлаб дуо ўқиди.

— Оссуриядан эҳтиёт бўлинглар, — давом этди халдей, — зеро ҳозир уларнинг омади келган. Ўта шафқатсиз халқ!.. Улар меҳнатни инкор этади ва урушлар ҳисобига яшайдилар. Енгилганларни қозиққа ўтқзадилар ёки терисини шиладилар. Забт этилган шаҳарларни вайрон қиладилар, аҳолисини қул қилиб, ҳайдаб кетадилар. Улар йиртқич ҳайвонларни овлаб, дам оладилар, асирларни камондан отиб ёки кўзларини ўйиб завқланадилар. Эҳромларни вайроналарга айлантирадилар, муқаддас идишларни зиёфатларда ишлатадилар, доно коҳинларни эса ўзларининг эрмакларига айлантирадилар. Деворларини одамлар териси билан безайдилар, зиёфат дастурхонларига қонга беланган душман каллаларини қўядилар.

Халдей жим қолганидан кейин ҳазрат Мемфрес гап бошлади.

— Улуғ пайгамбар! Қалбларимизга даҳшат солдинг, лекин ундан қутулишнинг йўлини айтмадинг. Агар айтганларинг яқин бўлса, де-

мак тақдир биздан юз ўгирибди. Хўш, бунга қандай қилиб чап бериш мумкин. Нилда шундай жойлар борки, бирорта ҳам қайиқ омон қолмайди, лекин оқил дарғаларнинг донишлиги туфайли қайиқлар хавфли ўпқонларни четлаб ўтадилар. Халқнинг бахтсизлигини ҳам шундай йўл билан даф қилса бўлади. Халқ кема бўлса, вақт тўфонларни жунбушга келтирадиган дарёдир. Модомики, балиқчининг нозик моки қайиғи ҳалокатдан омон қолар экан, нега кўпмиллионли халқ ўз бошига тушган балолардан қутулишни билмайди?

— Доно сўзларни айтдинг, — жавоб қилди Бароэс, — Лекин ҳам-масига жавоб бера олмайман.

— Нималар бўлиши сенга аён эмасми? — сўради Херихор.

Нималарни билиб, нималарни билмаслигимни сўрама. Сизларга энг муҳими Оссурия билан яқин ўн йил ичида тинчликни сақлаб туриш. Буни сизлар уддалай оласизлар. Ассурия сизлардан ҳайиқади: ҳали у юртингиздаги ноқулай вазиятни билмайди ва шунинг учун ҳам денгизнинг шимоли ва шарқдаги халқларга қарши уруш бошламоқчи. Худди шу пайтда сизлар тинчлик битимини туза оласизлар.

— Қандай шартлар билан? — сўради Херихор.

— Қулай шарт билан. Оссурия сизларга Исроил ерларининг Якко шаҳригача бўлган қисмини Эдом давлатининг Элат шаҳригача бўлган қисмини беради. Шундай қилиб урушсиз вазиятда чегараларингиз шимолга қараб ўн кунлик йўлга, шарққа ҳам ўн кунлик йўлга кенгайди.

— Финикия-чи? — сўради Херихор.

— Нафсни қўйиб юборманглар!.. — хитоб қилди Бероэс. Агар фиръавн ҳозир Финикияга қўл узатса, бир ойдан кейин Оссурия қўшини шимол ва шарққа юриш ўрнига жанубга бурилади. Бир йил ҳам ўтмасдан уларнинг отлари Нилда чўмиладилар.

— Аммо Миср Финикияга таъсир ўтказишдан воз кечмайди.

— Агар кеча олмаса ўзига балони чақирган бўлади, — деди халдей. Олий жамоатнинг сўзлари шундай: «Мисрга айтингки, — деб тайинлашди Бобилдаги биродарлар, — какликка ўхшаб ўн йил давомида кўкрагини ерга қапиштириб ётсин, зеро аччиқ қисмат лочини унинг устида таъқиб қилиб юрибди. Яна айтингки, биз—халдейлар Оссурияликларни мисрликларга қараганда ҳам кўпроқ ёмон кўрамыз. Шундай бўлса ҳам Мисрга бу қонхўр халқ билан тинчлик сақлашни маслаҳат берамыз. Ўн йил катта муддат эмас. Шундан кейин сизлар олдинги мавқени эгаллабгина қолмасдан, бизларни ҳам қутқарган бўласизлар».

— Ҳак гап! — рози бўлди Мемфрес.

— Ўзингиз ўйланг, — давом этди халдей, — агар Оссурия сизлар билан урушгудек бўлса орқасидан урушга ҳуши йўқ Бобилни ҳам эргаштиради. Натижада бойликларимиз тугайди. Қадриятларимиз ривожланишини орқага тортади. Мабодо сизлар забт этолмасангиз ҳам мамлакатингиз узоқ йиллар талон-тарож қилинади ва нафақат одамлар қурбон бўлади, балки унумдор ерлардан ҳам маҳрум бўласизлар. Эгасиз ерларни бир йил ичида қум босади.

— Буни биз яхши тушунамыз, — гапга қўшилди Херихор. — Шунинг учун ҳам Оссурияга тегмаймыз. Аммо Финикия...

— Агар, — жавоб қайтарди Бароэс, — оссуриялик қароқчи финикиялик ўғрини қисиб қўйса сизларга нима дахли бор? Бундан сиз ва бизларнинг савдогарларимизга фойда-ку. Борди-ю, финикияликларнинг хўжайин бўлишларини хоҳласангиз, соҳилларингизга келиб, келишларига рухсат беринг.

— Оссурия Финикияда хўжайинлик қилса бизнинг кемаларимиз нима бўлади? — сўради Херихор.

— Аслида у кемалар сизларники эмас, бошқа финикияники, — деди халдей. — Агар ихтиёрингизда Тир ва Сидон кемалари бўлмаса, ўз кемаларингизни қурасиз ва мисрликларни денгизчиликка ўргатасиз. Айтайлик, сизлар ақлни ишлатиб, чаққонлик қилсангиз, бутун гарбдаги савдо бозорини финикияликлардан тортиб оласиз.

Херихор қўл силтади.

— Менга нима тушунтирилган бўлса, шуни айтдим, — деди Бероэ, — сизлар эса хоҳлаганингизча иш тутинглар. Лекин эсингизда бўлсинки, ўн йилнинг бу ёғи сизлар учун хайрли бўлмайди.

— Аввалги гапингни эсладим, авлиё киши, — гапга қўшилди Пентуэр, — ўшанда яқин келажакда Мисрга ички ташвишлар хавф солишини айтган эдинг. Бу ташвишлар нималарда зоҳир бўлишини мен, кулингга айта олмайсанми?

— Бу ҳақда мендан сўраманглар. Буни мен — бегонадан кўра ўзингиз яхши билсангиз керак. Кўзингиз ўткир бўлса дардингизни топасиз, тажриба эса шифо топиш йўлини кўрсатади.

— Халқ ҳукмронлар ва бойлар зулми остида эзилмоқда, — шивирлади Пентуэр.

— Одамийлик йўқолди, — деди Мефрес.

— Босқинчилик урушлари ҳақида орзу қиладиганлар кўп, — қўшимча қилди Херихор. — Биз эса уруш олиб бора олмаслигимизни билганимизга анча бўлди. Эҳтимолки, ўн йиллардан кейин унинг уддасидан чиқа олармиз.

— У ҳолда Оссурия билан иттифоқ тузинглар, — жавоб берди халдей.

— Юрагимдаги Амон, — деди Херихор, — бундай иттифоқнинг менга ёқмаслигини биллади. Яқиндагина жирканч ассирияликлар бизга товон тўлаб турарди! Агар сен, Авлиё ота ва олий жамоат шундай десангиз, демак тақдир биз томонда эмас, иттифоқ тузишга мажбурмиз.

— Ҳа, мажбурмиз, — маъқуллади Мефрес.

— Ундай бўлса бир тўхтама келганингиз ҳақида Бобил жамоатига маълум қилинг, ўшанда Оссурия, подшоҳи сизларга элчи юборади. Менга ишонинглар, бу шартнома сизлар учун жуда ҳам фойдали: уруш қилмасдан туриб мулкингизни кенгайтириб оласиз! Қоҳинлар кенгаши ҳам буни ўйлаган.

— Сизларга савоб, бойлик, ҳокимият ва донишлик ёғилсин! — деди Мефрес. — Сен ҳақсан, қоҳинлар табақасининг мавқеини кўтаришимиз керак. Сен эса, муқаддас Бароэ ота, бизга ёрдам берасан.

— Аҳолининг оғир аҳволини яхшилаш керак, — қўшиб қўйди Пентуэр.

— Қоҳинлар... халқники, — деди Херихор ўзича. — Биринчи навбатда урушга ошиқаётганларни жиловлаш керак. Тўғри, фиръавн мен томонда ва билишимча, ворисга ҳам ўз таъсириمنى ўтказа олдим, — умрлари узоқ бўлсин! Бироқ Нитагор учун балиқ сув билан тирик бўлганидек, уруш керак. Ёлланган қўшинларнинг бошлиқлари ҳам урушда ўзини кўрсатадилар ва киборларимиз ҳам урушнинг финикиялик судхўрлардан бўлган қарзимизни қоплаш ва фойда келтиришига ишонадилар.

— У ҳолда деҳқонлар оғир меҳнатнинг тагида қоладилар, Жамоатчилик ишлари билан банд бўлганлар иш бошқарувчиларнинг зулмига қарши бош кўтардилар, — деди Пентуэр.

— У нукул ўзиникини маъкуллайди! — эътироз билдирди хаёлга чўмган Херихор. — Сен, Пентуэр, деҳқонлар ва меҳнаткашлар ҳақида ўйла. Сен эса, Мемфрес, коҳинлар ҳақида бошингни қотиргин. Билмадим, нима қила оласизлар экан. Лекин қасам ичаманки, мабодо ўз ўғлоним Мисрни уруш гирдобига итариб юбормоқчи бўлганида уни аяб ўтирмас эдим.

— Шундай қил, бўлмаса, — тезда жавоб қилди халдей. — Уришганлар уришаверсин. Фақат Осурия билан тўқнашмайдиган жойда урушсинлар.

Шу билан кенгаш тугади. Халдей бўйинпўшини елкасига, ёпинчигини юзига ташлади. Мемфрес билан Херихор унинг икки ёнига ўтди. Ҳамма меҳробга юзларини бургани ҳолда, Пентуэр орқароқда турарди.

Бероэс қўлларини чалиштириб бирнималарни пичирлаган эди, ер остида ҳаракат бошланди: узоқдан гувиллаган овоз келди. Шу ерда турганлар ҳайрон бўлганларича унга қулоқ солдилар. Шу аснода сеҳргар баланд овоз билан деди:

— Бараланенсис, Балдахненсис, Паумахие, хузурингизга чорлайманки, келишувларимизга гувоҳ бўлгайсизлар ва бизга ҳомийлик қиласизлар.

Бирдан карнай овозлари шунчалар кучли янградикки, Мемфрес ерга ётиб олди, кўрқиб кетган Херихор олазарак бўлди, Пенруэр эса тиз чўкиб, титраган ҳолда қулоқларини беркитди.

Меҳробдаги ҳарир парда қимирлади. Худди биров унинг ортидан чиқишга уринаётгандек кўринарди.

— Гувоҳ бўлинглар, — чақирди халдей овозини ўзгартириб, — эй осмон ва дўзах кучлари! Кимда-ким қасамига содиқ бўлмаса ёки шартнома сирини ошкор қилса, лаънатга учрасин.

«Лаънат», тақрорлади кимдир.

— Ва қурбон бўлсин.

«Ва қурбон бўлсин».

— У дунёю бу дунё овозини эшитганда ер титрайдиган Иего номидан денгизлар ҳам соҳилидан чекинади, олов учади, табиатдаги барча нарсалар парчаланиб кетади.

Ҳақиқатан ҳам ер остида момақалди роқ гумбурлагандай бўлди. Карнайлар овози узоқдаги момақалди роқ сасига қоришиб кетди. Меҳробдаги парда тушиб, ерга судралганича учиб кетди. Унинг кетидан тинимсиз чақмоқлар орасида қандайдир махлуқлар пайдо бўлди. Мавжудодлар ярим одам, ярим ўсимлик, ярим йиртқич қиёфасида бўлиб, бир-бирларига чирмашиб кетдилар...

Ҳаммаёқ бирдан жим бўлиб қолди ва Бероэс уч коҳин тепасидаги бўшлиққа кўтарилди.

Эрталаб соат саккизда харанлик Пхут «Кема ёнида» меҳмонхонасига қайтганида унинг қоплари ва сандиқлари топилган эди. Бир неча дақиқадан сўнг Асрхаддоннинг айғоқчи малайи етиб келди ва хўжайин уни ертўлага олиб тушиб, шошилинч равишда сўради:

— Қалай бўлди?

— Кечаси билан катта майдондаги Сета эҳроми ёнида пойлаб чиқдим, — деди хизматкор, — кечкурун соат ўнларда «Яшил юлдуз» уйидан тахминан бешта ҳовли нарида кузатиб турганимда уч нафар коҳин чиқди. Соч-соқоли қораси майдон бўйлаб Сета эҳроми томон юрди. Унинг кетидан югурдим-у лекин боғ ичига туман тушгани учун уни кўздан қочирдим. «Яшил уй»га қайтдимки ёки йўқми — билломай қолдим.

Айғоқчисининг гапини тинглаган меҳмонхона хўжайини пешонасига шапатилаб, жаврай бошлади.

— Агар харранлик қоҳинга ўхшаб кийиниб, эҳромга борган бўлса, демак у қоҳин. Соқол ва сочларини ўстирганидан халдейлик қоҳин эканлиги маълум бўлади. Унинг ерли қоҳинлар билан хуфёна учрашуви шубҳа уйғотади... Бу ҳақда миршабларга айтмайман — бошимга бало ортиши мумкин. Аммо сидонлик бирор нуфузли одамга айтман. Ўзимга бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бизникиларга фойдаси тегади.

Тез орада иккинчи югурдак ҳам етиб келди. Асрхаддон у билан ертўлага тушиб, диққат билан тинглади.

Туни билан «Яшил юлдуз остида» уйининг рўпарасида турдим. Харран у ерга борди, тўйиб сув ичгач, бақирди. Ҳатто миршаб ҳам унга танбеҳ берди.

Асрхаддон биринчи хизматкорни чақириб, ҳар иккисидан ҳикояларини такрорлашни сўради. Иккаласи ҳам аввал айтганларини аниқ такрорлади. Уларнинг айтишича, харранлик «Яшил юлдуз»да кўнгилхушлик қилган ва ярим тунда Сета ҳарамига кетиб, қайтмаган.

— Ҳм-м!— гудурланди финикиялик. — Бу ерда каттагина кўзбўямачилик бор. Финикия жамоасига бир вақтнинг ўзида икки жойда бўлиши ҳақида тезлик билан хабар бериш керак. Кейин унинг меҳмонхонадан чиқиб кетишини илтимос қиламан. Иккиюзламачиларни ёқтирмайман. Бунақа одам ё товламачи, ёки сеҳргар, ёхуд фитначи бўлади.

Асрхаддон юқорида ўйлаган уч тоифа одамдан ҳадиксирагани учун меҳмонхонасини беагаган ҳамма санамлар олдида ибодат қилиш ва сеҳрни тарқатишга шошилди. Кейин шаҳарга — финикия жамоасининг оқсоқоли ҳамда ўғрилар маконига чопиб кетди. Бу ишларни бажариб бўлгач, уйига қайтганидан кейин миршабни чақириб, унга Пхутнинг хавфли одамга ўхшаб кўринаётганини айтди. Харранликдан эса меҳмонхонадан чиқиб кетишини талаб қилди. Бунга сабаб қилиб ундан фойда кўрмаётгани ва меҳмонхонаси миршабларда шубҳа уйғотиши мумкинлигини рўкач қилди.

Пхут таклифга жон деб рози бўлди ва бугуноқ Фивага сузиб кетишини айтди.

«Ўша ерлардан қайтмагин! — ўйлади меҳмондўст хўжайин. — Тош конида чириб ўлгин ёки тимсоҳнинг тиши орасида янчилгин».

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Тахт ворисининг саёҳати йилнинг энг яхши оғзи — фаменат (декабр охири, январнинг бошланиши)да бўлиб ўтди.

Сув одатдагидан тенг ярмига камайиб, тобора кўпроқ майдонлар очила бошлади. Фива томондан кўплаб буғдой ортилган соллар сузиб кела бошлади. Қуйи Миср томонда беда ва кассия ўриб олинди. Апельсин, анор дарахтлари гулга бурканди. Далаларда зигир, арпа, дуккаклар, бодринг ва бошқа сабзавотлар экила бошланди.

Мемфис бандаргоҳида қоҳинлар, юқори лавозимдаги амалдорлар, фиръавннинг хос соқчилари ва халқ томонидан кузатиб қўйилган шаҳзода—валиаҳд Рамсес олтинранг кемага қадам қўйди. Безанган чодир ўрнатилган кема сиртининг остида йигирма чоғли аскар эшакларни тайёр ҳолда тутиб турардилар. Елкан устунни ёнини, кеманинг бурни ҳамда қўйруқ томонини муҳандислар эгаллаган эдилар. Уларнинг бири елканларни кузатиб борса, иккинчиси чамбаракни бурар, қолганлари эшакчиларга буйруқ берардилар.

Рамсес саёҳат кемасига олий қоҳин Мефрес ва дин пешвоси Мантесифусни ҳам таклиф этган эди. Улар шаҳзодани кузатиб келишлари ва бошқариш ишларида ёрдам беришлари керак эди. Шунингдек, Мемфис ҳоқими ҳам кемадан жой олган бўлиб, унинг вазифаси ўз музофоти чегарасигача шаҳзодани кузатиб қўйишдан иборат эди.

Валиаҳд кемасидан сал нарида Мемфисга чегарадош бўлган Аа вилоятининг ҳоқими, олийҳиммат Отойнинг чиройли кемаси ҳам сузиб борарди. Орқада эса сарой аъёнлари, қоҳинлар, зобит ва амалдорлар тушган саноқсиз қайиқлар келарди.

Хизматкорлар ҳамда озиқ-овқат ортилган кемалар олдинроқ жўнаб кетишган эди.

Мемфисга қадар Нил икки тоғ тизмаси ўртасидан оқарди, кейин эса шарқ ва ғарб томонга бурилиб кетади. Шунда дарё бир неча енгларга ажралиб, уларнинг сувлари кенг текислик бўйлаб денгизга юмалайди.

Кема қирғоқдан узоқлашиши биланоқ шаҳзода олий қоҳин билан суҳбатлашмоқчи бўлди. Одамлар ҳайқирини чунон авжига миндики, ворисда ўз чодирдан чиқиб, халққа кўринишдан бошқа илож қолмади. Бироқ шовқин ундан ҳам баландроқ тус олди. Қирғоқ ярим яланғоч оломон ва байрамона кийинган шаҳарликларга тўлиб кетди. Уларнинг кўпчилиги бошларига гулчамбар кийиб, деярли ҳаммаси қўлларига яшил новдалар ушлаб олган эдилар. Қўшиқ, чирманда ва най овозлари эшитиларди.

Соҳил бўйлаб қатор қилиб қурилган ҳавозалар бугун ишламай турарди. Нил дарёси моки қайиқлар билан тўлиб кетган, эшкакчилар шаҳзоданинг кемасига гуллар отардилар. Айримлар ўзларини дарёга отиб, унинг кемаси ортидан қулочкашлаб сузарди.

«Улар мени худди фиръавнга ўхшаб олқишлаяптилар». — ўйлади Рамсес, саноқсиз ранг-баранг қайиқларни кўриб ифтихорга тўлди. Шаҳзода уларни бир қўл силташ билан тўхтатиб қўйиши мумкин. Минглаб одамлар юмушларини ташлаб дарё бўйига чиқдилар. Шаҳзоданинг илоҳий юзини бир кўриш учун ўзларини хавф-хатарга қўйганлар, ҳатто қурбон бўлишга ҳам тайёрлар. Айниқса, оломоннинг узлуксиз давом этган ҳайқириқлари уни маст қилган эди. Бу ҳайқириқлар унинг юрагини қувончга тўлдирди, бошини айлантирди, ғурурини баланд қилди. Шаҳзоданинг фикрича, агар у кемадан ўзини сувга отса оломон уни сувга туширмай қуш каби осмонга олиб чиқадигандай.

Кема чап қирғоққа яқинлашганида оломон ичидаги айрим одамлар аниқроқ кўрина бошлади ва Рамсес кутилмаган ҳодисани кўрди. Биринчи қатордаги одамлар қарсак чалиб, қўшиқ айтаётганларида орқадагиларнинг узоқдан кўринмай қолган елкаларига тўқмоқлар уриларди. Ҳайрон бўлган меросхўр Мемфис ҳоқимига мурожаат қилди:

— Бу нимаси, хурматли зот?.. Тўқмоқлар ишга тушди, шекилли?

Ҳоқим қўлини кўзлари тепасига олиб келди, ҳатто унинг бўйни ҳам қизариб кетди.

— Кечир, олийзот жаноб, яхши кўролмаяман...

— Одамларни уришаётганга ўхшайди... Ҳа, албатта-да, уришяпти, — такрорлади Рамсес.

— Эҳтимол... — жавоб қайтарди ҳоқим, — эҳтимол миршаблар ўғрилар галасини тутиб олишгандир.

Жавобдан тўлиқ қоникмаган ворис кеманинг орқа томонига ўтди. Шунда кемачилар бирданига дарёнинг ўртасига қараб суза бошладилар. Ворис Мемфис томонга нигоҳ ташлади.

Нилнинг юқорисига томон сузиб борилар экан, қирғоқлар бўм-бўш эди, қайиқлар гойиб бўлган, ҳавозалар ҳеч нарса бўлмагандек бир маромда ишлардилар.

— Нима, байрам тугадими? — сўради валиаҳд муҳандисларнинг биридан.

— Ҳа, одамлар ишларига киришиб кетдилар, — жавоб берди у.

— Шунчалар тезми?

— Улар йўқотган вақтларини тиклаб олишлари керак, — деди муҳандис эҳтиётсизлик билан.

Ворис бир сесканиб қўйди. У гапираётган одамларга тикилиб қаради, лекин тезда ўзини ўнглаб олиб, чодирга қайтди. Оломоннинг ҳайқириғи энди уни мамнун этмай қўйганди. У қовоқ уйиб, индамай қолди. Сал олдин рўй берган фахрланиш ўрнини нафрат эгаллади.

Нил энгларга бўлиниб оқа бошлади. Аа вилоятни ҳокимининг кемаси гарбга бурилди ва бирор соатдан кейин қирғоққа келиб тўхтади. Бу ердаги оломон Мемфисдагидан ҳам кўп эди. Ҳамма жойда яшил новдалар билан безанган кўшқлар, байроқлар осилган устунлар кўринди. Чет эл одамлари ва уларнинг ранг-баранг кийимлари тез-тез кўзга ташланарди.

Рамсес қирғоққа чиққанида унинг ёнига соябонли тахт қўтарган қоҳинлар келди ва хос ҳоким Отой шаҳзодага қарата нутқ сўзлади:

— Салом сенга, илоҳий фиръавннинг вориси, Аа ҳокимлиги ерига хуш келибсан. Бизга кўрсатган мурувватинг осмон шабнамларига тенгдир. Паноҳимиз Птах худосига қурбонлик қилишга ижозат бер ва ушбу ҳокимликдаги эҳромлар, ҳукмдорлар, халқ, ҳайвонлар, шу ерда етишган бугдой ва бошқа нарсаларни ўз ихтиёрингга ол.

Кейин ҳоким ясан-тусанни жойига қўйган, атир-упалар суртиб, зарҳал кийимлар кийган ёшларни унга таништирди. Улар маҳаллий киборлар бўлиб, кўпчилиги ҳокимнинг қариндошлари эдилар.

Рамсес уларга алоҳида эътибор билан қаради.

— Ҳа, ҳа! — хитоб қилди у. — Нимадир етишмаётгандай туюлган эди: бошларида ясама соч кўринмайди.

— Сен ўзинг, муҳтарам шаҳзода, ясама соч киймаганинг учун ёшлар ҳам бундай безакдан воз кечдилар, — жавоб қилди ҳоким.

Шундан кейин ёшлардан бири валиаҳднинг орқасига ўтиб, бошига соябон тутди. Бошқаси қалқон, учинчиси найза қўтарган ҳолда юришни давом эттирдилар. Валиаҳд соябонли тахтда борар, олдинда кетаётган қоҳин ушлаб олган исириқдондан хушбуй тутун қўтарилар, бир неча қизлар шаҳзоданинг тахти ўтаётган йўлга атиргуллар сочиб кетардилар. Байрамона кийинган одамлар қўлларида яшил новдалар билан йўлнинг икки томонида туриб ҳайқириқлар билан ҳавони тўлдиради, айримлари фиръавн вориси олдида тиз чўкиб пешоналарини ерга теккизардилар. Рамсеснинг фаҳмлашича одамлар қанчалик дабдаба қилиб, ҳайқирмасинлар, уларнинг юзларида ташвиш аломатлари бор эди. У яна оломоннинг икки гуруҳга ажралганини ва тузук-қуруқ завқлана олмаётганларни кимдир бошқараётганини ҳам ҳис этди. Кўнглида ҳатто хурсанчиликни ҳам жойига қўя олмайдиган оломонга нисбатан совуқ нафрат уйғонди.

Дабдабали юриш Мемфис билан Аа вилоятлари ўртасида чегарани билдирувчи мармар устун ёнига аста яқинлашди. Устуннинг уч тарафида вилоят ер майдонининг ҳажми, аҳолиси ва шаҳарлар сони акс эттирилган эди. Устуннинг тўртинчи томонида Птах илоҳининг бо-

шига тумоқ кийиб, қўлига калта асо ушлаган тасвири тушурилганди. Коҳинлардан бири исириқ тутатиб турган олтин қошиқни шаҳзодага узатди. Ворис пичирлаб дуо ўқир экан исириқдонни ҳавога кўтариб, чуқур таъзим қилди. Халқ ва коҳинларнинг ҳайқириқлари янада баландроқ янгради, золагон ёшларнинг юзида истеҳзоли кулги зоҳир бўлди. Шаҳзоданинг юзи худолар ва коҳинларни азизловчи Херихор билан ярашиб олган дақиқадан бошлаб тундлашди. Бу ҳолатни кўриб, кўпчилик жиддий бўлиб қолди. Ҳаттоки ёш ҳукмдор олдида бошларини ерга тегиздилар.

«Ҳақиқатда ҳам, — ўйлади шаҳзода, — олий табақадан чиққан одамлар анави қора халқдан ўн чандон афзал!.. Улар нима қилсалар ҳам юракдан чиқариб қилади, оддий халқ эса менинг шарафимга ҳайқириқлар айтиб, яна ўз қудуқлари ва дастгоҳлари томон шошадилар».

Энди Рамсес ўз билан оддий одамлар орасида қанчалар катта фарқ борлигини ҳис эта бошлади. Киборлар синфи билан уни бир хил туйгулар боғлаб туради. Мабодо бу келишган йигитлар ва ёниқ кўзлари билан унинг ҳар бир харакатини илиб олувчи, унинг ҳар бир буйругига хоҳлаган вақтда итоат қилишга тайёр турувчи гўзал аёллар бўлмаганида бу саноқсиз оломон ичида ўзини саҳрода қолгандай ёлғиз сезган бўларди.

Саккиз нафар ҳабаш туяқуш патлари билан безатилган, усти ёпиқ маҳоба келтирдилар ва тахт вориси ҳокимликнинг пойтахти Сехем томон йўл олди. Манзилга етгач, ҳукумат саройига жойлашди.

Мемфисдан бир неча мил узоқдаги бу вилоятда Рамсес бир ойча турди. Шунча вақт одамларни қабул қилиш, тантаналар ва зиёфатларга сарфланди.

Зиёфатлар ҳам икки хил бўлди: бир хиллари саройда ўтказилиб, уларда фақат киборлар иштирок этар, сарой ичкарасида ўтадиганида қовурилган буқалар, юзлаб нонлар ейилар, юзлаб кўзаларда пиволар ичиларди. Бундай базмларда вориснинг хизматкорлари ҳамда паст табақали амалдорлар меҳмон қилинарди.

Рамсес ҳокимнинг сахийлиги, маҳаллий улуғларнинг садоқатидан лол қолди. Улар кечаю кундуз ворис атрофида парвона бўлдилар, унинг ҳар бир имо-ишорасини бажаришга тайёр турдилар.

Ниҳоят кўнгилхушликлардан зериккан ворис Отойга фиръавн ҳазратларининг амрини бажармоқ учун вилоят хўжалиги билан таништиришини айтди. Ҳоким уни икки киши кўтарадиган тахтиравонга таклиф қилди ва кўплаб аёнлар кузатувида Хатир илоҳаси эҳромига жўнадилар. Аёнларни эшик олдида қолдирдилар. Ҳоким Рамсесга тош ҳайкалчалардан бирини минорага олиб чиқишни таклиф қилди ва ўзи унга ёрдам берди.

Олти қаватли минора тепасидан вилоятнинг ҳамма ери уфққа қадар яққол кўринарди. Бу минорадан туриб коҳинлар турфа ранг байроқлар ёрдамида Мемфис, Атриба, Она ҳарамлари билан гаплашадилар.

Отой валиаҳдга шу ердан туриб фиръавннинг далалари ва узумзорлари қандай жойлашганини, қайси канални тозалаш зарурлигини, қайси тўғон таъмирланаётганини, жез эритадиган ҳумдонларни, фиръавн бугдойзорлари, қамиш ва нилуфарлар ўсиб ётган ботқоқликларни, қум босган майдонлар ва ҳоказоларни кўрсатди.

Рамсес бундай гўзал манзараларни кўриб, ҳаяжонга тушди ва кўрсатган илтифоти учун Отойга миннатдорчилик изҳор этди. Бироқ саройга қайтиб, отасининг айтганларига кўра Аа вилояти ҳақида кўрганларини ёзар экан, негадир баёни жуда қисқа бўлди.

Бир неча кундан кейин вилоятни бошқаришга доир маълумотларни Отойдан сўради. Шунда ҳоким барча амалдорларни тўплашга ва саройнинг баланд жойида ўтирган ворис ёнидан ўтишга буйруқ қилди.

Рамсеснинг кўз олдидан катта ва кичик хазинабонлар, винолар ва ҳайвонларни ҳисобга олувчи мирзалар, гишт терувчиларнинг бошлиқлари, ер қазувчилар, муҳандислар, турли касалликларни даволовчи табиблар, ишчи полklarининг назоратчилари, миршаблар, муншийлар, қозилар, қамоқхона хизматчилари, ҳатто қизиқчи ва жаллодлар ҳам ўта бошладилар. Шундан кейин мартабали ҳоким Рамсесга сарой аёнларини таништирди. Шаҳзода Аа ҳокимига ва Сехем шаҳрида ўзига хизмат қиладиганларнинг турли-туманлигига ҳайрон қолди. Улар ҳаммоллар, камончи, қалқонбардорлар, ошпазлар, шароб сузувчилар, саргарошлар ва бошқа хизматчилардан иборат эдики, шаҳзода бу лавозимлар ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасди.

Бу томошадан зериккан шаҳзоданинг руҳи тушиб кетди. Ҳеч нарсани тушунмагани, демак давлатни ҳам бошқара олмаслиги уни даҳшатга соларди. Лекин буни ҳатто ўзи тан олишдан ҳам кўрқарди.

Агар у Мисрни бошқара олмаса ва бундан одамлар хабардор бўлгудай бўлса нима қилиш зарур?.. Фақат ўлиши керак. Тахтсиз унга бахт кулиб боқмаслиги, бахтсиз эса ҳаётнинг қизиғи йўқлигини Рамсес тўла ҳис этди.

Лекин югур-югурлар ҳукм сурган сарой шароитида имкон топиб, бир неча кун дам олгач, у яна Отойни ёнига чақириб деди:

— Сендан илтимосим шуки, мартабали ҳоким, мулкингни қандай бошқаришинг ҳақида мени хабардор қилсанг. Менга мамлакатинг ва амалдорларингни кўрсатдинг. Ҳозир мен гўё ўзимни эҳромларнинг ертўласида қолган одамдай ҳис этяпман. Атрофда кўплаб йўлаклар кўряпман-у, ташқарига қайси биридан чиқиш мумкинлигини билмаяпман.

Ҳоким ҳайрон бўлди.

— Нима қилсам экан? — хитоб қилди у. — Мендан нима истайсан, ҳукмдор? Бир оғиз айтсанг, бўлди ва мен бутун ҳокимиятни, бойликни, ҳатто бошимни ҳам сенга ҳада этаман.

Вориснинг мулоим ҳолда гапига қулоқ солаётганини кўриб, давом этди.

— Саёҳат пайтида вилоят халқини кўрдинг. Тўғри, сен кўрганларинг халқнинг ҳаммаси эмас. Хоҳласанг бутун халқнинг чиқишини буюришим мумкин. Улар эркак, аёл, кексалар ва болалар бўлиб, икки юз мингга боради. Агар хоҳласанг Сехемнинг ҳамма кучларини, ҳар бир дала, қишлоқни кўрсатиш мумкин. Ундан кейин сенга амалдорларни кўрсатдим. Тўғри, амалдорларнинг энг пастки табақаларини чақиртирмадим. Хоҳласанг эртагаёқ ҳаммасини чақираман ва улар оёқларингга бош эгадилар. Яна нималар ҳам қила олардим, айтгин давлатпаноҳ!

— Садоқатингга шубҳам йўқ, — жавоб берди шаҳзода. — Лекин менга икки нарсани тушунтириб бер: бири — нега фиръавн олиёзотларининг даромадлари пасайиб кетди. Иккинчиси—вилоятни бошқараётганингда нималарга эътибор берасан?

Отойнинг иккиланиб қолганини кўриб, ворис аниқлик киритишга шошилди:

— Мен буларни билишни истайман. Чунки ҳали ёшман, бошқаришни энди ўрганияпман.

— Лекин сенда юз ёшли чолнинг донишлиги бор, — лутф қилди ҳоким.

— Шунинг учун ҳам, — фикрини давом эттирди Рамсес, — тажрибали одамларнинг маслаҳатлари зарур. Устозим бўлгин.

— Сенга ҳамма нарсани айтаман ва кўрсатаман. Фақат мана шу сершовқин жойдан чиқиб кетишга имкон берсанг бўлгани...

Дарҳақиқат, ворисга тегишли бўлган саройнинг ичи ва ташида одамлар галаси худди бозорни эслатарди. Ҳамма ичкилик ичиб, овқатланар, қўшиқ айтишар ёки югуриш бўйича мусобақа ўйнашарди. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси вориснинг шарафига бағишланган эди.

Кун чошгоҳдан ошганда ҳоким отхонадан иккита от олиб чиқишларини буюрди ва Рамсес билан шаҳар ташқарисига чиқиб кетди. Аъёнлар саройда ўзлари қолгач, базмни яна ҳам авжига чиқардилар.

Кун ёқимли ва салқин бўлиб, ер майса ва гулларга қопланган эди. Суворийлар тепасида қушлар сайрарди. Ҳаво муаттар ҳидга тўлган эди.

— Қандай ёқимли жойлар! — ҳаяжонланиб деди Рамсес. — Кейинги ойда фикрларимни йиғиб олишим учун биринчи марта имкон бўлади. Назаримда, гўё ҳарбий аравалар сафи миямда тўхтаб қолгану улар кечаю-кундуз машқ қилишаётгандай эди.

— Дунё ҳукмбардорларининг қисмати шундай, — жавоб берди ҳоким.

Улар тепаликда тўхтаганларида оёқлари остида мовий ирмоқ билан кесилган кенг ўтлоқ ястаниб ётарди. Шимол ва жануб тарафда шаҳарчаларнинг деворлари оқариб кўринарди. Ўтлоқ этагидан то уфқ-қача ғарбий саҳронинг қизғиш қумлари чўзилиб кетган, унинг қаъридан аҳён-аҳёнда гўё ўчоқдан чиққан оловдек қайноқ шамол нафаси келарди.

Яйловда саноқсиз уй ҳайвонлари, шохсиз ва шохли буқалар, қўй, эчки, эшак, кийиклар, ҳатто шохбурунлар ўтлаб юрардилар. Ҳар жой-ҳар жойда ўсимликлар билан яшнаб турган ботқоқликлар ўрни кўринарди. Улар қўйнида ёввойи ғозлар, ўрдак, каптар, лайлак, ибис ва какликлар қайнарди.

— Қара, олампаноҳ, — деди ҳоким. — Мана, бизнинг ватанимиз — худудсиз Миср манзаралари, Осирис саҳродаги бу яшил тасмани ёқтириб, мўл-кўл ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ато этдики, улардан наф олиш керак. Кейин мурувватли худо инсон қиёфасига кирди ва биринчи фиръавн бўлиб қолди. У қариб, ҳолдан тойган пайтда дунёни тарк этиб, ўғлининг танасига кирди, ўғил ҳам ўз навбатида ўғлининг танасига кирди. Шундай қилиб Осирис бир неча юз йиллардан бери фиръавн қиёфасида яшаб келади ва ўзи яратган Миср бойликларидан фойдаланади, унинг қудратли шохлари Миср подшоҳлари бўлса, коҳин ва ҳокимлар бутоқлари, киборлар эса унинг барглари-дир. Худо кўз ўнгимизда тахтда ўтириб, мамлакатнинг ўзига тегишли саховатларини қабул қилиб олади. Кўринмас худо эса эҳромда қурбонликлар қабул қилади ва ўз иродаларини коҳинлар тили билан ифода этади.

— Бу тўғри, — деди шаҳзода. — Бу ҳақда муқаддас китобларда ҳам ёзилган.

— Осирис фиръавн бўлгани учун, — давом этди ҳоким, — ер ишлари билан ўзи шуғулланмай, мулкини назорат қилиб туришни биз ҳокимларга топширган. Бизлар эса унинг авлодларимиз.

— Бу ҳам ҳақиқат, — гапни илиб кетди Рамсес. — Гоҳида нур ҳам таратувчи худо ҳокимга айланиб, янги сулола бошланишига асос солади. Шу йўл билан Мемфис, Элефантин, Ксанс сулолалари пайдо бўлган.

— Буларнинг ҳаммаси ори рост. Олампаҳо, — давом этди Отой, — мана энди сен боя сўраган нарсани айтиб бераман. Бу ҳокимликда нималар қилиб юрибман? Мен фиръавн—Осириснинг мулкани ва ўз улушимни кўриқлаяпман. Аनावи подага қара. Ҳайвонларнинг турлича эканини кўряпсанми: бир хиллари сут беради, бошқаси гўшт, учинчиси жун ва тери беради. Миср аҳолиси ҳам шундай: бири нон беради, бошқаси — вино, газлама, анжомлар, учинчиси эса уйлар қуради. Вазифам шундан иборатки, ҳар қайсисидан тегишли нарсаларни олиб, фиръавн оёқлари остига келтириш. Бир ўзим бунчалар катта подани бошқара олмаган бўлардим. Шу боисдан ҳам ўзимга содиқ итлар ва доно чўпонларни танлаб олганман: бирлари ҳайвонларни соғади, жуни ва терисини олади, бошқалари эса ҳайвонларни ўғрилардан ва йиртқичлардан ҳимоя қилади. Ҳокимликларда ҳам шундай: мен барча солиқларни тўплашга ҳам одамларни турли ёвузликлардан кўриқлашга улгурмайман. Бунинг учун ишни ҳалол бажарадиган амалдорларим бор. Улар бажарган ишлари юзасидан ҳисоб берадилар.

— Ҳаммаси тўғри, — унинг гапини бўлди Рамсес. — Буларни яхши биламан. — Лекин мени ҳайрон қилган нарса онҳазратнинг даромадлари камайиб кетаётганидир. Ваҳоланки, у бойлигини яхши сақлай олади.

— Эслаб кўр, — жавоб қилди ҳоким. — Хет худоси нузли Осирисга туғишган оға бўлса ҳам уни ёмон кўради. Хайрли ишларига тўсқинлик қилиб, доимо урушгани-урушган. У ҳатто одамлар ва ҳайвонларга ўлим юборади. Нилнинг сувларини гоҳ тоширади, гоҳида камайтириб юборади. Жазирама иссиқ кунлари Мисрга қум тўфонларни юборади. Яхши келган йилларда Нил сувлари саҳрогача етиб боради, ёмон бўлса — саҳро Нилга яқин келиб қолади ва шоҳнинг даромади камаяди. Қарагин-да, — давом этди у яйловни кўрсатиб, — подалар қанчалар кўпайган. Ешлигимда эса улар бундан ҳам кўп эди. Бунга ким айбдор? Албатта, Сетдан бошқаси эмас. Унга одамларнинг кучи етмайди. Бу ўтлоқлар авваллари шунчалик катта эдики, биз турган жойдан саҳро кўринмасди. Энди эса саҳро даҳшат соляпти. Худолар урушган жойда одам ожиз бўлиб қолади. Сет Осирисни енгиб турганда одамлар нима ҳам қила оларди.

Отой жим қолди. Шаҳзода бошини эгди. У ҳали болалигидаёқ Осириснинг хайрли ишлари ва Сетнинг қабиҳликлари тўғрисида мактабда кўп нарсаларни эшитган, ҳозиргача яхшилик, ёмонлик устидан галаба қилмаганидан хафа бўлган.

«Катта бўлганимда, — ўйларди ўшанда, — найза ушлашга қодир бўлганимда Сетни излаб топаман ва биз куч синашамиз!».

Ҳозир эса ёмонлик келтирувчи худо ҳукмрон бўлган, Миср даромадларини камайтираётган чексиз қумликларга қараб турар экан у билан курашишни ўйламас эди. Ахир қумликлар билан қандай курашади? Ундан ё айланиб ўтиш мумкин, ёки ўша ерда ҳалок бўлиш керак.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Аа ҳокимлигини айланиш валиаҳдни чарчатди. У ўзи шарафига ўтказиладиган барча тантаналарни, сафарга чиққанида дабдаба билан кузатиб, кутиб олишларни бекор қилди. Аёнлар ҳайрон, ҳатто хафа бўлдилар. Лекин буйруқ бажарилиб, Рамсеснинг ҳаёти бирмунча изга тушди. Энди ўзи яхши кўрган иш—аскарлар билан машқ қилиш учун вақт ҳам пайдо бўлди, ўй-хаёлларини ҳам изга сола бошлади.

Саройнинг холи жойида ёлғиз қолган шаҳзода отасининг айтганларини қай даражада бажараётгани ҳақида ўйлади. Аа ҳокимлиги ерларини ўз кўзи билан кўрди, аҳолиси ва амалдорлари билан танишди. Вилоятнинг шарқий томонини қум босаётганини ўзи текшириб, ишонч ҳосил қилди. Дидсиз, фаросатсиз одамларнинг буйруқни хоҳишсиз бажараётганини билди. Ва ниҳоят, шундай фикрга келдики, ҳақиқий фидойи одамларни у фақат киборлар орасидан топиши мумкин. Улар ё фиръавнга қариндош ёки ҳарбий қатлам, ҳеч бўлмаганда Буюк Рамсес байроғи остида урушган аскарларнинг набиралари эдилар.

Ҳарҳолда шу одамлар сулолага боғланиб қолган ва унга астойдил хизмат қилишга тайёр эдилар. Оддий халқ эса бирпас ҳайқириб қўйиб, ҳўкиз ва тўнғизлари ёнига чопадилар.

Аммо бош масала ҳал этилмаган эди. Рамсес подшоҳнинг даромадлари камайиб бораётгани сабабларини билиш тугул гап қаерда эканини англайдиган ҳолатда эмас эди. У фақат худо Сетнинг Осирис билан афсонавий кураши ҳеч нарсага олиб келмаслиги, ҳалокатнинг олдини олишни кўрсатиб бера олмаслигини ҳис этди.

Бўлғуси фиръавн — шаҳзоданинг хоҳиши Мисрнинг аввалги ҳукмдорлари сингари даромад олиш бўлиб, тахтга ўтиргач, отасидан ҳам камбағаллашиб кетиши тўғрисидаги фикр унинг газабини қайнатарди. «Ҳеч қачон!» — деди у муштини қисиб. Тож-тахтнинг бойлигини кўпайтириш учун ҳатто қилич яланғочлаб худо Сет билан жанг қилишга, Сет ўз оғаси Осирисни қиймалаб ташлагани сингари уни бўлақларга бўлиб юборишга тайёр эди. Бироқ унинг кўз ўнгида шафқатсиз шоҳ эмас, бўшлиқ суқунат, мубҳамлик зоҳир эди.

Ана шунга ўхшаш ўйлардан қийналиб кетиб, бир куни у олий коҳин Мефрисга мурожаат қилди.

— Менга айт-чи, донишликка тўлиб-тошган ҳазрат ота, нима учун давлат даромадлари камайиб боряпти-ю, уни қандай қилиб кўпайтириш мумкин?

Олий коҳин қўлларини осмонга кўтарди.

— Бу туйғуларни дилинга солган арвоҳни худо назар қилган... Худоларга сизгинаманки, улар сени буюк фиръавнлар изидан бошла синлар, Миср бўйлаб бебаҳо эҳромлар қургин, тўғон ва каналлар ёрдамида унумдор ерларни кўпайтиргин!..

Оқсоқол шунчалар ҳаяжонланиб кетдики, ҳатто кўзлари ёшланди.

— Энг аввало, — унинг гапини бўлди шаҳзода, — сўраган нарсага жавоб бер. Ҳазина бўшаб турганда тўғон ва каналлар ҳақида ўйлаб бўладими? Мисрни фалокат босди: унинг ҳукмдорларига қашшоқлик таҳдид солмоқда. Биринчи галда буни тафтиш қилиб, аҳволни ростлаш керак. Қолганлари эса ўз-ўзидан бўлаверади.

— Буни фақат эҳромларда, меҳроб олдида билишинг мумкин, олампаноҳ, — жавоб қайтарди олий коҳин. — Хайрли истакларинг ўша жойда қониши мумкин.

Рамсес тоқатсизланди.

— Ҳарамлар ҳақидаги гамхўрлигинг, олий зот, бутун мамлакат манфаати, ҳатто фиръавн хазинасини ҳам тўсиб қўйган, — хитоб қилди шаҳзода. Ўзим ҳам коҳинлар шогирдиман ва ўша эҳромлар айвонида тарбия топганман. У ерда Сетнинг ёвузликларини Осириснинг ўлиб, қайта тирилгани ҳақидаги сирли маросимларни кўрганман. Булардан менга нима фойда? Отам мендан хазинани қандай қилиб тўлдириш ҳақида сўраса айтадиган жўяли гапим йўқ. Ахир аввалгидан ҳам кўпроқ ибодат қилинг, дея олмайман-ку.

— Шаккоклик қиялпсан, шаҳзода. Зеро диннинг сир-синаотларини билмайсан. Агар билганингда сени қийнаётган саволларга ўзинг жавоб берган бўлардинг. Мен кўрганларни кўрганингда эди, Миср учун энг муҳимиэхромлар ва уларнинг хизматчиларини улуглаш эканлигига ишонч ҳосил қилган бўлардинг.

«Чоллар ҳар доим болаликка қайтадилар», — ўйлади Рамсес ва суҳбатни тугатди. Олий қоҳин Мемфис ҳар доим художўй бўлган. Лекин кейинги пайтларда бу соҳада ғалати муносабатларини намоён қила бошлаган эди.

Қоҳинлар қўлига ўзимни топширганимда уларнинг болаларча ўйинларида қатнашган бўлардим, — ичида фикрлади Рамсес.— Унда Мемфрес мени ҳам ўзига ўхшаш соатлаб меҳроб олдида туришга ва мўъжиза кутишга мажбур қилган бўларди».

Фермути (январнинг охири, февралнинг бошланиши) ойида шаҳзода Ҳақ вилоятига ўтиш учун Отой билан хайрлашди. Кўнгилдагидек қабул учун ҳоким ва таниқли амалдорларга миннатдорчилик билдирди. Лекин отасининг топширигини бажара олмаганидан қайғули таассуротларни дилида олиб кетди.

Отойнинг яқинлари ва қариндошлари кузатувида Нилнинг нариги қирғоғига ўтди. Уни ҳоким Ренусер аъёнлари ва қоҳинлари билан кутиб олди. Рамсес Ҳақ мулкига оёқ қўйиши билан қоҳинлар вилоят ҳомийси бўлган Атум худосининг ҳайкалини баланд кўтардилар, амалдорлар ерга бош қўйдилар, ҳокимнинг ўзи эса фиръавннинг ворис ўғлидан ҳосил ўримини бошлаб беришни сўраб, унга олтин ўроқни тутқазди. Шундай қилиб, арпа ўрими бошланди.

Рамсес ўроқни олиб, бир неча бошоқ ўрди-да, уни хушбўй тутатқиларга қўшиб илоҳнинг ҳайкали ёнида ёқди. Ундан кейин ҳоким ва амалдорлар ҳам бу ишни такрорладилар. Ниҳоят, деҳқонлар ўримга тушдилар. Улар фақатгина бошоқларни териб, қопларга солар, сомонини эса далада қолдирардилар.

Зерикарли бўлган бу маросимни бажарган ворис аравага чиқди: олдинда навкарлар саф тортди, улардан икки нафари валиаҳд отининг жиловидан тутди. Шаҳзода ортидан ҳоким Ренусер, унинг кетидан эса кўпсонли сарой аъёнлари ва амалдорлар бордилар. Рамсеснинг буйруғига биноан халқ уни кутиб олгани чиқмади, лекин вориснинг араваси ўтаётганида далада ишлаётганлар бошларини ерга тегизиб, таъзим бажо айладилар.

Шу зайлда Нил ирмоқлари ва каналларга ташланган бир неча кўприклардан ўтиб улар вилоятнинг пойтахти Она шаҳрига келдилар.

Базм ва олқишлар, ворисга ҳурмат бажо айлаш ва амалдорларни таништиришлар бир неча кун давом этди. Ниҳоят, Рамсес базми жамшидни тугатиш ва вилоят бойликлари билан таништиришга амр этди.

Вилоят худуди билан танишиш эртанги кундан бошланиб, бир неча ҳафта давом этди. Рамсес жойлашган сарой майдонида ҳар куни бирор устахонанинг хунармандлари йиғилиб, ўзлари ясаган буюмларини намоёйиш қилдилар.

Бу ерга қуролсозлар найза, ойболталари билан, мусиқа асбоблари тайёрловчи усталар сурнай, най, чирманда, арфалари билан навбатма-навбат келдилар. Улардан кейин саноксиз дурадгорлар курсилар, хонтахталар, турли замбиллар, ҳашам билан безатилган араваларни олиб келдилар. Кетидан ошхона жиҳозлари—кўсов, оташкурак, икки қулоқли қозон, қопқоқли баркаш кўтарган темирсозлар келишди. Заргарлар билакузук ва иликузуклари, олтиндан ясалиб турли безак-

лар берилган узукларни намоиш этдилар. Олтин буюмлар ва кумуш билан қориштириб ясалган занжирлар, кандакорлик услубида ишланган қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган эди.

Намоиш қилувчилар сафининг охирида кулоллар тизилиб, лойдан ясалган юз хилдан ортиқ сопол буюмларини кўтариб олган эдилар. Кўза, коса, хум пиёлалар турли ҳайвонлар ва қушларнинг суратлари билан нафис қилиб безатилган эди.

Ҳар бир устахона бошлиғи намоиш этилган буюмларнинг энг яхшиларини ворисга совға қилдилар. Гарчи ҳадя қилинган буюмлар бир нусхадан бўлса ҳам катта хона тўлиб кетди. Қизиқарли, лекин ҳоритувчи бу намоишлардан кейин ҳоким Рамсесдан кўнгил сўради. Аммо у тезда жавоб бермади.

— Энг гўзал нарсаларни эҳромларда ва отамнинг саройида кўрганман. Бироқ у буюмларни пулдорлар сотиб оладилар. Давлатга бундан фойда келиш-келмаслигини билмайман.

Ёш ҳукмдорнинг санъат асарларига бефарқлиги ҳокимни лол қолдирди ва давлат даромадлари тўғрисидаги қайғуриши ташвишга солди. Шундан кейин Рамсесга ёқиш учун унинг шоҳ корхоналари ва устахоналарига олиб борди.

Улар тегирмонларга борганларида қулар юзлаб тош ва катта ўғирлар ёрдамида донларни унга айлантиришарди. Нонвойхоналарда турли нонлар пиширилар, армия учун қоқи нонлар тайёрланарди. Гўшт ва балиқ тайёрловчи, жунни қайта ишловчи шиппақлар тикадиган устахоналар ва этикдўзлар ишлари билан танишдилар.

Бу корхоналар шаҳарнинг шарқий қисмида жойлашган эди. Рамсес уларни дастлаб қизиқиш билан томоша қилган бўлса ҳам, ишчиларнинг озиб-тўзигани, кўрқув аралаш қарашлари, юзларидан қон қочгани, таёқлар зарбидан елкаларининг чандиқ босгани уни зериктирди.

Шаҳзода устахоналарда иложи борича камроқ тўхташга ҳаракат қилар, кўпроқ Она шаҳрининг атрофларини кўргиси келарди. Узоқдан ўтган йили ўзи ҳарбий машқлар ўтказган шарқий саҳро кўришиб турарди. Полклар шаҳдам қадамлар билан ўтган, муқаддас кўнгиллар туфайли тош отувчи машиналарни саҳрога буришга тўғри келган катта йўл кафтдек кўришиб турарди. Эҳтимол канал қазиган деҳқон ўзини осган дарахт ҳам кўрингандир. Ҳов анави баландликда Тутмос билан гулларга бурканган Гошен ерларини кўриб, қоҳинларни сўккан эди. Ўша қирлиқлар орасида у Саррани учратган ва юраги муҳаббат алангаси билан ёнган эди.

Ҳозир уларнинг ҳаммаси ўзгарган!.. Рамсес Херихорнинг ёрдами билан корпус кўмондонлиги ва мулкдорлик рутбасини олгандан кейин қоҳинларга бўлган нафрати йўқолди. Эндиликда Сарра севгили сифатида уни қизиқтирмай кўйган, фикри ёди ҳаётининг давомчиси бўлган гўдагида эди.

«Қандай яшаяптийкин? — ўйлади шаҳзода. — Анчадан бери ундан хабар йўқ».

Рамсеснинг тепаликка қараб ўйланиб қолганини кўрган ҳоким Ренусернинг кўнглидан шаҳзода бирор камчиликни кўриб қолгану қандай жазо беришни ўйлапти, деган фикр ўтди.

«У ёқда кимни кўрган бўлиши мумкин? — ҳаяжонланди муҳтарам ҳоким. — Гиштарнинг ярмини финикияликларга сотиб юборганими? Ёки омборда ўн минг жуфт шиппақлар етишмаётганими? Эҳтимол, бирор ғаламис унинг қулоғига темирсозлар ҳақида бирор нарса шипшитгандир?..».

Ренусер ўта безовта эди.

Шаҳзода бирдан аёнлар томонга ўгирилиб, доимо ёнида юрувчи Тутмосни чақирди.

У дарҳол югуриб келганида шаҳзода уни четга тортди.

— Тинглаб тур, — деди у саройни кўрсатиб, — ҳу анави тоғларни кўряпсанми?

— Биз у ерларда ўтган йили бўлганмиз, — деди хўрсиниб.

— Сарра эсимга тушиди.

— Ҳозир илоҳларга атаб исириқ тутатиб юбораман! — деди Тутмос шошиб. — Йўқса сен ворис бўлганингдан кейин эски хизматкорларингни унутган кўринасан!.

Рамсес унга қараб елкасини қисди.

— Совғалардан танла, — деди у, — менга уларни совға қилишган. Анчагина чиройли вазалар, ашқол-дашқоллар, муҳими, олтин биллакбоғ ва занжирлардан танлаб, Саррага элиб бер...

— Абадий яша, Рамсес, — деди мулойим паст овозда. — Сен саховатли жанобсан!

— Унга айтгинки, — давом этди шаҳзода, — Саррага бўлган меҳрим юрагимдан тошиб туради. Яна айтгинки, ўзини эҳтиёт қилсин ва болага гамхўр бўлсин. Туғиш вақти келганида отамнинг айтганини қилиб, уни уйимга олиб кетаман ва мен билан яшайди. Боламнинг онаси ёлғизликда эзилишини хоҳламайман... Борақол, мен айтганларни бажариб, яхши хабар билан қайт.

Тутмос жаноби олдида бошини ерга тегизди ва шу заҳотиёқ йўлга равона бўлди. Вориснинг аёнлари нима гап бўлганини тушунмай қолдилар, лекин Тутмосга яхши муносабатда бўлганини кўриб, унга ҳаваслари келди. Ҳурматли зот Ренусерни эса янада ҳаяжонлироқ фикрлар чулғаб олди.

«Ишқилиб, — ўйлади у аламли аҳволда, — жонимга қасд қилиб, энди гуллаган давримда уйимдагиларни етим қилиб қўямасам бўлгани. Қандай қилиб мен нодон фиръавн бойликларини ўзлаштирдим, жавоб берар кун борлигини ўйламадим!».

Унинг юзлари сарғайди, оёқлари чалишиб кетди. Бироқ хотиралар тўлқинига ўраб олинган Рамсес унинг ташвишларини сезмади.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Энди Она шаҳрида базм ва кўнгилхушликлар бошланди. Ҳоким Ренусер ертўласидан энг яхши виноларини олиб чиқди. Атрофдаги учта вилоятдан энг гўзал раққосалар, машҳур созандалар, уста найрангбозлар келишди. Рамсес кун бўйи банд бўлди: эрталаб ҳарбий машқлар, амалдорларни қабул қилиш, кейин тушлик, томоша, ов ва ниҳоят, кечки зиёфат.

Хўжалик ва бошқарув масалалари кўнглига теккан ворис Хак ҳокимини ҳузурига таклиф этиб, сўради:

— Сенинг вилоятинг Мисрдаги энг бой ҳудудларданми?

— Ҳа... Гарчи бир неча йиллик қийинчиликларни бошимиздан кечирган бўлсак ҳам... — жавоб берди Ренусер ва яна юраги безовта бўла бошлади, оёқлари қалтиради.

— Худди ана шу ҳолат мени ҳайрон қолдирипти, — давом этди Рамсес, — чунки онҳазратнинг даромади йилдан-йилга камайиб кетяпти. Бунинг сабабини тушунтириб бера олмайсанми?

— Олампаноҳ, — деди ҳоким шаҳзода олдида ергача таъзим қилиб, — душманларим кўнглингга гулгула солганга ўхшайди. Нималар демайин,

барибир сени ишонтиришим қийин. Шунинг учун бу ҳақда гапир-масликка ижозат бер. Яхшиси, ўз ишларига пухта бўлган мирзалар ҳужжатлари билан келсин, сен ўзинг қоғозларни ушлаб, текширишдан ўтказгин...

Кутилмаган бу жавоб ворисни ҳайрон қолдирди, лекин у таклифни мамнунлик билан қабул қилди. Унинг фикрича, мирзаларнинг ахборотлари бошқариш сирларини ўргатадигандай эди.

Эртасига Хак вилоятининг улуғ мирзаси ёрдамчилари билан икки томони хатга тўлдирилган папирус қоғозларидан бир дастасини олиб келди. Тахланган қоғозларни ёзганларида кенглиги уч қарич, узунлиги олтмиш қадамни ташкил этди. Рамсес битта вилоятнинг бир йиллик ҳисоботиға тааллуқли бундай катта ҳужжатни биринчи бор кўриб турган эди.

Буюк мирза ерга чордона қуриб ўтирди-да, ҳисоботни ўқий бошлади:

— Мери — Амон — Рамсеснинг ўттиз учинчи йил ҳукм сурган вақтида Нил сувларининг тошиши кечикди. Деҳқонлар бу ҳолатни Хак музофотида яшаётган келгиндиларнинг макрига йўйиб, гайридин яхудийлар, хеттлар, финикияликларнинг уйларини вайрон қилдилар, бир неча киши ўлдирилди.

— Бу қанақа ҳужжат? — сўради ворис.

— Онҳазратнинг оёқлари остига ташлаш учун тузилган суд ҳисоботи.

— Ўтказиб юбориб, хазинанинг даромади ҳақидаги жойини ўқи.

Буюк мирзанинг ёрдамчилари ирғитилган ҳужжатни ўрама қилиб тахлашди-да, унга бошқа қоғозларни беришди. Буюк мирза яна ўқий бошлади:

«Ўша ойнинг бешинчи кунида шоҳнинг омборига олти юз ўлчам буғдой олиб келинди ва назоратчи тилхат ёзиб берди. Ойнинг еттинчи куни буюк хазинабон ўтган йилги ҳосилдан бир юз қирқ саккиз ўлчам камлигини аниқлади. Текшириш вақтида икки хизматкор бир ўлчам донни ўғирлашиб, гиштлар орасида яширганлар. Сир очилганидан кейин ҳар иккаласи ҳам судга берилиб, онҳазратнинг мулкига кўз олайтиргани учун тош конида ишлашга ҳукм қилиндилар...».

— Бир юз қирқ саккиз ўлчам дон нима бўлди? — сўради валиаҳд.

— Уни сичқонлар еб битирган, — деди мирза ва ўқишда давом этди. — Ўша ойнинг саккизинчи куни йигирма бош сигир, саксон тўрт бош қўй «Лочин» полкига сўйиш учун берилди ва керакли тилхат олинди».

Валиаҳд шу тариқа омборга қанча арпа, буғдой, ловия ва нилуфар уруғлари келтирилган-у қанчаси тегирмонга берилган, қанчаси ўғирланган-у, қанча айбдор тош конига бадарға қилинганлигини билиб олди.

Ҳисобот шунчалар зерикарли ва тартибсиз эдики, наони ойининг ярмига етган жойида Рамсес ўқишни бас қилишни буюрди.

— Айт-чи, буюк мирза, — сўради Рамсес, — ўқиганларингдан нимани тушундинг?..

— Подшоҳи оламнинг ўлиги нима керак бўлса, ҳаммасини тушундим!—У ўқиганларини ёддан айта бошлади. — Ўша ойнинг бешинчи куни подшоҳнинг омборига олиб келинган...

— Бас! — асабийлашган ҳолда бақирди Рамсес ва мирзаларни кўздан йўқолишга амр этди.

Мирзалар бошларини ерга тегизиб, папирусларни йиғиштирди, яна бир таъзим қилиб, эшик орқасига ғойиб бўлдилар.

Валиаҳд ҳоким Ренусерни чақиртирди. У қўлларини кўксига қўйганча кириб келса ҳам, юзида сокинлик аломати бор эди. Мирзалар унга валиаҳд ахборотларга тушунмаганини ва эшитишни хоҳламаганини айтиб улгуришган эди.

— Менга айт-чи, муҳтарам ҳоким, сенга ҳам шу ҳисоботларни ўқиб беришадими?

— Ҳар куни.

— Сен уларни тушунасанми?

— Кечир мени олампаҳо, бу ёзувларсиз ҳокимиятни бошқара олмаган бўлардим.

Рамсес тундлашди. Эҳтимол у кўп нарсаларга тушунмас?.. У ҳолда қандай қилиб ҳукмдор бўлади?

— Ўтир, — деди у бироз жим тургандан кейин Ренусерга курсини кўрсатиб. — Ўтириб, ҳокимиятни қандай бошқаришингни менга сўзлаб бер.

Амалдорнинг ранги оқариб, кўзлари катта очилди. Буни сезган Рамсес уни тинчлантиришга шошилди:

— Менга ишонмаяпти, деб ўйланмагин. Аксинча, бошқаришни сендан яхшироқ биладиган одамни билмайман. Лекин мен ёшман, қизиқувчанман. Бошқариш санъати нимада эканини билишни хоҳлайман. Шунинг учун ҳам ўз тажрибаларингдан озгина ўргатгин. Сен музофотни бошқарасан, масалан, бу ишлар қандай бажарилади?

Ҳоким энтикди ва енгил тортиб, сўзлай бошлади:

— Вазифаларим қанчалик кўплигини англаб олишинг учун кун тартибимни батафсил айтаман. Эрталаб ювиниб бўлганимдан сўнг Атум худосига қурбонлик қиламан, кейин хазинабонни чақириб, онҳазратга тегишли солиқлар тўғри тушаётгани борасида сўрайман. Агар у «ҳа», деб жавоб берса, мақтаб қўяман. Агар фалончи, пистончи солиқларни тўламаяпти, деса айбдорларни ҳибсга олишга буйруқ бераман. Сўнгра подшоҳ далалари назоратчиларини чақиртириб, қанча дон келганини сўрайман. Агар кўп бўлса — мақтамайман. Агар оз бўлса, айбдорларни калтаклашга буюраман. Ундан кейин буюк мирза келиб, шоҳ армияси, амалдорлар, меҳнаткашлар учун хазинадан нималарни олиш кераклигини айтади. Мен эса талаб қилинган нарсаларни тилхат орқали беришга буйруқ қиламан. Мободо у озроқ сарфласа—мақтамайман, кўп бўлса тергов тайинлайман. Куннинг иккинчи ярмида финикиялик савдогарлар келади ва уларга буғдой сотаман. Пулларини эса фиръавн хазинасига кириб қиламан. Ибодатдан кейин суд ҳукмини тасдиқлайман. Уч кун олдин вилоятдаги одамлар Ка вилояти ҳудудига ўтиб, Собек худоси ҳайкалини ҳақоратлашган. Мен эса ичимда хурсанд бўлдим. Ахир у бизни ўз паноҳида асрамайди-да. Шундай бўлса ҳам айбдорларнинг бир қисмини бўғиб ўлдиришга ҳукм қилдим. Анчагина қисмини калтаклаб, тош конига юборишларини буюрдим. Шу сабабдан менинг музофотимда осойишталик ва яхши хулқ ҳукм суради, солиқлар кун сайин оқиб келаверади...

— Шунга қарамай, фиръавннинг даромадлари сизларда ҳам камайган, — деди валиаҳд.

— Сўзларинг — ҳақиқат, жанобим, — деди Ренусер хўрсиниб. — Қоҳинларнинг айтишича, келгиндилар кўпайиб кетгани учун худолар Мисрга қаҳр билан қарамоқдалар. Лекин, билишимча, финикия олтинлари ва қимматбаҳо тошларидан худолар ҳам ҳазар қилмайдилар.

Шу пайт хонага навбатчи зобит кириб, қоҳин Ментесуфес валиаҳд ва ҳокимни ибодатга таклиф қилаётганини айтди. Ҳар иккаласи

ҳам таклифга розилик билдирдилар, ҳатто ҳоким Ренусернинг биринчи бўлиб шошилгани Рамсесни бироз ҳайрон қилди.

Ренусер таъзим билан чиқиб кетгандан кейин валиаҳд қоҳинга мурожаат қилди.

— Авлиё пайғамбар, Херихорнинг менинг ёнимда юрувчи ўринбосари экансан, кўнглимга тинчлик бермаётган бир нарсани тушунтириб берсанг.

— Қўлимдан келармикин? — деди қоҳин.

— Албатта уддалайсан, чунки ўзинг хизмат қилаётган донишлик ўзингда ҳам мужассам. Фақат мен сенга айтган гапларим хусусида яхшилаб ўйлаб ол. Нима учун фиръавн мени бу ерга жўнатганини биласанми?

— Мамлакат ва унинг бойликларини тасарруф қилиш учун, — деб жавоб берди Ментесуфис.

— Худди шундай қиялпман. Ҳокимлардан сўраяпман, мамлакатга ва одамларга қулоқ соляпман, мирзаларнинг ҳисоботларини эшитяпман, лекин ҳеч нарса тушунмаяпман. Ана шулар мени ҳайрон қолдирипти ва азоб беряпти. Ҳарбийлар билан бўладиган муносабат аниқ: аскарлари, отлари, аравалари, зобитлардан қайси бири ичкилик ичади ёки хизматга совуққонлик билан муносабатда бўлади, кимлар хизмат бурчини сидқидилдан бажаради — ҳаммасидан хабардорман. Уруш вақтида қандай ҳаракат қилишни биламан. Агар душман корпуси очиқ жойда турса, уни енгиш учун иккита корпус оламан. Мободо ёғий мудофаа истехкомида турган бўлса, энг камида учта корпус билан ҳамла қиламан. Борди-ю, ғанимлар тартибсиз оломон бўлиб жанг қилаётган бўлса, уларнинг мингтасига беш юз аскаримни юбораман ва улар ғалаба қилдилар. Айтайлик, душманнинг минг-та ойболтачилари бор, менда ҳам шунча болта ушлаганлар бўлса, агарда юз нафар палахмончиларни қўшсам, улар устидан ғалаба қила оламан. Ҳарбий ишда, авлиё ота, — гапида давом этди Рамсес, — ҳаммаси кафтимдагидек аниқ, ҳар бир саволга аниқ жавоб бор. Музофотларни бошқаришга келсак, ҳеч нарсани тушунмаётганимдан ташқари, ҳаммаси миямда аралшиб кетади. Гоҳо бу ерга нима учун келганимни ҳам ёддан чиқараман. Бу қандай ҳолат эканини қоҳин ва ҳарбий сифатида тушунтириб бергинчи. Ҳокимлар ё мени алдаш-япти, ёки мен шунчалар ношудман.

Муқаддас авлиё ўйланиб қолди.

— Улар сени алдамоқчи бўлганларми, йўқми — билмайман, билишимча улар ўзлари ҳеч нарса тушунмаганликлари учун ҳам сенга тушунтира олишмаган. Ҳокимлар ва мирзалар, — давом этди қоҳин, — худди армиядаги ўнликларга ўхшайди: ҳар ким ўзининг ўнлик гуруҳини билади ва шу ҳақда юқоридаги зобитларга ахборот беради, ҳар бири кичкина отрядни бошқаради, армия бош қўмондони тузган умумий дастурни билмайди. Музофотни бошқарувчилар в муншийлар ўз худудларида нималар бўлганини ёзиб борадилар ва ўз ҳисоботларини фиръавннинг оёқлари остига ташлайдилар. Фақатгина бош жамоат бу хабарларнинг қаймоғини ажратиб олади.

— Мен ҳам шу қаймоқни изляяпман! Нега уни менга беришмайди?..

Ментуфесус бошини ирғади.

— Давлат сирлари, — деди у, — қоҳинлар сири тоифасига киради. Унга фақат ўзини худоларга бахшида қилган одамгина эриша олади. Гарчи сени қоҳинлар тарбия қилган бўлсалар ҳам, эҳромлардан ўзингни олиб қочасан...

— Бу нима дегани? Демак, агар мен қоҳин бўлмасам ҳеч нарса ўргатмайсизларми?

— Сен тахт вориси сифатида айрим нарсаларни ҳозирдан билишинг мумкин. Яна шундай нарсалар ҳам борки, уларни фиръавн бўлганингда биласан. Аммо фақат олий қоҳинлар билиши мумкин бўлган нарсалар ҳам бор.

— Ҳар бир фиръавн бир вақтнинг ўзида олий қоҳин ҳам-ку, — гапини бўлди валиаҳд.

— Йўқ, ҳаммаси ҳам эмас. Бундан ташқари, олий қоҳинлар ҳам бир-биридан фарқ қилади.

— Демак, — қичқирди хафа бўлган валиаҳд, — сизлар мендан давлатни бошқариш санъатини яширяпсизлар. Мен эса отамнинг топширигини бажара олмайман!

— Қуйи табақали қоҳин мақомини олганинг учун айрим нарсаларни билишга ҳақлисан. Лекин у нарсалар эҳромлардаги пардалар ортига яширинган бўлади. Маълум маросимларни бажармай туриб пардани кўтаришга ҳеч ким журъат этмайди.

— Мен кўтара оламан!

— Бундай бахтсизликдан Мисрни худолар асрасин! — ҳайқирди қоҳин, қўларини осмонга кўтариб. — Маҳсус тайёргарликсиз пардага қўл тегизган одамни худолар мавҳ этишини ҳали билмайсанми! Яхшиси, бу ишни бирор қўлга ёки ўлимга ҳукм қилинган жиноятчига буюр. У одам ўша турганича жон беришига ишонч ҳосил қиласан...

— Чунки уни ўлдирасизлар!

— Агар шаккоклик билан меҳроб олдига келсак, ўша одам каби ҳар биримиз ҳам ўламир. Худо олдида фиръавн, қоҳин ва қул баробар.

— Нима қилишим керак? — сўради Рамсес.

— Рўза ва ибодат билан покланиб, эҳромдан жавоб излашинг керак, — жавоб қайтарди қоҳин. — Миср пайдо бўлгандан бери бирор ҳукмдор давлат сирларини бошқача йўл билан билиб олган эмас.

— Бу ҳақда ўйлаб кўраман, — деди шаҳзода, — зеро, олийзот Мемфрес, сен — авлиё пайғамбар, отамга ўхшатиб худоларга хизмат қилишга мажбурлаяпсизлар.

— Мутлақо. Агар сен фиръавн бўлиб, қўшинларга қўмондонлик қилсанг, бир йилда атиги бир неча марта ибодатларда қатнашасан, холос, бошқа ҳолларда бу ишни олий қоҳинлар бажарадилар. Мободо эҳром сирларини билмоқчи бўлсанг, у ҳолда худоларга иқтидо қилишинг керак, зероки улар донишлик манбалари ҳисобланадилар.

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

Энди Рамсесга ҳамма нарса равшан бўлди: у ё фиръавн топширигини бажаради ёки қоҳинлар иродасига бўйсунди. Кўнглидан ўтган бу туйғулар охир оқибатда нафрат ва газабга айланди.

У эҳромда яширин тутилган сирларни билишга ошиқмади, балки ўзи шарафига уюштирилган базмларда тинмай қатнашди.

Дарвоқе, кўнгилхушликларга суяги йўқ бўлган Тутмос ҳам келиб қолди. У шаҳзодага Саррадан хабар олиб қайтган эди. Сарра саломат ва бинойидек. Лекин бу хабар Рамсесни ҳаяжонлантирмас эди. Қоҳинлар бўлажак фарзанди ҳақида шундай башоратларни айтдиларки, унинг қувончи чексиз эди. Уларнинг гапига қараганда, Сарра ўғил туғади, болани худолар ярлақанган бўлади. Агар отаси уни яхши кўрса, катта бўлгач, ҳаётида улуғ мартабаларга эришади.

Валиаҳд мунажжимлар башоратининг иккинчи қисмига роса кулди. — Донишмандлар ажойиб бўладилар-да! — дерди у Тутмосга. — Мен отаси бўла туриб ўгил бўлишини билмаганим ҳолда улар аниқ айта оладилар ва мен уни яхши кўриш, кўрмаслигимни ҳам айтиб ўтадилар. Ваҳоланки, ҳатто қиз бўлса ҳам уни яхши кўришим аниқ. Унинг шонли келажаги тўғрисида қайғурмасалар ҳам бўлади. Бу ҳақда ўзим ғамхўрлик қиламан!..

Пахон (январ-феврал) ойида валиаҳд Ка музофотига келди ва уни ҳоким Сафро тантана билан кутиб олди. Она шаҳридан Атрибагача пиёда етти соатли йўл эди. Бироқ Рамсес бу саёҳатга уч кунни сарфлади. Ҳарамлар сирини билиш учун рўза тутиб, ибодат қилиш ҳақидаги фикр ёдига тушгани сайин базмларга мойиллик сезар эди. Зиёфат устига зиёфат берилганидан аъёнлари ҳам буни фаҳмладилар.

Ҳар галгидай унинг йўлига одамлар тўп бўлиб, шодон хитоблар ва гуллар билан чиқишарди. Узун бўйли қандайдир ишчи ҳатто ўзини гилдираклар остига ташлади. Рамсес отларни тўхтагишни буюрганида бир гуруҳ ёш аёллар унинг аравасини гулларга кўмиб ташладилар.

«Барибир, улар мени яхши кўрадилар», — ўйлади Рамсес.

Ка музофотида ҳокимдан фиръавн даромадларини сўрамади, ус-тахоналарга ҳам кирмади. Мирзаларни ҳисоботлар ўқишга мажбур қилмади. Чунки уларнинг гапидан ҳеч нарса тушунмаслигини биларди. Коҳинлар сирларини билиб олгунга қадар бу ишларни орқага суриб туришни маъқул кўрди.

Фақат бир сафар баландликда салобат тўкиб турган Собек худоси эҳромини кўриб, унинг минорасидан атрофни томоша қилиш истagini билдирди.

Ҳурматли зот Софра валиаҳднинг хоҳишини дарҳол бажарди ва Рамсес минора устида бир неча соат ҳузурланди.

Ка вилояти унумдор текисликдан иборат эди. Йигирмага яқин каналлар ва Нил дарёсининг тармоқлари кумуш ҳамда мовий иплардан тўқилган тўрга ўхшаб ҳар тарафга кесишган эди. Ноябрь ойида экилган қовун ва бугдой пишаётган эди. Далада бодринг тераётган ёки пахта экаётган яланғоч одамлар куймаланишарди. Уйлар тарқоқ ҳолда қурилган бўлиб, айрим жойларда бутун-бутун шаҳарчалар кўзга ташланарди. Қурилишларнинг аксарият кўпчилиги лойдан тикланган бўлиб, томлари пичан ва палма япроқлари билан ёпилганди. Лекин шаҳарларда ясси томли гиштин уйлар қад кўтарган ва улар оқ куббаларни эслатар, дераза ва эшиклари деярли кўриниб турарди. Бу уйларнинг устида кичикроқ уйлар, уларнинг ҳам устида янада чоғроқ уйлар қурилган бўлиб, ҳаммаси турли рангларга бўялган эди. Кенг майдонларга сочма усулда қурилган, палма ва заранг дарахтларига бурканган бу уйлар Мисрнинг заррин кўёши нурида қаҳрабо садафга ўхшаб кўринарди.

Баланд минорада турган Рамсеснинг эътиборини жозибали манзаралар ўзига торти, эҳромлар атрофидаги уйларнинг энг чиройли экани ва улар атрофида кўплаб одамлар ишлаётганига эътибор берди.

Коҳинларнинг мулкида бойлик кўп!..». — Рамсеснинг фикридан ялт этиб ўтди. Шу боисдан минорадан кўриниб турган эҳромлар ҳамда ибодатхоналарга яна бир бор разм солди.

Херихор билан ярашиб олгани, коҳинларнинг хизматига муҳтож бўлгани учун бу ҳақда узоқ ўйлаб ўтирмади.

Кейинги кунларда муҳтарам Софра Атриба шаҳрининг шарқий томонида бир неча марта ов уюштирди. Дастлаб каналлар устида учиб юрган қушларни камон билан отишди ва каттакон матраплар билан

тутишди ёки уларга бургут учиринди. Кейин валиаҳд ўз аёнлари билан шарқий саҳрога кириб бордилар ва итлар ҳамда қоплонлар билан ёввойи ҳайвонларга ов бошланиб, юзлаб жониворлар ўлдирилди ёки тириклайин ушланди.

Муҳтарам Софра кўнгиликлар ва очиқ ҳавода чодирда ётишлар валиаҳдни зериктирганини пайқаб, овни тўхтатди ва меҳмонлар билан Атрибага қайтишди.

Улар шаҳарга кундузи соат тўртларда етиб келдилар. Ҳоким ҳаммани саройида бўладиган зиёфатга таклиф этди.

Софра шаҳзодани ҳаммомга ўзи кузатиб борди ва у чўмилиб бўлганича баданга суртадиган хушбўй мойларни олиб, кутиб турди. Кейин валиаҳднинг сочини тартибга келтираётган сартарошдан кўз-қулоқ бўлиб турди. Ва ниҳоят тиз чўкиб, Рамсесга янги кийимлар берди. Либос ҳозиргина тўқилиб, тикилган кўйлақ. Пешгир, марваридлар ва зарҳал қадалган ёпинчикдан иборат эди. Ёпинчиқ пишиқ матодан бўлса ҳам шунчалар нафис эдики, уни битта кафтда сиқимлаш мумкин бўларди.

Валиаҳд лутф қилиб, ҳеч қачон бунақанги совға олмаганини билдирди.

Ҳоким валиаҳдни базм учун тузалган бинога олиб кирганида қуёш ботган эди.

Базм ўтадиган жой катта сарой бўлиб, салобатли устунлар ва безаклар билан ўралган эди. Бутун девор бўйлаб Софра авлодларининг ҳаётини акс эттирувчи суратлар солинган эди: урушлар, денгиз сажатлари ва ов жараёни. Том ўрнига тепада улкан капалак қанот қоқар, шу йўл блан кўздан яширилган қўллар ёрдамида ҳаво шамоллатиб туриларди. Устунларга ўрнатилган жез шамдонларда машғалалар атрофга ёқимли ҳид таратиб, пориллаб турарди.

Зал иккига бўлинган бўлиб, биттаси бўш, иккинчисига меҳмонлар учун овқатлар қалаштириб қўйилган эди. Ўртадаги супага чодир қурилган ва Рамсес учун дастурхон тайёрланганди. Ҳар бир қўйилган курсилардаги идишларга пальма, акация ва бошқа манзарали дарахтлар экилган баркашлар терилган, валиаҳднинг столи атрофи ифор таратувчи ўсимликлар билан ўралган эди.

Ийилганлар шаҳзодани қувноқ олқишлар билан кутиб олдилар. Рамсес маҳоба тагида ўрин олгандан сўнг унинг аёнлари ҳам жойларига бориб ўтирдилар. Арфалардан куй янгради. Залга шаффоф кийим кийган, олтин тақинчоқлар билан безанган ва очиқ кўксини намойиш қилган аёллар кириб келдилар. Тўрт нафар энг гўзал қизлар Рамсесни ўраб олишди, қолганлари аёнлар ёнидан жой олдилар.

Ҳавода атиргул, настарин ва сафсаргуллар иси анқиди. Рамсес чакларидида қон кўпираётганини аниқ ҳис эди. Оқ, пушти ва ҳаворанг кўйлақлар кийган эркак ва аёл қўллар ширинликлар, меҳмонларнинг бошларига кийишлари учун гулчамбарлар олиб кирдилар. Тепадаги улкан капалакнинг қанот қоқиши тезлашди. Залнинг бўш турган қисмида намойишлар бошланди. Унда раққосалар, нафис ҳаракат усталари, қизиқчи, кўзбўямачи ва қиличбозларнинг томошалари бошланди. Уларнинг қай бири ҳунарини эпчиллик билан намойиш эса, меҳмонлар бошларидаги чамбарлардан гуллар олиб ташлардилар, олтин узуклар ҳам улоқтиришарди.

Валиаҳднинг, ҳоким ҳамда унинг оиласи шарафига хитоблар билан бўлиниб турган тушлик бир неча соат давом этди. Олтин тирноқли арслон териси ёпилган ўриндиқда ёнбошлаб ётган Рамсесга тўрт нафар аёл хизмат қилди. Бири елпуғич билан елписа, иккинчиси унинг

бошидаги гулчамбарни янгисига алмаштирар, қолганлари овқат келтирардилар. Шаҳзода билан тез-тез гаплашиб турган аёл тушлик тамом бўлгандан кейин бир қадаҳ вино олиб келди. Қадаҳнинг ярмини ўзи ичган шаҳзода, қолганини аёлга узатди. Аёл винони ичиб бўлганидан кейин Рамсес унинг лабларидан ўпди.

Қуллар шу заҳоти чироқларни ўчирди, улкан капалак қанот қоқишдан тўхтади ва қоронғи залда жимлик ҳукм сурди. Фақат аёлнинг ноз билан кулгани сукунатни бузиб турди.

Шу пайт шошилиб қадам ташлаётган одамлар шарпаси ва эркак кишининг бўғиқ овози эшитилди.

— Қўйиб юборинглар мени!.. — бақирди эркак киши. — Қани ворис, қани ҳукмдор?..

Залда тўполон бошланди. Аёллар қўрқувдан йиғлашар, эркаклар бақиршарди:

— Бу нима?.. Валиаҳдга суиқасдми?! Ҳей, соқчилар!

Идишларнинг синган, курсиларнинг мажақланаётган товушлари эшитиларди.

— Қани валиаҳд? — бақирди бостириб кирган нотаниш одам.

— Соқчилар!.. Валиаҳдни ҳимоя қилинглари! — жавоб беришди залдаги овозлар.

— Чироқни ёқинглари!.. — Вориснинг жарангдор овози эшитилди. — Мени излаётган ким? Мен бу ердман!..

Хонага машъалалар олиб кирилди. Залда ағдарилган ва синган жиҳозлар сочилиб ётар, улар ортига базм иштирокчилари беркинган эдилар. Валиаҳд супада йиғлаётган аёлнинг қўлидан чиқиш учун юлқинарди. Ясама сочи тўзиб кетган Тутмос шаҳзодага яқинлашганни уришга тайёр ҳолда жез кўзани кўтариб турарди. Эшикда бир неча қуролланган аскарлар кўринди.

— Бу нимаси?.. Бу ерда ким бор?.. — бақирди ҳоким қўрқув аралаш.

Шу пайт тўполон сабабчиси кўринди. Баланд бўйли, лойга беланган, елкалари калтак зарбидан ёрилиб кетган қандайдир одам супанинг ёнгинасида тиз чўкиб, қўлларини валиаҳдга чўзганича турарди.

— Ана қароқчи! — қичқирди ҳоким. — Уни қўлга олинглари!

Тутмос кўзани боши узра кўтарди, эшик олдида турган аскарлар супа ёнига югуриб келдилар.

Яраланган одам супанинг зиналарига юзини қўйиб йиғлади:

— Раҳминг келсин, Миср қуёши!..

Аскарлар уни ушламоқчи бўлишганида аёллар қўлидан юлқиниб чиққан Рамсес бечоранинг ёнига келди.

— Тегманглари унга!.. — бақирди Рамсес аскарларга қараб. — Мендан нима истайсан? — деди дароз кишига.

— Камситилганимни сенга айтмоқчиман, олампаноҳ!..

Софра валиаҳдга яқин келиб, унинг қулоғига шивирлади:

— Бу одам — гипсос. Патак соқоли ва сочига қара. Бунинг устига шу ерга беҳаёларча бостириб киргани унинг асл мисрлик эмаслигини билдиради.

— Кимсан? — сўради Рамсес.

— Бакураман, Сехемдаги ер қазувчиларданман. Ҳозир бизда иш йўқлиги учун ҳоким Отой бизга буйруқ қилиб...

— У ичкиликбоз ва жинни!.. — ғазаб билан валиаҳднинг қулоғига шивирлади Софра. — Сен билан қандай гаплашишини қара, олампаноҳ!..

Лекин Рамсес ҳокимга шундай қарадики, амалдор таъзим билан орқага тисланди.

— Муҳтарам Отой сизларга қандай буйруқ берди? — сўради валиаҳд Бакурадан.

— Нил бўйлаб тўда-тўда бўлиб юришимизни, сенинг шарафингга ўзимизни сувга отишимизни, чорраҳаларда сени хитоблар билан кутиб олишимизни буюрди. Бунинг учун тегишли ҳақ тўлашини айтди... Мана, икки ой ўтдики, олампаҳоқ, биз ҳақимизни олганимиз йўқ! Арпа нони ҳам, балиқ ҳам, баданимизга суртиш учун зайтун мойи ҳам бермади.

— Бунга нима дейсан? — ҳокимга юзланди валиаҳд.

— Ичувчи ва босқинчи... Беҳаё ёлғончи!.. — жавоб берди Софра.

— Хўш, дарё бўйида менинг шарафимга нима деб хитоб қилгандинглар?

— Нимани буюришган бўлса! — деди дароз. — Хотиним ва қизим бошқа одамларга қўшилиб: «Абадий яшасин!» — дедилар. Мен эса сувга сақраб, сенинг қайиғингга гуллар отдим. Бунинг учун менга ярим дебен беришлари керак эди. Сен Атриба шаҳрига марҳаматли қадамингни қўйганингда буйруққа биноан отларнинг туёқлари остига ўзимни ташлаб, аравани тўхтатдим.

Валиаҳд хохолаб кулди.

— Чиндан ҳам, — деди у, — базмимиз бундай тугагини кутмаган эдим!.. Филдирак остига ўзингни ташлаганинг учун қанча пул тўлашди?

— Уч дебен ваъда қилишиб, менга ҳам, хотинимга ҳам, қизимга ҳам ҳеч нарса бермадилар. Бунинг устига бутун ер қазувчилар гуруҳини икки ой очликка маҳкум этдилар.

— Нима еб-ичиб тирикчилик қиляпсизлар?

— Хайр-эҳсон ёки деҳқонларга ишлаб бериш билан. Бундай оғир муҳтожликдан азобланиб уч марта исён кўтардик ва уйларимизга қайтмоқчи бўлдик. Лекин зобитлар ва мирзалар гоҳ ҳақ тўлашни ваъда қилишди, гоҳида калтаклашга буюрдилар...

— Мени шарафлаб қичқирганингиз учунми? — гап қистирди валиаҳд кулиб.

— Ҳа, жаноб... кеча бизда энг катта исён бўлди. Шунинг учун ҳоким Софра ҳар ўндан биримизни калтаклашга буюрди. Ҳамманинг бошида калтак синди, айниқса, мени кўпроқ уришди. Чунки мен бўйдорман. Уч оғизни — ўзим, хотиним ва қизимни боқишим керак. Калтаклар зарбидан қочиб, сенинг олдинда тиз чўккани ва арзимни айтгани келдим. Агар айбдор бўлсак сен ҳам калтакла, йўқса, мирзалар тегишли ҳақларимизни тўласин. Акс ҳолда биз хотин ва болаларимиз билан очликдан нобуд бўламиз.

— Шу телба!.. — бақирди Софра. — Менга қанчалик зарар етказганини кўриб қўйинг, ҳазрати олийлари. Бу сингари идиш-товоқ, кўзалар ва курсиларни ўн талантга ҳам ололмайман.

Секин-аста ўзларига кела бошлаган меҳмонлар орасида луқмалар бошланди.

— Бу қандайдир босқинчи бўлса керак!.. — шивирлашди меҳмонлар. — Қаранглар, у чиндан ҳам гиксос экан, унинг томирларида ҳали ҳам Мисрни ғорат қилган лаънати оталарининг қони кўпиряпти. Қандай қимматбаҳо жиҳозлар-а... Шунақа қимматли идишлар майдаланиб кетса-я!..

— Ҳақини ололмаган ишчиларнинг биргина исёни давлатга бундан ҳам катта зиён келтиради, — деди Рамсес жиддий оҳангда.

— Улуғ гап!.. Бу сўзларни ҳайкалларга ёзиб қўйиш керак!.. — овозлар янгради меҳмонлар орасида. — Исён одамларни ишдан қолдира-

ди ва шоҳнинг кўнглини гаш қилади... Ишчиларнинг икки ойлаб ҳақ ололмаслигига йўл қўйиб бўлмади...

Валиаҳд булутга ўхшаб ўзгариб турувчи сарой аҳлига нафрат билан қаради ва ҳокимга жиддий мурожаат қилди:

— Бу одамни сенинг ҳомийлигинга топшираман. Ишонаманки, унинг бирорта сочи ҳам тўкилмайди. Эртага барча ишчи гуруҳларни ўз кўзим билан кўриб, бу ерда айтилган гапларнинг қай даражада тўғри эканлигини билишни хоҳлайман.

Рамсес шундай деганича ҳоким ва меҳмонларни лол қолдириб ташқарига чиқди.

Эртасига Тутмоснинг ёрдамида кийинаётган валиаҳд ундан сўради:

— Ишчилар келишдимизми?..

— Ҳа, олампаноҳ, улар саҳардан бери буйруғингга мунтазир.

— Ҳалиги...Бакура-чи, у ҳам борми?

Тутмос афтини буриштириб жавоб қилди:

— Фалати ҳодиса юз берди. Муҳтарам Софра уни саройнинг бўш турган ертўласига беркитиб қўйишни буюрди. Кучга тўлган у аҳмоқ бўлса ёнидаги шароб сақланадиган ертўла эшигини синдириб ўтиб, бир неча қимматбаҳо кўзаларни синдирди ва шунчалар ичибдики, ҳатто...

— Нима, нима? — сўради Рамсес.

— Ўлиб қолди...

— Сен шу гапга ишонасанми? — ҳайқирди у. — Шаробдан ўлганига-я!

— Ишонишга тўғри келади, чунки бунга исбот йўқ, — деди Тутмос.

— Мен эса исботни қидириб топаман! — бақирди Рамсес. У газабланган шербачча каби ўкирганича хонанинг у ёқ-бу ёғига юрди. Шаҳзода тинчланиб бўлгандан сўнг Тутмос деди:

— Гувоҳ бўлмаган жойдан овора бўлиб уни қидирма. Ҳатто гувоҳ ҳам тополмайсан. Мабодо кимдир ҳокимнинг буйруғи билан уни бўғиб ўлдирган бўлса ҳам, барибир тан олмайди. Марҳум ҳам ҳеч нарса айтмайди. Дарвоқе, унинг ҳоким устидан шикоят қандай аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди. Бу иш юзасидан бирорта суд тергов бошланмаган бўларди.

— Агар мен буюрсам-чи.. — деди валиаҳд.

— У ҳолда тергов ўтказишиб, Софранинг айбсиз эканини исботлайдилар. Кейин ўзингга ноқулай бўлади. Барча ҳокимлар, уларнинг қариндошлари ва оила аъзолари сенинг душманингга айланадилар.

Шаҳзода хона ўртасида ўй суриб қолди.

— Ва ниҳоят, — давом этди Тутмос, — Бакурани ҳамма ичкилик-боз ёки жиннига чиқаради. Энг асосийси, у — келгинди. Агар ҳақиқий ва соф фикрловчи мисрлик бўлганида ҳатто унга йил бўйи ҳақ тўла-масдан калтаклашганида ҳам ҳоким саройига бостириб кириб, валиаҳдни фарёд солиб чақирган бўлармиди?..

Рамсес бошини куйи солди, кўшни хоналарда сарой аъёнлари борлигини кўриб паст овозда деди:

— Биласанми, Тутмос, мана шу сафарга чиққанимдан бери Миср кўзимга бошқача кўриниб қолди. Гоҳо ўзимга: Бошқа мамлакатда эмасманми? — деб савол бераман. Гоҳида эса юрагим безовта бўлиб, кўзларимни парда қоплагандай: ёнгинамда аблаҳликлар содир бўлади-ю, мен уларни кўрмайман...

— Уларни кўришга уринма. Бўлмаса хаёлингга ҳаммасини тош кониға бадарға қилиш фикри келиб қолмасин, — жавоб қайтарди Тут-

мос кулиб. — Шунинг эса тутки, ҳоким ва амалдорлар гўёки поданинг чўпонлари. Ахир улардан бири бир томчи сутни соғиб олгани учун ўлдириб юбормайсан-ку. Сенда қўйлар кўп, чўпонларни топиш эса амри маҳол.

Хукмдор кийиниб бўлгач, қабулхонага ўтди. У ерда аёнлар — қоҳин ва зобитлар, амалдорлар жам бўлган эдилар. Рамсес улар қуршовида сарой ичкарасини тарк этиб, ташқи саройга чиқди.

Кенг майдондаги заранг дарахтлари соясида ўтирган ишчилар валиаҳдни кутиб ўтиришарди. Дуд чалиниши биланоқ беш қаторга саф тортдилар.

Дабдабали аёнлари қуршовида келаётган Рамсес ер қазувчиларни узоқдан кузатиш мақсадида тўхтади. Улар оқ тумоқ ва лунги тақиб олган яланғоч одамлар эди. Қаторда жигарранг мисрликлар, қора ҳабашлар, сариқ осийликлар, Ливия ҳамда Ўрта денгиз бўйларида яшовчи оқ танлиларни ажратиб олиш қийин эмас эди. Биринчи қаторда чўқмор ушлаган, иккинчи қаторда кетмон, учинчисида белкурак кўтарган ер қазувчилар турардилар. Тўртинчи қаторни челақ ушлаган, бешинчи қаторни икки кишилик замбил тутганлар эгаллаган эдилар. Уларнинг вазифаси қазиб чиқарилган тупроқни ташишдан иборат эди.

Сафдан ўн қадамча олдинда усталар айлана чизғич, таёқлар ва бурчакли чизгичлар кўтариб турардилар.

Рамсес уларнинг ёнига келганида ҳаммаси бир овозда: «Абадий яша!» — деб, ерга бош қўйишди. Шаҳзода уларни ўрнидан туришга буюриб, диққат билан кўздан кечирди.

Ишчилар соғлом ва кучли эдилар. Афтидан икки ой давомида хайр-аҳсон билан кун кўрмаганга ўхшардилар.

Ҳоким Софра ўз аёнлари билан валиаҳдга яқинлашди, лекин Рамсес уни кўрмаганга олиб, усталардан бирига мурожаат қилди:

— Сизлар ер қазувчимисизлар?

У ерга йиқилганича жим қолди.

Рамсес елка қисиб, ишчиларга бақирди.

— Сехемдан келдингизларми?

— Биз сехемлик ер қазувчилармиз, — бир овоздан жавоб берди ишчилар.

— Ҳақ олдингизларми, олийҳазрат фиръавннинг қуллари.

— Олдик. Биз олийҳазрат фиръавннинг қуллари тўқ ва бахтлимиз, — деди жўр овоз дона-дона қилиб.

— Чап билан орқага ўгирилиш! — буйруқ берди валиаҳд.

Ишчилар ўгирилдилар. Деярли ҳар бирининг елкасида калтак зарбидан қолган эски чандиқлар бор эди.

«Мени алдашяпти!» — ўйлади валиаҳд. Сўнгра ишчиларни ётоқхонага боришларини буюрди. Ҳамон ҳокимни сезмагандай бўлиб, сарой томон кетди.

— Буларнинг сехемлик ишчилар эканига сен ҳам ишонасанми? — сўради Тутмосдан йўл-йўлакай.

— Улар ўзинга айтишди-ку! — деди Тутмос.

Рамсес от келтиришларини буюрди ва шаҳар ташқарисидаги бўлуклари томон кетди.

Тўлиқ кунни аскарларни машқ қилдириш билан ўтказди. Кун ярим бўлганида машқлар майдонида ҳокимнинг кузатувида бир неча ўнлаб юкчилар пайдо бўлдилар. Улар чодирлар, ашқол-дашқол, овқат ва шароб олиб келган эдилар. Бироқ валиаҳд уларни Атрибага қайтариб юборди. Аскарларга тушлик овқат бериш пайти келганида эса ўзига қоқланган гўшт ва арпа нони олиб келишларини тайинлади.

Аскарлар ёлланган ливияликлардан иборат бўлукни ташкил этарди. Кеч кирганида шаҳзода қурооларни жойига қўйишни буюриб, аскарлар билан хайрлашаётганида аскар ва зобитлар ақлдан озганга ўхшаб қолдилар. «Абадий яша!» ҳайқириқлари билан валиаҳднинг оёқ ва қўлларини ўпдилар, найза дастаси ҳамда ёпинчиқлардан замбил ясадилар ва қўшиқлар остида уни саройга олиб бордилар. Елкасида валиаҳдни кўтарганлар ўзларини гоёта бахтиёр ҳис этдилар.

Ҳоким ва маҳаллий амалдорлар ливиялик ёввойиларнинг валиаҳдга муҳаббати ва яқин муносабатларини кўриб безовталандилар.

— Мана буни ҳукмдор деса бўлади!.. — деди буюк мунший Софрага қараб. — Агар шаҳзода хоҳиш билдирса, улар бизни ва болаларимизни қилич билан чоғиб ташлаган бўлардилар...

Хафа бўлган ҳоким уф тортганича хаёлида худоларга илтижо қилиб, ўз паноҳларида асрашини сўради.

Ярим кечда Рамсес ўзига ажратилган саройга келганида хизматкорлар унинг жойини бошқа хонага кўчирганликларини билдирдилар.

— Нега энди?

— У хонада заҳарли илон кўришибди, яширинган жойини тоғиб бўлмади.

Янги ажратилган хобхона бинонинг чеккасида, ҳокимнинг уйига яқин эди. Хона тўртбурчак шаклида бўлиб, атрофи устунлар билан ўралган эди. Ганч билан ишланган деворлари рангли расмлар билан қопланган. Пастдаги расмларда туваклардаги гуллар акс эттирилган бўлса, юқоридагиларига дафна ва зайтун япроқлари чизилганди.

Хона ўртасида қора дарахт ёғочига фил суяги ва олтин суви қўшиб ишланган ўриндиқ турарди. Хобхона иккита хушбўй ҳид таратувчи машъала билан ёритилган. Устунлар тагига қўйилган кичик курсиларга овқатлар ва атиргул чамбарлари қўйилган эди. Шифтда эса мато билан тўсилган тўртбурчак тўйнуқ бор эди.

Рамсес чўмилиб бўлиб, юмшоқ ўринга ётди. Хизматкор ўзига ажратилган хонага кириб кетди. Машъалалар ёниб тугаётган эди. Хонада гуллар ҳидини таратиб салқин шабада эди. Юқорининг қаеридадир арфанинг майин товуши эшитилди.

Рамсес мато икки томонга сурилиб, оралиғидан Арслон туркумидаги юлдузлар, унинг ўртасида ёрқин юлдуз — Регул кўринди. Арфалар қуйи баландроқ янгради.

«Худолар меҳмонга келишяптимикин?» — ўйлади Рамсес кулимсираб.

Шифт оралиғида кўзни қамаштирмайдиган, лекин ёруғ шуъла пайдо бўлди. Бир оздан кейин юқорида гуллар билан безатилган ўриндиқ қўйилган олтин қайиқ кўринди. Унинг устунлари атиргул бойламлари билан ўралган, томи эса гулсафсар ва нилуфарлар билан ёпилган эди. Чилвирларига майсалар ўралган қайиқ ерга сассиз қўнди. Гуллар орасидан мисли кўрилмаган гўзал аёл яланғоч ҳолда чиқиб келди. Унинг бадани оқ мармардан йўниб ишланганга ўхшар, кахрабо товланишига ўхшаган сочлари хушбўй ҳид таратарди.

Қиз ҳаводан осилиб тушган қайиқдан чиқар экан, тиз чўкди.

— Софранинг қизимисан? — сўради валиаҳд.

— Топдинг, олампаноҳ...

— Шундай бўлишига қарамай, менинг ёнимга келдингми!..

— Отамни кечиришингни тилаб... У — бахтсиз!.. Тушдан бери ерга ётиб олиб, кўз ёши тўкяпти.

— Агар уни кечирмасам, сен кетасанми?

— Йўқ, — аста пичирлади қиз.

Рамсес қизни ўзига тортиб, эҳтирос билан ўпди. Шу тобда валиаҳднинг кўзлари ёнар эди.

— Лекин уни кечираман, — деди у.

— О, қандай сахийсан, — мамнуният билан деди қиз шаҳзодага ёпишиб. Кейин юзланиб деди:

— Ўша телба ишчи етказган зарарни ҳам қоплайсанми?

— Буйруқ бераман!

— Мени саройингга ҳам оласанми?

Рамсес унга тикилиб қаради.

— Оламан, сен жуда гўзалсан.

— Чинданми? — деди қиз унинг бўйнидан қучоқлаб. — Менга яхшироқ қара, мисрлик гўзаллар ичида тўртинчи ўриндаман, холос.

— Бу нима деганинг?

— Мемфисда ёки Мемфис яқинида биринчи хотининг яшайди. Бахтимга у яҳудий қизи. Сехемда иккинчиси...

— Бу ҳақда ҳеч нарса билмайман, — деди Рамсес.

— Оҳ, бегуноҳ қушча. Эҳтимол, Ондаги учинчисини ҳам бил-массан?

— У ҳам менинг хонадонимга тааллуқлими?

— Ношукур, — деди қиз эркаланиб, нилуфар гул билан Рамсеснинг кўксига урар экан. — Бир ойдан кейин менинг ҳақимда ҳам шундай дерсан... Лекин ўзимни хафа қилдириб қўймайман...

— Отангга ўхшабми?..

— Уни ҳали ҳам кечирмадингми? Билиб қўй, кетиб қоламан.

— Йўқ, қол, сен қол!..

Эртаси куни ҳукмдор Софра томонидан ўзининг шарафига уюштирилган байрамда иштирок этди. Музофотни яхши бошқараётгани ҳақида ҳамманинг олдида мақтади, маст ишчи томонидан келтирилган зарарни Она шаҳридан совға сифатида берилган жиҳозлардан бир қисми билан қоплади.

Совғаларнинг иккинчи қисмини сарой хоними сифатида ҳокимнинг гўзал қизи Арбат олди. Бундан ташқари, Рамсеснинг хазинасидан кийим-кечак, отлар ва чўрилар сотиб олиш учун беш талант беришга мажбур қилди.

Кечқурун ясанаётган Рамсес Тутмосга деди:

— Подшоҳ, менинг отам буюк ҳақиқатни очди — аёллар қиммат турадилар!

— Улар йўқ бўлса яна ёмон, — жавоб берди башанг.

— Лекин улар менда тўртта, бу ҳатто қандай бўлганини ҳам билмайман. Иккитасини бировга беришим мумкин...

— Саррани ҳамми?

— Уними, йўқ. Агар ўғил тугса.

— Мусичаларингга яхшигина сеп берсанг, эрлар ҳам топилади...

Валиаҳд яна эснади.

— Сеп тўғрисида эшитишни хоҳламайман, — деди у. — Ҳай-й-й, топдим, бу ердан чиқиб кетиб қоҳинлар ичида яшайман.

— Ростдан ҳам шундай ўйлаяпсанми?

— Мажбурман. Фиръавннинг камбағаллашиб қолиши сабабларини эҳтимол, улардан биларман. Ҳа-а-ай! Бўлди, ухлайман.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

Шу куни тахт ворисининг муҳтарам банкири Дагон ўз саройи равоқидаги ўриндиқда ётар эди. Каттакон қовоқларда ўстирилган гиёҳлардан хушбўй ҳид тараларди. Икки қора қул хожасини елпиб, сал-

қинлатарди, ўзи эса маймунни эркалаб, мирзанинг ахборотини эшитарди. Шу пайт қилич ва найза билан қуролланган, дубулга кийиб, қалқон тутган кул (банкирга ҳарбий аслаҳалар ёқарди) хабар берди: Мемфисда яшовчи финикиялик савдогар, азиз ва муҳтарам Рабсун ташриф буюрди.

Меҳмон чуқур таъзим билан кириб, Дагонга тикилиб қолган эди, у мирза ва қулларнинг чиқиб туришини буюрди. Кейин, эҳтиёткор одам бўлгани учун ҳамма бурчакларни текшириб кўриб, меҳмонга муурожаат қилди:

— Энди гапирса бўлади.

— Тир шаҳридан княз Хирамнинг келгани ўзларига маълумми?

Дагон ўрнидан сакраб турди.

— Ўзингниям, князингниям мохов йўқ қилсин! — ўшқирди у.

— У менга Ўрта денгизда тушунмовчилик юз берганини айтиб берди, — деди совуққон меҳмон.

— Тушунмовчилик деб нимани айтилади? — ўшқирди давом этди Дагон. — У қароқчи мени тўнади, горат қилди, касодга учратди... Тирликлар юртидан кумушлар олиб келиш учун кетаётган кемаларимни гарбга жўнатганимда ўша ярамас Хирамнинг денгизчилари кемаларимга ўт ташлаб, саёз жойга ботириб қўймоқчи бўлди... Оқибатда барча кемаларим куйган, синган ҳолда қуруқ қайтдилар... Ўзини само оловлари ёндирсин! — қутурган ҳолда гапини тугатди судхўр.

— Агар унинг сиз жанобларига фойдаси тегадиган иши бўлса-чи? — сўради совуққон меҳмон.

Дагоннинг юрагида ҳайқириб турган бўрон тинди.

— Менга фойдаси тегадиган қандай иш бўлиши мумкин? — деди у хотиржам оҳангда.

— Ўзи айтар, лекин бунинг учун сиз билан учрашмоғи керак.

— Бўпти, келаверсин.

— Унинг ўйлашича, сиз унинг ёнига боришингиз керак. Чунки у Тир шаҳри Олий кенгаши аъзоси.

— Унинг ёнига борганимдан кўра ўлганим яхши!..

Меҳмон ўзи ўтирган курсини Дагон ётган ўриндиққа яқинроқ сурди ва унинг сонига шапатилаб қўйди.

— Дагон, — деди у, — ақлингни йиғиб олсанг бўларди.

— Нега энди ақли бўлишимни айтиб, мени сизламаяпсан?

— Жинни бўлма, Дагон, — жавоб қилди меҳмон, — у сенинг ёнига келмаса ёки сен унинг ёнига бормасанг, у ҳолда қандай қилиб келишасизлар?

— Жинни сенсан, Рабсун! — банкир яна жаҳл отига минди. — Агар топадиганимнинг ярмидан ажралсам ҳам бормайман, агар борсам, қўлим узилиб тушсин.

Меҳмон ўйланиб туриб деди:

— Бу — ақли гап. Энди бундай қиламиз: сен менинг уйимга бор, Хирам ҳам шу ерга келади. Менинг уйимда ҳамма нарсани келишиб оласизлар. Дагон бошини ёнбош қилиб, кўзларини қисиб сўради:

— Ҳой Рабсун, тўғрисини айт, бу хизматинг учун қанча олдинг?

— Нима учун?

— Сеникига бориб, ўша аблаҳ билан келишиб олишим учун.

— Бу иш бутун Финикияга дахлдор ва бу ишдан фойда кўзлаганим йўқ, — деди Рабсун хафа бўлиб.

— Агар гапларим тўғри бўлса ҳақларинг унмасинми!

— Майли, агар мен шу ишдан фойда олсам ҳечам унмасин! Фақат Финикия бундан зарар кўрмаса бўлгани! — газаб билан бақирди Рабсун.

Улар шу ҳолатда ажралишди.

Кечга яқин Дагон олти нафар қуллар кўтариб юрадиган тахтиравонга ўтирди. Олдида машъала ва белгилар кўтарган икки қул чопиб борар, ҳаммаёғига қуроллар осган тўрт нафар қул тахтиравон кўтарган эди. Дагон кейинги вақтларда ўзини жангчи ҳис этиб, атрофида қуроллилар юришини ёқтирарди.

Манзилга келгач, у икки қул ёрдамида тахтиравондан виқор билан тушди (учинчиси соябон тутган эди) ва Рабсуннинг уйига кирди.

— Қани у... Хирам? — баландпарвозлик билан сўради уй эгасидан.

— Бу ерда йўқ.

— Нима, уни кутишим керакми?

— Бу хонада йўқ. У учинчи хонада, хотинимнинг ёнида,—жавоб берди хўжайин. — Ҳозир у меҳмон бўляпти.

— Мен у ерга кирмайман, — деди судхўр, ўриндиққа жойлашар экан.

— Кўшни хонага кирасан, холос, у ҳам ўша хонага киради.

Бир оз тортишганларидан сўнг Дагон ён берди ва уй эгаси кўрсатган хонага кирди. Бир вақтнинг ўзида кейинги хонадан зарбоф кийимли, бошига олтин ҳалқа кийган сийрак соқолли, ўрта бўйли одам чиқди.

— Мана бу киши, — деб гап бошлади ўртада турган уй эгаси, — азиз княз, Тирнинг олий кенгаши аъзоси Хирам жаноблари. Бу киши эса Қуйи Миср ҳукмдори ва тахт вориси муҳтарам жаноби олийларининг банкири, ҳурматли Дагон.

Икки ҳурматли меҳмонлар қўлларини кўксига чалиштириб, бир-бирларига таъзим қилдилар ва хона ўртасидаги алоҳида курсиларга ўтирдилар. Хирам бўйнида осилиб турган катта олтин нишонни кўрсатиш учун кийимини сал очди. Унга жавобан Дагон ҳам шаҳзода Рамсесдан олган катта олтин занжирини ўйнай бошлади.

— Мен Хирам бўламан, — деди чол, — сизни олқишлаш бахтига муяссарман жаноб Дагон ва сизга битмас бойлик ҳамда ишларингизда омад ёр бўлишини тилайман.

— Мен Дагон, сизни олқишлайман, жаноб Хирам. Сизга ҳам ўзингиз менга изҳор этган тилакларни тилайман.

— Нима, сиз мен билан баҳслашишни хоҳлаяпсизми? — унга ташланди Хирам.

— Қани баҳслашганим?.. Рабсун, сен айтгин, ҳозир баҳслашяпманми? — эътироз билдирди Дагон.

— Майли, тақсир, яхшиси иш ҳақида гаплашинглар, — тинчлантиришга уринди уй эгаси.

Бир дақиқа ўйланиб қолган Хирам шундай деди:

— Сизнинг Тирдаги дўстларингиз қизгин саломлар айтиб юборишди.

— Улар бундан бошқа нарса жўнатишни билишмайди, — жавоб берди кулимсираган Дагон, овозини баландлатиб.

— Жим!.. Баҳслашманглар!.. — гапга аралашди мезбон.

Хирам бир неча марта уф тортиб деди:

— Тўғри, биз тортишмаслигимиз керак. Финикиянинг бошига оғир кунлар тушяпти...

— Нима, Тир билан Сидонни денгиз босдимми?.. — масхараомуз сўради Дагон.

Хирам бир туфлаб олиб сўради:

— Бугун нимадан бунчалар газабдасиз!

— Мени «муҳтарам зот» демагунларича доимо газабдаман.

— Бўлмаса сиз нега мени «қимматли» демаяпсиз?.. Ахир мен бек бўлсам керак!..

— Финикияда шундайдирсиз, — деди Дагон, — лекин Ассирияга ўтибоқ гаплашадиган одамнингиз қабулхонасида уч кунлаб кутасиз. Қабул қилишганларида эса ҳамма финикиялик савдогарлар сингари қорнингиз билан ерга ётасиз.

— Сизни қозикқа ўтқозиши мумкин бўлган ёввойиларни кўрганнингизда нима қилган бўлардингиз?.. — бақирди Хирам.

— Нима қиларимни билмайману, лекин Мисрда тахт вориси, ҳозирда ҳукмдор бўлган одам билан бир ўриндиқда ўтирибман.

— Яхшиси келишинглар, ҳурматли зот!.. Гапни келишувга бурилинглар, муҳтарам зот!.. — келиштирди мезбон.

— Келишув!.. Мен келишдим, финикиялик бу жаноб оддийгина сотувчи, лекин менга ҳурмат билан муносабатда бўлмаяпти... — бақирди Дагон.

— Менинг юзта кемам бор!.. — баландроқ бақирди Хирам.

— Муқаддас фиръавннинг кўлида йигирма минг шаҳар, шаҳарча ва қишлоқлар бор!

— Сиз ҳамма ишни, бутун Финикияни барбод қилиясиз! — гапни бўлди Рабсун, овозини баландлатиб.

Хирам муштларини қисди-ю, лекин индамади.

— Бироқ сиз билишингиз керак, олий зот, — деди у бир дақиқадан кейин Дагонга мурожаат қилар экан, — ўша йигирма минг шаҳардан фиръавнга тегишли бўлгани анча камроқ.

— Сиз қимматли инсон, айтмоқчисизки, — жавоб қилди Дагон, — етти минг шаҳар ҳарамларга ва етти минги таниқли амалдорларга тегишли, шундайми?.. Ҳар ҳолда қолган етти минги подшоҳга бутунлигича тегишли-ку.

— Унчалик эмас! Агар, ҳурматли зот, қоҳинларга гаровда бўлган уч минг, бизнинг финикияликлар ижарага олган икки мингга яқин шаҳарни айриб ташласангиз...

— Ўзлари тўғри айтдилар, — рози бўлди Дагон, — бари бир ўшанда ҳам фиръавнга икки мингга яқин бой шаҳарлар қолади.

— Сизни жин чалибди!.. — ўз навбатида тўнғиллади Рабсун. — Фиръавн шаҳарларини санаб ўтирасизми, уни...

— Жим!.. — пичирлари Дагон курсидан сакраб туриб.

— Финикия устида фалокат осилиб турганида!.. — сўзини тугатди Рабсун.

— Қандай фалокат эканлигини менга ҳам айтинг, ахир, — гапни бўлди Дагон.

— Хирам гапни тугатсин, ўшанда билиб оласан, — деди мезбон.

— Майли, гапирсин...

— Асархаддон оғамизнинг «Кема ёнида» меҳмонхонасида рўй берган воқеа сиз, олий зотга маълумми? — сўради Хирам.

— Майхона эгаларидан танишим йўқ!.. — кесатди Дагон.

— Жим бўл! — бақирди жаҳли чиққан Рабсун, ханжарига қўл югуртириб, — худди уйқусираб аккиллаган кўпакка ўхшайсан...

— Нега у... У суякфуруш хафа бўляпти?.. — жавоб қайтарди Дагон ҳам пичоғига ёпишиб.

— Жим!.. — Уларни тинчлангирди оқсоқол бек ҳам кўлини белбоғига юбориб.

Бир дақиқадаёқ ҳар учовининг бурун катаклари кенгайиб, кўзлари ялтиради. Ниҳоят ҳаммадан олдин тинчланган Хирам ҳеч нарса бўлмаганидек гап бошлади:

— Бир неча ой муқаддам Асархаддоннинг меҳмонхонасида Харран шаҳридан келган қандайдир Пхут исмли киши тўхтаган.

— У қандайдир қоҳиндан беш талант ҳақини олиш учун келган, — гап қистирди Дагон.

— Кейин нима бўлди? — сўради Хирам.

— Ҳеч нарса. Бир қоҳинани баҳона қилиб, унинг маслаҳати билан қарздорни излаб топиш учун Фивага борди.

— Ақлинг гўдакчалик, тилинг эса сергап хотиннинг тилидай... — деди Хирам.

— Ўша харранлик аслида харранлик эмас, халдей эди. Унинг исми Пхут эмас, Бероэс...

— Бероэс?.. Бероэс?.. — жирканиш билан такрорлади Хирам. — Бероэс Бобилнинг доно қоҳини, ассирия князлари, ҳаттоки шоҳнинг ҳам маслаҳатчиси.

— Кимнинг маслаҳатчиси бўлса бўлсин, лекин фиръавнники бўлмаса бас... У билан нима ишим бор? — сўради судхўр.

Рабсун курсидан ирғиб турди-да, муштини Дагоннинг бурнига яқин олиб келиб бақирди:

— Сен фиръавн ювиндихонасида боқилган итсан. Мен Мисрга бефарқ бўлганимдек, сен ҳам Финикияга шундайсан... Агар имконинг бўлса бир дирҳамга ватанингни ҳам сотасан. Кўпак!.. Моҳов!..

Дагоннинг ранги оқариб кетган бўлса ҳам ўзини босиб жавоб қайтарди:

— Бу баққол нималар деяпти, ўзи! Ўғилларим Тирда денгизчилик касбини ўрганишяпти, қизим эри билан Сидонда яшайди. Ярим бойлигимни, гарчи ўн фоиз фойда олсам ҳам, олий кенгашга бахшида қилдим. Бу баққол эса Финикия билан сенинг ишинг йўқ, дейди... Қулоқ сол, Рабсун, — қўшимча қилди у, — хотинингга, болаларингга ва ота-боболарингнинг суяқларига тилагим шуки, улар ҳам мен Финикиянинг ҳар бир кемасига, Тир, Сидон, ҳатто Зарват ҳамда Ашибунинг ҳар бир тошига ғамхўрлик қилганимдек, меҳрда бўлишсин.

— Дагон ҳақ гапни айтяпти, — деб қўйди Хирам.

— Финикия ҳақида ғамхўрлик қилмаяпманми? — давом этди банкир, яна қизишиб. — Қанчалаб финикияликларнинг бойиб олишлари учун шу ёқларга тортдим. Менга бундан фойда бўлди?.. Хирам иккита кемамни яроқсиз қилди ва мени қанча даромаддан қолдирди. Финикия масаласига келсак, мана, мен у билан бир хонада ўтирибман...

— Чунки сен, иккаловингизнинг суҳбатингиз кимнидир бошлаб алдаш билан боғлиқ бўлади, деб ўйлаган эдинг, — пичинг қилди Рабсун.

— Ўлим ҳақида ҳам шундай ўйлагин, ахмоқ!.. — гапдан қолмади Дагон. — Мен гўё ҳеч нарса билмайдиган гўдакдайман. Гўё Хирам Мемфисга савдо иши билан келмагандай. Эҳ, Рабсун!.. Менда икки йил отхона тозаловчи бўлиб ишлашинг керак эди...

— Бас!.. — бақирди Хирам, хонтахтани муштлаб.

— Бу халдейлик қоҳин билан гапимиз ҳеч қачон қовушмайди. Ҳақорат эшитмагандай совуққон туришини қара.

Хирам томоқ қириб олди.

— Ҳақиқатан ҳам. Унинг Харранда ери бор, — деди у, — унинг номи ўша ёқларда Пхут бўлиб юради. У хеттлик савдогарлардан сидонликларга аталган хатлар олган. Шунинг учун ҳам карвонимиз уни бирга олиб юради. Ўзи финикийчани яхши гапирди, ҳақни ҳам ҳалол тўлайди, ортиқча нарса талаб қилмагани учун у одамларимизга ёқиб қолди. Лекин, — давом этди Хирам, соқолини қашлаб, — агар шер ҳўкиз терисини ёпиниб олгудек бўлса, барибир, думининг учи кўри-

ниб туради. Пхут ўта ақлли бўлиб, ўзини қатъий тутган бўлса ҳам, карвонбоши унинг юқларини зимдан текшириб кўрган. Ашторет илоҳасининг тасвири туширилган нишондан бошқа арзигулик нарса топилмаган. Туморни кўрган заҳоти карвонбошининг юраги тўхтаб қолди. Хеттлик одамда Финикия нишони нима қилади?.. Сидонга келибоқ бу ҳақда катталарга хабар берди ва шундан бошлаб махфий миршабхонамиз Пхутдан кўз узмади. Бироқ у ақлироқ чиқиб қолди. Сидонда бир неча кун яшаганига қарамай ҳамма уни яхши кўриб қолди. У ибодатлар қилди, Ашторет илоҳасига қурбонликлар келтирди, олтин билан ҳақ тўлади. Қарз бермади ва қарз ҳам олмади, фақат финикияликлар билан мулоқотда бўлди. Хуллас, ҳамманинг кўзига парда тўсиб қўйдики, кетидан кузатув бўшаши ва у осонгина Мемфисга етиб олди. Бу ерда ҳам катталаримиз уни кузата бошлади, лекин ҳеч нарсани сезмадилар. Фақат шаҳарда яшовчи харранлик каттароқ одам, деб тахмин қилинди. Аммо Асрхалдон унинг изидан борди — аниқроғи унинг пойига тушди. Гўёки ўша Пхут туни билан бу ерда катта эътиборга молик бўлган Сета эҳромида тунни ўтказган эмиш.

— У ҳарамда олий қоҳинлар муҳим кенгаш ўтказганларидагина йиғиладилар, — деди Дагон.

— Бу ҳам ҳеч нарса эмас, — давом этди Хирам. — Яқинда савдогарларимиз Бобилдан галати хабар олиб келишди. Бобил мулкдорларидан бири яхшигина ҳадя эвазига Финикияда фалокат рўй беришини айтибди... «Сизларни ассирияликлар ўзларига қўшиб олади, — дебди ўша сарой одами бизнинг савдогарга, — исроилликларни эса мисрликлар оладилар. Халдейлик буюк қоҳин Бароэс фивалик қоҳинлар билан музокаралар олиб бориш учун юборилган». Сизлар билишингиз керак бўлган нарса шуки, — давом этди Хирам, — Халдей қоҳинлари Миср қоҳинларини ўз оғалари деб биладилар. Модомики, Бароэс Ассур шаҳри саройида катта таъсирга эга экан, бу ҳақдаги миш-мишлар ҳақиқатга яқинроқдир.

— Ассирияликларга Финикиянинг нима кераги бор? — сўради Дагон тирноғини ғажир экан.

— Ўғрига бегона омбор нимага керак? — қўшилди ўйланиб турган Рабсун.

— Аҳмоқсан!.. — эътироз билдирди Дагон. — Ахир фиръавн қоҳинлар ўз кенгашларида ҳал қилган ишларни бажаради-ку.

— Фиръавн билан ҳам шартнома бўлади, ташвиш тортманглар, — гапни бўлди Хирам. — Ассирия элчиси Саргоннинг катта аёнлар ва совғалар билан Мисрга келиши Тирда маълум бўлган. Гўё у Мисрда бўлиб, вазирлар билан Миср ҳужжатларида Ассириянинг фиръавнларга инъом тўламаслиги ҳақида ёзилганини билгани келишармиш. Ҳақиқатда эса денгизимиз ва Евфрат дарёси оралиғидаги мамлакатни бўлиб олишга аҳдлашиш учун келяпти.

— Ҳаммаси даф бўлсин! — сўкинди Рабсун.

— Бу ҳақда қандай фикрдасан, Дагон? — сўради Хирам.

— Агар, чиндан ҳам сизларга Ассир хужум қилса қандай тадбир қўллаган бўлардингизлар?

Хирам ғазабдан титраб кетди.

— Нима?.. Унда биз оилаларимиз ва мулкларимиз билан кемаларга ўтириб уларга вайроналар ва қулларнинг сасиган мурдаларини қолдирамиз... Финикиядан бошқа янги ватан бўла оладиган катта ва гўзал мамлакатларни билмас эканмизми?..

— Бундай охирги чорадан худоларнинг ўзлари асрасин! — деди Дагон.

— Гап шунда-да. Бугунги Финикияни батамом йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолиш керак, — давом этди Хирам. — Сен эса, Дагон, бунинг учун кўп нарсага қодирсан.

— Масалан, нималарга?

— Коҳинлардан суриштириб, Бароэсинг улар ҳузурда бўлиши ва шартнома тузиши ҳақида бирор нарса билишинг мумкин.

— Бу ўта қийин иш! — шивирлаб деди Дагон. — Лекин ҳамма гапни айтиб берадиган ўшандай коҳинни топишга имконим бўлар.

— Саройдагилар орқали Саргон билан шартнома тузилишига халақит беришинг мумкинми? — гапида давом этди Хирам.

— Бу ҳам мураккаб иш. Бир ўзим бунинг уддасидан чиқа олмайман.

— Сенга ёрдам бераман. Олтинларни эса Финикия олиб келади. У томонларда ҳозир олтинлар тўпланяпти.

— Ўзим ҳам икки талант бердим, — ярим овоз билан деди Рабсун.

— Мен эса ўн талант бераман, — деди Дагон. — Бироқ бу меҳнатим учун нима оламан?..

— Нима?.. Айттайлик, ўнта кема, — жавоб қилди Хирам.

— Ўзинг қанча ишлаб оласан? — сўради Дагон.

— Озлик қиляптими? Майли, ўн бешта кема оласан.

— Сендан қанчага ишлаб оласан, деб сўраяпман? — гапида туриб олди Дагон.

— Хўп, йигирмата кема бўладими?

— Ҳа, бўпти. Қўшимча равишда кумуш олинадиган мамлакатга йўлни ҳам кўрсатиб қўясизлар.

— Кўрсатамиз.

— Қалайи қазиб оладиган жойларингизни ҳамми?

— Майли розимиз...

— Каҳраболар бор жойни ҳамми? — яқунлади Дагон.

— Бирмас-бирда жонинг чиқиб кетсин! — деди княз Хирам, қўлини унга узатар экан. — шарт шуки, аввалги иккита кеманг учун менга жаҳл қилмайсан...

Дагон хўрсинди.

— Эсдан чиқаришга уриниб кўраман. Бойлигим қанчалар кўп бўлмасин, ўшанда кемаларимни ҳайдаб юбормаганингизда!..

— Бўлди энди!.. — гапга аралашди Рабсун. — Финикия ҳақида гап-лашинглар.

— Бароэс ва шартнома ҳақида кимдан суриштириб биласан? — сўради Хирам Дагондан.

— Бу ҳақда сўрама. Бу ҳақда гапириш хавфли. Чунки бу ишга коҳинлар аралашган.

— Шартнома тузилишига ким орқали халақит берасан?

— Менимча... Менимча, эҳтимол валиаҳд орқали. Менда унинг кўплаб тилхатлари бор.

Хирам қўлини осмонга кўтарди.

— Валиаҳд? Жуда соз. Ахир у фиръавн бўлади ва эҳтимолки, яқин кунларда...

— Жим... — уни тўхтатди Дагон, хонтахтага мушт уриб. — Бу гап-ларинг учун тилинг узилиб тушсин?

— Мана сенга, — деди Рабсун, муштини судхўрнинг бурнига тутиб.

— Нодон савдогар! — деди Дагон истеҳзоли кулиб. — Сен, Рабсун, давлат ишларига бурнингни суқиш ўрнига кўчада қоқи балиқ билан сув сотганинг маъқул. Мисрда беш йил яшаган сендек одамдан буқанинг ифлос туёғи ҳам ақллироқ!.. Тўнғиз қўпгур!

— Жим туринглар, — яна аралашди Хирам. — Фикримни охирига-ча етказишга қўймайпсизлар.

— Гапир, зеро сен кўнглимга ёққан донишмандсан.

— Модомики сен, Дагон, валиаҳдга таъсир ўтказа олар экансан, бу — яхши, — давом этди Хирам. — борди-ю, валиаҳд Ассирия билан битим тузмоқчи бўлса, буни қонимиз билан ўз теримизга ёзиши мумкин. Агар у Ассирия билан урушишни хоҳласа, қоҳинлар ҳамма худоларни ёрдамга чақирганида ҳам ўз мақсадларига эришадилар.

— Бекорчи гап! — эътироз билдирди Дагон. — Агар қоҳинлар астойдил хоҳласалар, шартнома тузилади. Эҳтимол, улар буни хоҳлашмас...

— Худди шунинг учун ҳам, Дагон, — давом этди Хирам, — ҳамма саркардаларни ўз томонимизга тортишимиз керак.

— Буни эпласа бўлади...

— Ҳокимларни ҳам...

— Уни ҳам уддаласа бўлади.

— Тахт ворисини ҳам, — давом этди Хирам. — Лекин, агар бир ўзини Ассирия билан урушга кўндирсанг, ҳеч қандай иш чиқмаслиги мумкин. Инсон ҳам арфага ўхшайди: унинг торлари кўп, уни ўнта бармоқ билан чалиш мумкин. Сен эса, Дагон, биттагина бармоқсан, холос.

— Ўзимни ўн бўлак қилолмайман-ку.

— Тўғри, лекин сен бошқа бармоғи бор қўл бўлишинг мумкин. Шундай қилгинки, урушни хоҳлашингни ҳеч ким билмасин. Шу билан бирга, валиаҳднинг ҳар бир ошпази ҳам урушни ёқласин, ҳар бир сартарош хоҳласин, ҳаммомчилар, ҳаммоллар, мирзалар, зобитлар, аравакашлар — хуллас ҳамма-ҳамма урушни ёқлаб, тинимсиз гаплашсинлар. Валиаҳд бу гапларни эртадан-кечгача, ҳатто уйқусида ҳам эшитсин.

— Шундай бўлади ҳам.

— Унинг ўйнашларини биласанми? — сўради Хирам.

Дагон қўл силтади.

— Нодон қизлар, — жавоб қилди у. — Фақат пардоз-андоз ҳақида ўйлайдилар. Ўша пардоз матоҳларини Мисрга ким олиб келаётгани билан уларнинг иши йўқ.

— Унга ҳозирги гапларни биладиган бир ўйнашни рўпара қилиш керак, — деди Хирам.

— Унақасини қаердан топамиз? — савол ташлади Дагон. — Дарвоқе, бор! — хитоб қилди у. — Ашторет илоҳасининг қоҳинаси Камани биласанми?

— Нима? — гапини бўлди Рабсун, — муқаддас илоҳанинг қоҳинаси мисрликка ўйнаш бўладими?..

— Нима, у сенинг ўйнашинг бўлиши керакми? — деди Дагон. — Агар уни саройга яқинлаштирсак ҳатто олий қоҳина даражасига кўтаришимиз мумкин.

— Бу гапинг тўғри, — маъқуллади Хирам.

— Ахир бу шаккоклик-ку!.. — хафа бўлди Рабсун.

— Нима бўпти, қоҳина ишни битиргандан кейин ўлиб қолиши мумкин, — қўшиб қўйди қари Хирам.

— Бу ишимизга анави яҳудий қизи Сарра халақит бермаса бўлгани, — деди бир дақиқа ўйланиб турган Дагон. — У қиз валиаҳд ҳозирданоқ яхши кўраётган фарзанд кутяпти. Мободо ўғил туғилгудай бўлса, бу ишлар орқага сурилади.

— Сарра учун пул топилади, — баён қилди Хирам.

— У ҳеч нарса олмайди!.. — ғазабланди Дагон. — У ярамас қиз мен олиб борган олтин қуббани ҳам олмади.

— Алдамоқчи бўляпти, деб ўйлагандир, — гап қистирди Рабсун. Хирам бош чайқади.

— Ташвиш қиладиган жойи йўқ, — гап бошлади у, — олтин кирган жойга ота ҳам, она ҳам, ўйнаш ҳам киради... Ўйнашлар қаерларга кириб бормаган — кириб боради...

— Пичоқ... — пишқирди Рабсун.

— Заҳар... — қичқирди Дагон.

— Пичоқ ишлатиш жуда қўпол иш, — яқунлади Хирам. У соқолини силаб, ўйланиб қолди, ниҳоят ўрнидан туриб, қўйнидан Ашторет илоҳаси тасвири туширилган тумор ўтказиб олинган ялтироқ тасмани олди, кейин белбоғидан пичоқ чиқариб, тасмани уч қисмга бўлди ва туморлар ўтказилган икки бўлагини Дагон ҳамда Рабсунга берди.

Сўнгра учаласи бурчакда турган маъбуда ҳайкали томон чиқишди, қўлларини кўксига чалиштиришди ва Хирам ярим овозда, лекин аниқ қилиб деди:

— Ҳаётимиз онаси, сенга қасам ичиб айтамикки, шу келишувимизни дам олишни тарк этиб, муқаддас шаҳарларимизни душмандан ҳимоя қилишга сўз берамиз. Фанимларимизни очлик, ўлат ва олов ўз бағрига олсин! Мободо қай биримиз қасамни бузсак ёки сирни бировга айтсак, унга барча ҳалокатлар, шармандаликлар ёғилсин... Ичини очлик тилка-пора қилсин, қон тўлган қўзларига уйқу келмасин. Унга ёрдам берувчиларнинг қўллари узилиб тушсин. Дастурхонидаги нони чириб кетсин, виноси сассиқ сувга айлансин. Туққан болалари қирилиб кетсин, уйига харомзодалар тўлиб кетиб, уларнинг юзларига тупурсинлар. Ўзи эса ёлғизликда хор-зор бўлиб ўлсин, жасадини ер ҳам, сув ҳам қабул қилмасин, олов ҳам ёндирмасин, ҳатто йиртқичлар ҳам емасин... Шундай бўлсин!

Ана шундай даҳшатга тўла қасамларнинг ярмини Хирам айтиб турди, ярмини эса учовлон жазавадан титраган овозлар билан такрорладилар. Меҳмонлар нафасларини ростлаб олгач, Рабсун уларни овқатга таклиф этди. Шароб, мусиқа ва раққосалар бўлғуси ишларни вақтинча эсдан чиқаришга мажбур этди.

Биринчи китоб тугади.

*Русчадан
Абдулла КОМИЛ
таржимаси*

Меҳрга муҳтож хилқат

Табиат ва тамаддун борасида ўйлар

Талабалик йилларим эсимда. Баҳор авж палласига етган пайтларда юрагим орзиқа бошларди. Дарҳол қишлоққа бориш тарадудини кўрардим. Улгуришим керак, дердим ичимда ўз-ўзимга. Нимага улгуришим кераклигини сизга айтсам: лола сайлига – лола теришга!

Ҳали оқ либосини кифтидан ташламаган тоғлар қадар тўшалган ям-яшил қирлар баҳор эпкинида тиниқ денгиз сатҳидек мавжланарди бу дамлар. Баҳор ўртасидаги бир ҳафта-ўн кун ичида бу кенгликлар аланга олган каби ял-ял товланардики, бу паллада қизил лолалар қийғос очилган бўларди! Биз, қишлоқ болалари, бу маъвода лолалар теришни ҳар баҳорда одат қилгандик. Зангори ҳаволи ажиб кенгликларда лолалар гулханини кечиб югурар эканмиз, улар орасида энг яхшилари ташлашга ҳаракат қилар ва қучоғимиз тўлганида майсалар, турфа хил гиёҳлар гиламига ўзимизни ташлаб, нафасимизни ростлардик. Чалқанча ётганда оҳиста сузиб бораётган беҳад-беҳисоб оппоқ булутлардан кўз узмай, осмоннинг нақадар кенлигини идрок қилардик. Кеч кира бошлаганда қучоқ-қучоқ лолалар билан уйга кириб боришимиз байрамга айланиб кетарди...

Мана шу хотиралар шавқи баҳорнинг авж палласида мени ҳаммиса қишлоққа боришга шошилтирарди.

Талабалик йилларимда ҳам, болалик анъанасига кўра, тенгқурларим билан ўша кенгликларга лола теришга чиққанларим эсимда.

Кейинчалик бу анъана сусайди. Бунга нима сабаб бўлганлигини ҳозир ўйласам, турмуш ташвишлари ортганидан эмас, лолалар ҳар йили сийраклаша бошлаганидан ҳамда баҳорий кенгликлар асл жозибасини йўқотганлигидан эканлигига амин бўламан. Қишлоққа сўнгги марта борганимда ўзим тенги дўстларим билан ўша ажиб лола сайилларини эслашдик. “Ҳозир қолганми ўша лолалар?” – сўрадим. “Қаёқда... – деди дўстим энтикиб. – Уруғликка ҳам тополмайсан. Чунки у ерлар аллақачон экин далаларига айлантирилган...”

Қишлоғимизнинг ўзидаги ўзгаришларни айтмайсизми! Болалигимизда томорқамиз адоғида жарликлар ҳосил қилиб – буралиб-буралиб оқувчи сой бўларди. Биз бутун ёзни унда чўмилиб ўтказардик. Мен мана шу сой бўйида кўм-кўк майсаларга кўмилиб, узоқ-узоқ хаёл сурганларим эсимда... Боғ этагида – сой шовқини эшитилиб турадиган жойда қайроғочзор тепалик бўларди, биз уни ёввойи ўр деб атардик. Илонлардан хавфсираб, унга қадам босишга чўчирдик. Баҳорда унинг устида лолақизғалдоқлар, ғуж-ғуж чучмомалар товланарди. Жавзо ойида эса уни ҳар бири ҳозирги томларда ўрнатиладиган супрали антенналардек келадиган япроқлар қопларди...

Бир кун катталардан кимдир, мана шу сой кўмиб ташланиб, ўрнига кўча тушаркан. Кўчанинг икки томони эса кета-кетгунча янги ҳов-

лилар бўларкан, деганида биз болалар бу гапга мутлақо ишонмагандик. Чунки тасаввуримизга сиғмаганди бу. Лекин орамизда, ниҳоят тараққиёт бизнинг томонларга ҳам ташриф буюраркан-да, дея завқи тошганлар ҳам бўлганди. Сир эмас, у маҳаллар бизлар шаҳарга қаттиқ ҳавас қилганмиз. Қишлоқ адоғидаги тепаликка чиқиб, шаҳар чеккасида қад тиклаган заводнинг беш-олтита ниҳоятда баланд мўриларига ҳаяжонланиб термилардик. Ҳозир бу ҳаяжонимни эсласам, Маяковскийнинг “заминни мўрилар ўрмонзорига айлантирамиз!”га ўхшаш сатри эсимга тушади. Инқилоб шукуҳини қуйлаган шоирнинг ушбу мисраси ўз вақтида ноёб шеърини топилма бўлган бўлса, ажаб эмас...

Шундоқ қилиб десангиз, йиллар ўтиши билан айтилган башорат рўёбга чиқди. Энди бугунги ёш болаларга, сен ўйнаб юрган мана шу кўча ўрнида бир вақтлар тиниқ сувли ажойиб сой оқарди, биз бутун ёзни унда чўмилиб ўтказардик, десак мутлақо ишонишмайди.

Ҳаммадан ачинарлиси, биз ҳавас билан термилган мўриларнинг ҳамиша юксакларга ўрлаб турадиган тутунлари заҳар-заққум бўлиб, яшнаб-мавжланадиган қирларга, доврўғи етти иқлимга етган мевазор боғлар устига ёғила бошлади.

Бундан ўнлаб йиллар муқаддам бу ҳақда кимдир илк бор бонг урганида қишлоқ аҳли буни ортиқча айюҳаннос деб қабул қилган эди. Эндиликда эса бунинг аччиқ ҳақиқат эканлигига кўпчилик, дейрли ҳамма амин бўлган.

Мен баъзан қишлоққа борганимда янги тушган кўча бошида туриб, болалигим чаппор уриб ўтган кенгликларга, эртакчи боболардек чўкка тушган оқсоч тоғларга узоқ-узоқ термиламан. Энди бу унниққан кенгликлар болаларни ўзига жазб этмай қўйган, тоғларнинг эртакларини эса ҳеч ким тингламайди... Болалар эртаю кеч телекранлар қошидан жилмайдилар, ёшлар фикри-зикрида савдосотиқ, олди-берди, машина ташвиши. Афсуски, улар табиат ўзининг асл жамолини айниқса баҳор пайтида чечаклар ям-яшил кенгликларда чўғдек товланган паллаларда намоён қилишини, ҳовлида жўмрақдан оқиб турган сув дастлаб тошлардан-тошларга урилиб оққан жилга ёки ирмоқ бўлганлигини ҳис этмай улғаядилар. Кейинчалик бу кемтиклик уларнинг феъл-атворларида муҳрланади. Ҳар нарсадан фойда кўзлаб умргузаронлик қиладилар. Улар саховат деган тушунчани англаб етмайдилар. Чунки беминнат саховат ибратини ҳамиша табиатда кўриш мумкинлигини, одамлар эса ундан улги олиб яшаши кераклигини улар идрок қилишдан ожиздирлар. Шундай зотларга мен баҳор чоғи инсон қадами етмаган хилвату узлатларга боринг, энгашиб қарасангиз бошингиз айланадиган жарлик тубига нигоҳ солинг, тоғ алқорлари ҳам чиқолмайдиган қоялар зирвасига термулинг, баҳорнинг асьясаю дабдабасини кўрасиз, унинг гўзаллик бобида бениҳоя саховатпешалигига амин бўласиз, дегим келади.

Лекин, афсуски, табиат тараққиётнинг, қолаверса, тамаддуннинг шафқатсиз зуғуми остида қолди. Дўстларингиздан сўранг, инсон қадами етмаган, у бир кун тунаб қолганида дағаллигидан, қўпол муносабатидан минг кун озор чекмаган узлат гўша қолдимикин?! Баҳорда ўргимчак солган тўр то кузга қадар узилмай, бузиб ташланмай турадиган “ёввойи ўрлар” бормикин ҳозир заминда? Бор бўлса, уларни муқаддас қадамжоларга айлантириб, ҳимояламоқ лозим.

Бу куюнишларга жавоб сифатида, нима ҳам қилардик, диалектика қонуни бу, тараққиётнинг йўлини тўсиб бўлмайди, деб қўя қолиш ҳам мумкин. Лекин бу жуда жўн жавобдир. Тўғрироғи, муаммодан

ўзни олиб қочишдир. Зотан, муаммони англаш учун ҳам анча-мунча нарсадан бохабар бўлмоқ керак.

Мен бундан 10 йиллар муқаддам биринчи ўзбек космонавти Солижон Шариповга бир сафарда ҳамроҳлик қилиш бахтига муяссар бўлгандим. Мен ўшанда ундан: “Фазода туриб, сайёрамизга боққангингизда кўнглингиздан нималар кечган?” дея сўрадим. “Биринчи ҳайратим она-сайёрамизнинг ниҳоятда мўъжазлиги бўлди, — деди у, бу гапга балки сиз ишонмасиз дегандек синовчан боқиб. — Шу мўъжаз сайёрада тинимсиз давом этадиган тало-тўплар, манфаат орқасида юзага чиқадиган ўзаро курашлар, мамлакатлар орасидаги низолар менга жуда-жуда ажабланарли кўринди... Кейин кўнглимда Она-ер ниҳоятда меҳрга муҳтож бир хилқат бўлиб туюлиб кетди...”

Меҳрга муҳтож хилқат...

Олимларнинг таъкидлашича, коинотда Қуёш тизимининг шаклланиши, Ер сайёрасида ҳаёт куртакларининг пайдо бўлганига 4 миллиард йил бўлган.

Бу давр мобайнида куррамизда тириклик қонунияти вужудга келган, ҳаёт шаклланган, турли-туман ўсимлигу жонзотлардан иборат наботот ва ҳайвонот дунёси тараққий этган. Ҳали инсон ақли бу илоҳий сир-синоатни англаб етгани йўқ. Эндиликда тириклик оламига мансуб ҳисобланадиган, унинг қонун-қоидаларига амал қилиб лаҳзаларда умрини яшаб битирадиган ёхуд миллион йиллар давомида ўлмай келаётган вужуди бир ҳужайрадангина иборат бўлган энг совуқ муҳитда ҳам яшай оладиган жонзотлар кашф этилмоқдаки, буларни Аллоҳнинг мўъжизаси дея тан олмоқдан ўзга илож йўқ. Ер сайёраси коинотда ҳозирча танҳо бўлган ана шундай беназир маскандир. Ҳаммадан ачинарлиси — унинг танҳолигини барча ҳам идрок этавермаслигида. Олимлар ва мунажжимлар ўзга сайёраларда ҳам ҳаёт бор дейишади. Лекин қани унинг исботи? У қайси манзилда? Коинотнинг қайси бир бурчида? Бор дейилгани — бу тахмин, холос.

Шу боисдан жаҳон халқлари тафаккурида коинотдаги яккаю ягона, мушфиқ сайёрамизни асрайлик, унга ортиқ шафқатсизлик қилмайлик деган тушунча пишиб етиладиган палла келди.

Ер сайёраси пайдо бўлганидан буён қанчадан-қанча фалокату офатларга дучор бўлмади?! Уни тинимсиз равишда самодан ёққан метеорлар “савалаб” келди, неча-неча бор коинотда “адашган” астероидлар кўксини нишонга олди, унинг зоҳиридаги музликлар неча бор силжиди, бағрида вулқонлар портлаб, меҳваридан лавалар отилди.

Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, Ер сайёрасининг миллиард йиллар мобайнида кўрган жабру жароҳатлари бир бўлди-ю, инсон қавми пайдо бўлганидан кейин тортаётган азоб-кўргуликлари бир бўлди.

Ҳолбуки, инсон ҳам биологик турлардан биридир, шунинг учун ҳам у истаса-истамаса табиат қонунларига бўйсунишга мажбур. Биронта ҳам жонли тур ўзининг экологик муҳитида яккаю ягона ҳужайинга айланиб қолса, у экологик таназуллардан ҳеч қасқа қочиб қутула олмайди. Бу қонуниятни инсон қавми дастлаб идрок этмади, кейин тан олгиси келмади, аксинча, у табиат устидан зафар қозониш, уни ўзига бўйсундириш иштиёқига тушиб кетди.

Бунинг қандай мудҳиш оқибатларга олиб келганлигини инсоният тарихидаги илк тамаддун ҳисобланмиш шумерлар цивилизациясининг заволи мисолида кўришимиз мумкин.

Қадимги шумерлар ҳаддан зиёд кўп суғориш натижасида Дажла ва Фрот дарёларининг қуйи оқимида тузлар кўпайиб кетишига сабабчи

бўлдилар ва Шумер маданияти завоқ топди. Эндиликда фақат археологларгина Месопотамиядаги энг қадимги тамаддунга гувоҳлик беришлари мумкин.

Зеро бундай ҳалоқат ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўзининг қора шарпасини бизнинг бошимизга ҳам солмадими? Бу даврлар тарихда “пахта яккаҳоқимлиги” деган номни олди. Шўро замонида мамлакатимиз асосан пахта етиштириб берадиган ўлкага айлантирилди. Бу жоҳилона сиёсат зуғуми остида ерлар оммавий суратда ўзлаштирилиб, икки улкан дарё сувлари чўлу саҳролар томон бурилди. Янги ўзлаштирилган ерлар ҳақида кўшиқлар, дostonлар тўқилган пайтда, бу сувлар Оролнинг насибаси эканлиги, у сувсизликдан қийналиб, “жонсизланиб бораётганлиги” ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Оқибатда дунё миқёсида денгиз таърифини олган кўл кўлмакка айланди. Унинг сув сатҳи 20–25 метрга пасайди, унинг азалий қирғоғига уриладиган тўлқинлар 100–120 километрга чекиниб кетди. Бу бўш қолган соҳиллардан эндиликда ҳар йили 15–47 миллион тонна чанг атмосферага кўтарилиб, эни 40 километр, узунлиги 400 километр бўлган майдонга тарқалмоқда.

Ўйлаб кўрайлик, шўро сиёсати барҳам топмаганида ва юртимиз ҳурриятга эришиб, далаларимиз пахта яккаҳоқимлигидан озод бўлмаганида ҳолимиз нима кечарди, қадим табиат, теварак-муҳитимиз қандай аҳволга тушган бўларди?!

Замини маъмурий-буйруқбозликка асосланган собиқ совет тузуми ҳақида қуйидаги баҳодан ортиқ баҳо бериб бўлмайди; зеро у даврда “Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига арзимас даражада кам маблағ ажратиларди. Бу маблағ табиатга етказилаётган зарарнинг мингдан бир қисмини ҳам қопламас эди. Ўрмонлар ўйламай-нетмай, ваҳшийларча кесиб ташланар эди. Ёқилғи ва минерал хом-ашё захиралари реал эҳтиёж билан таққосланмаган ҳолда жуда кўп миқдорда қазиб олинганидан кўпчилик қисми қайта ишланмаган чиқитлар сифатида уюлиб ётар эди. Табиатни муҳофаза қилувчи энг оддий тозалаш иншоотларига эга бўлмаган баҳайбат саноат корхоналари фаол бунёд этилди. Натижада барча заҳарли ва зарарли саноат чиқиндилари улкан ҳаво кенгликларини, сув ҳавзаларини, ер майдонларини ифлослантирадиган бўлди. Ўз кўлами жиҳатидан беқиёс даражада катта гидротехника лойиҳаларини рўёбга чиқариш, транспорт коммуникацияларини (БАМ, Турксиб каби темир йўлларни, автомобиль, нефть-газ магистралларини ва ирригация тармоқларини) бунёд этиш нафақат табиий захираларни қашшоқлаштирди, балки бутун бошли аҳоли пунктларининг йўқ бўлиб кетишига, экологик мувозанат, иқлим, одамларнинг ҳаёт ва фаолият шароитларининг бузилишига ҳам олиб келди”.¹

Ҳа, бундай ҳодисалар узоқ ўтмишда онда-сонда такрорланган ва асосан инсониятнинг ўзига ва унинг тамаддунига офат келтирган. Юқорида мисол келтирганимиз сингари кейинги асрлардаги инсон фаолияти эса табиат мувозанатига катта путур етказа бошлади. Ундаги миллион йиллардан бери мавжуд ўсимликлар, ҳайвонот оламининг ноёб турлари абадул-абадга йўқ бўлди. Ҳолбуки, улар инсон ҳаёти учун мутлақо зарур гиёҳлар ва ер юзида яшашга ҳақи бор жонворлар эди.

Японияга атом бомбаси ташлангандан кейин омон қолган аҳолининг кўп қисми кучли нурланишга дучор бўлган эди. Бу хасталикка

¹ Ислom Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти. 2003 й. 100-б.

учраганларнинг вужудидан радиактив изотопларни чиқариш учун ёрдам берадиган гиёҳни олимлар Парагвайдан топишган экан.

Россия телевидениесига “Малахов+” деган машҳур кўрсатув бор. Бу кўрсатувда инсон ҳаётида учровчи турфа хасталикларга шифо бўладиган табиий гиёҳлар ҳақида гап боради. Бундай кўрсатувларнинг бирида бир бемор юраги мураккаб хасталикка мубтало бўлганлигини, шифокорлар эса бу дардга даво тополмаганликларини ва бемор қишлоққа кетиб, қуёнтил деб номланувчи гиёҳ туфайли бир ой давомида мутлақо соғайиб кетганлиги ҳақида гапирганди.

Демак, ҳар қандай касалликка табиат оламидан шифо бўладиган малҳамни топса бўлади. Зеро, ривоят қиладиларки, Луқмони ҳаким далада кезиб юрганида теварак-атрофдаги жамики гиёҳлар “мен мана бу касалга шифоман, мен у касалга шифоман”, дея унга пешвоз чиқаркан.

Табиатни ақали инсон саломатлиги учун қиладиган ана шу хизматлари учун ҳам асрамоқ лозимдир.

Лекин инсоният табиатга нисбатан тажовуз, қиргин, тазйиқ борасида бемисл саъй-ҳаракатлар кўрсатмоқда. Ҳолбуки, табиатнинг ҳар бир бўлагига жонли мавжудот сифатида қарамоқ лозимдир. Зеро, у ҳам изтироб чекади, оғриқ туяди. Фақат изҳор этмоққа тили йўқ, холос.

Сўнги асрларда Европа тамаддуни, Америкадаги техника тараққиёти табиат бошига бемисл офатлар ёғдирди, заминни яроқсиз ҳолатга келтирди, сувни ифлослантирди, ҳавони заҳар чангига тўлдирди.

Бу ҳол нафақат бу қитъаларда, балки кўрраамизнинг бошқа бурчакларида ҳам аянчли тус олди. Бугунги кунда биосфера инсон фаолияти билан курашишга ожизлик қилиб қолди, унда қайта ўнганмайидиган ўзгаришлар бошланди. Атмосфера таркибида зарарли газларнинг кўпайиб кетиши оқибатида “иссиқхона таъсири” (“парник эффекти”) деган ҳодиса кучаймоқда. Бу ҳодиса моҳияти шундан иборатки, атмосферада қалинлашган углерод қатлами Куёш радиациясини Ерга бемалол ўтказиб юборган ҳолда иссиқлик нурланишини атмосфера юқори қатламларига қайтишини тўхтатиб қолади. Шунга мувофиқ атмосферанинг куйи қатламларида ҳарорат кўтарилади. Айни чоғда бундай жараёнлар сайёрамиз ҳимоя қобиғи емирилишини жадаллаштиради ва унда озон туйнукларини пайдо қилади. Агар озон қатлами 10 фоизга пасайса, тери саратони касаллиги 26 фоизга кўпаяр экан.

Сайёрада ҳароратнинг исиб кетиши атмосферада ҳаво оқимлари ҳаракати жараёнига ҳам таъсир кўрсатади. Бу эса сув тошқинлари, қурғоқчилик каби ҳодисаларни вужудга келтиради. Шу пайтгача ҳеч қачон қаттиқ совуқ бўлмаган жойларда қиш аёзи жуда кучли бўлиши мумкин. Буларнинг бари гоётада ҳалокатли ҳоллардир. Қурғоқчилик ва сув тошқинлари дунёнинг кўпгина минтақаларида очликни туғдиради. Очлик эса қуролли можаролардан кўра кўпроқ одамнинг жонига қасд қилиши мумкин. Олимларнинг хулосасига кўра, агар ишлаб чиқарилаётган зарарли газларнинг миқдори дарҳол 60 фоизга қисқартирилмаса, табиат юз бераётган ўзгаришларга мослаша олмайди, инсон эса уларни назорат қилишни эпломмай қолади.

Вазият ҳақиқатан ҳам шу қадар хавотирлимикан? Бугунги кунда жаҳондаги турли табиий офатларни телеэкран орқали кузатиб бора-

ётган оддий фуқаро ҳам бу ташвишли саволга ҳеч иккиланмай: “Ҳа! Жуда ҳам хавотирли!” дейиши шак-шубҳасиз.

Дарҳақиқат, вазият хавотирли ва ташвишланарлидир. Қайд этилган ҳолатларга эътибор берайлик. Бу йил (2010 й.) январ ойи Грецияда энг иссиқ келди. Бу мамлакатнинг Крит ороли аҳолиси Янги йилни чўмилиш соҳилларида кутиб олдилар. Бундай ҳарорат бу ўлкада 100 йил аввал кузатилган эди. Ҳолбуки жорий йилнинг ушбу ойида бу минтақадаги Албания, Черногория, Босния ва Герцоговина, Хорватия ва Сербия каби бир қатор мамлакатлар тинмай ёққан ёмғир ва кўп қор натижасидаги сув тошқинларидан азоб чекдилар.

Одатга хилоф равишда тинмай ёққан қор Германияда авиация ҳаракатини мураккаблаштириб юборди.

Январнинг ўрталарида Туркияга бостириб кирган қор бўронлари бир ярим мингта қишлоқ ҳаётини ташқи дунёдан узиб қўйди.

Бу йилги қишда Хитойнинг пойтахти Пекин қор асирлигида қолди.

Мўғулистонда узоқ муддат давом этган 50 даражали совуқ 1,7 миллион молни нобуд қилди, 21 мингта чорвадор оилалар очарчилик хавфига тушиб қолди...

Ҳа, табиатнинг феъл-атвори кескин ўзгариб бормоқда. Унда эврилиш ҳолатлари тезлашиб кетди. Унинг руҳияти тобора асабий тус олмақда.

Энди эътиборингизни Америка дастлаб кашф этилган даврдаги манзараларга тортсак.

1492 йили 12 октябрда Америка қитъаси Колумб томонидан кашф этилди. Кейинги асрларда бу жаннатмонанд заминга европаликлар худди асалга ёпишган аридек ёпирилдилар.

Жумладан, Жон Бейклесснинг “Америка кашф этувчиларнинг нигоҳи билан” номли асарида шундай лавҳалар бор: “Денгизчилар ҳали қирғоққа тушмаслариданоқ бемалол юрган оқ айиқларни кўришарди. Улар одамлардан кўрқишмасди. Оролчаларда катталиги ғоздай келадиган сон-саноксиз қушларга дуч келишди. Учишни билишмасди улар. Одам зотини кўришмаганди, бу ерда уларнинг ёвуз қушандалари йўқ эди. Инсон мана шу жойларга ҳам етиб келди ва калтаклар билан қушларни ўлдиришга тушди. Бир соат ичида 30 та катта кемани шундай қушлар билан тўлдириб ташлаш мумкин эди. Қанотсиз гагаркаларга қирон келтириш ана шундан бошланди. Йигирманчи асрнинг бошларига келиб ер юзида бундай қушларнинг бирортаси қолмади. Қачонлардир эса улар океан соҳилидаги тошлар устида бир-бирларига суянганча тўп-тўп бўлиб ўтиришарди...

Бу ерларга биринчи келганларнинг орқасидан соҳилнинг ичкарироғига кирамиз. Кўллардаги ғозлар, ўрдаклар, қарқаралар осмонни тўсиб қўйгудек сон-саноксиз эди, каптарлар тунаш учун дарахтларга кўнганида уларнинг азбаройи кўплигидан шохлар синиб тушарди. Уларни ушлаш учун тўр қўйилса бирварақайига юзлаб, минглаб каптарлар илинарди. Ғозлар ва ўрдаклар одамлардан бутунлай ҳайиқишмас, мажбур қилмагунча сувга тушгилари ҳам келмасди.

Нью-Йоркнинг ҳозирги осмонўпар бинолари қад кўтарган жойларида 1609 йилда одамлар у ёқдан-бу ёққа зўрға ўтишар, эринманлар қарийб меҳнат сарфламай қушларни тутиб олишарди...”

Бошқа бир китобда европаликлар Америка табиатининг ўша вақтдаги манзарасини шундай тасвирлайди: “Санчқини сувга тиксанг балиққа тўғри келади... Балиқларнинг кўплигидан дарёлар вақиллайди... Балиқларни ҳатто чўмич ёки пўстлоқ билан қирғоққа чиқариб

ташласа бўлади. Осетра балиқлари елкаларини чиқариб олганча сувда мудрашади. Баъзи дарёларда осетра балиқлари шу қадар кўпа-йиб кетганки, қайиқ ва кемаларнинг уларда сузиши анча хавфли...”

Мен бу манзаралар тавсифига тўхталар эканман, бундан бир-икки йил аввал бир гуруҳ дўстлар билан Чирчиқ дарёси бўйида ҳордиқ чиқарганимиз ёдимга тушди. Ўшанда дарёга қармоқ ташлаб ўтирган бир неча одамларни кузатган эдим. Улардан бирининг олдига бориб, нечта балиқ овладингиз деганимда, ҳали қармоғимга биронта ҳам илинмади деганди. Сўнг у, дарёда кейинги йилларда балиқларнинг ниҳоятда камайиб кетганлиги, улар браконьерлар томонидан номақбул йўллар билан овланаётганлиги тўғрисида куюниб гапирганди.

Минтақадаги серсув дарёлардан бири саналувчи Чирчиқ наҳрида балиқларнинг бу қадар камайиб кетганлигига фақат браконьерларнинг шафқатсизликлари сабабчимикин?

Шу ўринда бир манзара эсимга тушади ва бу менга мудом ғаройиб туюлади. Ўтган асрнинг 70-йилларида мен Жанубий Қозоғистоннинг Чордара сув омборида бўлган эдим. Сув омборидан чўлга оби ҳаёт етказувчи кенглиги 20 метрлар чамаси бўлган канал бўйига дам олиш кунлари кўплар балиқ овига чиқишар экан. Мезбонлар билан биз ҳам чиққандик ўшанда. Ана балиғу мана балиқ! Сув юзи чучварадек қайнарди! Бу сон-саноқсиз балиқларга қармоқ ташлаб уларнинг қачон илинишини пойлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Илгаги тифдек ўткир қармоқни сувга отган заҳоти уни силтаб тортсангиз бас, албатта, бир балиқ унга ё қорнидан, ё думидан илиниб чиқарди! Мен ушбу манзарани кўриб, бу балиқларни одам боласи овлаб тугатолмаса керак деган ўйга ҳам борган эдим.

Бир замонлар бунинг каби мўл-кўллик ёхуд эндигина қашф этилган қитъанинг ёввойи дарёларидаги сингари неъматга бисёрлик Чирчиқ дарёсида бўлмаган деб ким айта олади?

Дарёлардаги, оқар сувлардаги балиқларнинг камайиб кетганлигига (ҳозирги кунда мен кўрган ўша Чордара сув омборидан оқиб чикувчи каналда балиқлар анқонинг уруғига айланган дейишади!) сувларнинг беҳал даражада булганганлиги, ҳатто ёғаётган ёмғирда, қорда заҳар-заққум заррачаларнинг кўплиги сабаб бўлган деб ўйлайман. Зеро ўтган асрда қайси бир заводнинг ёки ишлаб чиқариш объектининг чиқинди қувури дарёга ёки қўлга туташтирилмаган эди? Кўп ғалати замонларни бошдан кечирдикки, собиқ салтанат ҳукм сурган даврлар одамларни табиат муҳофазасига даъват қилган киши сиёсатга қарши одам ёки тузум душмани сифатида жазога тортилар, қувғин остига олинарди. Ҳолбуки, минг йилларда ҳам зиён қуввати пасаймайдиган радиактив чиқиндилар тоғу адирлар бағрига кўмилар, яъни кўздан йўқотилса бас эди. Мана, сизга калтабинликнинг, жаҳолатнинг, имонсизликнинг оқибати! Энди бу тириклик қушандаси қасққа ҳам даф бўларди — сувга оқса ҳам, осмонга учса ҳам инсон зотини, тирик жонларни — ўзимизни заҳарлайди. Бу туйғулар кўнгилдан кечар экан, беихтиёр “хайрият!” дейсиз! “Хайрият, бу тузум узоқ давом этмади!..” Инсоният ўзини жар ёқасидан қайтариб қолди!

Айни чоғда шуни таъкидлаш керакки, энлидикда сайёрамиз ва жаҳон ҳамжамияти ривожланишнинг мутлақо янги босқичга қадам қўйди ва бу ҳақда биринчи бўлиб, аниқ фанларнинг вакиллари гапир бошлади. Жумладан, Э.Леруа ва Л.Тейер де Шарден ноосфера (ақлидрок сфераси) атамасини мулоқотга киритдилар. Инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ноосфера даври деган ном олди. Бунинг маъноси шундаки, ҳозирги даврда ҳамфикрликдаги, мувозанатдаги ри-

вожланиш Ер юзида инсоннинг сақланиб қолишининг муҳим шартини деб қаралади.

Ноосфера тушунчасидаги энг асосий нарса – жамият билан табиатнинг ўзаро алоқасини оқилона тарзда ташкил қилиш заруриятидир. Бу зарурият теварак муҳитни ёмонлаштиришга олиб келадиган табиатга стихияли, ваҳшийларча муносабатга қарама-қарши қўйилади.

Истаган тирик жонзотнинг ривожланиши атроф-муҳит миқёсидаги ўзгаришларнинг миқдори жуда қаттиқ чекланган шароитдагина амалга ошмоғи мумкин. Бу чеклашлар даражасини белгилаш учун академик Н.Н.Моисеев илмий муомалага “Экологик императив” деган тушунчани олиб кирди. Императив дегани – хулқ-атвор, қатъий талаб, умумбашарий маънавият қонуни демакдир. Унга ҳамма одамлар бўйсунмоғи даркор.

Ҳақиқатда эса аҳвол қандай? Ер юзидаги техник тараққиётнинг сайёрамиз аҳволига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Унга кўрсатилаётган тазйиқ, зарар асосан ривожланган мамлакатлар тимсолида кўзга яққол ташланмоқда. Ўтган аср охиридаги маълумотларга қараганда, биосферага кўрсатилаётган босим ортин борган. Жумладан, бу нисбат қуйидагича кўринишга эга эди: Япония – 15,8; Германия – 14,5; Буюк Британия – 12,2; Италия – 8,1; Франция – 5,3; Ҳиндистон – 4; АҚШ – 2,8; Хитой – 1,9...

Мана шу тадқиқотларга кўра, биосферанинг емирилиши, қайта тикланмайдиган табиий бойликларнинг тобора камайиб бораётгани учун асосий жавобгарлик ривожланган мамлакатлар зиммасига тушади. Иқлимнинг ўзгариши билан шуғулланадиган Ҳукуматлараро комиссиянинг маълумотларига қараганда, атмосферага чиқарилаётган захарли газларнинг 74 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Агар жон бошига ҳисоблаб кўрилса, бу ривожланаётган мамлакатлардагига қараганда 10 баравар кўпдир. Айни чоғда ривожланаётган мамлакатларда бораётган жараёнлар ҳам сайёрадаги иқлимнинг келажаги учун жиддий хавотир чекишга мажбур қилади.

Ана шу сабабларга кўра, жаҳон ҳамжамияти тушунчасида янги бир назарий тамойил вужудга келди. Бу концепция “барқарор ривожланиш” деган номни олди. Биринчи марта бу тушунчани 1987 йилда атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Халқаро Комиссия муомалага киритди. 1992 йилда Рио-де-Жанейрода БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясида 179 давлатдан келган 8 минг делегат Барқарор ривожланиш концепциясини яқдиллик билан маъқуллади. Бу ҳужжат бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан инсониятнинг XXI асрдаги ривожланишининг бош йўли сифатида қаралмоқда.

Барқарор ривожланиш концепциясининг моҳиятини, асосан, қуйидаги бир нечта қоидадан иборат деб билиш мумкин. Жаҳон иқтисодиётининг ривожини шундай бўлмоғи керакки, бу ривожланиш оқибатида табиий муҳит емирилмаслиги зарур. Барқарор ривожланиш учун турли мамлакатлар ва халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик ривожиди хилма-хиллик ва ранг-баранглик бўлмоғи лозим. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш заминиди зўравонлик эмас, бир-бирига душманлик эмас, гуманизм ётмоғи керак. Ривожланиш чиндан ҳам барқарор бўлмоғи учун одамларнинг ўзаро муносабатларида, жамият билан табиат ўртасидаги муносабатларда уйғунлик бўлмоғи зарур.

“Бадавлатлар учун барқарор ривожланишга ўтиш, — дея хитоб қилган эди Рио-де-Жанейродаги конференциянинг Бош котиби Морас Ф.Стронг конференция қатнашчиларига, — машаққатли ёки ибтидоий ҳаётга ўтиш деган маънони билдирмайди. Аксинча, бу ўзининг тўлақонлилиги ва ўз-ўзини рўёбга чиқариш имкониятларининг кенглиги жиҳатидан жуда бой ҳаётга олиб келмоғи мумкин. Бу ҳаёт ўзининг барқарорлиги билан ҳаммани кўпроқ қаноатлантириши ва ҳамма учун хавфсизроқ бўлмоғи мумкин, ҳамма барабар баҳам кўрадиган имкониятлари ва ҳаммага муштарак фойда келтириши билан янада барқарор бўлмоғи аниқ”.

Кўриниб турибдики, “барқарор ривожланиш” тушунчаси кўп қиррали тушунча. Бу тушунча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун бир хил қимматга эга эмас. Ўзаро муросаи мадорасиз бу вазифани ҳал қилиб бўлмайди.

Бугунги кунда Марказий Осиёда айнан шу муаммо вужудга келди. Тожикистонда Роғун ГЭСи, Қирғизистонда эса Қамбарота ГЭСлари қурилиши мўлжалланаётганлиги Амударё ва Сирдарё сувлари билан ҳаёти азалдан боғлиқ бўлган муҳит аҳолисини қаттиқ ташвишга солмоқда. Ўзбекистон республикасининг, аввало, иккала ГЭС лойиҳаси нуфузли халқаро эксперт комиссиялари томонидан атрофлича экспертизадан ўтказилиши зарур, деган эътирози ҳамда ўринли таклифи иккала давлат раҳбарияти томонидан эътиборга олинмаяпти. Аҳвол шу тарзда ривожланса, нажотга зор Оролнинг узил-кесил завол топишини, миллионлаб одамларнинг аҳволи ниҳоятда мушкул вазиятга тушиб қолиши мумкинлигини улар мутлақо тасаввур қилмаяптилар.

Лекин шу мудҳиш оқибатлар рўй бергудек бўлса, ҳозир уларнинг қўлтиғига сув пурқаётганлар ўша пайтда Оролдан кўчган туз бўронларини тўхтатиб қолишга, унинг йўлини тўсишга чора топиб берармикин?

Ваҳоланки, бу икки дарёга тажовуз тарихда ҳам бир неча бор содир бўлган.

Зеро минтақамиз халқлари Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Мурғоб ва бошқа дарёлар сувидан асрлар давомида табиий мувозанатни сақлаган ҳолда оқилона фойдаланиб, жуда кўп ерларни обод қилганлар, боғ-роғлар яратганлар.

Лекин мана шу нозик мувозанат кўпол равишда бузилса, қандай даҳшатли экологик фожиа юз беришини биз тарихда бундан саккиз аср муқаддам Чингизхон босқинчилиги даврида бошдан кечирганмиз. Умрида бир ниҳол кўкартирмаган, маданиятдан маҳрум кўчманчилар Сирдарё, Амударё, Мурғоб ва бошқа дарёлар ўзанида қурилган тўғонларни бузиб, Хўжанд, Урганч, Марв каби обод шаҳарларни сувга бостирганлар. Оқибатда бутун-бутун водийларда сувсизликдан ҳаёт сўнган, миллионлаб одамларнинг ёстиғи қуриган. 1230 йилда Чингизхоннинг ўғли Тўлўйхон Мурғоб дарёсига қурилган тўғонни буздириб ташлайди. Марвни сув босади. Унинг атрофидаги обод воҳа сувсиз қолиб, барча дарахтлар ва экинлар ёз иссиқларида бутунлай қуриб қолади. Кўп одамлар очдан ўлади, тирик қолганлар бу жойлардан бош олиб кетади... Шундан кейин 180 йил давомида Марв ва унинг атрофлари инсон яшай олмайдиган ўлик маконга айланади...

Инсониятга иқтидори ва истеъдоди қувватидан ташқари яна бир улуғ имконият берилган. Бу — тарихдан сабоқ олиш, хатолардан хулоса чиқариш имкониятидир. Лекин шуниси ажабланарлики, одам-

зод ўзининг мана шу имкониятидан жуда кам фойдаланади. Зеро, Роғун ГЭСи ва Қамбарота сув омборларига бугунги кунда тўғон тиклашга уринмоқлик бир замонлар дарёлардаги тўғонларнинг буздирилмоғидан қанчалик фарқи бор?!

Меҳрга муҳтож сайёрамиз аҳволига теранроқ разм солсак, яна бир фожиани идрок этамиз. Бу ер юзидаги чучук, тоза сувларнинг камайиб бораётганидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Ер куррасида сувсизликдан нобуд бўлаётганлардан кўра, ифлос сув ичиб ҳалок бўлаётганларнинг сони кўпроқ. Касалликларнинг саксон фоизи ифлосланган сув ёки антисанитария туфайлидир. Фақат ичбуруғининг ўзидан йилига олти миллион бола нобуд бўляпти. Вабо, терлама, дизентерия ва гижжа миллионларнинг ёстиғини қуритяпти. Куёш тизимидаги суви бор ягона сайёра – сувлари таҳқирланувчи сайёрага айланиб қолди.

Денгизда нефть тўкилган жойлар тубини текширган тадқиқотчиларнинг қайд этишича, у ердаги балиқларнинг увилдириқлари ҳалок бўлар ва ихтиофауна сийраклашар экан. Сайёрамиздаги кислороднинг ўндан етти қисмини ишлаб чиқарувчи фитопланктонлар фаолияти заҳарланганларидан кейин улардан озиқланган бошқа, мураккаброқ жонзотлар ҳам зарарланади. Айниқса узоқ муддат таъсир этувчи радиактив изотоплар хавфлидир, чунки улар денгиз мавжудотлари томонидан биринчи навбатда истеъмол қилинадилар, натижада организм тўқималаридаги радиация зичлиги минглаб маротабага ортади. Озиқланиш тизими таркибига кириб олган изотоплар юзлаб, минглаб йиллар давомида турли организмларда саёҳат қилиб юришлари мумкин.

Мен 1985 йил 30 июл кунини жуда яхши эслайман, бир умр ёдимдан чиқмаса керак. Бир ёзувчи дўстим билан ҳамқишлоғим бошчилигида йил бўйи чўққиларидан қори кетмайдиган тоғлар қўйнига сафар қилган эдик ўшанда. Эриётган қорлардан ирмоққа айланиб оқаётган сувга қўл тикдик – совуқ кесиб юборгудек. Кечқурун тунаб қолиш учун қалин ўтлоқ устига жой тўшадик. Қашқирлардан хавотир олиб, керакли чораларни ҳам кўриб қўйдик. Эртаси тонгда уйғониб, нонушта қилиб бўлгач, тоғ ёнбағирлари бўйлаб юқориладик. Саратон бўлишига қарамай, бунда адирлардаги турфа хил чечагу гиёҳлар энди гулга кириб, рангдор гиламлардек адирларда яшнаб ётарди. Бетакрор манзаралардан завқим тошиб, мени сигарета хумори тутди. Бужур қояга суянган қўйи сигарета тутунини бурқситдим. Бемаъни ҳаваслардан ҳамиша ўзини тийган ошнама қошимга келиб: “Дўстим, ташланг шу ярамас одадингизни, шундоқ мусаффо манзарани тутунлар билан булғаманг, илтимос!”, – деди. Мен бир зум ўйга толиб, чекаётган сигаретамни ўчирдим-да, чўнтагимдан қутисини ҳам олиб, астойдил гижимладим ва тошлар орасига улоқтирдим. “Сўз бераман, энди чекмайман!”, – дедим. Гарчи шу чоққача бунақа қасамдан юз бора, балки минг бора ичилган эса-да, буниси сўнггиси бўлди. Ва мен шундан кейин сигаретани мутлақо оғзимга олмадим.

Кошки менинг ўша одатдан воз кечишим туфайли тоғнинг бу водийлари, адирлари зарофати, ифорли ҳаволари тозаллиги сақланиб қолса! Кошки бундай маъволарга тараққиёт отлиғ темир қалб шиддатнинг очофат нигоҳлари тушмаса, қадамлари етиб бормаса, тирноқлари ботирилмаса!..

Афсуски, ундай эмас! Бу пуч хаёл! Чор тарафдан сиқиб келаётган Тамаддун зуғумига учраган чорасиз оҳу ҳолатидаги табиат аҳволини англамасликдир! Бу шунчаки шоирона гап эмаслигини далиллаш учун

ёдингизга Тожикистонда қурилган Алюминий заводини соламан. Воҳа наботот оламининг сарғариши, қаримсиқ чақалоқларнинг дунёга келаётганлиги ундан таралаётган заққумли эпкин туфайли эмасми?!

Табиатнинг ноёб манзараларини Хумсон ва Чотқол тоғларида ҳам бисёр учратишимиз мумкин. Бу тоғлар — Тошкентнинг шоҳқўчаларида туриб қарсангиз, айниқса гўзал кўринади. Худди улуг рассом чизган ажойиб полотнога ўхшайди. Лекин унинг гўзаллиги, кўрки-таровати аввалгичами? Тамаддуннинг темир панжалари у ерларга ҳам чанг солмаяптими? Одамлар қадами остида тоғлар малоҳати топтал-маяптими? Зангори жилғалар, зилол ирмоқлар булганмаяптими?

Афсуски, мен у тоғлар қўйнига бот-бот сафарларим давомида зангори гўшалар аҳволидан ташвишга тушиш, нафақат ташвишга тушиш, балки бу ҳақда бонг уриш лозимлигига амин бўламан ҳар гал!

Хумсонда Угам дарёси бор. Чирчиқнинг энг катта ирмоқларидан бири. У нақ тоғлар бағридан отилиб чиқаётгандай вағирлаб, шовқин солиб оқади. Дарё туби катта-катта тоғ харсангларидан иборат бўлганлиги учун сув ана шу тошларга урилиб, дастлаб чил-чил синади, кейин бу “синиқ”лар ҳавога кумуш заррачалар бўлиб тўзондек сочилади, сочилган “тўзонлар” дарё бетига тушаркан “биқирлаб қайнаётган” сувда қайнаб, яна шитоб олдинга энаётган кўм-кўк мавж шаклини олади. Рассомлар, одатда, ана шу мавжни яхши чизадилар, лекин сувнинг ҳавога сачраб оқ “тўзонга” айланган сонияларини акс эттиришда бирмунча қийналадилар. Мана шу ҳолатни — сонияларни қанчалик акс эттира олганлик рассом маҳорати даражасини белгилайди. Рассом етук санъаткор бўлса, чизган тезоқар дарё тасвирига қараб, сувнинг тоғларни бедор қилувчи шовқинини ҳам эшитиш мумкин.

Мен Угам дарёсига термилганимда ҳар гал унинг юқорида таъкидланган гўзаллик жилваларига эмас, ниҳоятда зилоллигига, кўм-кўклигига, тозалигидан зангорилашиб оқишига лол бўлиб термиламан. Ва шу онда ундан ҳовуч-ҳовуч ичиш истаги жўш уради кўнглимда. Бу сув Чирчиққа қўшилиб, пойтахтгача бориши ва ҳар бир хонадонга кириб, энди туғилган чақалоқдан тортиб тўшагидан қўзғалолмайдиган қариягача чанқовини босиб, уларни обиҳаёт сафосидан баҳраманд этишини беихтиёр идрок этаман.

Мана шу дарёнинг нақ қирғоғидан ёзувчи дўстим дам олиш чорбоғи сотиб олди ва уни ёзлик масканга айлантирди. Бир кун ошналар билан йиғилишиб, шахмат гаштаги қилиш учун бу гўшага чиқиб бордик. Кун бўйи яйраб, ҳордиқ чиқардик. Мезбоннинг илтимосига кўра, бир-икки ошналар тунаб ҳам қолдик. Мен тонгда уйғониб ҳовлига чиққанимда дўстимнинг боғ этагида дарёнинг нариги қирғоғига тикилиб турганини кўрдим. Қошига бордим — асаби бузилган эди. «Ҳа?!..» дедим, нима ҳол рўй берди дегандек. «Ҳа? Боғингизда илон кўрдингизми?! Намунча?!»— дедим. «Ундан ҳам баттарини!..— деди гудраниб. Кейин:— Дарёнинг нариги қирғоғига қаранг, ҳозир анови далабоғнинг эгаси чиқиб, уйидаги чиқинди ва суприндиларни дарё сувига тўкади!..»— деди. Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай бир кимса далабоғ сўқмоғидан пастга тушди-да, харсанглар устида туриб пақирдаги ахлатни сувга ағдарди. Бу ҳолдан менинг ҳам газабим қайнаб кетди. «Яхшимас!..» дедим. «Аҳвол шу!..»— деди у.

— Тартибга чақирсангиз бўлмайдами? Жим кузатиб тураверасизми?!— унинг қачонлардир мендаги чекиш одатини ташлаттирганига шаъма қилиб дедим.

– Э, дўстим содасиз-да. Улар бизнинг гапимизни бир тийинга олишса кошки! Кўрябсизми боғ тўридаги иморатни. Эгаси унга гала-гала дам олувчиларни ижарага қўяди...

О, нимасини айтасиз, дарё бўйидаги бунақа “сўлим гўшалар” битта ё иккита эмас-ку, ахир! Агар улар ҳар бирининг эгаси бу “одатни” ҳар куни такрор қилишса ва бутун ёз — йилнинг илиқ-иссиқ кунлари давомида мутгасил давом эттиришса, оқибат нима бўлади? Тўғрироғи, нима бўлади эмас, нима бўлмоқда? Ёки “етти думалаган сув покизадир” ақидаси бундоқ гуноҳларни ювиб юборадими? Шўрлик дарё қачонгача бу адолатсизликни ичига ютади? Унга ёрдам қўли чўзилмаса, у дардини ичига ютавериб, бўғилиб ўлмайдими бир куни?!..

Мени бир нарсга ташвишга солади — кўча кўпчиликники деган гап бор. Нега энди дарё кўпчиликники эмас?! Нега дарёнинг сўлим соҳиллари тақсимланиб, хусусийлаштириб олиниши керак? Агар жараён шу тарзда давом этса, бир кун келиб тоғлар этаги — адирларга ҳам дарвозалар ўрнатилмасмикин? Сўлим чечаклар, анвойи гиёҳлар яшнайдиган қирлар хусусийлаштириб юборилмасмикин?..

Менинг турмуш ташвишларидан сиқилиб, тезоб давр туғёнларидан руҳим толиққанида енгил машинамни сошлаб, кенгликлар бағрига чиқиб кетиш одатим бор. Бундай пайтларда кўнглим водий сафарини тусаб қолади. У томонларда киши баҳри-дилини очиб юборадиган манзаралар борки, уларни кўриб руҳинг юксалади, тоза эпкинлар нафасини туясан тегрангда. Мен Фарғона водийси йўлларидан кўп бор ўтганман. Авваллари, яъни шўро замонида бу йўлларнинг икки чеккаси фақат пахта пайкаллари бўлиб, куз ва баҳорда шўри ювилган шудгор ҳолида кўринар, пайкаллар четларида каллакланган тутларгина бир-бирлари билан қўл ушлашгандек турардилар. Бошқа дарахтлар кўзга ташланмасди. Тасаввур қилинг: яланғоч шудгор далалар ва каллакланган тутлар!.. Ниҳоятда мудҳиш манзара эмасми бу?!

Эндиликда бу кенгликлар ерни севувчиларга, экин экишни эплувчиларга тақсимлаб берилган. Энди улар ҳеч қачон ялписига шудгор қилинмайди. Дов-дарахтлари ялписига каллакланмайди. Шу боисдан, йилнинг қайси фаслида бу йўллардан ўтманг, кўпириб-тошиб бораётган зангор боғларга, боғчаларга кўзингиз тушади. Бундан кўнглингиз яйрайди, руҳингиз мусаффо ҳаволардан баҳра олади. Иншоолло, бундай боғлар кўпайиб боражагига имонингиз комил бўлади.

Тарихдан буюк Соҳибқирон юртимизни мўғул истилосидан озод қилганидан кейин унда бунёд бўлган боғларни бир ёдга олайлик. Шунда беихтиёр кўнглингиздан бугунги кунда тикланаётган яшил кенгликлар сафоси ўша даврда дуркун солланган боғлар файзи билан ниҳоятда ўхшаш эмасми, деган сархуш этувчи фикр кечади.

Амир Темури ва унинг авлодлари даврида табиатга оқилона муносабат юксак маданият даражасига кўтарилган эди. Босқин гирдибодлари ўтган заминда дов-дарахтлар яшнади. Хусусан, Самарқанд қалъаси атрофларида боғлар илм-фан ва меъморчилик санъатининг ўша даврдаги ютуқларига асосланганлигини уларга берилган номлар ҳам айтиб турибди. Яздий “Зафарнома”сида тарихий воқеа сифатида қайд этилган Самарқанд боғларидан бири “Боғи дувоздаҳ бурж”, яъни осмоннинг ўн икки буржигга мослаб барпо этилган улкан боғ номини олади.

Амир Темури гоёси билан барпо этилган боғлардан яна бири “Боғи нақши жаҳон” деб аталган. Чорбоғ усулида қурилган бу боғнинг маълум бир жойида дунёга донғи кетган мевали дарахтлар, бошқа ўрнида энг гўзал гуллар, чаманзорлар, яна бошқа муносиб топилган жойда

соя берадиган нодир дарахтлар ўстирилган. Нақшинкор кўшклар, мрамар ҳовузлар, зилол сувли ариқлар, шовуллаган фавворалар бу боғларни чиндан ҳам жаҳоннинг кўркига айлантирган.

Табиатдан завқ туйиш, унга юксак дид билан кўрк бериш, уни эъзозлаш борасида Бобур Мирзо фаолиятдан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Кобулнинг баланд бир жойида барпо этилган кўркама боғ “Боғи Бобуршоҳ” деб аталган. Бобур Мирзо бу боққа тоғдаги чашмалардан ариқ қаздириб сув келтирган. Унда беш аср бурун экилган чинорлар ҳозир ҳам осмонга бўй чўзиб турибди.

Бобур Мирзо ўзи барпо этган боғларни “Бобурнома”да севиб қаламга олади. Жамна бўйида ундан ёдгор бўлиб қолган “Боғи ором”, “Боғи Зарафшон”, “Боғи нилуфар”, Кобулда бунёд бўлган “Боғи бинафша” ва “Боғи Наврўзий” шулар жумласидандир. Ёз пайтида йўнғичқанинг нофармон гулига ва хушбўй ҳидига тўладиган яна бир боққа “Боғи йўнғичқа” деб ном берилади.

Мен юртимизда содир бўлаётган ўзгаришларга қараб, ўзимча бир ҳақиқатни кашф этгандек бўламан. Бу ҳақиқат шундан иборатки, агар мамлакат мустақил бўлса, халқ ўзини эмин-эркин ҳис этса, бу диёрда бунёдкорлик ишлари авж олар экан, боғ-роғлар кўпайиб, табиатга меҳр ортар экан. Бугунги кунда мамлакатимиз пойтахтида ва вилоятлар марказларида бир-биридан кўркама иншоотларнинг вужудга келганлиги, бир-биридан гўзал боғ ва хиёбонларнинг барпо этилаётганлиги бу фикримнинг ёрқин исботидир. Мен давом этаётган бундай жараёни — шижоатни, шукуҳни Мустақиллик нашидаси, Истиқлол сурури дея атагим келади.

Хусусан, пойтахтимиздаги қайта кўрк берилган Мустақиллик майдони, Миллий боғ, Шаҳидлар хотираси майдони, каби сайлгоҳлар хусн-жамоли, кўрку фасоҳати билан кимларнинг қалбида завқ уйғотмайди, қайси бир хорижлик меҳмоннинг кўнглини ром этмайди! Айниқса улардаги яшиллик табиат билан уйғунликда янаям кўркамалик касб этади.

Менинг эрта тонгда ўзим яшайдиган мавзегга яқин катта йўлда айланиш одатим бор. Айниқса, йўл четидаги бўш майдонларга ҳафсала билан экилган манзарали дарахт кўчатларини кўриб баҳри дилим очилади. Бироқ шуларни ҳам синдириб кетадиган ношудлар бор экан. Бир куни ана шундай қайириб синдирилган бир ниҳол қошида мўйсафид киши оғир ғуссага толиб турганини кўрдим. “Қайси кўлинг сингур қилди экан-а?!..”, — деди менга юзланиб. Унинг изтироби менинг ҳам қалбимга кўчди. “Ёш бўлса, ким бўлиб улғаяркин, вояга етган фуқаро бўлса, оиласида ўзини қандай тутаркин?..” деган ўйларга чўмдим беихтиёр.

Кейинги йилларда, айниқса, арча экиш расм бўлди. Арча кўпийиллик, чайир дарахт. Кўриниши кўзни яйратади. Шаҳар ҳавосини тозалаб туришда унинг ўрнини ҳеч бир дарахт босолмайди. Ўтган йили Нукусга борганимда ёз пайтида ҳам янги ташкил этилган хиёбон арча кўчатлари билан зийнатланаётган экан. Бу миришкорлик ажойиб анъана тусини олганлигидан кўнглим яшнаб, руҳим юксалди. Ва шу аснода вилоятлардан бирида юз берган арча кўчатларига боғлиқ воқеа эсимга тушди. Ҳокимлик муассасалару идоралар олдидаги майдончаларга ҳамда йўл четларига арча экиш кераклиги ҳақида қатъий топшириқ берибди. Бир туман марказий кўчалари бўйидаги арчаларнинг тутиб кетиши қийин бўлибди — сарғая бошлабди. Эрта-

индин махсус комиссия келади. Раҳбарнинг гап эшитиши тайин! Нима қилиш керак? Раҳбар ўйлай-ўйлай чорасини топибди: кўчатларнинг ҳаммасига яшил бўёқ пуркаб чиқинглар, дея буйруқ беради кўл остидагиларга. Айтишларича, аллақачон илдизи қуриб бўлган ўша арчалар ҳали ҳам ям-яшилмиш!.. Мана, сизга кўзбўямачиликнинг янги кўриниши!

Бугунги кунда табиатга муносабатдаги ҳар қандай ҳолга чидаш мумкиндир-у, лекин бунақасига тоқат қилиш мумкин эмас.

Ишқилиб, ясама дарахтлардан иборат боғлар бунёд қилувчилар чиқиб қолмаса бўлгани. Бундай боғ ижодкорлари кейин уни булбул овозларининг фонограммаси билан пардозлаш ишқига тушиб қолишса-чи!..

Балки бу муҳитни мўъжиза деб тарғиб қилувчилар ҳам топилар? Лекин табиийликка нима етсин!..

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар фуқароларида сўнгги русумдаги машинада сайр қилиш эмас, ям-яшил майсада ялангоёқ юриш иштиёқи кучайиб бормоқда.

Бу туйғуни тушунса бўлади. Чунки инсон табиат фарзанди. У тамаддуннинг учқур қанотларида ҳар қанча юксакликларга кўтарилмасин, барибир заминни қўмсайди. Унга тупроқ ҳиди ва бинафша атри ҳамиша эзгу ва тансиқ бўлиб қолаверади.

Мен ахборот замонининг кишиси сифатида турфа эҳтирослардан ҳар қанча таъсирланмайин, кўнглимга ҳамиша бир нарса таскин беради. Бу инсониятни энг қийин вазиятларда, энг мураккаб даврларда асраб келаётган, уни тўғри йўлга даъват этаётган Яратган томонидан инъом этилган тафаккур ва идрокка ишонч туйғусидир.

Кишилик жамияти бугунги кунда яна бир синовга — глобал экологик таназулга дуч келди. Буни чуқур ҳис этган дунё олимлари бу кулфат олдини олиш учун, унга қарши чоралар топиш учун қизгин иш бошлаб юбордилар.

Айни чоғда дунё халқлари қалбида табиатга янгича муносабат туйғуси уйғона бошлади. Тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқариш саноатининг янги, табиатга зиён етказмайдиган воситалари яратилмоқда, айниқса қувват манбаларини яратиш борасида улуг кашфиётлар арафасида турибмиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 5 июнни “Бутунжаҳон атроф-муҳит куни”, 22 мартни “Бутунжаҳон сув куни” деб эълон қилганлиги, 2010 йилни “Бутунжаҳон биохилмахиллик йили” дея номлаганлиги айниқса қувонарлидир.

Япония яшил хазинага бойлиги жиҳатидан дунёнинг олдинги ўринларида турибди. Кореяда дарахт касалликларини даволовчи мутахассислар — фитопатологлар тайёрлана бошлади.

Бу борада бизнинг мамлакатимизда ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда, ибрат бўларли ташаббуслар бошлаб юборилган. Шу ўринда мустақиллик йилларида ташкил этилган Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди фаолиятини алоҳида айтиб ўтмоқ лозим. Шунингдек, мамлакатимизда экологик ҳаракатнинг вужудга келганлиги ва бу гуруҳнинг жонкуяр, фаол вакиллари ўтган йили Олий Мажлисга бўлиб ўтган сайловда парламентдан ўрин олганлиги кўнгилини қувонтиради.

Шуни катта фахр билан таъкидлаш жоизки, экологияга доир энг долзарб муаммолар Президентимиз Ислом Каримов томонидан жаҳоннинг юксак минбарларидан туриб айтилди ва айтилмоқда. Жум-

ладан, Юртбошимиз Юнеско Ижроия кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзлаган нутқида (1998 йил 6 ноябрь) шундай деган эди: “Бугун, XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик, инсон билан табиат муносабатларини тўғри йўлга солиш муаммолари ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Зеро, бу муаммонинг ечилиши барча халқларнинг манфаатларига дахлдордир, жаҳон цивилизациясининг бугуни ва келажаги кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир.

Экологик хавфсизлик муаммоси миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, умуминсоният дардига айланди. Шу боисдан уни фақат ҳамкорлик асосидагина ҳал этиш мумкин”.

Ўзбекда қадимдан келаётган бир анъана бор. У ўз фарзанди уйини ўзиникидан-да шинам, чиройли, саришта бўлишини истайди ва шу орзу билан жонини жабборга бериб заҳмат чекади. Бугунги кунда бутун инсоният ўзбекнинг мана шу анъанасидан ибрат олса, айни муддао бўларди. Зеро, келгуси авлодлар умумбашарият фарзанди бўлиб, Ер сайёраси унинг яшайдиган уйидир!

Мен сокин кечаларда серюлдуз самога тикилганимда унинг қайси бир пучмоғида ҳаёт бор экан, деган хаёлга чўмаман. Ҳали у юлдузларнинг бирортасида ҳаёт борлигини илм тасдиқлагани йўқ. Лекин бу маъволар бизга жаннат гўшалари бўлиб туюлади баъзан. Мен, йўқ, жаннат у манзилларда эмас, инсон зурёди яшаётган мана шу миттигина юлдуз — Ер аталмиш сайёрада, дегим келади. Лекин мўъжаз, маъсум ва мунис сайёрага унда истиқомат қилаётган одамлар юракларигади меҳрини бахш этмасалар, уни тамаддун жунбушларидан ҳимоя этиб, яшнатиш ишқи билан ёнмасалар, у тобора унниқиб, охир-оқибат заволга юз тутиши ва ҳақиқий дўзахга айланиши эҳтимолдан холи эмас, дегим ҳам келади.

Сайёрамизни асрайлик, одамлар!

Мирнўлат МИРЗО



Муҳаммад Усмон ЖАМОЛ

Буюк донишманд

ИБН АЛ-МУБОРАКНИНГ АСАРЛАРИ

Дастлабки олимлардан то ҳадисларни ёзиб олишигача бўлган даврда ибн ал-Муборак саҳоба тобеъийлардан (р.а.) иборат солиҳ салафлар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадисларини ёзмас эдилар, лекин улар ҳадисларнинг лафзий маъноларини бошқаларга нақл қилиб, хотираларида сақлардилар. Улар фақат садақага оид китобини ва тадқиқотдан кейин илм аҳли (боҳис) таянадиган кичик бир парчалари (қисми)ни ёзма қайд этганлар. Бу ҳол ҳадисларнинг унутилиб, йўқ бўлиб кетиши хавфи туғилиб, вақт ўтиши билан уларни билган олиму уламоларнинг бирин кетин вафот этиб кетишлари хавфи пайдо бўлгунча давом этди. Натижада Умар ибн Абдулазиз (халифалик даври 717-720 йиллар) (р.а.) Мадина шаҳри ҳокими тобеъий Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Хазм ал-Ансорийга (744 йилда вафот этган) мактуб йўллаб, унда: “Ўз шаҳрингизда амалда бўлган (қўлланиладиган) суннат ёки ҳадисларни ўрганиб аниқланглар. Чунки мен илмнинг йўқ бўлиб, олимларнинг бу дунёдан ўтиб кетишларидан қўрқаяпман. Фақат Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг ҳадисларини қабул қилинлар. Бу ишдан мақсад илми (ҳадисларни) халқ орасида тарқатиш, уни билмаганларга уларни ўргатишдир. Чунки илм ҳеч кимга билдирилмай сир тутилгандагина ҳалокатга учрайди», – деб ёзди. Халифа Умар айни шу мазмундаги мактубларни халифаликнинг турли томонларидаги ўзига тобеъ бўлган ўлкаларга ҳам йўллади ва Расулуллоҳ (с.а.в.)га мансуб ҳадисларни ўрганиб аниқлагач, уларни ёзма ҳолатда тўплашларини амр қилди. Мана шу воқеадан эътиборан олиму уламолар Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларини жаъмлаб, китоб ҳолида тасниф этишни бошлаганлар. Эътиборга молиги шулки, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадисларини тадвин қилган (девонга киритган) буюк олимлару имомлар қаторида дастлабки шарафли ўринларда турадиганлардан бири ҳисобланади.

Имом ас-Суютий «Тадрийб ар-ровий» асарида: “Биринчилардан бўлиб ҳадис (асар)ларни ёзма жаъмлаган олимлардан Маккада Ибн Журайж (вафоти 767 йил), Мадинада Муҳаммад ибн Исҳоқ (704-767 йиллар), Молик ибн Анас (708 ёки 715 йилда туғилган-795 йилда вафот этган), Басрада ар-Робиъ ибн Субайх, Саъийд ибн Абу Аруба (689-773), Ҳаммод ибн Салама (784 йилда вафот этган), Куфада Суфён ас-Саврий, Шомда ал-Авзоъий, Воситда Хушайм, Яманда Муаммар, Раййда Жарир ибн Абдулҳамийд, Хуросонда Ибн ал-Муборак (736-798 йиллар) ҳисобланади”, – деб ёзган. Ал-Ироқий ва Ибн Ҳажар ал-Асқалоний каби йирик тарихчи уламолар: «Бу буюк олимларнинг ҳаммалари бир асрда яшаганлар, шу боис улардан қайсилари биринчи бўлиб ҳадис ёзганларини аниқлаш қийин», – деб ёзганлар. Сўнгра улар билан бир асрда замондош бўлиб яшаган кўплаб олимлар уларга эргашиб, ҳадисларни тадвин этиб асарлар тасниф этганлар-у, лекин уларни ажратмасдан саҳиҳлари билан бошқаларини аралаштириб жамлаганлар. Ўша даврда ёзилган асарларда саҳиҳ ва бошқа (заиф) ҳадислар аралаш ҳолда келтирилган эди. Аксар олимларнинг фикрларига кўра, биринчи бўлиб фақат саҳиҳ (ишончли, ҳаққоний) ҳадисларни

Давоми. Боши ўтган сонда.

тўплаб асар тасниф этган киши - Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. Шу нуқтаи назардан қаралганда ибн ал-Муборак ҳазратлари Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларини тўплаб ёзма қайд этишдек юксак мақом ва фазилатга сазовор бўлган дастлабта буюк олимлар сафидан ўрин олган. Юқорида зикр этганимиздек, ибн ал-Муборак “ал-Арбаъийнот (Қирқталлик ҳадислар)” ва илмнинг бошқа соҳаларида самарали фаолият кўрсатган олимлардан бўлиб, бу ҳақда кейинчалик батафсил баён қиламиз.

Маълумки, Ибн ал-Муборак жуда кўп таълиф қилган олимлардан бири ҳисобланади. Гарчанд, юқорида таъкидлаганимиздек, Ибн ал-Муборак яшаган давр илми (ҳадисларни) ёзма тадвин этиш энди бошланган давр эди. Қатор олимлар томонидан келтирилган манбалардан маълум бўлишича, имом (Ибн ал-Муборак)нинг хилма-хил илмлар ва маърифатнинг турли масалаларига доир кўплаб раснифотлари бор. «Табақот» номли асарида ибн Саид шундай ёзади: “У кўплаб ривоятлар келтириб, илм-фаннинг турли соҳаларида кўп асарлар тасниф этган. Ундан бир қавм илм ўрганиб, бошқа одамлар улардан ёзиб олганлар”. Машҳур тарихчи имом Шамсиддин аз-Заҳабий «Ал-Ибар фий ахбори ман гобар» асарида: «Ибн ал-Муборак кўп асарлар тасниф этган», – деб қайд этган ва шунингдек; “У турли илмларни (махсус) бобларга ва фикҳий (қисмлар)га бўлиб тадвин қилди”, – деб ёзган. Ибн ал-Муборакнинг мусаннафотлари халқ оммаси тарафидан катта мамнуният ва ҳушнудлик билан қабул қилиниб, толиби илм бу асарларни дарслик сифатида ўрганганлар ва бу асарлардан кўп фойда топганлар. Машҳур олим ибн Касир Абдуллоҳ ибн ал-Муборак асарларини гўзал (ажойиб) асарлар (тасниф ал-хисон) деб тавсифлаб, уларга юқори баҳо берган. Ибн Носуриддин деган муаррих Ибн ал-Муборак ҳақида алоҳида тўхталиб, у: «Фойдали мусаннафотларнинг соҳиби бўлган замонасининг буюк олимларидан биридир», – деб баҳолаган. Ҳақиқатан ҳам Ибн ал-Муборакнинг илм-фаннинг турли соҳаларига оид тасниф этган асарлари унинг кенг қамровли юксак маданий савияси ва турли-туман илмлар бўйича чуқур билимга эгаллигини намоян этардики, буларнинг ҳаммаси алломанинг ўз даврининг биллиларию маданиятини мукаммал егаллаганлигига далилдир.

Олдин зикр этилганидек, у турли-туман илмларни (махсус) бобларга ва фикҳий қисмларга бўлиб тадвин қилди – бу илмлар газот, зуҳд, рақоик ва бошқаларни қамраб олган бўлиб, илм ва маърифатнинг муҳим қисмларидан ҳисобланади. Машҳур алломалардан бири Яҳё ибн Одам Ибн ал-Муборак китобларининг омма учун фойдаси, бу асарлар фикҳнинг нозик масалаларини қамраб олганлиги ҳақида сўз юритиб: «Агар мен ўзим излаган турли-туман нозик масалаларга қониқарли жавобни ибн ал-Муборакнинг асарларидан топа олмасам, мен унда батамом умидимни узардим», – дейди.

Шу боис олиму уламолар унинг асарларига кучли эътимод қўйиб, уларни тўла-тўқис ёдлаб олардилар. Машҳур ватандошимиз, буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг таржимаи ҳолида зикр этилганки, у ҳадис ўрганиш учун хорижий юртларга чиқишдан олдин ибн ал-Муборакнинг асарларини ёд олган, ваҳоланки бу пайтда у энди ўн олти ёшга тўлган эди. Таассуфлар бўлсинки, илмий ва тафаккуррий қимматбаҳо бойликларнинг талай қисми бизгача етиб келмай, йўқолиб кетганидек Ибн ал-Муборак қаламига мансуб аксар асарлар ҳам турли сабабларга кўра йўқ бўлиб кетган. Тарих саҳифаларида у асарлардан айримларининг номларигина сақланиб қолган, холос. Бу алломанинг омон қолган қўлёзма асарларидан айримлари Суриянинг пойтахти Дамашқ шаҳридаги аз-Зоҳирия кутубхонасида ва Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги кутубхоналарида сақланади.

Улардан алифбо тартибда куйидаги асарларни кўрсатиш мумкин:

1. “Қирқ ҳадис китоби («Китоб ал-Арбаъийн ҳадийсан»)”.

Пайгамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг «Кимки умматимга дин масалаларига доир қирқ ҳадисни ёд олдирса, қиёмат кунида Аллоҳ таоло уни фақиҳлар ва уламолар қаторида қайтадан тирилтиради» деган ҳадиси шарифларига амал қилиб, ибн ал-Муборак олимлардан биринчи бўлиб ҳадисларни жамлаш устида ишлаган. Шундан кейин кўп олимлар унга эргашиб, ҳадис жамлаганлар. Ибн ал-Муборакдан кейин қирқ ҳадис тўплаш (ёдлаш) (ал-арбаъийнот)га бағишлаб асар ёзганлардан раббоний олим Муҳаммад ибн Аслам Аттусий, ундан кейин ал-Ҳасан ибн Суфён ан-Насоий ва Абу Бакр ал-Ожирий, Абу Бакр

Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Исфажоний, ал-Дороқутний, ал-Ҳоким, Абу Наъийм, Абу Абдурахмон ас-Сулабий, Абу Саъид ал-Молиний, Абу Усмон ас-Собуний, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ансорий, Абу Бакр ал-Байҳақий ва шунингдек, олдинги ўтганлар (мутақаддимлар) ва кейинги (мутааххирийн)-лардан санаб саногига етиб бўлмайдиган кўп сонли олимлар бу йўналиш бўйича асарлар тасниф қилдилар. Ал-Арбаъийнот (қирқ ҳадис) бўйича яратилган асарлардан энг машҳури Имом Муҳйиддин ан-Нававийнинг (р.а.) «Китоб ал-арбаъийн ан-нававийя» асари ҳисобланади.

2. “Китоб ал-Истиъзон (Изн сўраш ҳақида китоб)”. Ибн ал-Муборакнинг бу таснифи ҳақида ал-Каттонийнинг «Ар-Рисолату ал-мустатрифа» асарида заиф деган фикр келтирилган.

3. “Китоб ал-бирр ва-с-сила («Яхшилик ва меҳрибонлик ҳақида китоб»)”. Бу китобдаги ҳадисларни Ал-Ҳасан ибн Суфён Ҳиббон ибн Мусодан, у эса Абдуллоҳ ибн ал-Муборакдан ривоят қилган. Дамашқдаги аз-Зоҳирия кутубхонасида мазкур асарнинг фақат иккинчи қисмининг қўлёзмаси сақланади. Бу қадимий нусха ҳижрий 372 (милодий 983) йилда кўчирилганлиги қайд этилган.

4. “Китоб ат-Тарих («Тарих китоби»)”. Ибн ал-Муборакнинг бу асари ҳақида Ибн ан-Надим, Шамсиддин аз-Заҳабий каби олимлар ўз асарларида зикр қилганлар.

5. “Китобу тафсир ал-Қуръон (Қуръон тафсири)”.

6. “Китоб ал-Жиход (Аллоҳ йўлида жиҳод ҳақида китоб)”. Ибн ал-Муборакнинг бу асари ҳақида Ҳожи Халифанинг «Кашф аз-Зунун» китоби, ал-Каттонийнинг «ар-Рисола ал-мустатрифа» рисоласи каби манбаларда зикр этилган. Бу ўринда айтиш жоизки, Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳақида биринчи бўлиб асар тасниф этган муаллиф ибн ал-Муборак бўлади. У бу китобига марфуъ ҳадис ҳамда саҳоба ва тобеъийларнинг сўзларидан 262 тасини тўплаб киритган. Бу асар ҳижрий 1391 (милодий 1971) йилда Байрутда устоз Назих Ҳаммод таҳқиқи остида нашр этилган эди.

7. “Китоб ал-дақоик фир рақоик (Нафис нарсаларда нозик жиҳатлар ҳақида китоб)”. Бу тасниф Ҳожи Ҳалифанинг «Кашф уз-зунун» асарида «ар-Рақоик» номи билан зикр этилган асарнинг ўзи бўлса керак.

8. “Китоб риқаъ ал-фатова (Фатволар мажмуаси китоби)”. Бу асар ҳақида ҳам Ҳожи Халифанинг «Кашф уз-зунун» китоби ва ал-Бағдодийнинг «Ҳадият ул-орифийн» асари каби манбаларда зикр этилган.

9. “Китоб аз-зуҳд вар-рақоик (Зоҳидлик ва юмшоқ табиатлилик ҳақида китоб)”. Ибн ан-Надийм, Ҳожи Халифа ал-Бағдодий каби олимларнинг асарларида бу китоб ҳақида зикр этилган. Ибн ал-Муборакнинг бу асарида марфуъ ҳадислар ва саҳобаю тобеъийларнинг сўзларидан охиратдан огоҳ қилиб, бу дунёнинг (лаззатлари) дан ўзни тийишга ундайдиганлари ва қалбларни юмшатадиганлари жамланган. Асар бобларга бўлиниб, тартиб берилган. Ҳиндистоннинг машҳур олимларидан бири муҳаққиқ аллома аш-Шайх Ҳабиб ар-Раҳмон ал-Аъзамий бу асарни илмий тадқиқ этиб нашр қилдирган.

10. “Китоб ас-сунан фил фикҳи (Фикҳда суннатлар китоби)”. Ибн ал-Муборакнинг бу асари ҳақида ал-Бағдодийнинг «Ҳадият ул-орифийн» ва ибн ан-Надимнинг «ал-Фихрист» асарида зикр этилган.

11. “Китоб ал-Муснад (Муснад китоби)”. Ибн ал-Муборакнинг бу асари қўлёзмасининг икки қисми (иккинчи ва учинчи қисмлари) Дамашқдаги аз-Зоҳирия кутубхонасида сақланади. Жуда яхши сақланган ушбу қўлёзма хаттот ал-Ҳофиз Абу Муҳаммад ал-Қосим ибн ал-Ҳофиз Муҳаммад ибн Асокир томонидан 1154 йилда кўчирилган. Ушбу асарнинг аз-Зоҳирия кутубхонасидаги ашъвий рақами - мажмуа 18 (107-124 varaқлар), (баъзи адабиётларда ҳадис 328 (100-123 varaқлар). Айрим олимларнинг фикрича, бу нусха «ал-Муснад»нинг бошқа нусхасидир. Юқорида зикр этилган асарлар ибн ал-Муборакнинг илм аҳлига маълум бўлган асарлари ҳисобланиб, унинг бизгача хатто номи ҳам етиб келмаган асарлари мавжудлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

ИБН АЛ-МУБОРАК ШОИР СИФАТИДА

Ибн ал-Муборак ҳақида ёзган олимлар фикрларидан аён-ки, у ўз даврининг кўплаб илмлари бўйича машҳур бўлган. Улардан ал-адаб, наҳв, сарф, луғатшунослик, шеърят, хатоба (фасоҳат) — буларнинг ҳаммаси уни ўз дав-

рининг қомусий алломаси даражасига кўтарган гоётада юксак иқтидору салоҳиятга эга бўлганлиги ва донишмандлигидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг ёшлик чоғларидан бошлаб отаси уни шеърий асарларни ёд олиш ва ривоят қилишга қизиқтириб, ҳавас-ишти-ёқини оширган. Бу ҳақда Зунайтдан у Абу Тумайладан шундай ривоят қилинади: «Менинг отам ва Абдуллоҳнинг отаси ал-Муборак икковлари тижорат билан шуғулланардилар. Улар ёллаш хусусида биз учун шундай тартиб жорий қилдиларки, қайсимиз бир қасида ёдласак, шунга бир дирҳам мукофот берардилар. Бу хусусда Абу Фассон: «Натижада улар икковлари ҳам шоир бўлиб етишдилар», – деган.

Яна шуни айтиш жоизки, ибн ал-Муборак фасоҳатни эгаллашга ва араб тилини ўрганишга бутун вужуди ила берилиб, алоҳида қизиқиш билан қараган. Ривоятларга кўра, ҳатто бу хусусда у доимо: «Калом (сўзлаш)да қоидага хилоф равишда гапириш инсон юзидаги чечакнинг изларидан кўра ҳам хунукдир», – деб таъкидлар экан.

Кўплаб ёзма манбаларда яқдиллик билан ёзилишича, ибн ал-Муборак гўзал, нафис шеърлар ва нозик назмий асарлар яратган фасоҳатли шоир бўлган. Ҳатто Ибн Журайж (у 757 йили вафот этган) унинг ҳақида: «Мен ундан кўра фасих бўлган биронта шоирни кўрмадим», – деган. Лекин унинг ҳайратомуз юксак салоҳияти ва иқтидори ижодининг бошқа соҳаларида намоён бўлгани каби унинг назмий меросида намоён бўлмади. Бунинг сабабини балки қадим ўтган салаф олимларнинг шеъриятга ва умуман шоирларга бўлган муносабатидан излаш жоиздир. Мана шу ҳолат йирик олимнинг ҳам мақомини тушириб (пасайтириб), унинг юқори ўрнига ҳам бадномлик етказиши эҳтимолдан холи эмасди. Айни шу хусусда Имом аш-Шофеъийнинг гўзал байти ҳам илм аҳлларига яхши маълум. Бу фикрларимизга яна кўшимча қилиб айтиш мумкинки, ибн ал-Муборак шахсиятининг бошқа илмий ва амалий жиҳатлари каби унинг шеъриятига нисбатан ҳам алоҳида эҳтиром ва меҳр-эътибор билан қаралади. Айни чоғда буюк олимларнинг ҳаёти ва ижодларига бағишланган библиография асарларнинг барчаси, нечундир, Ибн ал-Муборак ижодининг шеърий томонига беписанд (эътиборсиз)лик билан қарашга қорлайди. Жуда бўлмаса (унинг назми ҳақида) батафсилроқ баён қилмасдан қисқача эслатиш билан чегараланадилар. Ҳар ҳолда тарих китоблари саҳифаларида ибн ал-Муборакнинг шеърий меросидан сақланиб қолганларининг ўзи ҳам ибн ал-Муборакнинг шоирлиги ҳақида, шунингдек, у тараннум қилган гоёлар ва уларнинг асосий йўналиш (мағиз)лари ҳақида етарли ва аниқ маълумот (фикр) беради.

Ибн ал-Муборакнинг шеърларида юксак даражадаги назмий салоҳият ва балоғат, олий савиядаги фасоҳат мавжуд бўлса-да, балки улар ҳис-туйғуларни ларза (жунбуш)га келтирадиган, қалбларни ҳаяжонга соладиган, уларни эшитганда асаблар тантаналашидан ёки бўлмаса хаёл қанотларига ўтириб узоқ-узоқларга парвоз қилишга ундайдиган жиҳатлар кузатилмасди. Лекин энг муҳими, ибн ал-Муборак бу (шеърлари) билан шон-шухрат орттириш ёки одамларнинг диққатини ўзига тортиш ёки бўлмаса молу дунё орттириш илинжида ўз олдига амиру умаролар ва соҳиби салтанат(султон)ларни мадҳ этишни мақсад қилиб қўймагани, чунки у имоми Аъзам (буюк имом, олим) эди. Шу боис ўз илми билан машғул бўлиб, буларга эришиш учун амирлар ва халифалар оstonасига боришдан воз кечган эди. У дунё талабу эҳтиёжлари билан банд бўлишдан кўра диний масалалар билан машғул бўлишни ва мажлислар марказида жўш урган обрўларга бурилиб қарашдан кўра унинг охирати (унинг ташвиши) билан шуғулланишни афзал билган шоир эди.

Унинг аксар шеърларида тақво, зоҳидлик каби диний мавзулар ўз аксини топган. Шунингдек, таниқли олим Ибн Касирнинг таърифлашича, «Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг кўндан-кўп ҳикमतлари билан йўрилган гўзал шеърлари бор». Алломанинг турли-туман ёзма манбаларда келтирилган шеърларида юксак даражадаги донишмандлик, ўзига хос жўшқин маҳорат ва энг муҳими, намунали ахлоқ-одобга доир олийжаноб гоёлар ифодаланган. Жумладан, ўз динини дунёга алмаштирганлар ҳақидаги ёки бўлмаса илмни восита қилиб, ёлгон-у ёшиқ (беҳуда) ишлари билан одамларнинг мол-давлатини «туя қиладиганлар» ҳақидаги шеърлари унинг нечоғлик эътиқодли ва адолатпарвар бўлганлигидан далолатдир.

ИБН АЛ-МУБОРАКНИНГ АМАЛИЙ ҲАЁТИ

Бу рисолада келтирилган маълумотлардан ибн ал-Муборакнинг ўта қобилиятли имом(олим), ишончли муҳаддис, машҳур фақиҳ бўлганлигини кўриб, илму-ирфон соҳасидаги юксак мақоми ва улуғ мартабасига гувоҳ бўлдик. Шу билан бирга, Ибн ал-Муборакка хос бўлган гоятда буюк фазилат шунда эдики, у илм фақат амалиётга (амалий фаолиятга) олиб борадиган (тўғри) йўл эканлигини теран англаган эди. Бинобарин у илмни фақат олиму уламолар билан тортишиб баҳслашиш учунгина эгалламагани, ёнгики илм воситасида ақлсиз нодонлар билан тортишиб-талашиш учун ё бўлмаса бошқаларнинг диққатини ўзига тортиб, шон-шухрат қозониш учун эгалламаган эди. Унинг наздида илм, Аллоҳ яратгандан буён амалий ишларга олиб борадиган йўлдир. Унинг ақидасига кўра, илмни кўп ва хўб эгаллаган кишининг, албатта, амалий фаолиятида ҳам ўсиш (юксалиш, тараққиёт) бўлиши муқаррар, акс ҳолда илм эгаллашнинг фойдаси йўқ ҳисобланади. Мана шу тартибни у ўзи учун қатъий бир қоида қилиб олган ва уни ўз турмуш тарзию каломи билан бошқа одамларни ҳам унга даъват қилар эди. Ибн ал-Муборакнинг айнаи шу тарздаги фаолиятдан ҳикоя қилувчи фойдали бир ривоят бўлиб, у кўп манбаларда зикр қилинади. Эмишки, гоятда бадавлат бир киши бўлиб, ундан иқтибос қилмагунга қадар бир олимни билмас экан. Фалон жойда бир олим бор экан, деб эшитади ва кемага ўтириб уни кўриш учун йўлга чиқади. Кемада қандайдир бир аёл бўлиб, ундан: «Нима иш билан кетаяпсан?»— деб сўрайди. У: «Мен илм шайдосиман, фалон жойда бир олим бор деб эшитиб, унинг ҳузурига кетаяпман»,— деб жавоб беради. Шунда у аёл: «Эй фалончи! Илминг ошган сайин амалингда (ишингда, меҳнатингда) ҳам зиёдалик (ўсиш) рўй бераётгирми?», Агарда илминг ошса-ю, ишинг эса бир жойда қотиб тураверса, бу тўғри эмас»,— дейди. Бу гапдан сафарга чиққан киши гоятда таъсирланиб-да, йўлдан қайтиб, амалий фаолият билан машғул бўлибди.

Бағоят зукко аллома бўлган ибн ал-Муборакнинг ўз илмига қай даражада амал қилганлиги хусусида ҳам алоҳида тўхталиб, айрим мисоллар келтириш жоиздир. Унинг илмий салоҳияти гоятда кенг кўламли бўлиши билан бирга алломанинг бу чексиз илмни амалиётга тадбиқ қилиш йўлидаги жидду жаҳди ҳам нақадар кучли бўлганлиги ҳақида манбаларда зикр этилади. Мамнуният билан қайд этиш жоизки, ибн ал-Муборак ҳазратлари жамики гўзал фазилатлару хислатларни ўзида мужассам қилган, том маънода комил инсон бўлганларки, унинг сийрат (хулқ-атвор)лари гўё қалбларни хушнуд қиладиган, кўкракларни сурурга тўлдирадиган, дилларга лаззат бахш этадиган тонг насими каби ёқимли эди.

Айнаи шу фазилатлари боис йирик муҳаддис Исмоил ибн Иъёш (У 798 йилда вафот этган): «Ер юзи устида Абдуллоҳ ибн Муборакдек (буюк олим) йўқ, Аллоҳ таоло Абдуллоҳ ибн ал-Муборакга ато қилган гўзал, энг аъло фазилатлар бошқа бирор кишида борлигини билмайман»,— дегандилар.

Гўзал фазлу фазилатларнинг бир кишида мужассам бўлишининг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, чунки барча фазилатлар Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримдан, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатлари ва сийратлари таъсирида ҳосил бўлади. Кимки мана шу (омил)ларни каттаю кичик барча ишларида ўзи учун бир ибрат ва амалий қўлланма қилиб олса, албатта унда хилма-хил гўзал фазилатлар ва яхши хислатлар мужассам бўлади. Ул зотга чексиз муҳаббати туфайли нафақат оддий одамлар, ҳатто солиҳ кишилару уламолар ҳам Яратганга яқин бўлиб қоладилар. Айнаи шу ҳолатни буюк аллома ибн ал-Муборак р.а. ҳам бошларидан кечирган, албатта. Буларнинг ҳаммаси унинг ибодати, тақводорлиги ва солиҳ ишларни кўп қилганлиги ҳамда амалий ишлардаги ижтиҳоди ва Аллоҳнинг ризолиги йўлида кўрсатган жидду жаҳди туфайли ҳосил бўлган эди. Бу ўринда ибн ал-Муборакнинг фаҳму фазилатлари ва тақводорлиги хусусида таниқли олим ибн Уъяйна билдирган фикр эътиборга лойиқдир. У: «Мен саҳобаю киромлар тугган мартабаю мақомларни ҳам ўрганиб чиқдим, шунингдек ибн ал-Муборакнинг тугган мақомини ҳам ўргандим, саҳобаларда Расулуллоҳ с.а.в.нинг ёнларида бўлиб, у зот билан биргаликда газовотларда иштирок этганликларидан бошқа ибн ал-Муборакдан ортиқ фазлу фазилат кўрмадим,— деган.

ИБН АЛ-МУБОРАКНИНГ БОЙЛИККА МУНОСАБАТИ

Юқорида зикр этилган маълумотлар муайян даражада Ибн ал-Муборакнинг бой-бадавлат бўлганлиги, унинг тижорати ҳам кенг қамровли бўлиб, кўп ўлкаларда иш олиб борганлиги ҳақида далолат бера олади деб ўйлаймиз. Айрим манбаларда қайд этилишича, унинг мол-мулки (сармоясси) тўрт юз минг (динор)дан зиёд бўлиб, ҳар йиллик даромади юз минг динорга тўғри келарди. Лекин бу бойлик — бу давлат унинг отасидан мерос қолмаган эди, чунки, аввал айтилганидек, унинг отаси бор-йўғи оддий бир боғбон бўлиб, у бадавлат одамлар тоифасидан эмасди. Абдуллоҳ Ибн ал-Муборак ҳам фақат султону ҳокимларнинг эҳсонун саховатига кўз тикиб ўтирмади, молу давлатига бефарқ қараб, боз устига, кўпинча у ҳокимларнинг тухфа ва ҳадясини ҳам олмасди. Лекин у кейинчалик ўз меҳнатию саъй-ҳаракатлари туфайли катта мол-дунёга эришди. Ибн ал-Муборак бу мол-давлатини ўзидан кейин қоладиган (авлодлари)га мерос қилиб қолдириш учун ёки сандиқларга тахлаб қўйиш учун йиғмаганди, ёинки уларни қимматбаҳо уй анжомлари ва бебаҳо тухфаларга сарфлаш учун ҳам тўпламаган эди. Бунга ўхшаш одатлар унга бегона эди, у ақлли, хушли, диёнатли, зуҳду тақвога таянган, сермулоҳазали, охиратни ўйлаб иш тутадиган инсон бўлиб, унинг мақсади ўз молу дунёсини Аллоҳнинг ризолиги йўлида, хайрия ишлари ва эзгулик мақсадларида сарфлаш бўлган.

Юқорида зикр этилганидек, ибн ал-Муборак ҳар йили юз минг дирҳам пулини ибодат, зуҳд ва илм аҳлига сарфлар эди. Бу маблагнинг ҳаммаси унинг тижоратидан олган фойдасидан бўлмай, аксар ҳолларда унинг йиққан сармоясси (раас ал-мола) ҳисобидан бўлар эди. Бинобарин тижорат қилишдан ва унинг даромадидан кўзлаган мақсади фақиру фуқароларга, олиму уламоларга, зоҳиду обидлар учун хайрия тариқасида сарфлаш эди. Айни шу мақсадда у тинмай ишларди, тижорат мақсадида узоқ юртларга сафар қилар эди. Кунлардан бир кун у Фузайл ибн Ййозга: «Сен ва асҳобларинг бўлмаганда мен тижорат билан шуғуланмасдим», — деган эди.

Мана шу тариқа унинг меҳнату тижоратдан кўзлаган мақсади фақат хайр-эҳсонун мурувват эди. Чунки у бу хайрли ишдан инсоний юқори мақом ва бу дунёю охиратда эзгулигу хайр ишларни кўрар эди. Ҳатто унинг ҳузурига бедаво дардга мубтало бўлган бир бемор ёрдам сўраб келса, унга тўғри йўл кўрсатиб садақай жория қилардики, кўпинча у бемор шифо топиб кетарди.

Али ибн ал-Ҳасан ибн Шақиқ шундай деган: «Бир одам Ибн ал-Муборакдан шундай деб сўраганини эшитган эдим: «Эй, Абу Абдурахмон бундан етти йил муқаддам тиззамдан қонаб турадиган бир яра чиққан эди, уни тузатаман деб қилмаган дори-дармоним ҳам қолмади, бормаган табибим ҳам қолмади, бироқ булардан ҳеч бир наф кўрмадим. Шунда ибн ал-Муборак унга: «Ён атрофни айланиб кўриб, одамлар сувга эҳтиёж сезган бир сувсиз жойни топ-да, ўша жойдан бир қудуқ қазигин. Мен аминманки, ўша жойдан отилиб сув чиқадиган бир булоқ пайдо бўлади ва сендан қон оқиш ҳам тўхтайдди. Шунда бояги одам у айтганини қилган эди, яраси битиб тузалиб кетган». (ал-Байҳақий ривояти).

Ибн ал-Муборакнинг ўзи ҳатто жазирама, иссиқ кунларда ҳам соим (рўздор) бўлиб, муҳтож одамларни энг яхши таоми билан боқар эди. Агар у таом ейишга ўтирса, ҳеч қачон бир ўзи овқатланмай, албатта бирор меҳмон билан бирга овқатланарди. Бу хусусда ал-Ҳасан: «Мен ибн ал-Муборакнинг Хуросондан то Бағдодгача қилган сафарида ҳамроҳлик қилганим, лекин шу сафар давомида бирор марта ҳам унинг ёлғиз ўзи овқатланганини кўрмадим», — деб ҳикоя қилган. У хурмо харид қиларди-да уни мискину бечораларга улашиб: «Ким менинг хурмоларимдан еса, ҳар бир еган хурмоси учун бир дирҳам мукофот олади», — деярдиди, кейин ейилган хурмо данакларини санаб, ҳар бир данакка ҳисоблаб, бир дирҳамдан тарқатарди. Яна у: «Оч кишининг қорнидаги бир бурда луқма (нон, таом) менинг ўлчовимда (назаримда) масжид курганимдан кўра ҳам афзал (авлодир, гарчанд у масжидни бир ўзим курадиган бўлсам ҳам), — деярдиди.

Тижорат ва фойдадан ибн ал-Муборак кўзлаган мақсад мана шу гоёга қаратилган эди. Айни шу мақсад йўлида у мол-дунё тўплади. Шу боис Аллоҳ таоло унинг давлатини баракали қилдики, у мол-дунёси камайиб қолишидан ҳеч бир хавотирсиз уларни хайр-эҳсон йўлига сарфлади. Унинг саховати ва олий

ҳимматлилиги ҳақида элу юрт орасида ақл бовар қилмайдиган, афсонавий даражадаги хабарлар тарқалган эди. Улардан баъзилари устида тўхталамиз. Ибн ал-Муборак бир марта Аллоҳ йўлида эзгу ишлар ниятида Бағдоддан ал-Маси-сага- Рум- Кичик Осиёнинг бир чегараси ҳисобланадиган жойга боради. Унинг ҳамроҳлари ўзларини дину диёнатни мустаҳкамлаш йўлида яхши амалларга ихтиёрий бахшида этган суфийлар эди. Ибн ал-Муборак уларга: «Сизларда шундай бир юксак фазилат борки, унга кўра сизлар камтаринликларингиз туфайли инфоқ (хайр-эҳсон) қилишдан орланасизлар, — деди. Сўнгра ўз гуло-мига қараб: «Эй гулом, тоғорани бу ёққа ол», — деди. Сўнгра тоғоранинг усти-ни дастрўмоли билан қоплади-да: «Ҳар бирингиз ҳам ёнидаги бор пулини дастрўмолнинг остига, тоғорага ташласин», — деди. Натижада улардан бирлари ўн дирҳам, бошқа бирлари йигирма дирҳам ташлади. Шунда Ибн ал-Муборак ал-Масусага етгунларига қадар уларга хайр-эҳсон қилиб, барча харажатларини ўзи кўтарди. Ал-Масусага етганларидан кейин уларга: «Бу ерлар чегара жойи, энди қолган пулларимизни ўзаро бўлишиб оламиз», — деди ва ҳар бир одамга йигирма динордан эҳсон қила бошлади. Шунда баъзилар: «Эй Абу Абдурахмон! Ахир мен атиги йигирма дирҳам берган эдим-ку», — деса, унга қараб: Аллоҳ таоло дин йўлида яхши амалларга бел боғлаган инсонларнинг молу дунёсини баракали қилишини билмайсанми?» — деб жавоб қилар эди.

Бир йили у ҳаж ибодатини адо этиш учун сафарга чиқиб, қайсидир бир шаҳардан ўтаётган эди. У ёнида олиб юрадиган бир қуш ўлиб қолади. Шунда у қушнинг ўлигини ахлат ўрасига ташлашга буюради. Қараса, ахлатхонага яқин уйлардан бир қиз бола чиқиб, ахлатхонага ташланган ўлик қушни олади-да, уни бир матога ўраб, шоша-пиша уйига кириб кетади. Ибн ал-Муборак қиз-нинг ёнига келиб, бу қилган иши ҳақида сўрайди. Шунда у қиз: «Мен ва укамнинг ушбу изор (узун кийим)дан бошқа бирор матомиз йўқ, биз ушбу ахлатхонага ташланадиган у — бу нарсани еб жон сақлаймиз, биз бир неча кундан буён туз татимасдан ўлим ҳолатига келиб қолганмиз. Отамиз молу дунёси етарли бўлган ўзига тўқ одам эди, унга адолатсизлик билан зулм қили-ниб, мол-мулкни тортиб олдилар ва ўзини ўлдирдилар. Бу гапни эшитган Ибн ал-Муборак карвонни орқага қайтаришга буюриб, ўз вакилидан: «Сенда қанча маблағ қолди?», — деб сўрайди. У: «Минг динор», — деб жавоб беради. Ундан йигирма динор олиб қолиб: «Бу бизга Марвга етгунимизча кифоя қила-ди, қолганини ўша қизга бер, бу ишимиз бу йилги ҳажимиздан кўра афзал», — дейди. Шу тариқа ҳаммалари орқаларига қайтадилар.

Бир кун Ибн ал-Муборакдан бир гадоё пул сўраган эди, у бир дирҳам эҳсон қилди. Шунда унинг баъзи дўстлари: «Бу гадоёлар қовурилган гўшт (шива) ва ал-фалузаж каби таомларни истеъмол қиладилар. Унга бу пулнинг бир қисмини берса ҳам кифоя қилар эди», — дейдилар. Шунда ибн ал-Муборак: «Худо ҳаққи, мен улар кўкат ва нондан бўлак бирор таом истеъмол қилмайдилар», — деб ўйлардим, башарти улар ал-Фалузаж ва шива еяр эканлар, унда уларга бир дирҳам етмас экан», — дейди ва ўз хизматкорларидан бирига: «Га-дойни қайтариб келгинда, унга ўн дирҳам бер», — дея амр қилади.

Бир кун Абу Асома қарздор бўлиб қолганлиги хусусида ибн ал-Муборакка шикоят қилиб, баъзи дўстлари орқали ёрдам уюштиришини ўтиниб сўрайди. Шунда Ибн ал-Муборак унга ўз пулидан беш юз дирҳам ёрдам кўрсатиб, вакили орқали бу пулни унга тунда бериб юборади ва вакилига у(ибн ал-Муборак)нинг тарафидан юборилганлигини Абу Асомага билдирмасликни та-йинлайди. «Вакил қарздорнинг олдига келиб, унга беш юз дирҳамни топшира-ди. У бу маблағни қабул қилиб, бошқа киши томонидан юборилган, деб ўйлайди. Шундан кейин кўп ўтмай Абу Асома ибн ал-Муборакни учратиб қолиб, ўз қарзи ҳақидаги гапини яна эслатади. Ибн ал-Муборак эса уни сукут сақлаб тинглайди. Абу Асома бу гапини икки-уч марта такрорлагач, ибн ал-Муборак: «Эҳтимол сен ўша қарзлардан халос бўлгандирсан», — дейди.

Кунлардан бир кун Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг ҳузурига бир киши ке-либ, зиммасидаги қарзини тўлашга ёрдам беришни илтимос қилиб сўрайди. Шунда у ўз вакилига бу қарзни тўлаш ҳақида хат юборади. Ушбу хат унинг вакилига етиб келганда у, қарздордан: «Абдуллоҳ ибн ал-Муборакдан тўлашни сўраган қарзингиз ўзи қанча?» — деб сўрайди. Қарздор: «Етти юз дирҳам», — деб

жавоб беради. Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг ўзига юборган хатига қараса, унга амр қилингани “етти минг дирҳам”. Шунда вакил Абдуллоҳ ибн ал-Муборакга хат йўллаб: «Бу одам сиздан етти юз дирҳам қарзини тўлашни сўраган, сиз эса етти минг дирҳам, деб ёзбисиз, даромад тугаб бўлган-ку, — дейди. Абдуллоҳ Ибн ал-Муборак вакилига: «Агарки даромадларимиз тугаган бўлса, бу ҳолатда (қарздор инсоннинг) умри хазон бўлмоқда-ку, юборган хатимда ёзилган (етти минг дирҳам) маблағни тўла», — деб таъкидлайди.

Айни шунга ўхшаш бир воқеа: Абдуллоҳ Ибн ал-Муборакнинг вакили бир масалада унга нисбатан бир қадар қайсарлик кўрсатади. Шунда ибн ал-Муборак унга мактуб йўллаб: «Агар сен менинг вакилим бўлсанг, мен амр қилган ишларни бажар, агарки мен сенинг вакилинг бўлсам, келиб менинг ўрнимга ўтир, мен эса сенинг ўрнинга ўтириб, сен буюрган ишларни бажараман, — дейди. Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: «Расулуллоҳ с.а.в. шундай деб марҳамат қилганлар: «Кимки ўз мусулмон биродарини бадохатан бир қувонч билан ҳайратга солса, Аллоҳ таоло унга мағфиратини кўрсатади. Бинобарин мен ҳам бадохатан унинг қувончига қувонч қўшиб ҳайратга солишни ихтиёр қилгандим.

Абдуллоҳ ибн Муборак ар-Румнинг чегараларидан бири бўлган Тарсуга тез-тез бориб турарди ва ар-Раққадаги бир қўноқхонада тўхтар эди. Бу ерда бир ўспирин йигит унинг ҳузурига келиб, унинг хизматларини бажарар ва ундан ҳадис эшитар эди. Бир сафар Ибн ал-Муборак ар-Раққага келганда ўша йигитни учратмади. Кўнгилли лашкарлар билан юришга шошиб турганлиги боис у билан ориқча қизиқмади. Қачонки юришдан бўшаб ар-Раққага қайтиб келганда, ўша йигит ҳақида сўраб-суриштирди. Шунда унга: «У йигит карвоннинг қарзи туфайли ҳибсга олинган, — дейдилар. Абдуллоҳ ибн ал-Муборак: «Унинг қарзи қанча?» — деб сўрайди. Улар: «Ун минг дирҳам», — деб жавоб қиладилар. Шунда у токи мол эгаси (соҳиб ал-мол)ни аниқ билиб олмагунча масалани чуқур ўрганади ва ўша кечанинг ўзида уни (соҳиб ал-мол)ни чақириб, унга ўн минг дирҳамни ўлчаб беради-да, уни токи Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ҳаёт экан, бу ҳақда энди минбаъд огиз очмасликка қасамёд қилдиради. Абдуллоҳ: «Тонг отгач, йигитни ҳибсдан чиқаргин», — дейди ва шу кечанинг ўзида йўлга тушиб, сафарини давом эттиради. Мол соҳибни йигитни ҳибсдан озод қилади ва унга: «Абдуллоҳ ибн ал-Муборак шу атрофда эдилар ва сени эсладилар, сўнгра шаҳардан чиқиб кетдилар», — дедилар. Йигит унинг орқасидан йўлга чиқиб, ар-Раққадан икки ёки уч марҳала масофада унга етиб олади. Шунда Ибн ал-Муборак унга қараб: «Эй йигит, қаерда эдинг, қўноқхонада сени кўрмадим», — дейди. Йигит: «Э, Абу Абдураҳмон, қарзим туфайли мен ҳибсда эдим», — дейди. У: «Ҳибсдан қандай озод бўлдинг?» — дея саволга тутаяди. Йигит: Бир киши келиб, менинг қарзимни тўлабди, азбаройи мен у одамни билмайман, ҳатто ҳибсдан чиқиб ҳам уни билмайман. Унга Абдуллоҳ: «Эй ўғлон! Аллоҳга ҳамд бўлсинки сенинг қарзингни тўлаш унга насиб этибди», — дейди. Ўша одам бу ҳақда Абдуллоҳнинг вафотига-ча биронтага чурқ этмаган (хабар бермаган).

Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг сахийлиги (олийжаноблиги) кўп бор мана шу тарзда- ўзи пулини тўлаб, харажатини кўтариши (инфоқи) тарзида намоен бўлган эди. У мол-дунёсини тобора зиёда қилиш, ёинки фахрланиш ёки бўлмаса бу дунёнинг зебу зийнати учун йиғмаган эди. У одамлар ўртасида шуҳратга эга бўлишни хуш кўрмасди, ўзи ҳақида ўта сахий, олийжаноб одам дейишларини хоҳламасди. Унинг йиққан мол-дунёси фақат Аллоҳ йўлидаги хайр-эҳсон харажатлари ва унинг ризолигини қозониш учунгина эди, холос.

ИБН АЛ-МУБОРАК – КАМТАРИН ИНСОН

Ибн ал-Муборак ўта камтарин инсон бўлиб, ўзида бошқалардан устун бўлган бирон фазилат кўрмайди, ўзида мужассам бўлган беҳад кўп мол-дунёси ҳам унинг назарида қийматсиз бўлган, чунончи бойлик бойларнинг мартабасини кўтармайди, фақирлик эса фуқароларни пастга туширмайди, деган ақида билан яшаган. Унинг ақидасига кўра бой-бадавлат кишиларнинг қадрини юксаттирадиган нарса — бу камтарликдир. Яна у шундай деб кўп такрорларди: «Камтарликнинг боши сенга нисбатан дунёнинг неъматига камроқ эга инсон олдида бошингни қуйи тутиш бўлиб, токи сен ўзингнинг дунёвий ишларингда ундан устун фазилатнинг йўқли-

гини англаб етгил. Ҳатто дунёвий ишларда сендан юқори бўлганлар наздида қалбингни баланд тутгинки, токи у ўзида сендан устун фазилати йўқлигини англаб етсин. Бир сафар Ибн ал-Муборакдан: «Тавозуъ ўзи нима?»— деб сўрайдилар. У: «Бойларга нисбатан такаббурликдир»,— деб жавоб қилади. Бу билан ибн ал-Муборак одамлар ўртасида такаббурликни тарғиб қилмаётир, лекин у айтган «бойлар устидан такаббурлик»дан мақсад, токи бойлар билсинки, уларнинг мол-дунёси одамларнинг кўз ўнгида бойлик соҳибларининг обрўларини заррача ҳам оширмайди, шундай экан, улар ўзларидан бошқаларни дунёнинг неъматларию ва матоларидан ҳазар қиладиганларни паст санамасинларки, бунинг оқибатида улар мутакаббир бўлиб қоладилар. Ибн ал-Муборакдан кибр ҳақида сўралганда, у: «Одамлар ҳазар қиладиган нарса — кибр ва такаббурликдир,— деб жавоб берган.

Ибн ал-Муборак беқиёс илм соҳиби бўлгани ҳолда бу соҳада ҳам ғоятда камтарин бўлиб, ўзининг чексиз билимию ноёб маданият хазинасини илм аҳлига ҳеч бир аямасдан сарфлар эди. У ўзида мужассам бўлган бой илм, ундан бошқа бирон кимсада йўқлигини чуқур англаб етиб, уни бошқаларга тинмай улашарди. Бу даражадаги илмий салоҳиятни Аллоҳнинг неъматини ва муруввати деб қарар эди. Унинг илм бобидаги ўта камтаринлиги далили сифатида бир ибратли мисол келтирамиз. Агар унинг асҳобларига қандайдир бир масала бўйича муурожаат қилганларида, улар бу масалани тўғри ечимини фақат унга мансуб этганлари хабари Ибн ал-Муборакка етса, у: «Мен ким бўлибманки, ҳар бир сўзим (фикрим)ни қозоғга битадилар»,— деб эътироз билдирарди. Бир сафар у Куфода бўлганда «Китоб ал-маносик» («Ҳаж ибодатининг тартиб-қоидалари ҳақида китоб»)ни мутолаа қилар эди. Бир ҳадисга келиб тўхтади, унда: «Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн ал-Муборак билдирган фикр... уни қабул қиламиз»,— дейилган эди. Шунда у: «Бу иборани менинг тилимдан ким ёзди?»— деб сўради. Шунда унга: «Бу гапларни ушбу китобни ёзган котиб битган»,— деб жавоб бердилар. Шунда у юқорида зикр этилган ибораларни то батамом йўқ бўлиб кетмагунча қўли билан ўчириб ташлади ва: «Мен ким бўлибманки, менинг сўзларимни ёзадилар»,— деган эди. Бир сафар ундан Маккадаги ал-Масжид ал-Ҳарам (Муқаддас масжид) ҳақидаги бир масалани ундан сўраганларида у: Менга ўхшаш бир киши ал-Масжид ал-Ҳарам бўйича фатво чиқара оладими? Ёки мен ал-Масжид ал-Ҳарам хусусида фатво беришга ҳақлиманми?» — деб тортинчоқлик билан жавоб қилган эди.

Унинг камтарлиги шу даражага етгандики, ҳатто у Аллоҳ таолодан ўзини жаннатга дохил қилишини сўрашдан ҳам тортинар эди. Бир кун дўстларига пешвоз чиқиб: «Кеча мен журъат этиб, Аллоҳга муурожаат қилиб, ундан жаннатга дохил қилишини сўрадим»,— деган эди. Ибн ал-Муборак ҳазратлари шу даражада камтарин, мутаваозиъ киши бўлганлигига қарамасдан, барча одамлар наздида унинг юксак илмий мақоми ва егаллаган нуфузи заррача камаймасди. Яна бир муҳим жиҳати у ўз қадр-қимматини жуда яхши биларди ва унинг ён-атрофидагилар ҳам бу ҳақда тўлиқ тасаввурга эга эдилар. Ундан, бирор маслаҳат беринг, деб сўраганларга аллома: «Аввало, ўз қадрингни бил»,— деб иршод қилардилар. Умуман олганда, бу буюк олимнинг камтаринлиги унга ўзига хос салобат ва туганмас куч-қудрат бахш этарди.

ИБН АЛ-МУБОРАКНИНГ ХУШМУОМАЛАЛИГИ

Одамлар ўртасидаги хушмуомалалик дину диёнатдан эканлиги яхши маълум. Бинобарин одамларга ҳусни хулқ билан муомала қилиш учун инсон, энг аввало, ўз хулқ-атворини гўзал қилиши лозим. Ҳусни хулқнинг ўзи нима деб сўраганларга ҳам старли жавоблар бор. Масалан, ибн ал-Муборак ҳам ҳусни хулқни тавсифлаб: У, ҳусни хулқ — чехраси очик(мулойим), ҳар доим хайрли, яхши ишларни қилиш, бировга озор етказмаслик»,— деган. Бир сафар ундан: «Ҳусни хулқни бир калима билан муҳтасар ифода қилинг-чи»,— деб сўраганларида, у: «Ҳеч қачон газабланмаслик»,— деган жавобни айтган. Аслини олганда, бу калималар Расулуллоҳ с.а.в.нинг ҳадисларидан иқтибос қилиб олинган фикрди.

Ибн ал-Муборак ҳусни ахлоқда ҳам, гўзал муомалада ҳам, мўмин-мусулмонларга яхши ва хайрли ишлар билан манфаат етказишда ва уларга фойдали панду насиҳатлар қилишда ҳам олий даражадаги ўрнак бўлган эди. У, агар Қуръони каримни хатм қилса, доимий дуоиси мусулмонун муслималар, мўмину

мўминолларнинг ҳақиқага бўлар эди. У ҳар доим одамларни бир-бирларига самимий, дўстона ва бегараз маслаҳатлар беришга чорларди. Агарки ундан: «Инсон учун энг афзал иш нима?»— деб сўрасалар, у: «Аллоҳнинг ризолиги йўлидаги панду насиҳатлар»,— деб жавоб қиларди. У доимо: «Бизнинг замонамизда самимий насиҳатни бажонидил қабул қилишни биладиган зийрак кишилар кўп қолмади»,— дея афсусланиб гапирарди. Шу боис ҳам ўзи бировларга панду насиҳат қилганда гоёта самимий лутф билан муомала қиларди. Унинг ўзи бағрикенг, қўли очиқ киши бўлиши билан бирга ўзи ҳам дўст-биродарларидан ҳадылар(совғалар) қабул қиларди. Албатта, ўзи ҳам бу совғалардан ортиқ даражада уларга алоҳида лутф билан туҳфа қайтарарди. Буларнинг ҳаммаси, бами-соли Расулulloҳ с.а.в. таъкидлаганларидек, дўсту биродарлари билан ўзаро муҳаббатни, дўстликни кучайтиришга хизмат қиларди.

Уба ибн Сулаймондан ривоят қилишларича, у шундай деган: «Биз ибн ал-Муборак билан ал-Масийсада бўлган эдик. Биринчи оқшом кирганда мен ўғлим орқали унга ҳады тариқасида бир коса сут бериб юбордим. Шунда у сутни қабул қилиб олибди-да ўғлимнинг қўлига бир динор пул қистирибди. Шундан сўнг мен уни бозорда учратиб қолиб: «Эй, Абу Абдурахмон! Мен сизнинг олдингизга бораётган эдим»,— дедим. Шунда у: «Қўйинг, ҳеч нарса гапирманг»,— деди. Бундан олдин мен ундан кўп ҳадислар ёзиб олган эдим.

Ибн ал-Муборак ўз дўстлари билан тез-тез қизгин суҳбатлар (муҷоласа) қуриб, уларга гоёта лутф кўрсатиб, уларга фойдали, яхши амри маъруфларни кўп қилар эди. Мен унинг ўз дўсту биродарларига ҳам, бошқа кишиларга нисбатан ҳам кўрсатган олий даражадаги ҳимматини саҳийлигининг кўп марта гувоҳи бўлганман. Ибн ал-Муборак доимо: Дунёда энг ширин ва лазиз нарса дўсту биродарларнинг дўстона суҳбатлари ҳамда Аллоҳ йўлида доимий дўст бўлиб қолиш»,— дея такрорларди. Бу таъкидлардан муддао шундан иборатки, дўсту биродарлар дину диннат йўлида ёрдамчи ва ташвишли дамларда соябон мисоли бўлади. Лекин бу ишлар (ҳолатлар) бир шарт билан ҳосил бўладики, дўстлик риштаси фақат Аллоҳ ризолиги йўлида бўлмоғи зарур ва ундан бошқа мақсад кўзда тутилмаслиги лозим. Афсуски, ҳатто ибн ал-Муборак яшаган даврда (8 аср) ҳам Аллоҳ ризолиги йўлидаги дўстлар жуда кам бўлган. Бу ҳақда Ибн ал-Муборак шундай деган: «Аллоҳ йўлида холис дўстни тополмаганим менинг мадоримни қуритгани каби бошқа бирор нарса мадоримни қуритмади. Хўш, бу бизнинг замонамизда қандай?»

Ибн ал-Муборак ўз дўсту биродарларини гоёта яхши кўрар, уларга илтифот кўрсатиб, ҳурмагларини ўрнига кўярди. У: «Кимки дўсту биродарига паст назар билан қараса, у виждонини, инсофини йўқотган ҳисобланади»,— дер эди.

Ибн ал-Муборак сафарларда ўзига ҳамроҳлик қилганларга ҳар доим яхшилик қилиб, ҳурмат бажо келтирарди, уларни ҳидоятга ва иршодга бошлашда бутун жидду жаҳдини сарфларди. Башарти ногўғри (ёмон) йўлдан қайтариб, ҳидоят йўлига бошлай олмаса-да, уни қалбига яқин олиб, қаттиқ надомат чекиб, эзиларди. У бир марта сафарга чиққанда, бадхулқ бир киши билан ҳамроҳ бўлиб қолди. У ибн ал-Муборакка анча азият етказиб, ёлғондакам ўзини ҳар-хил кўйга солиб, мунофиқлик ҳам қилди. Қачонки ибн ал-Муборак ундан ажралиб кетганда, у йиғлай бошлади. Шунда бунинг боисини сўрашганда: «Мен ундан ажралганим учун эмас, балки ундан унинг ярамас хулқи ажрамай қолгани учун йиғляпман»,— деган экан.

Ибн ал-Муборакнинг ўз дўсту биродарларига қилган ажойиб муомаласининг ёрқин намунаси сифатида Абу Али ар-Ровза ҳикоя қилган воқеани айтиш мумкин. У шундай ҳикоя қилади: «Макка сафари чоғида мен ибн ал-Муборакка ҳамроҳлик қилган эдим. Қачонки саҳрога етганимизда, у мендан: «Йўл бошловчи амир сен бўласанми ёки мен бўлайинми?»—деб сўради. Мен: «Албатта, сиз-да»,— дедим. «Ундай бўлса, сен менинг барча айтганларим ва буйруқларимга бўйсуниб итоат қиласан»,— деди. Шундан кейин (егуликлар) солинган тўрва халтани елкасига кўтариб олди. Мен унга: «Халтани менга беринг, мен кўтараман»,— дедим. Шунда у: «Амир менми ёки сенми?»— деди. Мен: «Сиз»,— дедим. Шундан кейин сафаримизни давом этдириб кетавердик, ўша кечаси бирдан ёмғир ёға бошлади. Шунда ибн ал-Муборак яктагини ечиб олиб, менинг устимга ёпди-да ўзи эса тонг отгунча яктаксиз ҳолатда тунни ўтказди. Шунда мен бу ишдан ер ёрилмади, ерга кирмадим, сиз — амирсиз, деганимга минг пушаймон қилдим. Қачонки мен ибн ал-Муборак билан хайр-

лашиб, ундан ажралиб кетаётганимда, у менга юзланиб: «Эй, Абу Али, агар бундан кейин ҳам сафарларда бирор кишига ҳамроҳ бўлсанг, худди шу зайдда ҳамроҳлик қилгин, — деди.

Бундай гўзал муомала ибн ал-Муборакнинг дўстлари ва биродарлари доира-сидагина чекланиб қолмаганди. У эзгулик ва хайру саховат ишлари барча ки-шиларга нисбатан жидду-жаҳд билан қилиниши керак, деб ҳисобларди. Бу унинг қатъий ақидаси эди.

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ-МУБОРАКНИНГ ТАҚВОСИ

Тарих зарварақларида ибн Муборакнинг тақводор зотлар ва ўзининг тақво-лари ҳақида ажойиб хотиралар сақланиб қолган.

У: “Албатта, шубҳали бир дирҳамни қайтаришим, юз минглаб, ҳаттоки олти юз минг дирҳамни садақа қилмоғимдан яхшироқдир”, — дер эди.

Яна унинг сўзларидан: “Албатта ҳалолдан топилган бир дирҳамни садақа қилмоғим мен учун шубҳали олтмиш дирҳамни садақа қилмоғимдан яхши-роқдир.”

У: “Энг яхши иш — Довуд ат-Тоий қилган ишдир”, — дер эди. Чунки Довуд ат-Тоий фақатгина ўзлари билган, ҳалол таомларнигина истемол қил-ган ва илло қорнини тупроқ билан тўлдирган ўн кишининг биридир.

Бу айтилганлар ибн Муборакнинг тақволари хусусидадир, албатта. Шу йўсинда у кишининг феъллари, яъни қилмаган ишини гапирмайдиган, ўзи итбат қил-майдиган ишини буюрмайдиган ва ўзи қайтмайдиган ишидан қайтармайдиган кишилар тоифасидан эканлигини кўрамиз. У шундай деган: “Агар киши юзта нарсдан ўзини сақлаб, эҳтиёт бўлса-ю, биттасидан сақланмаса, у тақводор-парҳезкор эмасдир. Кимдаки жоҳилликдан бир хислат бўлса, бас, у жоҳиллар (гуруҳ) зумрасидандир”. Унинг тақводорлиги ва парҳезкорлиги ҳақида шун-дай ҳикоялар келтирилади.

“У ўзи хоҳлаб турган таомдан дўстлари ҳам кўшилиб емагунларича тотиб ҳам кўрмасди. Агар бирор-бир таомни емоқчи бўлса, бирор кишини меҳмонга айтар ва у билан бирга ўша таомдан танавул қиларди.”

Бу хусусда Авзойининг ушбу сўзларини эслар эди. У: “Уч таом хусусида: саҳарлик ва ифторлик учун ҳозирланган ҳамда меҳмон учун тортилган таом учун ҳисоб йўқдир”, — дер эди.

Агар хизматкорлари молларни сотаётган вақтида Наби саллоллоҳу алайҳи ва салламга саловат айтиб сотган бўлса, у молнинг пулидан овқатланмас эди ва унга: “Сен Расулаллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламга саловат айтиб, у зот сал-лоллоҳу алайҳи ва салламни кўқларга кўтардинг, бу сабабли ўзинг ҳам мақтал-динг ва пировардида одамлар сенинг нарсаларингни сотиб олдилар”, — дер эди.

У Марвдаги жомеъ масжидида фақатгина жума намозини ўқир, нафл ибодатларни эса у масжидда адо қилмасди. Чунки унинг фикрича, Абу Мус-лим ундан бир қисмини ғасб қилиб олганди.

Абдуллоҳнинг опа-сингиллари бор эди. Уларнинг оталарининг Марвда бир боғи бўлиб, уни Абдуллоҳга тўхфа қилганди. Абдуллоҳ улғайиб, балогат ёшига етгач, илм аҳллари билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўзи ҳам толиби илм бўлди. Кунлардан бир куни Абдуллоҳ опа-сингилларининг ёнига келиб: «Отамиз бу боғни сизларга бермасдан, фақат менгагина тортиқ қилиб, ўзига муносиб бўлмаган ишни қилди. Шунга кўра орамизда бу боғга мендан кўра ҳақлироқ киши йўқ, у менинг боғимдир. Энди мен бу боғни Аллоҳ азза ва жалланинг китобига мувофиқ ўзаро ўртамызда тақсимланиши учун қайтараман, сизлар отамиз қилган ишни тузатмоқлигимга ижозат беринглар», — деди. Опа-сингил-лари: «Сенга ҳам, отамизга ҳам бу боғнинг тасарруфоти учун ижозат. Бу боғ, отамиз ҳадя қилганларидек, сен учун ҳалолдир», — дедилар. У: «Йўқ, бу боғни ўртамызда мерос қилиб тақсимланишига ижозат беринглар», дедилар. Ноилож, улар руҳсат бердилар. Шундан сўнг Абдуллоҳ уйланиб, бир ўғил фарзанд кўрди. Опа-сингиллари ўз улушларини унинг ўғлига ҳадя қилдилар. У фарзанд ҳам вафот этди ва Абдуллоҳ фарзандининг улушини меросхўр сифатида қабул қилди. Боғ, дастлаб отаси тортиқ қилганидек, яна Абдуллоҳ-нинг ўзига қайтиб келди.

Тадаббур қиладиганлар учун бу мисолда ўзига хос ибрат ва панд-насиҳатлар борлиги аён. Агар инсон Аллоҳнинг ҳаққини билиб, шубҳалардан парҳез қилса, албатта, унинг ризқи камаймайди. Ибн Муборак, қиёмат кунида Аллоҳнинг азоби-дан нажот топиш учун жидду жаҳдини аямасди. У зотнинг кишиларни таажжубга соладиган тақводорликлари хусусида яна бир неча мисол. У Шом диёрида бир кишидан қаламини вақтинчалик фойдаланиб туриш учун олиб, уни эгасига қайтаришни унутиб, Марвга келади. Қарасалар, қаламни ўзлари билан олиб келибдилар. Дарҳол Шомга қайтиб борадилар ва қаламни эгасига қайтарадилар. Кунлардан бир куни бир киши унга: “Бу китобни мен учун кўтариб элтиб бер”, – деди. Бунга жавобан у: “Сен учун бир туякашни ёллайман ва унинг ижара ҳақини ҳам ўзим тўлайман”, – дедилар. Ҳеч қандай оғирлиги бўлмаган китобга нисбатан у кишининг ҳурмат-эътибор ила қилган муомала, художўйликларига қара!

Булар, у зотнинг тақволарига оид мисоллар шодасидан бир тугун бўлиб, ундан бир боб очилса, бошқалари ҳам унга қўшилиб очилиб кетавериши шубҳасиз.

Ривоят қилинишича, у киши кенг бир дала узра сафарга чиқади. Дарёга етгач, отдан тушиб, найзаларини ерга қадайд ва отини унга боғлаб қўйади. Таҳорат олиб намозга киришади. Бироздан сўнг қараса, оти бировнинг экин-зориди ўтлаб юрган экан. Шунда: “У ҳаромдан озукланди, энди бу от билан газотга чиқиш дуруст эмас”, – дея отни экин эгасига қолдириб, бошқа от сотиб оладилар ва йўлида давом этади.

Мана шу тақво – дини саломат бўлиши учун дунёсидан зарар кўрса ҳам парво қилмайдиган, ҳисоб кунидан хавфсираган, художўй Ибн Муборакнинг тақвосидир. Бу Расулulloҳ Саллоллоҳу алайҳи ва саллам ўз ҳадисларида марҳамат қилгани кабидир. Расулulloҳ Саллоллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар:

“Зарарлик нарсдан эҳтиёткор бўлиб, безарар нарсаларни ҳам тарк қилма-гунича, киши тақводор бўла олмайди.” (Термизий ривояти)

Имом Аҳмад ибн Ҳанбалга Ибн Муборакнинг тақвоси ҳақида гапирилса, у: “Шу боис ҳам Аллоҳ уни шундай улуг даражага кўтарган”, – дер эди. Иброҳим ибн Шаммос эса: “Агар орзу қилсам, Ибн Муборакнинг ақли ва тақвосини орзу қилар эдим”, – дер эди.

ИБН АЛ-МУБОРАКНИНГ КАРОМАТЛАРИДАН БИР ШИНГИЛ

Ибн ал-Муборакнинг фазлу фазилати, унинг тақводорлиги, ибодати ва диёнатидан воқиф бўлганингиздан кейин Аллоҳ таоло унинг дуоларини муста-жоб қилиши ажабланарли (ғалати) туюладими? Яратган ўзининг солиҳ банда-ларини кароматли қилгани каби, Ибн ал-Муборакни ҳам баъзи бир ишларда каромат соҳиби қилиб сийлаши-чи?! Бу ҳол ажабланарли ҳам, инкор қилина-диган ҳам эмас. Чунки аҳли суннанинг жумҳур уламолари кароматнинг (мав-жудлигини) исботлаб, у Аллоҳнинг мўмин-муттақин валийларидан содир бўлиш-лиги жоиз, деган фикрга келганлар. «Ал Жавҳара» асарининг муаллифи бу ҳақда шундай деган: «Авлиёларнинг каромат қилишини исботладик, кимки уни рад қилса, унинг каломи четга сурилади».

«Кануз ал-авлиё» («Авлиёлар хазинаси») номли асар муаллифи Ибн ал-Муборакнинг кароматлари ва (ғайри оддий) мўъжизаларидан кўпларини санаб ўтган. Эътиборли бошқа манбаларда учратиш мумкин бўлмаган кўп маълумот-лар мазкур асарда келтирилган. Шу боис ушбу китобдаги Ибн ал-Муборакнинг кароматлари ва қиссаларига тааллуқли маълумотларни бу ўринда қисман баён қиламиз, чунки Ибн ал-Муборакнинг таржимаи ҳоллари келтирилган мўъта-бар манбаларда булар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Ҳар ҳолда Ибн ал-Мубо-ракда (р.а.) Аллоҳ таоло томонидан сийланган қароматлар мавжуд эди. «Ал-Иршод» номли асарида ал-Халилий шундай деб ёзган: «Ибн ал-Муборак мут-тафиқ алайҳ (даражасидаги) Имом бўлиб, у сонсиз-саноксиз кароматларга эгадир, уни «мин ал-абдол» (авлиёлар ва обидларнинг ўрнини босадиганлар) деб аташарди, бу ном билан аталишларига сабаб, авлиё ва обид сифатида танилган шахслардан бирортаси вафот этса, Аллоҳ унинг ўрнини босадиган бошқаси билан алмаштирган.

Ал-Ҳасан ибн Исо деган таниқли олимнинг фикри: «Ибн ал-Муборакнинг даъватлари мустажоб бўлар эди. Унинг даъватлари мустажоб бўлганлигини ўз кўзи билан кўрган шохидларнинг ривоятлари асосида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Абу Ваҳбдан ривоят қилинишича, бир кун Ибн ал-Муборак кўзи ожиз бир кишининг ёнидан ўтиб кетаётганда, кўзи ожиз киши унга: Сиздан ўтиниб сўрайман, шундай бир дуо қилингки, Аллоҳ менга кўриш қобилиятини қайтарсин», — деди. Шунда Ибн ал-Муборак Аллоҳ номини тилга олиб бир дуо қилган эди, кўзи ожиз киши кўзлари яхши кўраётганини айтиб, йиғлаб юборди. Шу гаройиб ҳодисани ўзим шахсан кўрганман».

Юқорида зикр этилгандики, асли насроний бўлган ал-Ҳасан ибн Исони у: «Аллоҳим, ал-Ҳасанни ислом дини билан сийлагин», деб дуо қилган эди. Кўп ўтмай Аллоҳ унинг бу дуосини мустажоб қилди. Ана шундай каромат билан Яратган Ибн ал-Муборакни сийлаган эди. Шунингдек Аллоҳ кўпгина саҳобаларнинг (р.а.) дуоларини ҳам мустажоб қилганди. Масалан, Саъаднинг Асома ибн Қатода хусусидаги дуоси, Саъийд ибн Зайднинг бир аёл ҳақидаги дуоси бўлиб, булар ҳақида «ас-Саҳиҳайн» (Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож қаламига мансуб «Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ» асарлари кўзда тутилаётир) китобида зикр этилган. Чунончи Аллоҳ таоло: «Роббингиз айтганки, менга дуо қилинглар, мен дуоларингизни мустажоб қиламан», — деб айтган.

Ибн ал-Муборак (р.а.) ҳазратларининг каромат бобидаги фазлу фазилатлари шу қадар юксак ва ҳеч шак-шубҳасиз равшанки, шу боис улардан айримлари ҳақида сўз юритиш билан чегараландик, холос.

ИБН АЛ МУБОРАКНИНГ ОЛИМУ УЛАМОЛАР ВА ХАЛҚ НАЗАРИДА ТУТГАН ЎРНИ

Юқорида айтилганлардан аёнки, Ибн ал-Муборак атоқли олим, шайхулислом, илмда ва зоҳидликда, шижоат ва саҳийликда, тақводорлик ва диёнатда ислом умматининг маслаҳатгўйи, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўрсатмаларига қатъий амал қилишда ўз даврининг ягонаси бўлган. Ибн ал-Муборак яшаган даврдаги машҳур олимлар унинг илму ирфондаги юксак ўрнини эътироф этиб, уни энг олий даражадаги эҳтиром ва эъзозни мужассам қилган лақаблар билан атардилар. Жумладан, Ибн ал-Муборак Машриқ ва Мағрибнинг энг буюк алломасидир, у ҳадисларнинг табиби, ҳадис илмида мўминларнинг амири, у фақиҳ ул-араб (арабларнинг фақиҳи), имом ал-муслимийн (барча мусулмонларнинг имоми) ва булардан бошқа кўплаб лақаблар билан сийлаганларки, буларнинг ҳаммаси Ибн ал-Муборак ўта олий мақом ва ғоятда юксак мавқеи эгаллаганини кўрсатади. Ўша замоннинг машҳур алломаларидан бири Абдурахмон ибн Маҳдий: «Ибн ал-Муборак менга кўплаб ҳадислар айтган, ҳақиқатан ҳам унга тенг келадиган олим йўқ эди», — деб таъкидлаган. У Ибн ал-Муборакни Суфён ас-Саврийдан устун қўярди. Бир сафар бу олимдан: «Сизнинг фикрингизча, қай бирлари устун: Ибн ал-Муборакми ёки Суфён ас-Саврийми?» — деб сўрадилар. У ҳеч бир иккиланмасдан: «Албатта, Ибн ал-Муборак устун», — деди. Шунда унга: «Одамларнинг фикри сизнинг фикрингизга зидку?» — дедилар. У: «Эй, бу одамларингиз уни синаб кўрмаганлар, Ибн ал-Муборакка ўхшаган олимни умримда кўрмаганман», — дея жавоб берди Ривоят қилишларича, Абдурахмон Ибн Маҳдий ўзига тегишли уйни сотиш мақсадида Бағдодга келади. Шунда шаҳардаги ҳадис асҳоблари (ҳадисшунослар) унинг ҳузурида тўпланадилар ва унга: «Сиз, албатта, Суфён ас-Саврий билан ҳамсуҳбат бўлиб, ундан ҳадислар эшитгансиз, шунингдек Абдуллоҳ ибн ал-Муборак билан мулоқотда бўлиб ундан ҳам ҳадислар эшитгансиз. Айтинг-чи, улардан қай бирлари устун?» Шунда буюк олим тўлқинланиб кетиб: «Эй, сизлар нима деяпсизлар? Агарки Суфён ас-Саврий бутун жон-жаҳди билан лоақал бир кунгина Абдуллоҳ ибн ал-Муборакка ўхшаш бўламан, деб ҳаракат қилганда ҳам, сира бунинг уддасидан чиқа олмасди», дейди. Ҳақиқатан ҳам Суфён ас-Саврий ҳеч бўлмаганда бир неча кун ибн ал-Муборак мисоли бўлишни орзу қиларди ва: «Мен бутун умрим давомида бир йил бўлса-да Абдуллоҳ ибн ал-Муборакка ўхшаш бўлишни жуда-жуда ҳоҳладим, афсуски, лоақал уч кунгина ҳам унга ўхшаш бўлишга қодир эмасман», — деб ўксинар эди. Айни шундай

истак нафақат биргина Суфён ас-Саврийда, балки бошқа олимларда ҳам туғилган. Жумладан, йирик олим Шуъбайб ибн Ҳарб ҳам: «Мен бир йилда уч кун Ибн ал-Муборакка ўхшаш бўлишга қанчалик уринмайин, барибир, унингдек бўлаолмасдим»,—деб ёзган.

Ибн ал-Муборакни кўришининг ўзи қалбларни сурурга тўлдириб кўзларни қувонтирарди, кўплаб олиму уламолар уни кўриб, у билан учрашганларидан фахрланишарди. Масалан, Абдурахмон ал-Жаҳдамий шундай ривоят қилади: Имом ал-Авзоъий: «Ибн ал-Муборакни кўрганмисан?»—деди. Мен: «Йўқ»—дедим. У: «Агар уни кўрсайдинг кўзинг сурурга тўларди»,—деди. Имом ал-Авзоъий айни шундай гапни Абу Усмон ал-Калбийга ҳам айтган. Убайд ибн Жанод шундай деган: «Менга Аъто ибн Муслим: «Эй Убайд, сен Ибн ал-Муборакни кўрганмисан?»—деди. Мен: «Ҳа, кўрганман»,— дедим. Шунда у: «Уни кўрган бўлсанг, энди ўлгунингча ҳам кўзинг билан унга ўхшашини кўрмайсан»,—деди. Бу хусусда бир неча олимлар ўз фикрларини изҳор қилиб: «Ибн ал-Муборакка ўхшашини сира кўрмаганмиз»,—деганлар.

Фузайл ибн Ййод ҳар доим: «Ал-Умарий (яъни Абдуллоҳ ибн Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Ҳатиб) ва Ибн ал-Муборакдан бошқа бирон кишининг ҳам хузуримга киришга ижозат сўрашини ёқтирмайман»,— деган. Бу эса мартабанинг на қадар юксаклиги ва қадр-қимматнинг улугворлиги тўғайли эди, албатта. Бошқа олиму уламолар ва зоҳидларни Ибн ал-Муборакка қиёс қилиб таърифлардилар. Унинг ҳадисдаги ишончлилиги ва собитқадамлиги тўғайли уни намуна ва ибрат тариқасида келтирдилар. Бу ҳол унинг вафотидан юз йиллар ўтгач ҳам давом этди. Мисрлик машҳур тарихчи Ибн Тағриберди «ан-Нужум аз-зоҳира фи тарих Миср ва Қоҳира («Миср ва Қоҳира тарихида порлоқ юлдузлар») номли асарида Аҳмад ибн Сайёр ибн Айуб ал-Ҳофизийнинг таржимаи ҳоли ҳақида ёзганда: «Марвда аҳд ал-ҳадиснинг имоми, ҳадис билан фикҳ илмларини жаъмлаб ўрганган, гоятда тақводор ва зоҳид, (илмда)Абдуллоҳ ибн ал-Муборак билан қиёс қилинар эди»,— дея таъкидлаб ўтган. Атоқли тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабий эса «Тазкират ул-хуффоъ» («Ҳофизлар ҳақида тазкира») номли асарида: «Баъзи олимлар ўз замонасида илмда ва фазлу-фазилатда Ибн ал-Муборакка ўхшаб кетардилар», деб ёзган. Ибн ал-Муборак тўғрисида унинг замондоши йирик олим Исмоил ибн Аййош (у ҳам Ибн ал-Муборак сингари 798 йилда вафот этган) шундай деган: «Ер юзининг устида Ибн ал-Муборакка ўхшаш олим йўқ. Аллоҳ таоло Абдуллоҳ ибн ал-Муборакка ато этган эзгулик (хайрлик) хислатларидан бошқа хислатлар ҳам яратганлигини билмайман».

Ибн ал-Муборакнинг мақоми шундай юксак даражага етдики, олиму уламолар уни Расулulloҳ с.а.в.нинг саҳобаи киромлари (р.а.) қаторига қўйдилар. Саҳобаларнинг ундан афзаллиги фақат уларнинг Сарвари оламнинг суҳбатига мушарраф бўлганликларидега дедилар.

Айни шу хусусда Ибн Уйайна айтган фикрлар машҳур олимларнинг таржимаи ҳолларига бағишланган биографик асарларда нақл қилинган. У: «Мен саҳобаларнинг фаолиятларини (матнда ишларини) ҳам, Ибн ал-Муборакнинг фаолиятини ҳам иштиёқ билан ўргандим. Саҳобаларнинг фақат Набий с.а.в.нинг суҳбатида бўлиб, у зоти шариф билан бирга газавотларда иштирок этганларидан бошқа уларнинг Ибн ал-Муборакдан устун бирорта фазилатини кўрмадим»,—деб ёзган. Ибн ал-Муборакнинг шуҳрати шу даражага етдики, бу ҳақда Ибн ал-Муборакнинг варроғи (ёзганларини оққа кўчирувчи) бўлган Салма ибн Сулаймон ал-Марвазий (у Ибн ал-Муборакка китоб ҳам ўқиб берарди) Салмадан шундай деб ҳикоя қилинади. Бир мулоқот чоғида у Ибн ал-Муборакка Абдуллоҳ, деб мурожаат қилган. Шунда унга: «Ибн ал-Муборак», деб унинг исми шарифини тўлиқроқ айт»,—дейишган. Шунда Салма: «Агар Маккада Абдуллоҳ дейилса, бундан Ибн Аббос тушунилади, агар Мадинада Абдуллоҳ дейилса, бундан Ибн Умар, агар Куфада Абдуллоҳ дейилса, ундан Ибн ал-Муборак кўзда тутилади»,— деган. Бу юксак эътироф, ҳақиқатан ҳам у ўз замонасининг ягонаси, ўз юртининг нурафшон чироғи бўлганлиги ҳақида таниқли шоир Аммор ибн ал-Ҳасан ажойиб назмий байларида тараннум қилган. Шу боисдан ҳам Ибн ал-Муборакнинг таржимаи ҳоли келтирилган барча биографик асарларда у алоҳида мақтов ва шон-шарафларга тўлиқ юк-

сак лақаблар билан зикр этилган. Масалан, Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг «Тақрийб ат-таҳзийб» номли асарида Ибн ал-Муборак ҳақида алоҳида сўз юритилиб, «У ўта ишончли, аниқ ифодали фақиҳ, аллома, олийжаноб, шижоатли инсон, унда барча эзгулик хислатлари мужассам эди», -деб қайд этилган бўлса, Абу Нуайм Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Исфажоний «Ҳилийат ал-авлиё» («Авлиёлар зийнати») номли асарида: «Олийжаноб, саховатли, мушқулотларни ечадиган, дўстона ишлардан озукланадиган, Қуръон, ҳаж ва дин йўлида шижоат кўрсатишни дўст тутувчи, фиқҳу фасоддан устун турувчи, мол-дунёси барчага баравар, феъл-атвори ҳам, айтган сўзлари ҳам қутлуғ бўлган шаҳаншоҳ Абдуллоҳ ибн ал-Муборак розияллоҳу анҳу», - деб таъкидлаган. Машҳур тарихчи Шамсуддин аз-Заҳабийнинг (вафоти 1348 йил) «Ал-Ибар фи ахбори ман габар» («Дунёдан ўтиб кетганлар ҳақида ибратли ҳикоялар») номли асарида эса Ибн ал-Муборак қуйидагича таърифланади: «У буюк аллома, имом, фақиҳ, ал-ҳофиз, аз-зоҳид, ажойиб фазилат (маноқиб-)ларга эга. У ақл-заковатда ҳаммадан устун, шижоат ва жангу жадалда беназир, меҳр-мурувватда ҳам тенги йўқ эди». Шамсиддин аз-Заҳабий «Тазкират ал-ҳуффоз» («Ҳофизлар ҳақида тазкира») номли бошқа бир асарида бу зот ҳақида: «Буюк аллома, ал-ҳофиз, шайх ул-ислом, фахр ул-мужоҳид (мужоҳидлар фаҳри), зоҳид кишиларнинг пешвоси, фойдаси кўп китобларнинг муаллифи. У бутун умрини ҳаж ибодати, диннинг ҳимояси учун ганимларга қарши курашга ва тижорат йўлида узоқ сафарларга баҳшида қилган. Аллоҳ таоло уни тақводорлик, ибодат, ихлос, жидду жаҳд, чуқур ва кенг илм, юксак маҳорат, хайрихоҳлик, шон-шавкат ва мақтовга лойиқ сифатлар билан сийлаган», - дея қайд этади.

Таниқли олим имом ан-Нававий «Таҳзийб ал-асмо вал-луғат» (Исmlар ва тиллар ислоҳи) номли асарида Ибн ал-Муборакнинг таржимаи ҳолини самимий мадҳия ва мақтовлар билан бошлайди, жумладан, у: «Ибн ал-Муборак Абу Абдурраҳмон, биргина исмининг зикри боис Аллоҳнинг раҳмати нозил бўладиган, унинг муҳаббати ила Аллоҳнинг мағфирати умид қилинадиган инсон, барча масалаларда пешволиги ва улугворлиги устига у қомусий аллома ҳам эди».

Ибн ал-Муборакнинг беқиёс баланд мартабаси ҳақидаги ҳикоямиз охирида Асвад ибн Солимнинг сўзини эслаш билан чегараланамизки, ундан Ибн ал-Муборакка нисбатан одамларнинг чексиз ишонч ва юксак эҳтиромини тўлиқ тасаввур қилиш мумкин. У шундай деган: «Ибн ал-Муборак ҳазратлари барча иқтидо қиладиган имом, Муҳаммад пайғамбаримиз (а.с.) суннатлари бўйича одамларнинг энг собити (ишончлиси) бўлган. Агар сен бирор одамнинг Ибн ал-Муборак ҳақида жиндек бўлса-да фиқҳу фасод тарқатганини кўрсанг, билгинки, унинг бу гапи бутун ислом (дини)га қарши айтилган айб ҳисобланади».

Таниқли олим ал-Фузайл ибн Ййод билдирган фикр эса Ибн ал-Муборак тенги йўқ, беназир одам бўлганлигини кўрсатади. Чунончи, у: «Эҳтимол, менинг кўзларим (бу дунёда) Ибн ал-Муборакдан буюк алломани сира кўрмаган», - деб хитоб қилган. Ибн ал-Муборакнинг олиму уламолар ва оддий одамлар ўртасидаги баб-баравар бўлган бу қадар юксак мақомини аллома Ибн Ҳиббон ўзининг «ас-Сиқот» номли асарида алоҳида таъкидлаган: «Ибн ал-Муборакда жамулжам бўлган кўплаб турли-туман фазилатлар унинг замонида бутун ер юзидаги илм аҳдларининг биронтасида ҳам мужассам (зоҳир) бўлмаган!»

ЖАННАТ КЕНГЛИКЛАРИДА

Юқорида зикр этилганидек, Аллоҳ таолонинг иродаси ила Ибн ал-Муборак (р.а.) ҳижрий 181 йил Рамазон ойидан ўн кун ўтганда вафот этган. Ишончли маълумотларга қараганда, дин йўлидаги газовотлардан қайтгач, сахар пайти унинг жони узилган. Мана шулар эътиборга олинса, Аллоҳ таоло Ибн ал-Муборакнинг вафотида (исломий ақидага кўра) барча жиҳатдан хайрли аломатларни жаъм қилган. Чунончи Яратган уни (ҳар бир мусулмон учун) энг афзал амал — дин йўлидаги газовотдан кейин, энг афзал ой ҳисобланмиш Рамазон ойида, энг афзал вақт — сахар вақтида унинг вафотини тақдири азал

қилди. Ибн ал-Муборак Ҳийт (Бағдод яқинидаги Фрот дарёси бўйидаги бир шаҳарча)да дафн қилинган, унинг қабри кўзга ташланиб турадиган жойда бўлиб, зиёратчилар тез-тез келиб туришади.

Лекин шу онда бир неча лаҳза тўхтаб, Ибн ал-Муборакнинг дор ад-дунё (бу дунё)дан жаннатдаги Аллоҳнинг кенгликлари — унинг эни осмону фалак ва еру заминга ўтадиган пайтдаги ҳолатига бир дақиқа разм солайлик. Ибн ал-Муборакка ўлим (вафот) ҳозир бўлганда, у ўз мавлоси Насрга қараб: «Бошимни тупроққа қўй», — деди. Шунда Наср хўнграб йиғлаб юборди. У Насрдан: «Нима сабабдан йиғлаяпсан?», деб сўради. Наср: «Мен шу онда Сизнинг тўкин ҳаётингизни эслаяпман, ҳозир эса фақир ва гариб кишидек вафот этаяпсиз», — деди. Ибн ал-Муборак: «Бундай сўзни гапирма, жим бўл. Чунки мен Аллоҳ таолодан тириклик давримда бойларнинг ҳаётини ато қилишини, ўлаётганимда фақирларнинг ўлимини беришини сўраганман», — деди ва яна унга қараб: «Бу каломимни яхшилаб уқиб олгин, мен сенга бошқа гап айтмайман», — деди.

Ал-Ҳасан ибн ар-Рабийдан нақл қилишларича, у шундай деган: «Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг вафоти яқинлашганда, у: «Эҳтимол кейинчалик менга нисбатан кескин гапларни эшитарсан, мен калимаи шаҳодатни айтганимни эшитсанг, сен уни менга қайтариб айтмагин, башарти мендан бошқа калима эшитмагайсан. Чунончи солиҳ ажодларимиз вафот олдидан айтадиган охириги гаплари калимаи шаҳодат бўлишини жуда ёқтирганларки, бу пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг «кимика охириги каломи «Ла илаҳа иллаллоҳ» бўлса, жаннатга қиради», — деган хадисларига мувофиқдир.

Мана шулар унинг учун бениҳоя катта бойлик, олий мартаба эди. У мартабаси олий инсон, улуғворлигига монанд қомусий аллома бўлиш билан бир қаторда зоҳидлиги ҳам зиёда бўлиб, роббисидан ўзига фақирона, гарибона ҳолда ўлим беришини тилаган ва бу тилак айнан шундай мустажоб бўлган.

Аллоҳ раҳмат қилгур Ибн ал-Муборак р.а вафоти барча хосу авом халқни қаттиқ қайғуга солди, бутун Машриғу Мағриб олимнинг ўлими туфайли илму ирфонга зиёну зарар етди, ислом уммати ўз маслаҳатгуйини йўқотганидан қаттиқ гаму андуҳда қолди. Жумладан, ҳадис, фикҳ ва тафсир илмлари бўйича йирик олим Суфён ибн Уйайна (725-811) Ибн ал-Муборакнинг вафотидан оғир қайғусини изҳор қилиб: «Аллоҳ раҳмат қилгур Ибн ал-Муборак ҳақиқатан ҳам фақиҳ, аллома, обид, зоҳид, сахий, шижоатли ва шоир бўлган эди», — деган бўлса, яна бир таниқли олим ал-Фузайл ибн Ийод: «Аллоҳ раҳмат қилгур Ибн ал-Муборак ўзидан кейин ўзига ўхшаш биронта олимни қолдирмади-да», — деб куйинади. Аммо Салом ибн Абу Исҳоқ ал-Фазарий эса, мен ўзимни шу даражада четга олдимки, Ибн ал-Муборакнинг вафотига билдирилган эътиборсизлики кўрмаслик учун, деган фикрни билдирган. Абул Вазирдан нақл қилишларича, у шундай деган: «Мен Суфён ибн Уйайнанинг ёнига келган эдим, одамлар унга: «Бу киши Абдуллоҳнинг васийси (халифаси, ўринбосари)», — дедилар. Шунда у: «Аллоҳ раҳмат қилгур Абдуллоҳ Хуросонда ўзига ўхшаганни қолдирмади-да», — деди Улар: «Рози бўлмаяптилар», деди. У: «Нима деб гапиришмоқда», деди таажжубланиб. Улар: «(Хуросон) ва Ироқда ҳам қолдирмаган», деди бунга жавобан. Шунда у уч марта «Қолдирмаган, қолдирмаган, қолдирмаган», — деб такрорлади.

Абу Исмаат шундай ҳикоя қилади: «Суфён ибн Уйайна билан Фузайл ибн Ийод ўртасидаги суҳбатга гувоҳ бўлганман. Суфён Фузайлга шундай деган эди: «Эй Абу Али, қандай инсон дунёдан ўтиб кетди-я?» — деди. Шунда у: «Ибн ал-Муборакдан кейин ундан тортинадиган (ҳайиқадиган) бирор одам қолдими ўзи?» — деб хитоб қилди.

Энди Амир ал-муминийн халифа Хорун ар-Рашиднинг ғам-ғуссасига ўтсак. Ибн ал-Муборакнинг вафоти хусусида Ҳийт шаҳарчасидан саросимали тарзда битилган бир хат келиб, унда шундай дейилган эди: «Бу ерлар учун бегона бир киши вафот етди. Шунда (жуда кўп) одамлар унинг жанозасига тўпландилар. Марҳум ҳақида сўраганимда, одамлар: «Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Хуросоний», — деб айтдилар. Шунда Хорун ар-Рашид: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибу» (Биз ҳаммамиз Аллоҳга мансубмиз ва албатта унга кайтажакмиз) оятини ўқиб, дуо қилди-да вазири ал-Фазл ибн ар-Рабийъга юзланиб: «Эй,

Фазл, одамлардан кимики Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг вафоти муносабати билан бизга таъзия билдиришни хоҳласа, уларга рухсат беринг», – деди. Халифанинг бу гапидан ал-Фазл ғоятда таажжубланган эди. Яна ривоят қилишлари-ча, қачонки халифа Ҳорун ар-Рашидга ибн ал-Муборакнинг вафоти ҳақида хабар келганда, у: «Сайид ал-уламо (олиму уламоларнинг султони, улуги) вафот қилибди», – деб хитоб қилиб, сўнгра аза тутишга ўтиради ва ўз аъёнларига ҳам ибн ал-Муборак вафоти муносабати билан аза очиб, мотам тутишларини амр қилади.

Олим Абу Холид ал-Аҳмад Ибн ал-Муборак вафоти туфайли одамлар бошидан кечирган даҳшатли фожиани қуйидагича тасвирлаган. Чунончи у: «Суфён ас-Саврий вафотидан буён вайрона бўлмаган еру замин Ибн ал-Муборак вафотидан вайрон бўлди,» – деб ёзган. Абу Тамила ал-Ансорий ҳам Ибн ал-Муборак вафотига бағишлаб яхши марсия битган эди.

Таниқли олим Исҳоқ ибн Роҳвайҳ шундай ҳикоя қилган: «Абдураҳмон ибн Маҳдий билан суҳбатлашиб ўтирган эдим. Шунда у мендан: «Сен ўзинг қаердан бўласан», деб сўраб қолди. Мен: «Марв аҳлидан бўламан», – дедим. Кейин у Ибн ал-Муборакка Аллоҳдан раҳм-шафқат тилаб дуо қилди-да – унинг Ибн ал-Муборакка муҳаббати зўр эди- менга қараб: «Сенда Ибн ал-Муборакка бағишланган марсия борми?» – деб сўради. Мен: «Ҳа», – деб жавоб қилиб, Абу Тамила Яҳья ибн Возиҳ ал-Ансорий томонидан ёзилган ажойиб марсияни унга ўқиб бердим.

ХОТИМА

Ушбу рисолада отаси туркий қавмдан, онаси хоразмлик ажамий бўлган Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг мўъжизаларга бой ибратли ҳаёти ҳақида сўз юритдик.

У араблардан бошқа халқларга бирқадар менсимамай муомала қилинадиган даврда дунёга келди. Шунга қарамасдан, Исломи дини уни бошқалар таъзим қиладиган, пешқадам, одамларга ибратли қилиб тарбиялаб, келажак авлод учун асрлар оша солиҳ бир йўлбошловчи даражасига кўтардики, бу абадий ҳаётбахш бўлган Исломи динининг инсонларнинг камолот йўлидаги тарбиясига бўлган таъсири ва қудратининг улуг ва буюклигига очиқ-равшан далилдир.

Агар Исломи бўлмаганида мусулмонлар орасидан Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Холид ибн Валид, Саъд ибн Ваққос каби улуглар, Имом Бухорий, Имом Муслим каби буюк муҳаддислар, Абу Ҳанифа, Имом Шофеъий каби беназир фақиҳлар, Салоҳиддин Аюбий, Изз ибн Абдуссалом каби фотиҳлар ва яна бошқа минглаб йўлбошчи сардорлар, муҳаддису фуқаҳолар, баҳодир паҳлавонлар чиқиб, мусулмонлар тарихида қуёш янглиғ балқирмиди?!

Бу муқаддас динимизнинг бошқа динлардан афзал бўлган жиҳатидирки, у ҳам бўлса айрим динлар нафс-ҳаво тузоқлари ила қуролланиб, увадаси чиқиб кетган назарий ғояларга қониқиб юрганида, Исломи соғлом тафаккурни илгари суриб, унга мувофиқ бўлган минглаб амалий намуна шакллари тақдим қила олди.

Исломи, бу – умматни заифликдан, ўзаро зиддиятлардан ва ҳар қандай бошбошдоқликдан сақлайдиган нажот йўли, ҳаётий синовлардан ўтган шифобахш амалий даво ҳамда ҳақиқий асл, ягона ечимдур.

Аллоҳ таоло ана шу дин равнақи, башарият камолоти йўлидаги эзгу, хайрли ишларга ўзлигини бахшида этган Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ҳазратларини ўз раҳматига олсин! Ундан рози бўлиб, дунё борича, то қиёматгача унинг мақомини баланд қилсин!

Бизларга ҳам унинг мунаввар йўлидан боришимизни муваффақ айласин! Валҳамдулиллоҳи роббил оъламин!

*Араб тилидан
Убайдулла УВАТОВ
таржимаси*

Олис дунёлардан мужда

Таниқли танқидчи, адабиётшунос, МДУ профессори Николай Анастасьев яқин давргача асосан XX аср АҚШ адабиёти бўйича обрўли мутахассис, Фолькнер ва Набоков ҳақида америка ва ғарбийевропа насрининг етакчи йўналишлари ҳақидаги китоблар муаллифи сифатида танилган эди. Яқинда у ўзининг 70 йиллик тўйи олдидан “ЛГ” саволларига жавоб берди.

– *Николай Аркадьевич, аввало, бизнинг табрикларимизни ва янги китоблар яратишингиз борасидаги тилакларимизни қабул айланг. Айтмоқчи, “Кўзгу акси” номли янги ёзган китобингиз АҚШ адабиёти ҳақида, шекилли?*

– Қирқ йилга яқин давр мобайнида мен америка адабиёти билан шуғулланиб келдим, эндиликда мутахассис сифатида бу соҳадан бирмунча узоқлашганман. Буни эътироф этиш хижолатлидир, бироқ ҳар ҳолда бу ҳолат содир бўлди, ўтган асрнинг 50-йилларида адабиётга кириб келган, лекин унинг саҳнасини ҳозир бирин-кетин тарк этаётган Жон Чивер ва Жон Апдайк, Норман Мейлер ва Уильям Стайрон, Курт Воннегут ва Бернард Маламуд сингари ёзувчилар ижоди бундан истисно, албатта. Бу қаторга кейинги вақтда постмодернистлар дея тилга олинаётган Жон Барт, Томас Пинчон, Жон Делилларнинг ҳам асарларини қўйиш мумкин. Бу адибларнинг айримлари ҳозир етмишдан ўтган, айримлари саксонга яқинлашиб қолди.

Узоқлашдим деганим — қизиқишим бутунлай сўнди дегани эмас, шунчаки нуқтаи назарим ўзгарди. Илгари диққат-эътиборимни “Сурон ва қаҳр” ёки “Улуғ Гетсби” сингари асарларнинг қандай яратилганлиги жалб этган бўлса, энди эса Готорн ва Фолькнер, Мелвилл ва Синклер Льюс персонажларининг ўзаро умумийлик жиҳатлари кўпроқ қизиқтирмоқда. Бошқа сўз билан айтсак, Штатлар иттифоқи вужудга келгунига қадар АҚШ адабиётини америка адабиёти бўлишига замин яратган омиллар ўйлантirmoқда.

Хусусан, яқинда ушбу йўналишга доир бир асарни якунига етказдим. Бу асар, албатта, адиблар ва китоблар ҳақида бўлиб, унга кирган кейинги тадқиқотларим ўз композициясига кўра, миллий тарих ва миллий метафизиканинг ўзига хос акси бўлиб шаклланди. Бу янгича нигоҳ билан қилинган жиддий таҳлил жараёнида адабиётнинг ўзлиги, яъни етарлича бисёр сўзлар мажмуаси путур топмади, деб умид қиламан.

Айни чоғда бундай нуқтаи назар юқорида таъкидланган умумий муносабатнинг ўзгарганлиги ва шахсга алоқадор бўлмаган жиҳатлар билан изоҳланади.

Илгарилари бизда Американи ашаддий тусда қоралашарди: Сэм амаки — разил одам, маккор ганим, ҳатто биринчи даражали душман эди. Кейин — ўн йилликлар ўтиб — янги давр бошланди, ташвиқот суронининг авжи пасайди ва аён бўлдики, нафратдан муҳаббатга қадар бир қадамгина экан, холос. Бу муҳаббат эса шу қадар юксак ва самимий бўлиб, фикр ва идрокдан мутлақ холи эди.

Лекин бу маҳлиёлик узоққа бормади, кўп ўтмай ҳаммаси ўз ўрнига тушди. Энди ҳамма жўровозлик билан Америкага бир пайтлар Рональд Рейген Совет Иттифоқи шаънига “зулм империяси” тавқи лаънатини осгани каби “барча розолатларнинг сабабчиси” дея тавқилаънат айт-

моқдалар. Кимдир кўзидан ўт сачраб, оташин нутқларида Американи кунпаякун қилса, яна кимдир фикрида қаттиқ туриб, унинг яқин орада завол топишини каромат қилмоқда. Шу ўринда Жорж Вашингтоннинг президентлик лавозимини тарк этаётган пайтидаги ватандошларига қилган мурожаатидаги ушбу сўзлар ёдга тушади: “Бошқа мамлакатга нисбатан нафратини ёки муҳаббатини қалбида ардоқлаб келаётган мамлакат қандайдир маънода ўша ўз нафрати ёки муҳаббатининг қулига айланиб боради”.

– **Бироқ, назаримда, бунга айрим сабаблар ҳам бўлса керак-да...**

– Бундай ҳолатлар турли далиллар билан изоҳланади ҳамда улар турли манбалардан озиқланиб, турли хил “тутантириқ”лардан ўзига қувват олади. Айрим ҳолларда бундай тушунча вужудга келишига оддий ҳаҳолат ёки ортиқча ҳаёлпарастлик ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Жумладан, Игорь Свиноренко “Известия” газетасининг шу йилги 12 январ сониди Американи шахсан ўзи учун тақа-тақ ёпганлигини эълон қилди. Майли, ёпса ёпаверсин, бунинг қўрқинчли жойи йўқ, бироқ бу ҳақда бутун дунёга эълон қилиш шартми? Мен бунини тушунмайман. Бироқ, унинг бундай хулосага келиш сабаблари қизиқиш уйғотиш табиий, албатта. Ва бу сабаблар биттагина эмас. Булар оз эмас. Мана, улардан бири: Игорь Свиноренко Калифорния университетининг славян тилшунослиги кафедрасида фақат яҳудийларнинг маъруза ўқиётганлиги қаттиқ таажублантиради. Бироқ шуниси ажабланарлики, журналист миллатга мансубликни бу ўринда фақат исм-шариф жаранглашига қараб белгилайди. Ҳолбуки, Америкада синегогга борадиганларгина яҳудий ҳисобланадилар. Шундан келиб чиқиб, масалан, Жон Смитни сира иккиланмай улар сафига қўшиш мумкин ёки, аксинча, Айзек Розенблум бус-бутун протестант-услугчи ёки протестант-инжилчи, ёки католик, ёки мусулмон бўлиши мумкин. Кимнинг қайси динга эътиқод қўйиши ўз эркида. Бу борада қон таркибини текширишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Бундан норозилик кайфиятлари камдан-кам учрайди. Статистик маълумотлар даражасида. Бироқ асрлаб чўзиладиган, атайин кўпиртириб бориладиган, ҳатто рағбатлантириладиган тасаввурлар ҳам борки, буларнинг йўриғи бошқа.

– **Сиз нимани назарда тутаясиз?**

– Масалан, Американинг шиддатли тараққиётга маҳлиё бўлиб, анъаналарни, тарихни унутиб, унга қўл силташи ҳақидаги гап. Маҳлиёлиги – бор гап, лекин у ўтмишига қўл силтайдиган бўлса, унда ўз тарихини йўқотиб бораётганлиги ҳақидаги пушаймонга йўғрилган теран туйғуларни қаёқдан вужудга келади? Зеро, у ҳолда нега америкалик сиймосини энг тўқис акс эттирган романлардан бири “Улуғ Гетсби” асари якуни, биз тинимсиз олға интиламиз, оқим эса кемамизни доим ортага, ўтмишга олиб кетади, сўзлари билан тугалланган?

Албатта, бойликка ружу қўйиш, маънавий қашшоқлик катта қусур. Бироқ, ҳар ҳолда, бойлик ва долларга сиғиниш борасида ҳам (бу борада, тўғри, юқори мақомда туриб кўплар, ҳадемай ҳаммаси асфалософилинг кетади, дейишади), менингча, бир тарафлама мулоҳаза юритмоқлик ножоиздир. Майли, доллар боши берк қўчага олиб боради ҳам дейлик. Бироқ маънавият-чи? Тўғри, 1620 йилда “Мэйфлауэр” кемаси уммонлараро хатарли сафарга отланар экан, улар орасида Америкага треска балигини овлаш ва уни олиб келиб сотиш учун бораётганлар ҳам йўқ эмасди. Бироқ, унда бошқа тоифа одамлар ҳам бор эдики, улар яланг тепаликда шаҳар тикламоқ ёки ҳеч қурса ўрмонларга қирон келтираётганларнинг йўлига тўғаноқ бўлиш мақсадида кетаётган эдилар. Агар уларда маънавият бўлмаганида шундоқ шижоатга жазм этишар-миди?

Юқориди тилга олинган китобимнинг яратилишига айнан мана улар ҳам бир қадар туртки бўлди. Бироқ, шуни ҳам очиқ айтишим керакки, менда жўшқин ватанпарварлар томонидан жамият онгига

шибаланаётган қўрқувни жойидан силжита олишимга, бир лаҳза бўлса-да, ишонч йўқ. Боз устига, китобимнинг мутолаа қилинишига, зеро, бунинг учун, аввало, нашр этилажагига ҳам ишончим қатъий эмас... Ҳолбуки, мен ҳеч кимнинг онгига ўз фалсафамни сўқмоқчи ёхуд кимнидир фош этмоқчи ҳам эмасман. Бу борада менга кенг қўламли мулоҳазалар юритиш асносида ўзимнинг теран хулосаларга келмоқлигим муҳимдир.

Муваффақиятга эришмасам, тушкунликка тушмайман, зеро, таскин шундаки, бу ечилмас муаммога мендан-да зўрроқ идроклар ҳам рўбарў бўлганлар. “У ёққа бориб, у ерда ҳеч ким йўқлигини пайқайсан”, – деб ёзган эди Америка ҳақида ўз умрининг кўп қисмини бу диёрдан узоқда кечирган Гертруда Стайн.

“Америкалик ҳаракатдаги машина ва масъум Фаришта орасида тебраниб яшайди”, – дейди Генри Адамс. Зотан, у нафақат америка адабиётининг гўзал намунаси “Генри Адамс камолоти”нинг қаҳрамони, қолаверса, ярим афсонага айланган Плимут-Рок замонларидан бошлаб давом этиб келаётган сулоланинг ўқ томири бўлган оиланинг вакили, олтинчи президентнинг набираси, АҚШ иккинчи президентининг олтинчи авлоди ҳамдир. Юқорида айтилган фикр ва тилга олинган китоблар (улар қаторига, албатта, Алексис де Токвилнинг “Америкадаги демократия” номли китобини ҳам қўшиш керак) ақлий вазминликка ўргатади, қуруқ ваъзхонликдан огоҳ қилади, одобга хилоф сайф-ҳаракатлардан сақлайди. Баъзан мен, Американинг ашаддий гаразғўйлари (ашаддий маддоҳлари ҳам) у китобларни қайта-қайта ўқисалар чакки бўлмасди, деган ўйга бораман.

– Кейинги пайтларда сиз Америкадан олисдаги мамлакатлар адабиётига ҳам мурожаат қилдингиз, бу борада бир неча китоблар чоп эттирддингиз... Булар қандай содир бўлди?

– Бу шундай содир бўлдики, мен бундан ўн йиллар муқаддам ўзига хос фаровонликдаги Фарбдан менга кам таниш бўлган Шарққа, аниқроғи – қозоқ даштларига рўбарў бўлдим. Ҳаммаси оға-дўстим (улғайган паллангда, юмшоқ қилиб айтсак, умринг бир жойга етганда том маънода ўзингдан катта ёшдаги дўстни орттирмақ қандай яхши) Абдужамил Нурпеисовнинг “Сўнгги видо” дилогиясига сўзбоши ёзишдан бошланди. Кўп йиллардан бери бу анъанавий адабий усул бўлса-да, лекин иш жараёни мени шундай туташ йўллар қошига олиб келдики, ўзим истамаган ҳолда мен ушбу заминда ҳозир бўлдим. Шолохов сабоқлари борасида гапириш осон, шунингдек, Фолькнер хусусида ҳам, улар ҳақида гапирилган ҳам, лекин, ҳар жиҳатдан қўламли ва бус-бутун бошдан-охири ички монолог, руҳни уйғунлаштирувчи хатлар заминига қурилган романни – бу ниҳоятда ҳайратланарли, мушоҳада қилиш жўн иш эмас, деб ўйлайман. Менинг шуурим ва идрокимда, Нурпеисов ўқиганлигига шубҳа қилсам-да, Марсель Пруст қиёфаси элас-элас жонланди. Бироқ кейинчалик бу гумоним тасдиқланмади, гарчи қандайдир ўхшашликларни Нурпеисов тан олмаган эса-да. Бироқ энди бунинг менга аҳамияти йўқ эди. Мелвилл қачонлардир шундай деганди: бутун дунё генийлари бир-бирини таниб қолишининг кўзга кўринмас титроғи югурувчи яхлит доирани ташкил этадилар. Бу санжоб жумладаги энг муҳим таъкид, менингча, “кўзга кўринмас” сўзидир. Яна бир жиҳати – нафақат генийлар. Хуллас, яқин вақт ичида ўртамиёна сўзбошидан Абдужамил Нурпеисов ижодига бағишланган китоб ўсиб чиқди. Ва мен ушбу китобда бадиий дунё билан дахлдорлигини дафъатан илғаб бўлмайдиган, мутлақо ўзга муҳитда яратилган “Қон ва тер” ҳамда “Сўнгги видо” асарлари ҳақида мулоҳаза юритдим.

Афтидан, бу китоб Қозоғистонда бирмунча қизиқиш уйғотган бўлса керакки, мендан аввал Мухтор Аvezов, кейин Абай ҳақида “Ажойиб кишилар ҳаёти” серияси учун китоблар ёзиб беришимни илтимос қилишди. Улар, гарчи умр тавсифи даражасида бўлмаса-да – мен бу жанр услубини эгалламаганман, улар ижоди ҳақидаги очерклар ҳам

эмас — юксак даражадаги адабий матнларни жиддий ва теран таҳлил қилмоқлик учун зарур бўлган тил бойлигим кам, тарихий билимим оз — уч йил ичида бирин-кетин дунё юзини кўрди. Бироқ, ҳарҳолда мазкур китобларим ҳақида умумий адабий жараён ва яхлит адабий маконда яхши гаплар, муждалар эшитдим. Менга бу иш яна шуниси билан қизиқарли ва аҳамиятли бўлдики, шу баҳонада — унутилган дунёвий бебаҳо асарлар — жуда хунук ҳол — Навоийнинг “Ҳамса”сидан тортиб, Гётеннинг “Ғарбу Шарқ девони”гача, шунингдек, илк туркий адабиётнинг юксак намуналари — уларни унутганлигимиз яна-да хунук — шайх Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”и ҳамда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” (“Саодатга элтувчи билим”) асарларини қайта ўрганиб чиқдим.

Қайси бир жиҳатдан бу жараён руҳи яқиндагина менинг сценарийим асосида олма-оталик машҳур киноҳужжатчи Александр Головинский томонидан суратга олинган “Музаффар шаҳс фожиаси. Мухтор Авезов ҳаёти ва тақдири” номли фильмда акс-садо берди.

— **Набоков ҳақидаги китобнинг муаллифи сифатида сиздан яқинда унинг билан боғлиқ нашр шов-шувви ҳақида сўрамаслигимнинг иложи йўқ.**

— Агарда “Лаура ва унинг аслияти” Владимир Набоковнинг академик нашрига киритилганида (бу орзу қачонлардир рўёбга чиқишига умид қилиш мумкин) буни табрикласа бўларди. Бироқ, ушбу нашрни ҳам, гарчи муаллиф ихтиёрига зид равишда бўлса-да, эътиборга молик нашр деб санаш ножоиз. Зеро Макс Брод ҳам “Жараён” ва “Қаср”ни, Кафканинг кундаликларини қўйиб турайлик, муаллифнинг ишончли одамига қолдирган васияти билан ҳисоблашмасдан чоп эттирди. Айниқса, таажжубга соладиган нарса — бу воқеа атрофидаги кўтарилаётган шов-шувлардир. Машҳур адибнинг тугалланмаган романидан парчалар эълон қилишибди — майли. Энди мушакбозликнинг нима кераги бор? Афтидан, бу ерда адабиётга хос бўлмаган қандайдир иқтисодий манфаатлар роль ўйнаяпти, шекилли. Адабиётни шаллақилик ва реклама сиқиб қўймоқда. Бутун дунёга жар солган (ҳар қалай, энди тинчиган, шекилли) шов-шувнинг моҳияти холис фикрдан эмас, гаразли фисқ-фужурдан иборат эканлиги шак-шубҳасиздир. Набоков, айниқса, мана шунини хуш кўрмасди...

*“Литературная газета”нинг 2010 йил
10–16 феврал (№ 5) сонидан олинди*

*Сухбатни Александр
НЕВЕРОВ олиб борди*

Агата КРИСТИ

Лорд Эжуорнинг ўлими

Роман

САККИЗИНЧИ БОБ

ТАХМИН

Жеп биз билан хайрлашиб кетди. Пуаро билан мен "Рижент-пари» боғига бориб, бўш ўриндиқ топдик.

— Тишингизнинг орасидаги қизил гул ҳақидаги гапингизнинг маъносига энди тушундим, — дедим кулиб. — Бу гапни биринчи бор эшитганимда, ақлдан озмадингизмикин, деган хаёлга борган эдим.

Пуаро паришонлик билан бошини ирғаб қўйди.

— Гастингс, сездингизми, бу котиба жуда хавфли гувоҳ. Хавфли-лиги шундаки, далиллари ноаниқ. Келган аёлнинг юзини аниқ кўрдим деб туриб олди. Мен ўзимча, бундай бўлиши эҳтимолдан йироқ, деган хаёлга бордим. Кутубхонадан чиққан одамнинг юзини бемалол кўриш мумкиндир. Лекин у ерга кириб кетаётган одамнинг юзи бу ердан кўринмайди-ку. Шунинг учун сизнинг ёрдамингиз билан бир тажриба қилиб кўрдим-да, уни тузоққа туширдим. Кўрдингизми, шу заҳоти у ўз кўрсатмаларидан қайтди.

— Лекин ўз ишончидан қайтгани йўқ, — дедим. — Умуман олганда, Дейнни, овозидан, юришидан ҳам таниб олиш мумкин.

— Йўқ-йўқ, асло.

— Нима учун, Пуаро? Менимча, овоз, юриши одамни таниб олиш мумкин бўлган ўзига хос белгилардан бири бўлади.

— Фикрингизга қўшиламан. Лекин буларни ўхшатиб қилиш мумкин.

— Демак, сиз ўйлайсизки...

— Хаёлан бир неча кун муқаддам бўлиб ўтган воқеани ўйланг. Театрдаги зиёфатни эсланг.

— Карлотта Адамсними? Ахир у жуда қойилмақом қилган эди. Машҳур одамни тақлид қилиш жуда осон. Лекин у кучли истеъдод эгаси эканлигини тан оламан. Ўз тақлидларини саҳнасиз, ҳеч қандай тўсиқсиз ҳам бажара оларди.

Кутилмаганда калламга ярқ этиб бир фикр келди. Наҳотки шундай қилиш мумкин бўлса деб ўйладим. Йўқ, бу мутлақо тасодифан тўғри келиб қолган.

— Булар бари, Гастингс, кишининг ниятига боғлиқ. Маълум бир вазиятларда бу умуман мос келмайди.

Давоми. Боши ўтган сонда.

— Лекин лорд Эжуорни ўлдириш Карлотта Адамсга нима учун керак бўлиб қолибди, ҳатто уни танимасди ҳам.

— Буни қаердан биласиз? Ҳаммасини аввалдан ҳал қилиб қўйманг, Гастингс, Булар орасида бизга маълум бўлмаган қандайдир ҳолатлар бўлган бўлиши мумкин. Менинг назарияларимга мос келмайдиган.

— Демак, сизнинг назариянгиз ҳам бўлган экан-да.

— Ҳа. Карлотта Адамсни бу ишга жалб қилиш эҳтимоли борлигини мен бошдан оқ билиб олган эдим.

— Лекин, Пуаро...

— Шошилманг, Гастингс. Менга бу фактларнинг ҳаммаси бир ерга бориб боғланишини тушунтириб беришга ижозат беринг. Леди Эжуор эри билан муносабати ёмонлигини, ҳатто чегарадан чиқиб кетганлигини, бир кунмас-бир кун бориб уни ўлдириш нияти борлигини очиқ-ойдин айтиб берди. Буни фақатгина сиз билан мен эшитганим йўқ. Официант, унинг оқсочи, Брайен Мартин ҳам эшитди, ҳатто Карлотта Адамс ҳам эшитган бўлиши мумкин. Ундан ташқари, улар буни ўз танишларига айтган бўлиш эҳтимоли йўқ эмас. Кимдир Карлотта Адамснинг Дейнга қилган тақлиди жуда зўр чиқди деди. Лорд Эжуорни ўлдириш нияти кимда бор эди? Албатта, унинг хотинида-да. Унда яна бошқа биров лорд Эжуорни йўқотиш ниятида юрган бўлиши мумкин деб тасаввур қилайлик. Ана шу нарса ўша одамга қўл келган. Дейн Уилкинсон бошим огрияпти, зиёфатгаям боролмайман деганини эшитиб, ўз режасини амалга оширган-қўйган.

Шунинг учун кимдир леди Эжуорни Рижент-Гейтдаги уйга кирганини кўргандек бўлиши керак. Кейин ўзини Дейнга ўхшатиб кўрсатган. Ҳатто у ўз номини айтиб қуюшқондан ташқарига ҳам чиқиб кетган. Бу нарса ҳар қандай ҳушёр одамда ҳам шубҳа туғдирмаслиги мумкин.

Яна бир чизги, балки жуда кичикдир. Лорд Эжуорнинг уйига келган аёл қора кийимда экан. Дейн Уилкинсон ҳеч қачон қора кийим киймайди. Бу тўғрида ўзининг айтган гапларини ўзимизам эшитдик. Кеча уйга келган одам Дейн Уилкинсон эмас, деб тахмин қилайлик. У аёл ўзини Дейнман деб атади, деб ҳам билайлик. Лекин Лорд Эжуорни худди шу аёл ўлдирганмикин?

Ё бўлмасам уйга кириб келган ва лорд Эжуорни ўлдирган учинчи бир одам йўқмикин? Агар шундай бўлса, у одам тасаввур қилаётганимиз уйга леди Эжуордан олдин ё кейин кириб олмаганмикин? Агар у одам кейин кирган бўлса, анув аёл лорд Эжуорга нима деб маълум қилганикин? Келган одам нима мақсадда келганини қандай тушунтирганикин? Эшик оғасини алдаш осон, чунки уни ҳечам кўрмаган, лекин ўз эрини алдаш мақсадида келган эмас. Ё бу вақтда лорд Эжуор хонада ўлиб ётган бўлганми? Эҳтимол, лорд Эжуор у киришдан олдин соат саккиз билан тўққизнинг орасида ўлдирилганмикин?

— Шошманг, Пуаро! — ҳайқариб юбордим. — Худо ҳаққи, бошим айланиб кетди.

— Йўқ, азизим. Биз фақат тахминларни солиштириб чиқяпмиз, холос. Бу худди магазинга кириб кўйлак кийиб кўраётгандай гап. ”Мана бу тўғри келдими?» — ”Йўқ, елкаси буришиб турибди». — ”Мана бучи?» — ”Ҳа, буниси анча дуруст, лекин сал катта». Бошқасини ”кичик» дегандай. Хуллас, биз мутлақо мос келадиганини топганимизча ўлчаб кўраверамиз, шундай қилиб охири ҳақиқатнинг тагига етамиз.

— Бу суиқасда ўзи кимдан шубҳаланаётибсиз? — деб сўрадим.

— Бу хусусда гапиришга вақт эрта. Лорд Эжуорни ўлдириш кимга керак бўлган, деб ўз-ўзимдан сўраб олишим керак. Унга меросхўр бўлган жияни бор ҳали. Кейин душманлари бўлиши мумкин. Лорд

Эжуор, мен билишимча, ўзига осонгина душман орттирадиган одам бўлган.

— Бу тўғри, — унинг фикрига қўшилдим.

— Лекин у ким бўлишидан қатъи назар ўзини хатардан холи сезган. Эсингиздами, Гастингс, Дейн Уилкинсон сўнгги дақиқаларгача зиёфатга боргиси келмаган. ”Савоя»даги хонасида қолмоқчи бўлган. Агар шундай қилганда эрини ўлдирмаганлигини исбот қилолмасди. Уни ҳибсга олишган, суд қилиб осиб юборишган бўлишарди.

Мен чўчиб кетдим.

— Уни қотилликда айблашлари тушунарли, — давом этди Пуаро. — Лекин бир нарсага гаранг бўлиб турибман. Унда телефон қўнғироғичи? Кимдир Чизвикка телефон қилиб, унинг зиёфатда иштирок этаётган-этмаётганлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлибди. Кейин гўшакни осиб қўйгани-чи? Бу бирон режани амалга ошириш учун кимгадир керак бўлмади? Қўнғироқ қилган қотил бўлиши мумкин эмас. Чунки қотил ўз режасини Дейннинг зиёфатда бўлмаслиги асосига тузган. Унда бу ким бўлди?

Мен калаванинг учини йўқотиб, бошимни қимирлатиб қўйдим.

— Эҳтимол, қўнғироқ тасодифийдир? — тахмин қилдим.

— Йўқ, ҳамма нарса тасодифий бўлавермайди. Ярим йил олдин лорд Эжуорнинг хатини тутиб қолишган. Бу ерда тагига етолмайдиган нарсалар анчагина. Булар барини боғлаб турадиган бир нималар бўлиши керак. — Пуаро бир хўрсиниб давом этди. — Брайен Мартин гапириб берган воқеалар...

— Бу саргузаштнинг ишга умуман алоқаси бўлмаса керак.

— Кўзингиз кўр, Гастингс. Наҳотки бу ҳодисаларнинг бари бир бутун мақсадга йўналтирилган режа асосида қилинаётганлигини кўролмаётган бўлсангиз? Бу шундай режаки аста-секин ўзини намоён этиб боради...

Менимча, Пуаро бу чигаллик жуда енгиллик билан ечилади, деб ўйлаётгандай эди. Лекин менга эса ҳеч қачон тагига етиб бўлмайдиган жумбоқдай туюларди.

— Барибир мен қотиллик Карлотта Адамснинг қўли билан амалга оширилганига ишоналмайман, — дедим. — У менда жудаям ёқимтой, мулоийм қиз каби таассурот қолдирди.

Шу он Пуаронинг пулни севиш, пулга ҳирс қўйиш ҳақидаги гаплари эсимга тушди. Бу қабиҳликнинг замирида мана шу нарса ётмаганмикин? Ўша куни Пуаро жуда очилиб кетди. Хатто у Дейнни табиатидаги худбинлик бошига кўп шўришларни солиши мумкин, деб башорат қилди. У ҳатто пулга бўлган ўчлик Карлоттани йўлдан оздиради, деди.

— Менинг назаримда, Гастингс, у ўлдирмаган. Бундай масалада у ниҳоятда вазмин ва бу ишга ноқобил. Эҳтимол, унга эрининг ўлдирилиши ҳақида айтмаган бўлишлари ҳам мумкин. Лекин унда... — Пуаро гапдан тўхтаб қовоғини солиб олди. — Энди у қотилликка шерик бўлиб ўтирибди. Демокчиманки, бугун унинг қилиғини биледи-да, тушуниб... — Бирдан бўғилиб қичқариб юборди: — Тезроқ, Гастингс, тезроқ! Мутлақо эсимдан чиқарибман-ку! Тезроқ такси ушланг!..

Мен ҳайрон қолиб унга қарадим. У қўлини кўтарди. Ёнимиздан бир такси ўта бошлади. Пуаро уни тўхтатди ва биз тезда ўтирдик.

— Манзилини биласизми?

— Карлотта Адамсними? — деб сўрадим. — Йўқ.

— Унда театрға кетдик.

Театрда Карлотта Адамснинг манзилини зўрга беришди. Словян боғига яқин жойда тураркан. Ўша ёққа жўнадик. Пуаро чидамсизликдан ёрилиб кетай дерди.

- Фақат кечикмасак бўлгани, Гастингс!
- Намунча шошиласиз, тушунмаяпман? Нима гап ўзи?
- Гап шундаки, кечириб бўлмас даражада анқов эканман. Кўриниб турган галварс. Э худойим, улгурайлик-да ишқилиб.

ТУЎҚИЗИНЧИ БОБ

ИККИНЧИ ҚОТИЛЛИК

Пуаронинг ҳовлиқиши сабабини тушунмадим. Лекин унинг табиатини, ўзини яхши билганимдан сездимки, бирон жиддий сабаб бўлмаса, бунчалик ҳовлиқмасди.

Биз Карлотта Адамсинг уйига етиб келдик. Иккинчи қаватда яшар экан. Пуаро тез-тез зинадан кўтарилиб кўнғироқ тугмасини босди. Эшикни йиғидан кўзлари қизарган бир ёши ўтинқираган аёл очди.

— Бизга мисс Адамс керак эди, — деди Пуаро.

— Эшитмадингизларми? — сўради аёл. Мен шу онда Пуаро кўрққан нарса содир бўлганини тушундим. — У оламдан ўтди. Ухлаб ётиб ўлиб қолибди, шўрлик.

Пуаро эшикка суяниб қолди.

— Кечикибмиз, — дея минғирлади у.

— Сэр, мени кечиринг, сиз унинг дўстимисиз?

— Доктор кўрдими? Нима деди? — деб сўради Пуаро жавоб бериш ўрнига.

— У меъёрдан кўпроқ уйку дори ичиб юборибди. Эсиз, жудаям ёқимли ёш леди эди. Дориям ҳадеб фойда беравермайди. Шифокор веронал ичган экан, деди

— Олдига киришим керак, — деди Пуаро амр қилгандай. — Мен изкуварман. Хоним, қандай қилиб ҳалок бўлганини текширишим лозим.

Аёл бизни хонага кўйди.

Пуаро терговни бошлаб юборди.

— Кулоқ солинг, мен сизга нима дейдиган бўлсам, бу ниҳоятда сир, ҳеч ким билмаслиги керак, — аёлни огоҳлантирди. — Ҳамма мисс тўсатдан ўлиб қолди деб ўйлаши керак. Илтимос, менга кўрган шифокорнинг фамилиясини ва манзилини беринг.

— Доктор Хит. Карлайл-стрит кўчаси, ўн еттинчи уй.

— Сизнинг фамилиянгиз?

— Беннет. Эллис Беннет.

— Билишимча, мисс Беннет, сиз мисс Адамсга анча боғланиб қолган экансиз.

— Ҳа, сэр. Бир йилдан буён унинг уйида ишлайман. Унга бошқа биронтаям актриса ўхшамасди, ҳақиқий леди эди.

Пуаро унинг гапларини хайрихоҳлик билан эшитди. Бу унинг ўзига керакли маълумотларни билишнинг энг яхши усули эди.

— Унинг ўлими сизга ёмон таъсир қилибди, — деди унинг кўнглини кўтариб камтарлик билан.

— Жудаям, сэр. Одатгадигай эртаб соат тўққиз яримда хонасига чой олиб кирдим. У тўшакда ухлапти деб ўйладим. Кейин пардани тортиб оча бошладим. Унинг битта ҳалқаси илгакка илиниб қолди-ю, қаттиқ тортиб юбордим. Парда шарақлаб қетди. Ўгирилиб қарасам, шовқиндан уйғонмабди. Ҳайрон бўлдим. Ётиши аллақандай ғайри табиий эди. Бориб қўлини ушлаб кўрдим. Биласизми, сэр, қўли музлаб қолган эди, кейин бақириб юбордим.

Аёл жимиб қолди, унинг ёноқларидан ёш оқа бошлади.

— Ҳа, ҳа, тушунаман, — деди Пуаро унга таскин бериб. — Жуда кўрқиб кетган бўлсангиз керак. Мисс Адамс уйқу дорини тез-тез ичиб турармиди?

— Баъзан боши оғриганда нимадир ичарди. Лекин кеча, шифокорнинг гапига қараганда, бошқа бирон нима ичибди.

— Кеча кечқурун унинг олдига биров келдими?

— Йўқ, сэр. Кечқурун уйда бўлмади. Соат етиларда кетган эди.

— Қарга кетаётганини айтганмиди?

— Йўқ, сэр.

— Қанақа кийим кийган эди?

— Қора кўйлак, қора шляпа, сэр.

Пуаро менга қаради.

— У қимматбаҳо нарсаларни тақиб юрармиди?

— Ҳаммавақт бир ип маржон тақиб юрарди, сэр.

— Қўлқопи қанақайди — яшилмиди?

— Ҳа, сэр, қўлқопи яшил эди.

— Энди менга унинг кайфияти ҳақида гапириб беринг. Хушчақчақмиди? Ё гамгинмиди?

— Менинг назаримда, сэр, нимаданбир хурсанд кўрингандай бўлувди. Негадир ўзича кулиб-кулиб кўярди.

— Қачон қайтиб келди?

— Кечаси соат ўн иккидан кейин, сэр.

— Келиб ўзини қандай тутди? Уйдан чиқиб кетаётганда қандай бўлса шундайми?

— Ҳаддан зиёд ҳолдан тойган эди, сэр.

— Ташвишланмасмиди? Ҳаяжондамасмиди?

— Йўқ, сэр. Менимча нимаданбир хурсанд эди, лекин жуда чарчаган эди. Кейин ўтириб кимгадир кўнғироқ қилди.

Пуаронинг кўзлари ҳаяжондан чақнаб кетди-ю, олдинга энгашиб қолди.

— Кимга телефон қилганини эшитмадингизми?

— Йўқ, сэр. У рақам терди-да, жавоб кута бошлади. Кейин бошқа кутолмайман деди-ю, гўшакни осиб ечина бошлади.

— Сиз кўнғироқ қилган телефон рақамини эслаб қололдингизми?

— Йўқ, сэр. Мен фақат рақам ”Виктория”дан бошланганини эслайман.

— Мисс Адамс, уйқудан олдин бирон нима еб-ичдимиди?

— Ҳар кунгидай бир стакан сут ичди.

— Уни ким тайёрлаган?

— Ўзим, сэр.

— Уйга ҳеч ким келмадимиди?

— Ҳеч ким. Адамс нонуштаниям, чойниям уйда ичгани йўқ. У соат олтида қайтиб келган.

— У кечқурун ичган сутни қачон олгандингиз?

— Сут янги эди. Бир бола уни соат тўртда эшикка ташлаб кетган эди. Ишончим комилки, сэр, сут жуда яхши эди, ўзимам бугун эрталаб ўша сут билан чой ичдим. Шифокор бу дорини ўзи ичган деб аниқ айтди.

— Балки мен ноҳақдирман, — деди Пуаро. — Мен шифокор билан учрашишим керак. Биласизми, мисс Адамснинг душманлари бор эди. Америкада ҳамма нарса бошқача...

Пуаро иккиланиб қолди. Лекин шу онда кўнғилчан Эллис қармоққа илинди.

— Биламан, сэр. Чикаго ва гангстерлар ҳақида газетада ўқигандим. Бу ёмон мамлакат бўлса керак. Полиция нима иш қилади у ерларда? Эллисининг тор тушунчаси Пуарони кейинги тушунтиришлардан кутқарди.

Унинг кўзи стулда ётган чамадончага тушиб қолди.

— Мисс Адамс манави чамадончани кеча олиб кетганмиди?

— Уни эрталаб олиб кетганди, сэр. Лекин соат олтида уйга келганда кўлида йўқ эди. Уни кечаси олиб келди.

— Уни очиб кўришга рухсат этасизми?

Эллис Беннет шу топда нима хоҳласа шунга рухсат берадиган ҳолда эди. Бунақа кўнгилчан хотинлар кўп учрайди. Уларнинг кўнглига йўл топсанг, бас, ҳеч нарсани аяшмайди, осонгина ишингни бажариб кетаверасан.

Чамадон қулф эди. Пуаро очди. Мен унинг ичига Пуаронинг елкаси оша қараб турдим.

— Кўряпсизми, Гастингс, буни қаранг-а? — деди ҳаяжонланиб Пуаро.

Чамадоннинг ичи ғалати нарсалар билан тўла. Унда бўйни новча қилиб кўрсатиш учун туфли пошнасининг остига қўйиладиган тағламалар ва бир жуфт қора кўлқоп бор эди. Ундан ташқари, қоғозга ўралган тилларанг ясама соч ҳам ётарди. Сочнинг ранги Дейн Уилкинсоннинг сочи рангига ўхшар, парқи ҳам уникидай тўғри очилган ва чаккаси гажақдор эди.

— Гастингс, сиз ҳалиям шубҳаланяпсизми? — деб сўради Пуаро.

— Шу пайтгача ишонмай турган эдим, энди шубҳам қолмади.

Пуаро чамадонни ёпиб оқсочга ўтирилди.

— Кеча мисс Адамс ким билан тушлик қилганини билмайсизми?

— Йўқ, сэр.

— Ким билан чой ичгани-ю, ким билан нонушта қилганини-чи?

— Ким билан чой ичганини билмайман-у, назаримда мисс Драйвер билан нонушта қилган бўлса керак.

— Мисс Драйвер дедингизми?

— Ҳа, мисс Драйвер яқин дугонаси. Унинг Моффат-стрит кўчасида шляпа магазини бор. Номи "Женевьева».

Пуаро унинг манзилини шифокорнинг манзили остига ёзиб қўйди.

— Хоним, яна бир нарса. Эслай олмайсизми соат олтида келгандан кейин мисс Адамс бирон нима демадими?

Оқсоч бироз ўйлади.

— Йўқ, ҳеч нима деёлмайман, сэр. — Кейин шундай деди: — Мен ундан чой ичдингизми, деб сўрадим, у, ҳа ичдим, деб жавоб берди.

— Демак, у ичдим деб жавоб берди, — такрорлади Пуаро. — Давом этинг.

— Кейин кетгунга қадар ўтириб хат ёзди.

— Хат ёзди? Кимга?

— Нью-Йоркдаги синглизига. У синглизига ҳар ҳафта мунтазам равишда икки марта хат ёзарди. Хатни ўзи олиб кетди-ю, лекин почтага ташлашни унутиб, қайтариб олиб келибди.

— Демак, хат шу ерда экан-да?

— Йўқ, сэр. Мен жўнатвордим. Ухлашга ётаётиб эслаб қолди. Мен ўзим жўнатаман деб ваъда бердим-да, бориб почтага ташлаб келдим.

— Бунга кўп вақтингиз кетдими?

— Йўқ, сэр. Почта бўлими шундоққина муюлишда.

— Эшикдан чиқаётиб, эшикни қулфлаганмидингиз?

Беннет ҳайратланиб Пуарога қаради.

— Йўқ, нари-бери ёпиб кетгандим.

Пуаро яна бир нима демоқчи бўлган эди, ўйланиб қолди.

— Балки, мурдани кўрарсиз, сэр? — деди оқсоч йиғламсираб. — Худди ўлмагандай чиройли бўлиб ётибди.

Биз ётоқхонага кирдик.

Карлотта Адамс "Савойя"даги зиёфатда кўринганидан ҳам чиройли бўлиб кетганди. У худди ўйнаб-ўйнаб чарчаб ухлаб қолган болага ўхшаб ётарди.

Унга қараб Пуаронинг юзларида қандайдир галати ифода зуҳур этди. Мен унинг чўқиниб қўйганини кўрдим.

— Мен қасам ичдим, Гастингс, — деди дўстим, биз зинадан тушаётганимизда.

Мен унинг нима учун қасам ичганини сўрамадим. Буни ўзим ҳам тушуниб етгандим.

Орадан бир неча вақт ўтиб Пуаро шундай деди:

— Жиллакурса, битта айб менинг бўйнимдан соқит бўлди. Мен уни асраб қололмадим. Мен лорд Эжуорнинг ўлимини эшитган пайтимда Карлотта ҳам ўлган бўлган. Бу менга таскин беради, ҳа, жуда таскин беради.

ЎНИНЧИ БОБ

ЖЕННИ ДРАЙВЕР

Бизнинг навбатдаги учрашишимиз керак бўлган одам оқсочдан манзилини олган шифокор бўлди.

У ховлиқмароқ, озгина паришонхотирлик аломатлари кўриниб турадиган қари шифокор бўлиб чиқди. Пуаро ҳақида эшитган экан, у билан учрашишдан мамнун эканлигини маълум қилди.

— Сизга қандай ёрдам беришим мумкин, мсье Пуаро? — деб сўради кўришиб бўлиши билан.

— Бугун эрталаб, мсье доктор, сиз Карлотта Адамсга чақирилган экансиз.

— О, ҳа! Шўрлик қиз. У жуда истеъдодли актриса эди. Унинг томошасига икки марта борганман. Минг афсус, умри қисқа экан. Нега энди шундай қизлар гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишаркин-а, тушунолмаймаман.

— Демак, сиз уни нашаванд бўлган деб ўйлайсизми?

— Ҳа, энди, шундай деб аниқ айтиш қийин, албатта. Ҳар ҳолда у ўзига укол қилмаган. Терисида игна излари йўқ. Чамаси, уни оғзидан истеъмол қилган. Оқсочнинг гапига қараганда жуда яхши ухлабди. Лекин бунақанги оқсочлар ҳеч қачон бир нарсани аниқ билишмайди. Менимча, у веронални кечасига ҳар куни ичмаган. Лекин маълум вақтларда оралатиб ичиб турган.

— Нимага таяниб шундай деб ўйлаяпсиз?

— Ҳозир тушунтириб бераман. Шайтон урсин, қаерга қўйдим-а, уни? — Шифокор чамадончасини титкилай бошлади. — Э, мана-е. — У қора сумкача чиқарди. — Бу албатта ҳали терговда асқотади. Оқсоч унга бурнини тикмасин деб олиб келдим.

Шифокор сумкачани очиб ундан олтин қутича чиқарди. Унинг қопқоғига қизил ёқут билан "К.А." деб ўйиб ёзиб қўйилган эди. Жуда қимматбаҳо нарса. шифокор уни очди. Ичи оқ кукун дори билан тўла эди.

— Бу веронал, — деди у қисқа қилиб. — Энди ичига қаранг, нима деб ёзиб қўйилганини кўрасиз.

Кутичанинг ич томонига К. А.га Д.дан. Париж. 10-ноябр. ”Яхши тушлар кўринг”, деб ўйиб ёзилган эди.— 10 ноябр, — деди Пуаро ўйланқираб.

— Ҳа, бунинг тагида бир гап борми? Айтмоқчи, нега бу сизни қизиқтириб қолди, деб сўрамоқчи эмасман. Билишимча, сизда бунинг учун жиддий асосингиз бор. Эҳтимол, ўзини ўзи ўлдирганмикин демоқчи бўлаётган бўлсангиз керак-а? Бу ҳақда сизга фойдали бир гап айтолмайман. Бошқа ҳеч ким ҳам бирон нима деёлмайди. Оқсочнинг маълум қилишича, у кеча жуда яхши кайфиятда бўлган. Менимча, бу бахтсиз ҳодиса. Веронал — бу одам ишонадиган дори эмас. Уни кўп истеъмол қилиш мумкин-у, одам тирик қолиши мумкин, лекин жиндай ичиб, ўлиб қолиш ҳам ҳеч гапмас. Бу жудаям хавфли дори.

— Тергов ”ўлим бахтсиз ҳодиса сифатида юзага келган”, деб хулоса чиқаради, — деб қўшиб қўйди шифокор. — Бунга шубҳам йўқ. Сизга бошқа ҳеч қандай ёрдам беролмайман.

— Мадемуазелнинг сумкачасини очиб кўрсам бўладими?

— Албатта, албатта.

Пуаро сумкачанинг ичидаги нарсаларни олиб ташлади. Ундан четига ”К. А.” деб ёзиб қўйилган юпқа дастрўмол, упа, лаб бўёғи, озгина чақа пул ва пенсне чиқди.

Пенсени Пуаро жуда қизиқиб томоша қилди. Кўзойнакнинг гардиши тилладан, жуда гўзал қилиб ясалган эди.

— Қизиқ, — деди Пуаро. — Мен мисс Адамс пенсне тақишини билмас эканман. Балки бирон нима ўқиганда тақармикан?

Шифокор пенсени қўлига олди.

— Йўқ, унинг ойналари узоқни кўриш учун ясалган, — деди у. — Жуда ўткир ойналар. Ким тақсяям кўзлари анча хиралашган экан.

— Сиз билмайсизми, мисс Адамс...

— Мен уни илгари муолажа қилмаганман. Мени оқсочи чақирганди. Мисс Адамс кўрганымда кўзида пенсне йўқ эди.

Пуаро шифокорга миннатдорчилик билдирди, биз ташқарига чиқдик. Дўстимнинг юзларида ҳайрат аломатлари сезилиб турарди.

— Эҳтимол, бу хатодир, — деди у.

— Сиз Дейн Уилкинсонга қилган тақлидини назарда тутяпсизми?

— Йўқ, менимча, бу шубҳасиз. Унинг ўлимини назарда тутяпман. Шуниси аниқки, унинг ихтиёрида фақат веронал қолган. Эҳтимол, кеча кечқурун асабийлашган, чарчагандир. Кейин мириқиб ухлаш учун веронал ичгандир. — Шу он Пуаро бирдан тўхтаб, чапак чалиб юборди. Ўткинчилар ҳам унга ҳайрон бўлиб қараб қолишди. — Йўқ, йўқ! — деди у қатъий қилиб. — Бахтсиз ходисага буриш жуда қўл келган. Бу ҳеч қачон бахтсиз ҳодиса бўлмаган. У ўзини ўлдирмаган. У тақлид қилиб ўзига ўлим ҳукмини ўқиган. Шунинг учун веронални баҳона қилишяптики, у бунинг илгари истеъмол қилиб юрганини билишган. Агар шундай бўлса, қотил бунинг яхши билган бўладими? Ким бу ”Д” дегани? Унинг кимлигини билсам, Гастингс... Унинг кимлигини билиш учун ҳеч нимани аямаган бўлардим.

— Пуаро, — дедим у гапдан тўхтаганда, — юриб гаплашсак яхши бўлармиди? Бўлмаса, ўткинчилар бизга қараб-қараб қўйишяпти.

— А? Балки, сиз ҳақдирсиз, гарчанд менга улар мутлақо халақит қилишмаётган бўлишса ҳам.

Мен унинг фикрига қўшилмадим. Бировларнинг менга эътибор қилишларига чидаб туролмайман. Пуаро бўлса ортиқча намниям,

иссиқниям-совуқниям ёқтирмасди. Чунки бу унинг маълум ва машҳур мўйловига таъсир қиларди.

— Такси олайлик, — деди Пуаро ва ўтиб кетаётган машинага қўлидаги асони қўтарди.

Биз машинага ўтирдик. Ҳайдовчига Модффит-стрит кўчасига олиб бориб ташлашини айтдик.

”Женевьева” корхонасининг биринчи қаватида тасвир қилиш ожиз бўлган чиройли шляпалару шарфлар витриналарда ўзини манаман деб намоийш қилиб турарди. Лекин уларни бунёдга келтирадиган иш жойи иккинчи қаватда бўлиб, у ерга қўланса ис босиб ётган зинапоядан чиқарди.

Зинадан кўтарилишимиз билан қаршимизда ”Женевьевага кираверинг” деб лавҳа осиб қўйилган эшикка дуч келдик. Эшикдан ўтиб, шляпалар билан тўла мўъжазгина хонага кирдик. Қаршимизга семизгина малла сочли аёл чиқиб, Пуарога шубҳали назар ташлаб қўйди.

— Бизга мисс Драйвер керак, — деди дўстим.

— Билмадим, хоним сизни қабул қилармикин. Нима ишингиз бор эди?

— Мисс Драйверга дугонангиз мисс Адамснинг дўсти сиз билан гаплашмоқчи экан, деб айтинг.

Лекин малла сочли аёл илтимосни бажаришига ҳожат қолмади. Қора духобали қалин парда қимирлаб, ортидан малла-қизғиш сочли нозиккина қиз чиқиб келди.

— Нима гап? — деб сўради у.

— Сиз мисс Драйвермисиз?

— Ҳа. Карлоттага нима бўлди?

— Қайғули ҳодисани эшитмадингизми? Мисс Адамс кеча кечаси уйқусида ўлиб қолибди. Веронал деган уйку дорисини меъеридан ортиқ ичиб юборибди.

— Қандай даҳшат! — ҳайқариб юборди у. — Шўрлик Карлотта. Ишониш қийин. Нега энди, кечагина шўх-шодон юрувди-ку.

— Мен сизга бўлган гапни айтдим, мадемуазель, — деди Пуаро. — Ҳозир соат бир. Бизга муруват кўрсатсангиз-да, дўстим билан бирга нонушта қилишга рози бўлсангиз. Сизга берадиган бир нечта саволим бор.

Қиз Пуарога бошдан-оёқ назар ташлаб чиқди. Жуссаси кичик бўлса ҳам шадлотроқ кўринди.

— Ўзингиз кимсиз? — дабдурустдан сўради у.

— Мени Эркюль Пуаро дейишади. Дўстим — капитан Гастингс.

Мен таъзим қилиб қўйдим. Қизнинг назари биримиздан иккинчимизга ўтди.

— Сиз тўғрингизда эшитганман, — деди у ниҳоят. — Бўпти, кетдик.

Қиз малла сочли аёлга мурожаат қилди.

— Дороти.

— Ҳа, Женни.

— Миссис Лестер шляпасини олгани келади. Тепасига бошқа уқа ўрнатиб қўйинг. Бўпти, ҳозирча хайр, мен тезда қайтаман.

У қора шляпа кийиб, бир чаккасига қўққайтирди, юзига упу суриб Пуарога қаради.

— Мен тайёрман, — деди киноя қилиб.

Орадан беш дақиқа ўтиб, биз Довер-стритдаги кичкинагина ресторанда ўтирдик. Официант олдимизга коктейл қўйиб буюртмани олди-да, нари кетди.

— Буни қандай тушунса бўлади? — сўради Женни Драйвер. — Карлотта нималарга аралашиб қолганикин?

— Бирон нималарга аралашиб қолганмиди?
— Шошманг, саволни мен бераманми ё сизми?
— Назаримда мен берсам керак, — кулиб жавоб берди Пуаро. — Менга маълум бўлишича, сиз билан мисс Адамс қалин дугона экансизлар.

— Тўғри.

— Унда, мадемуазель, сиздан илтимос, нима қилмоқчи бўлаётган бўлсам ҳаммасини дугонангизнинг манфаатини кўзлаб қиялман деб тушунинг. Сизни ишонтириб айтаманки, худди шу мақсад билан олдингизга келганман.

Орага жимлик чўкди. Бу вақт ичида Женни Драйвер Пуаронинг гаплари мағзини чақиб олди. Ниҳоят, у бошини силкиб қўйди.

— Сизга ишонаман. Нимани билмоқчисиз?

— Менга маълум бўлишича, мадемуазель, кеча сиз дугонангиз билан нонушта қилган экансизми?

— Ҳа.

— У сизга кечкурунги режалари ҳақида гапирганмиди?

— У кеча кечкурунги режалари ҳақида бирон нима дегани йўқ. Лекин баъзи бир гапларнинг учини чиқардики, бу сизни ҳам қизиқтирса керак.

— Ниманинг учи экан?

— Мен буни ўз сўзларим билан гапириб беришга ҳаракат қиламан. Биласизми, Карлотта жудаям ҳаяжонда эди. Бундай ҳолат унда камдан-кам содир бўлади. Фейли шундай. Нима қилмоқчи эканлигини аниқ айтгани йўқ. Бу иш ҳақида бировга айтмайман, деб ваъда берган эди. Лекин гапларидан унинг қандайдир қинғир ишда қатнашмоқчи эканлигини тушундим.

— Қинғир иш дейсизми?

— У шундай деди. Менга бу қинғир иши қачон ва қаерда содир бўлишини маълум қилгани йўқ. Кўряпсизми, — гапини давом эттирди Женни қовоғини уйиб. — Карлотта кўпол ҳазил қиладиган, одамларни мазах қилувчи одамлар тоифасига кирмасди. Менинг назаримда кимдир уни мана шу қинғир ишга жалб қилган. Ўзича буни қилмаган бўларди. Назаримда... унинг ўзи худди шундай деб айтмаганини ҳисобга олиб қўйинг...

— Йўқ, йўқ, тушуниб турибман. ”Назаримда”, деб нима демоқчи бўлаётган эдингиз?

— Маълум даражада бу пул билан боғлиқ бўлса керак. Пулга келганда Карлотта ўзини томдан ташлайди. Табиати шундай. Пул деса — жонини беради. Пул, пул бўлгандаям жуда катта пул уни бу қадар ҳолатга солиши мумкин.

— Ўзи сизга бу ҳақда гапирганмиди?

— Йўқ. Қандайдир қинғир ишларни амалга оширмоқчиман деб қўя қолди. Ундан ташқари, Америкадаги синглисини чақиртирмоқчилигини, у билан Парижда учрашмоқчи эканлигини айтди. Унинг синглиси мусиқа борасида жуда истеъдодли, лекин касалманд. Карлотта уни жуда яхши кўрарди. Менга маълум нарсалар мана шулар. Бу гаплар сизга асқотадимми?

Пуаро калласини қимирлатиб қўйди:

— Ҳа, бу гаплар менинг хаёлимдан кечган нарсаларни тасдиқлайди. Тўғри, сиздан бундан ҳам кўпроқ гапларни эшитиш умидида келгандим. Биламан, мисс Адамс сизга буларни ҳеч ким билмасин деб роса уқтирган. Лекин энг яқин дугонаси бўлмиш сизга буни барибир оғзидан гуллаб қўяди, деб умид қилгандим.

— Мен ҳам айтиб беришини хоҳловдим, — жавоб берди Женни. — Сўрасам, кулиб қўйди-ю, кейин биласан, деди.

— Лорд Эжуор деган одамни танийсизми? — деб сўради Пуаро.

— Ҳалиги ўлдириб кетилган одамми?

— Ҳа. Мисс Адамс шу одам билан танишмиди, йўқми?

— Таниш эмасди-ёв. Йўқ, танишмасди. Бир дақиқа шошмай тулинг... кечқурун уни ёмон сўзлар билан оғзига олганди. Бундай қаҳри қаттиқ одамлар яхши одамларнинг ҳаётини барбод қилишига йўл қўйиб қўймаслик керак, деган эди. Тагин бунақа кимсаларнинг ўлими кўп одамларнинг ҳаётини асраб қоладиям деганди.

— Бу гапни қачон айтганди сизга, мадемуазель?

— Менимча, бир ой муқаддам.

— Нима сабаб бўлиб бу мавзуда гап очилганди?

Женни Драйвер бир неча дақиқа ўйга ботди. Лекин ҳеч нимани эслолмади.

— Лорд Эжуорнинг номи кутилмаганда тилга олиниб қолди — деди у. — Эҳтимол, газетада кўзга тушгандир. Ҳар ҳолда Карлотта номаълум одам ҳақида куйиб-ёниб гапира бошлади. Менга шунақа туюлди.

— Бу галати, албатта, — унинг фикрига қўшилди Пуаро. — Сиз унинг сумкасида ”К.А.” деб ёзилган ёқут кўзли олтин қутичани ҳеч кўрганингиз борми?

— Олтин қутича дейсизми? Йўқ, ҳеч қачон кўрмаганман.

— Сиз ўтган йили ноябрь ойида мисс Адамс қаерда бўлганини билмайсизми?

— Эслаб кўрай-чи. Ноябрьнинг охирларида у Штатларга қайтиб кетганди. Бунгача Парижда бўлган.

— Бир ўзимми?

— Албатта бир ўзи. Узр, балки сиз буни назарда тутмагандирсиз. Тушунолмайман, қачон Париж номи тилга олинса, қандайдир бошқа маъно келиб чиқаверади. Ахир, бу жуда гўзал, ҳашаматли шаҳар-ку. Лекин Карлотта Адамс баъзи қизларга ўхшаган айш-ишрат қилишга мойил қизлар сирасига кирмасди.

— Энди мадемуазель, мен сизга муҳим бир саволни бермоқчиман. Бирон-бир эркак мисс Адамсни қизиқтириб қолганмиди?

— Йўқ, — деди Женни, — менга маълум бўлишича, Карлотта тун-кун иш ва сингисининг ташвиши билан банд бўлган. У оила бошлиғи сифатида ўзининг мавқеига жиддий муносабатда бўлган. Хуллас, жиддий қилиб айтганда: ”Йўқ” деб жавоб бериш мумкин.

— Жиддий қилиб айтмаганда-чи?

— Яқин ораларда Карлоттани биронта эркак қизиқтириб қолибди деб эшитсам, бунга ажабланмаган бўлардим.

— Э-ҳа, шунақа денг-а!

— Бу менинг тахминим, шуни ҳисобга олиб қўйинг. Мен унинг ўзини тутишидан шундай деярман. Сўнгги пайтларда қандайдир бошқача — ҳаёлпараст бўлиб қолди... Буни тушунтириб беришим қийин. Лекин аёлнинг ҳолатини аёл ҳис қилади... Албатта, мен хато қилаётган бўлишим мумкин.

Пуаро калласини қимирлатди.

— Ташаккур, мадемуазель. Яна бир нарса — мисс Адамснинг ”Д” ҳарфи билан бошланадиган биронта дўсти борми?

— ”Д”, — ўйлаиб туриб жавоб берди Женни Драйвер — ”Д” ми? Йўқ. Кечирасиз, эслолмаяпман.

УН БИРИНЧИ БОБ

ХУДБИН

Ўйлашимча, Пуаро саволига бошқача жавоб олишини ҳам кутмаганди.

— Энди, — деди Женни Драйвер. — Мен сизлардан билганингизни гапириб беришингизни сўрайман.

— Мадемуазель, — деди Пуаро, — аввало, сизга бир хушомад қилиб қўйишимизга ижозат этинг. Берган саволларимга жавобларингиз жуда ўринли бўлди. Каллангиз ишлар экан, мадемуазель. Бу иш ҳақида гапириб беришимни сўраяпсиз. Мадемуазель, мен сизга фақат баъзи бир тафсилотлар ҳақида гапириб бера оламан.

Кеча кечқурун ўз кутубхонасида лорд Эжуор ўлдириб кетилган. Кечаси соат ўнларда леди, яъни сизнинг дўстингиз бўлган мисс Адамс Рижент-Гейтдаги уйга келиб ўзини леди Эжуор деб атаган. Леди Эжуор сизга яхши маълум бўлса керак, бу Дейн Уилкинсон. Мисс Адамс (агар шу бўлса) уйда бир неча дақиқа бўлган. У бу ердан соат ўндан беш дақиқа ўтганда чиққан. Лекин ўз уйига ярим кечада қайтиб келган. Уйга келибоқ кўп миқдорда веронал деган уйқу дорисини ичиб ухлашга ётган. Мадемуазель, мен нега бунақа саволларни бериб бошингизни қотирганимни энди тушунган бўлсангиз керак.

Женни хўрсинди.

— Ҳа, энди тушундим, — деди у. — Карлоттани суриштирганингиз бежиз эмас экан. Кеча у келиб мендан янги шляпа олиб кетган эди.

— Шляпа янгимиди?

— Ҳа. Айтдики, менга мана шунақа юзнинг чап томонини беркитиб турадигани керак, деди.

Шу ўринда мен ўқувчиларга баъзи бир нарсаларни тушунтириб қўйишим керак. Уша замонларда тўнкарилган талинкаларга ўхшаш шляпаларни кийиш расм бўлган эди. Бунақа шляпалар бошнинг бир томонига соя солиб туриш учун кийиб юриларди.

— Бу шляпалар одатда бошнинг ўнг томонига қўққайтириб кийиб юриладими? — сўради Пуаро.

Ёш чевар бошини қимирлатди.

— Лекин биз бошнинг бошқа томонига ҳам қўйиб киядиган бир нечта фасонларни тикиб турамиз, — тушунтирди у. — Шунақа аёллар тоифаси ҳам борки, юзининг чап томонини эмас, ўнг томонини кўрсатиб юришни хуш кўришади. Карлотта худди мана шунақа шляпани сотиб олди. Юзининг чап томонига соя солиб юришида Карлоттанинг қандайдир мақсади бўлганмикин?

Шу пайт Рижент-Гейтдаги уйнинг эшиги чап томондан очилишини эсладим. Эшик оғаси кўча эшикни очганда меҳмонни ўнг эмас, чап томондан кўради. Ундан ташқари, Женни Уилкинсоннинг чап кўзининг устида (буни кеча кўргандим) холи борлиги ҳам хаёлимга келди.

Шу заҳоти бу ҳақда Пуарога гапирдим. У маъқуллаб, бошини бир неча бор силкиб қўйди.

— Гапингиз мутлақо тўғри, Гастингс. Шляпа сотиб олиш ҳам худди мана шу билан изоҳланади.

— Мсье Пуаро, — деди бирдан Женни. — Гарчи лорд Эжуор ҳақида Карлотта ёмон гапларни оғзига олган бўлса ҳам, унинг қотили Карлотта деб ўйламаётибсизми, ишқилиб.

— Бундай деб ўйламаётибман. Барибир унинг лорд Эжуор ҳақида бундай дейиши галати. Бунга асос бўладиган у ҳақда нималарни билганикин?

— Буни билмайман... Лекин уни бу ўлдирмаган. У ниҳоятда нозик табиат, бундай ишга мутлақо қўли бормайди.

Пуаро бошини қимирлатди.

— Ҳа, ҳа, тўғри таърифладингиз. Бу руҳият билан боғлиқ фикрингизга қўшиламан. Бу қотиллик руҳият билан эмас, илмият билан боғлиқ бўлган.

— Илмият?

— Бир урганда одамнинг калласидаги асаб толалари тугуни ишдан чиқишини яхши билган қотилнинг иши бу.

— Бунинг учун шифокор бўлиш керак, — деди ўйланқираб Женни.

— Мисс Адамс биронта шифокор билан танишмиди?

— Англияда таниши йўқ.

— Яна битта савол. Адамс пенсне тақармиди?

— Йўқ, ҳеч қачон тақмаган.

Пуаро қовоғини уйди.

Кўз ўнгимда катта пенсне таққан ва сассиқ карбол кислотасига эгилиб турган шифокор гавдаланди. Тентакликни қаранг!

— Айтмоқчи, мисс Адамс киноактёр Мартин Брайенни танирмиди?

— Ҳа, уни болалигидан яхши билади. Лекин улар сўнгги йилларда тез-тез учрашиб турган, деб айтолмайман. Менга уни жуда димоғи кўтарилиб кетган деганди.

Женни соатига қаради-ю, питирлаб қолди.

— Э худойим, зудлик билан кетишим керак. Ҳарҳолда сал бўлсаям ёрдамим тегдими, мсье Пуаро?

— Ҳа. Тез кунда сиздан яна ёрдам сўраб қоламан.

— Хизматингизга тайёрман. Биров мана бу даҳшатли фожеани амалга оширган. Унинг кимлигини албатта аниқлашимиз шарт.

У тез-тез қўлимизни сиқиб қўйди-ю, бир табассум ҳада қилиб жўнаб қолди.

— Ажойиб қиз экан, — деди Пуаро ҳисоб-китоб қилиб.

— Менгаям ёқди, — дедим.

— Ёқимли одамлар билан суҳбатлашиш ҳамма вақт кайфиятни кўтаради.

— Барибир дийдаси қаттиқ экан. Дугонасининг ўлими таъсир қилиши керак эди.

— Тўппа-тўғри. У дийдиё қилиб йиғлаб ўтирадиганлардан эмас. — деди Пуаро қуруққина қилиб, фикримга қўшиларкан.

— Ундан ишимизда асқотадиган бирон нима билиб олдингизми?

Пуаро калласини сарак-сарак қилди.

— Йўқ. Мен ундан Карлоттага олтин қутича юборган ”Д” деган жумбоқли одамнинг ечимига калит топаманми, деб умид қилгандим. Умидим пучга чиқди. бахтга қарши, Карлотта писмиқ, ўз дўстлари, севги саргузаштлари ҳақида бировга ёрилмайдиган қиз бўлиб чиқди. Иккинчи томондан, уни ишга солган одам мутлақо дўсти бўлмаслиги ҳам мумкин. У оддий бир таниш-у, бу ерда орага пул аралашган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. У одам Карлоттанинг қўлида олтин қутичани кўрган-у, ичида нима борлигини билмоқчи бўлган.

— Унда уйқу дорини ичишга уни нима мажбур қилган бўлиши мумкин? Кейин қачон?

— Унинг эшиги бирмунча вақт очиқ қолган. Оқсоч хатни почтага ташлагани кетганда. Бу тахмин, албатта, мени қониқтирмайди. Бу

ерда катта таваккалчилик бор. Келинг, энди ишга киришайлик. Жумбоқни ечиш учун қўлимизда яна иккита калит бор.

— Қандай?

— Биринчидан, ”Виктория” рақами билан телефонда бўлган суҳбат. Карлотта Адамс ўз муваффақияти ҳақида уйига қайтаётиб қўнғироқ қилган бўлиши мумкин. Иккинчи томондан, у соат ўн билан ўн икки орасида қаерда бўлгани ноаниқ. Бу вақт орасида у ўз шериги билан учрашгандир. Унда биронта бошқасига қўнғироқ қилиш мумкин.

— Иккинчи ечим-чи?

— О, бу бир умид, истак, холос. Синглисига ёзилган хат. Эҳтимол, бу фақат тахмин, синглисига бор гапни очиқ ёзган бўлиши мумкин.

— Унда-ку, жуда ажойиб бўларди-я?

— Гастингс, бунга катта умид боғлаш мумкин эмас, бу бир илинж холос, бошқа нарса эмас. Биз ишни иккинчи томонидан бошлашимиз керак.

— Иккинчи томонидан деб нимани назарда тутяпсиз?

— Лорд Эжуорнинг ўлими, жиддий бўлса-да, кимларга қўл келиши мумкин бўлса, ўша одамларни синчиклаб ўрганишимиз керак.

Мен елкамни қисдим.

— Хотини билан жиянидан ташқари...

— Унинг хотинига уйланмоқчи бўлган одамдан ҳам, — қўшиб қўйди Пуаро.

— Герцогми? У Парижда.

— Тўппа-тўғри. Лекин сиз унинг бундан манфаатдор эканлигини инкор этмасангиз керак. Кейин Эжуорнинг уйидаги эшик оғаси, оқсочлар. Улар Эжуорнинг қандай қилиқларидан норози бўлиб юрганини ким билади? Ҳарҳолда энди олиб борадиган суҳбатимизнинг навбатдаги нуқтаси Дейн Уилкинсон бўлиши керак. У бизга яхши маслаҳатлар бериши мумкин.

Биз яна ”Савойя”га йўл олдик, бориб ледини қутилар орасида кўрдик. Ҳамма юмшоқ курсиларга чиройли мотам қўйлақлари осилган. Дейн бўлса, яна битта шляпани кийиб кўзгу олдида ўзига оро берарди.

— О, мсье Пуаро келипти-да, ўтиринг. Эллис, илтимос, биронта юмшоқ курсини бўшат.

— Хоним, жуда очилиб кетибсиз.

— Менга иккиюзламачилик қилманг, мсье Пуаро, лекин одоб сақлашим, урф-одатга риоя қилишим керак-ку. Айтмоқчи, Париждаги герцогдан телеграмма олдим. Албатта, сўзлар ҳушёрлик билан битилган, лекин мисралар зиммасидаги маънони ўқиб ола билдим.

— Табригимни қабул қилинг, хоним.

— Мсье Пуаро, — Дейн қўллари сиқиб овозини пасайтирди. Шу онда у ўзининг илоҳий фикрларини баён қилмоқчи бўлаётган фариштага ўхшаб кетди. — Бўлиб ўтган воқеалар, менга мўъжизага ўхшаб туюляпти. Энди бутун ташвишларим ортда қолди. Ажрашаман деб қайғуга ботиб юрмайман. Йўлим очиқ, бутун режаларим амалга ошади. Бу нарса қалбимда диний ҳиссиётларни уйғотиб юборяпти.

У нафасини ичига ютди. Пуаро калласини бир томонга қийшайтириб Дейнга қараб турарди. У мутлақо жиддий гапирмоқда эди.

— Хоним, шундай қилиб, каллангизга нималар келди.

— Кутилмаганда ҳамма муаммоларим ечим топди, — деди Дейн қандайдир ёқимли шивирлаб. — Мен сўнгги вақтларда лорд Эжуорнинг ўлимини тилаб юргандим — мана у энди ўлди. Худди илтижоларимни худо қабул қилгандай.

Пуаро йўталиб олди.
 — Мен эса, бунга бошқача қарайман. Эрингизни ўлдирингиз.
 — Ҳа, албатта.
 — Наҳотки уни ким ўлдиргани сизни қизиқтирмас?
 Дейн Пуарога ажабланиб қаради.
 — Нима, бунинг аҳамияти борми? Герцог билан мен уч-тўрт ойдан кейин турмуш қурамыз.
 Пуаро ўзини зўр-базўр тутиб қолди.
 — Хоним, буни биламан. Бундан ташқари, наҳотки сиз эримни ким ўлдирган экан, деб ўзингизга-ўзингиз савол бериб кўрмасангиз?
 — Йўқ.
 У афтидан, бундай фикрлардан ҳайрон қолганга ўхшарди.
 — Наҳотки буни билишнинг сизга қизиғи бўлмаса? — деб сўради Пуаро.
 — Қизиғи йўқ, деб ўйлайман, — деди у. — Уни полиция топади.
 — Буни мен ҳам топишга ҳаракат қилиб кўраман. Сиз бунга эътироз билдирмасангиз керак-а? — Пуаро шундай деди-ю, кўзлари чақнаб кетди.
 — Ҳа, албатта. Бу борада сизга катта омадлар тилайман.
 — Хоним, менга омад тилашингизнинг ҳождати йўқ. Менга сизнинг фикрларингиз керак.
 — Фикрларим? — эътиборсиз бир оҳанг билан сўради Дейн елкаси оша қараб. — Қандай фикр?
 — Нима дейсиз, лорд Эжуорни ким ўлдирганикин?
 — Бу ҳақда заррача тасаввурга эга эмасман.
 — Хоним! — бу сафар овозини кўтариб маъноли қилиб деди Пуаро. — Эрингизни ким ўлдирган, фикрингиз қалай?
 Энди Пуаронинг гапи Дейнга етиб борди. У Пуарога ажабланиб қаради.
 — Эҳтимол, Жеральдино ўлдиргандир.
 — Ким у Жеральдино?
 Лекин Дейннинг диққати бошқа нарсага чалғиб кетди...
 — Эллис, ўнг елкамни тортиб кўй. Шундоқ. Хўш, мсье Пуаро, нима деяётгандик? Йўқ, Эллис, ўнг елкамни. шунақа, яхши. О, мсье Пуаро, кетар вақтингиз бўлиб қолдимиз? Ҳаммаси учун сиздан ниҳоятда миннатдорман. Ажрашишим учун қилган ҳаракатларингиздан, гарчанд энди аралашингизга ҳождат қолмаган бўлса ҳам.
 Кейин-кейин Дейнни эслаганимда унинг ўзини бутунлай ясан-тусанга ургани, шу билан бирга қотилни тахмин қилганда оғздан чиққан эътиборсиз сўзлари кўз ўнгимда гавдаланарди. Унинг мана шу сўзлари Пуаронинг кейинги хатти-ҳаракатларига катта урғу берган экан.
 — Фаройиб, — деб юборди ҳайратланиб Пуаро Стренд кўчасига чиққанимизда.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

ҚИЗ

Уйга келсак, хат келибди. Пуаро уни ўқиб кулиб юборди.
 — Бунга қаранг, Гастингс.
 Қўлидан хатни олдим. Хатнинг юқори қисмига ўзига хос ҳусни-хат билан "Рижент-Гейт, 17" деб ёзиб қўйилган.
 "Муҳтарам сэр.
 Мен эрталаб инспектор иккалангиз уйимизга келганингизни эшитдим. Сиз билан гаплашиш имкониятига эга бўлмаганим учун

узр сўрайман. Агар бугун кундузи мен учун бир неча дақиқа вақтингизни ажратсангиз, сиздан ғоят миннатдор бўлардим.

Сизга самимий ҳурмат билан: Жеральдина Марш”.

— Қизиқ, нима сабабдан биз билан учрашмоқчи бўлибди? — деб сўрадим.

— Дўстим, ҳозироқ жўнаймиз, — деди Пуаро шляпасини силкиб гўё чангини қоққандай.

Жеральдинанинг отасини ўлдириши мумкинлиги ҳақидаги Дейннинг тахмини менга мутлақо бемаъни бўлиб туюлганди. Буни фақат умуман мияси йўқ одамгина тасаввур қилиши мумкин. Буни Пуарога айтдим.

— Миялик, миясиз. Бу сўзларнинг замиридан нимани идрок қиламиз. Инглиз ибораларидан фойдаланиб айтиш мумкинки, Дейннинг мияси қуённинг миясига ўхшаш, шундайми? Бу ифодада одамни таҳқирлайдиган маъно бор. Лекин бир дақиқаям қуённинг ҳаётини ўйлаб кўрайлик. Қуён ҳаётда мавжуд, у кўпаяди. Ҳаётда унинг учун бошқа нарса мавжуд эмас. Бу табиат нуқтаи назаридан қараганда ақлий устунликдан дарак беради. Гўзал Эжуор на тарихни, на географияни, на мутафаккирларни — ҳеч вақони билмайди. Лио Цейни Пекин лайчаси, Мольерни эса — модалар уйи деб идрок қилади. Агар гап келиб кўйлакни кийиб кўришга, эр танлашга, мансабга тақалганда мияси ишлаб кетади. Мени файласуфнинг лорд Эжуорни ким ўлдиргани ҳақидаги гаплар қизиқтирмайди. Лекин леди Эжуорнинг фикрлари менга жуда катта ёрдам бериши мумкин, чунки унинг нуқтаи назари тор манфаатпарастлик, одамзод табиатининг энг тубан, энг разил томонлари асосига қурилган.

— Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз, — унинг фикрига қўшилдим.

— Ана, етиб келдик ҳам, — деди Пуаро машинадан тушаркан. Кейин бориб қўнғироқ тугмасини босди.

Бизни юқори қаватдаги кенг меҳмонхонага олиб киришди. Орадан икки дақиқа ўтиб, Жеральдина Марш кириб келди.

Бу келишган, баланд бўйли қиз менга ўзига хос феъл-атворга эгадай бўлиб кўринди. У ниҳоят даражада оғир-вазмин эди. Лекин мана шу оғир-вазминлиги замирида қандайдир кучли асабий таранглик яширинганлиги сезилиб турарди.

— Мсье Пуаро, дарров етиб келганингиздан жуда мамнунман, — деди у. — Бугун эрталаб сиз билан кўришолмаганим учун узр.

— Дам олаётганмидингиз?

— Ҳа, мисс Керолл — отамнинг котибаси қўймади. Улар менга ўзларича жуда меҳрибонлар-да.

Менга унинг овозидаги кесатиқ оҳанги ёқмади.

— Мадемуазель, сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин? — деб сўради Пуаро.

У бир дақиқа иккиланиб турди. Кейин шундай деди:

— Отамнинг ўлимидан бир кун олдин сиз унинг ҳузурида бўлганмидингиз?

— Ҳа, мадемуазель.

— Нега? Одам юбориб чақиртирганмиди?

Пуаро бирон нима деб жавоб бермади. Афтидан, у нима дейишни ўйлаётган эди. Тушунаман. У гапирадиган гапини етти ўлчаб бир кесарди. Пуаро қизнинг шошқалоқлигини, тезроқ гапиришга зўрлаётганини тушунганди.

— Отам биронтасидан қўрққан эканми? У сизга нима деди? Гапиринг тезроқ, мен буни билишим керак.

Мен қизнинг ўзини ёлғондакам хотиржам тутаётганлиги ҳозир барбод бўлишини сезиб турардим.

Пуаро бошини қимирлатди.

— Лорд Эжуор билан орамизда бўлиб ўтган гаплар сирлигича қолади, — деди оҳиста Пуаро.

— Эҳтимол, бу гаплар оиласига тааллуқли бўлса керак, — деди Жеральдина. — Сиз менга ҳаммасини бир бошдан гапириб беришингиз керак.

Пуаро калласини сарак-сарак қилди.

— Мсье Пуаро! — қиз ўзини тўғрилаб олди. — Мен унинг қизиман. Отам ўлимидан бир кун олдин нимадан хавотир олганини билишим шарт. Мен бундан беҳабар қолмаслигим керак.

— Демак, бундан чиқди, сиз отангизга содиқ экансиз-да? — юмшоқлик билан сўради Пуаро.

Жеральдина илон чаққандек сапчиб тушди.

— Унга-я? — шивирлади у. — Мен-а? — Кутилмаганда у ўзини қўлга ололмай қолди. Уриндиққа ястаниб олди-ю, жазавага тушиб кула бошлади. — Жуда қизиқ гап бўлди-ку, — деди зўр-базўр. — Қизиги шундаки, бу гапни сизнинг оғзингиздан эшитдим.

Унинг кулгиси ташқаригаям эшитилди. Эшик очилиб мисс Керолл кириб келди. У жуда хотиржам ва жиддий қиёфада эди.

— Бас, Жеральдина! Қўйинг, азизам! Ҳозироқ тўхтатинг.

Унинг қатъий туриб айтган гапи таъсирини ўтказди. Жеральдина кулгидан тўхтади. У кўзларини артиб, тўғриланиб ўтирди.

— Узр, — деди у. — Ҳеч қачон бундай ҳолга тушмаганман. Мсье Пуаро мендан, отангизни яхши кўрармидингиз деб сўради. Қизиқ, тўғриси айтиб қўя қолганим маъқул. Мен отамни яхши кўрмаганман. Ундан жирканардим!

— Жеральдина, азизам...

— Муғомбирлик қилишнинг нима ҳожати бор? Сиз у билан хотиржам гаплашардингиз, чунки сизга теголмасди! Сиз дунёда у дахл қилолмайдиган камдан-кам одамлар қаторига кирасиз. Сиз учун у маош тўлайдиган хўжайин. Унинг зардалари, газабга минишлари-ю, шубҳаомиз қарашлари сизга заррачаям таъсир қилмасди, уларни кўнглингизга олмасдингиз. Сиз кучли иродага эга одамсиз. Ундан ташқари, ёқмаса хоҳлаган вақтингизда уни ташлаб кетаверишингиз мумкин эди. Мен эса, бундай қилолмасдим. Унга тобе эдим.

— Жеральдина, бу нарсаларни дoston қилиб ўтиришнинг кераги йўқ. Ҳозирги замонда оталар билан қизларнинг чиқишмасликлари бўлиб турадиган ҳолат. Менимча, қанча кам гапирсанг шунча яхши.

Жеральдина унга орқасини ўгириб олди. Энди у Пуарога мурожаат қилди.

— Мсье Пуаро, мен ўз отамни ёмон кўрардим! Унинг ўлганини эшитиб суяндим. Унинг ўлими мен учун эркинлик тимсоли — эркинлик ва мустақиллик. Отамнинг қотилини қидириш мени мутлақо қизиқтирмайди. Биров қотилликка қўл урган экан, бунинг учун унда етарли асос бўлган.

Пуаро диққат қилиб унга тикилди.

— Мана шундай ақида билан яшаш ёмон оқибатларга олиб келади, мадемуазель.

— Агар қотилни топиб, осиб юборишганда отам тирилиб келармиди?

— Йўқ, — деди Пуаро қуруққина қилиб. — Лекин бу бошқа одамларнинг ҳаётини асраб қолади. Бир одамни ўлдирган кимса бошқаларниям бирин-кетин ўлдираверади.

— Ақли бор одам бундай қилмайди.

— Илк бор одам ўлдиришда эҳтимол қаттиқ виждон азобида қоврилар, лекин бу унинг бутун ҳаётини ўзгартириб юборади. Иккинчиси енгил кечади, унчалик виждон азобига тушмайди. Учинчиси ундан ҳам енгил ўтади, нари-бери виждони қийналади. Кейин аста-аста бу билан гурурлана бошлайди. Ва ниҳоят, одам ўлдириш унга лаззат бағишлайди.

Қиз қўли билан юзларини беркитиб олди.

— Даҳшат. Гапингиз нотўғри!

— Отангиздан кейин иккинчи қотиллик ҳам рўй берганини айтсам, бунга нима дейсиз. Қотил ўзини хатардан сақлаб қолиш учун иккинчи қотилликка қўл урмаганмикин?

— Наҳотки, мсье Пуаро, — ҳайқириб юборди мисс Керолл. — Яна битта қотиллик амалга оширилган бўлса? Қачон? Ким?

Пуаро калласини қимирлатди.

— Буни сизга маълум қилиб қўйиш учун айтдим, холос. Узр.

— Тушунаман. Мен ўйловдимки... Жеральдина валдирашни тўхтатинг.

— Афтидан, сиз мен томондага ўхшайсиз. — деб қўйди Пуаро ярим таъзим қилиб.

— Мен одамни қатл қилишларига қаршиман, — деди тез-тез мисс Керолл. — Шунинг учун сизнинг томонингиздан. Жамоатни ҳимоя қилиш керак бўлади.

Жеральдина тўғриланиб, сочини силаб қўйди.

— Кечирасизлар, — деди у, — ўзимни бемаъниларча тутдим, шекилли. Барибир отам сизларни нима мақсадда чақиртирганини айтмоқчи эмасмисиз?

— Мсье Пуарони чақирган эканми? — ҳайрон бўлиб сўради мисс Керолл.

— Мисс Марш, сиз гапларимни тушунмабсиз. Бир мижозимнинг илтимоси билан отангиз бизларни қабул қилишини ўзим илтимос қилгандим.

Қизнинг юзларида ғалати ўзгариш пайдо бўлди. Аввалига буни мен тушқунликка тушиш аломати деб ўйладим, кейин билсам, бундан у енгил нафас олган экан.

— Мадемуазель, сиз қотилликни леди Эжуор амалга оширганига ишонасизми? — сўради Пуаро.

Жеральдина бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ. У бундай қилолмайди. Бу ишга қўл уришга қобил эмас.

— Мен эсам бундай ишни ундан бошқа ким амалга оширганини кўз олдимга келтиролмаяман. — деди мисс Керолл. — Бундай хотинларнинг жиндай бўлса-да, маънавий фазилатга эга бўлишларига кўзим етмайди.

— Балки, қотилликни бошқа одам қилгандир, — деди Жеральдина. — У отам билан бирор масалада гаплашиб олиш учун уйга келгандир-у, унинг кетидан кўчада юрган биронта жинни келиб ўлдириб кетгандир.

— Ҳамма қотилларнинг ақли қисқа бўлади, — деди мисс Керолл. — Бунга ички секреция безларининг нотўғри ишлаши сабаб бўлади.

Шу он эшик очилди-ю, хонага бир йигит кириб келди. У ўзини ноқулай сезиб, тўхтаб қолди.

— Узр, — деди у. — Бу ерда бировлар борлигини билмовдим.

Жеральдина дарров уни бизга таништиришга тушди.

— Бу амакиваччам лорд Эжуор, мсье Пуаро. Рональд, ташвишланма. Бизга халақит қилмайсан.

— Шунақами, Дина? Қалайсиз, мсье Пуаро? Сизнинг кулранг хужайраларингиз энди оиламизнинг хуфяларини очиш билан банд бўлган экан-да?

Мен бу кулча юзларни, халта қовоқ кўзларни, бетартиб мўйлов эгасини қаерда кўрган эканман, деб эслай бошладим.

Э, бу ўша-ку! Дейн Уилкинсон хонасида зиёфат берганда Карлотта Адамснинг ёнидаги йигит-ку.

Капитан Рональд Марш. Энди лорд Эжуор.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

ҚАРИНДОШ

Янги лорд Эжуор анча зийрак экан. Менинг ҳайрон бўлганимни дарров сезди.

— Дейн хонимнинг зиёфати эсингиздадир, — мулойимлик билан деди у. — Ўшанда кайфим ошиб қолган эди, тўғрими? Лекин бунга ҳеч ким сезмади.

Пуаро хонимлар билан хайрлаша бошлади. Рональд бизни кузатиб қўймоқчи бўлди. Зинадан тушарканмиз оғзи гапдан бўшамасди.

— Ҳаёт қизиқ нарса-да. Кечагина мени бу уйдан улоқтириб ташлашмоқчи эди. Бугун эса, шу уйнинг соҳибиман. Бевақт вафот этган амаким уч йил муқаддам мени бу ердан қувиб юборган эди. Булар аҳтимол сизга маълум бўлгандир, мсье Пуаро.

— Ҳа, бу ҳақда эшитгандик, — хотиржам жавоб берди дўстим.

— Эшитасизам-да. Ҳақиқий изқувар бунақа нарсаларни эшитмайдими. — У кулиб меҳмонхонанинг эшигини очди. — Кетиш олдидан жиндай ичмайсизми? — Биз хонага кирдик, лекин ичишни рад этдик.

Йигит ўзига ичкилик қўйиб олди-да, гапини давом эттирди:

— Айтмоқчи, қотиллик ҳақида. Бор-йўғи бир кун олдин қарзга ботган одам, эртасига тижоратчиларнинг энг ишончли одамига айланиб ўтирса-я. Кеча хонавайрон бўлиш арафасида эдим, бугун эса, еганим олдимда, емаганим кетимда. Э худоим, Дейн холамни ўзинг асра, — у стаканни бўшатди. Кейин гап оҳангини ўзгартириб, Пуарога юзланди: — Умуман, жиддий гаплашайлик, мсье Пуаро, сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? Тўрт кун муқаддам Дейн холам ҳаяжон билан. ”Мана шу золимдан ким мени қутқараркин”, деб нола қилган. Лекин, кўриб турибсизки, у қутулибди. Бунда, албатта сизнинг кўлингиз йўқмикин? Яъни, собиқ изқувар Эркюль Пуаронинг.

Пуаро кулиб қўйди.

— Мен бугун бу ерга мисс Жеральдина Маршнинг келишимни илтимос қилиб ёзган хатига биноан келдим.

— Жуда ўринли жавоб бердингиз, а? Йўқ, мсье Пуаро, бу ердан нимани қидиряпсиз ўзи? Нима учун амакимнинг ўлиши сизни қизиқтириб қолди?

— Мени ҳамма вақт қотилликлар қизиқтириб келган, лорд Эжуор.

— Лекин қотилликни сиз амалга оширганингиз йўқми ўзи? Сиз жуда эҳтиёткор одамсиз. Эҳтиёткорлик борасида Дейн холамдан сабоқ олсангиз бўларди. Бу энг зўр ниқоб. Уни Дейн хола деб атаётганим учун мени маъзур тутасиз. Шундай десам, кўнглим кўтарилади. Ўша зиёфатда хола деганимда унинг башарасидаги ҳайронлик ифодасини кўрмаганмидингиз? Менинг кимлигим ҳақида тариқчаям тасаввурга эга бўлгани йўқ.

— Шунақами?

— Ҳа. Мени у бу хонадонда пайдо бўлишидан уч ой муқаддам ҳайдаб чиқаришганди. — Унинг юзларидаги тентакона кўнгилчанлик ифодаси бир дақиқа йўқолди. Кейин ўша енгилтаклик билан сўзини давом эттирди. — Гўзал аёл. Лекин беҳаё. Унинг гаплари ҳиссиз, а?

Пуаро елка қисиб қўйди.

— Эҳтимол.

Рональд Пуарога қизиқсиниб тикилди.

— Афтидан, уни айбдор эмас деб ўйлаётганга ўхшайсиз. Демак, у сизниям кафтида ўйнатаётган эканда, а?

— Мен ҳамма вақт гўзаллик қаршисида таъзим қиламан, — деди Пуаро хотиржам — Шу билан адолат, ҳақиқат қаршисидаям.

— Ҳақиқат деяпсизми? — сўради суҳбатдоши.

— Эҳтимол, леди Эжуорни бу ерда кўрдик деб тахмин қилинаётган вақтда, ҳа, худди шу вақтда у Чизвикдаги зиёфатда ўтиргани ҳали сизга маълум эмасдир.

— Балки, барибир ўша ерга борган экан-да! — ҳайқариб юборди Рональд. — Аёллар макри. Соат олтида у ерга бормайман, ҳеч қандай куч мени боришга мажбур қилолмайди деган эди. Кейин, афтидан, ўн дақиқа ўтар-ўтмас фикридан қайтибди-да! Бировни ўлдирадиган бўлсанг, ҳеч қачон хотиннинг гапига ишонма. Йўқ, мсье Пуаро, мен ўзимни айблаётганим йўқ. Каллангизга қандай фикр келганини тушундим. Кимдан шубҳа қилиняпти? Ҳаммага отнинг қашқасидай маълум бўлган бадахлоқ жиянидан-да. — У қаҳ-қаҳ уриб ўриндиққа суянди. — Мен сизнинг кулранг хужайраларингизни ортиқча ташвиш тортишдан халос қиламан. Мсье Пуаро, мен Дейн холам Чизвикка зиёфатга мутлақо бормайман деган гапини эшитгандим. Энди сиз ўз-ўзингиздан, шошмай туриш, кеча кечқурун бошга малла ясамасоч билан Париж шляпасини кўндириб мана шу йигит келмаганми, деб сўрашингиз қолди. — У орада пайдо бўлган вазиятдан роҳатлангандай бизга бир-бир қараб чиқди. Пуаро бўлса, калласини бир томонга қийшайтирганча унинг гапларини диққат билан тингларди. — Мен сизга ҳозир жуда муҳим маълумотни бераман. — Менда амакимни ўлдириш учун ҳамма асос бор эди. Уни кўриш учун кеча эрталаб келган эдим. Нега дейсизми? Озгина пул сўрамоқчи эдим. Бу ердан бир чақасиз чиқиб кетдим. Худди шу куни лорд Эжуор ўлдирилди. Зўр сарлавҳа, а! Тўппа-тўғри китоб дўкони пештахтасига осиб қўйиш мумкин. — У гапдан тўхтади, лекин Пуаро индамади. — Сизнинг гапларимни диққат билан тинглаётганингиздан мамнунман, мсье Пуаро. Капитан Гастингс бўлса, кўзига арвоқ кўринаётгандай қиёфада ўтирибди. Хотиржам бўлинг, оғайни. Хўш, қаерда тўхтагандик? Ахлоқсиз жияннинг қилмишлари ҳақида гап кетаётганди. Бу жиян ўз вақтида ҳаваскорлик саҳналарида аёллар ролини ўйнаб машҳур бўлган ва актёрлик санъатида юқори чўққига кўтарилган. Овозини хотинларникига ўхшатиб ўзини леди Эжуор деб атайди ва бу ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Кейин менинг севимли амаки-жоним: "Дейн" — деб чақиради, мен: "Жорж!" деб жавоб қайтараман нозланиб. Уни кучоқлаб туриб гарданига аста пичоқ санчаман. Қолган тафсилотлар тиббиётга алоқадор. Сохта леди энди саҳнадан тушади-да кўнглидагини қойилмақом қилиб бажаргандан кейин уйига бориб мацца қилиб ноз уйқуга кетади. — У шундай деб шарақлаб кулиб юборди, кейин қадаҳни олиб ўзига содали виски қуйди. Сўнг яна ўриндиққа чўкди. — Шубҳага ўрин қолмайдиган қилиб амалга оширилган қотиллик-а, тўғрими? Энди ишнинг моҳиятига назар

ташлайлик. Ана шунда умидимиз пучга чиқади, мсье Пуаро. Далилларга мурожаат қилайлик-чи! — у стакандаги ичкиликни кўтариб юборди. — Менга доим далил келтириш ёқади. Детектив романлардаги далил келтирилган саҳифаларни мен доим маза қилиб ўқийман. Менда жуда зўр далил бор. Буни сизга мистер ва миссис Дорт-хаймерлар тасдиқлаши мумкин. Улар жуда бой ва мусиқани жон-дидидан севадиган одамлар. ”Ковент-Горден”да уларнинг ўз ложалари бор. Улар мени — келажаги порлоқ бир ёш йигитни ўша ерга таклиф қилишди, мсье Пуаро. Ўзим операни ёқтираманми? Тўғриси айтсам, йўқ. Аввал “Гросвенор-сквер”да маза қилиб овқатландик. Спектакль тугагандан кейин улар билан яна кечки таомни паққос туширдим. Рэчел Дортхаймер билан танца тушишдан чўчимадим. Чунки ундан кейин икки кун қўлим оғриб юради. Ана шунақа гаплар, мсье Пуаро. Амакимдан тирқираб қон оқаётган пайтда мен. ”Кевонт-Гарден”нинг ложасида Рэчел Дортхаймернинг қулоғидаги гаройиб бриллиант зиракни мақтаб оғиз кўпиртираётган эдим. Энди, мсье Пуаро, нима учун бор гапни очиқ-ойдин гапириб бераётганимни тушуниб етгандирсиз. — У олдинга эгилди. — Валдирашларим билан жонингизга тегмаган бўлсам керак деб ўйлайман. Бирон нима сўрамоқчимисиз?

— Сизни ишонтириб айтаманки, зерикканим йўқ, — деди Пуаро. — Ўзингиз илтимос қилаётган экансиз, битта савол беришимга ижозат этинг.

— Марҳамат.

— Лорд Эжуор, мисс Адамсни анча вақтдан буён биласизми?

Йигитча бундай саволни кутмаган эди.

— Буни билишингиз шартми? Сиз гапираётган гапга бунинг нима алоқаси бор?

— Буни билишим керак, бор гап шу. Аввалги мавзу бўйича сиз батафсил гапириб берган гаплар ҳақида сўраб ўтиришнинг хожати йўқ.

Рональд унга тез қараб олди. Пуаронинг мулойимлиги унга ёқмагандек туюлди. Назаримда, дўстим ўзига қандайдир катта шубҳа билан қарашни кутгандек эди.

— Карлотта Адамсми? Танишганимга бир йилдан сал ошди.

— Уни яхши биласизми?

— Жуда яхши биламан. У ҳамма билан дарров ош-қатиқ бўлиб кетадиган қизлар тоифасидан эмас. Жуда ”ичимдагини топ” дейдиганлар хилидан.

Рональд Пуарога ажабланиб қаради.

— Нега у сизни бу қадар қизиқтириб қолди? Наҳотки ўша зиёфатда у билан бўлганим шунча аҳамиятли бўлса? Ҳа, менга ёқади. Негаки, у суҳбатдошининг гапларини жон қулоғи билан тинглайди.

Пуаро бошини қимирлатди.

— Тушунаман. Демак, сиз унга ачинаркансиз-да?

— Ачинаман? Нимага?

— Чунки у оламдан ўтган.

— Нима?! — Рональд ҳайратдан ирғиб туриб кетди. — Карлотта ўлдими? — Бу гапни эшитиб у донг қотиб қолди. — Сиз, мсье Пуаро, мени лақиллатяпсиз. Уни охириги марта кўрганимда ўзини жуда яхши сезарди.

— Қачон кўрганингиз?

— Менимча, ўтган куни. Лекин аниқ айтолмайман.

— Ҳа, у оламдан ўтди.

— Тўсатдан ўлган бўлса керак? Бирон кўчада ҳалокатга учрабдими?

— Йўқ, у меъёридан ортиқ веронал ичиб қўйган.

— О, шўрлик. Жуда ёш кетибди-да, афсус. Энди обрў қозониб бораётган эди. Синглисини олиб келмоқчи бўлиб юрувди. Ҳар хил режалар тузаётганди. Жуда ачинарли иш бўпти-да.

— Ҳа, — деди Пуаро. — Энди ҳаётга кўз очиб боқаётган ёшларнинг ўлиши жуда ачинарли.

Рональд унга қизиқсиниб тикилди.

— Фикрингизни унчалик тагига етолмадим, мсье Пуаро.

— Шунақами? Эҳтимол, мен фикримни ҳаддан ортиқ баён қилгандирман. Лорд Эжуор, ёшлар ўз йўлини тўсиб ўзларини ўлимга маҳкум қилишлари менга ёқмайди. Сизларга муваффақият тилайман.

— Хайр.

Рональд гаранг бўлиб қолган эди.

Меҳмонхонадан чиқишимиз билан мисс Кероллга дуч келдик.

— Э, мсье Пуаро, менга ҳозир сизни ҳалиям шу ерда деб маълум қилишди. Сизда икки оғиз гапим бор эди. Бирров менинг хонамга кириб чиқинг, десам эътироз билдирмайсизми?

— Жеральдина ҳақида гапирмоқчийдим, — деди у аёллар хонасига кирганимиздан кейин ортимиздан эшикни ёпар экан.

— Хўш, мадемуазель, нима гапингиз бор эди?

— Бугун сизларга у жудаям бемаза гапларни вайсаб юборди-да.

— Жеральдина жуда руҳан толиққан, — деди Пуаро.

— Очигини айтсам... У жуда бебахт қиз. Лорд Эжуор болалар тарбиясида жуда уқувсиз эди. Жеральдинага қаттиқ зулм қилган.

Пуаро бошини қимирлатди.

— Менам шундай деб ўйлагандим.

— Ундан бировлар кўрқиб турса, роҳатланарди. Бундан у ғайритабиий озиқ оларди. Лорд Эжуор ниҳоятда ақли ва кўп ўқиган одам эди. Шунга қарамасдан гарчанд менга озор бермаган бўлса-да, жуда қаттиққўл одам эди. Иккинчи хотини ташлаб кетганда бунга ажабланмаган эдим. Менга леди Эжуор ҳеч қачон ёқмаган. Лекин лорд Эжуор билан турмуш қургандан кейин керагидан ортиқ таъзирини еган. Жеральдина уйни тарқ этиб кетолмади. Бирмунча вақт отаси уни эсдан чиқариб ўз ҳолига ташлаб қўйди. Кейин яна қизи борлигини эслаб қолди. Баъзан ўзимча ўйлаб қўяман, буни гапирмасаям бўлади...

— Гапираверинг, мадмуазель, гапираверинг.

— Баъзан мен лорд Эжуор мана шу қаттиққўллиги билан олдинги хотини учун ўч олмаётганмикин деб ўйлаб қоламан. У жудаям юмшоқ табиатли мулойим аёл бўлган. Унга ачинаман. Агар тентак Жеральдина бугун ёниб гапирмаганда бу ҳақда эслатмаган ҳам бўлардим. Бу нарсаларни билмаган одамга Жеральдинанинг ўз отасига нисбатан бундай дарғазаб бўлиб гапириши ғайри табиий туюлиши мумкин.

— Катта раҳмат, мадемуазель. Менинг назаримда, лорд Эжуор умрбод уйланмай ўтадиган одамлар сирасига кираркан.

— Худди шундай.

— Учинчи марта уйланаман деб ўйлармиди?

— Қанақасига уйланарди? Хотини тирик бўлатуриб.

— Ажрашгандан кейин боши очиқ бўларди-ку.

— Менимча иккитасининг ўзи шунча ташвиш орттирди-ку, — деди мисс Керолл ғамгин.

— Демак, сиз учинчи бор уйланиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди, демоқчимисиз? Биронта кўзлагани йўқмиди? Яхшилаб ўйлаб кўринг, мадемуазель. Ҳеч ким йўқмиди?

Мисс Керолл асабийлашганидан қизариб кетди.

— Нега унинг яна уйланиш-уйланмаслиги ҳақида бунчалик сўрайверганингиз сабабини тушунолмади турибман. Албатта, биронтасини кўзлагани йўқ эди.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

БЕШ САВОЛ

Мен Пуародан:

— Нима учун сиз мисс Кероллдан лорд Эжуор учинчи марта уйланиши мумкинмиди, деб сўрадингиз?— дея сўрадим Пуародан қайтиб келаётганимизда қмзиқсиниб.

— Шундай фикр калламга туйқусдан келиб қолди, дўстим.

— Нега келди?

— Лорд Эжуор нима учун ажрашишга қарор қилиб қолди. Бунинг тагида қандайдир бирон сир йўқмикин, дўстим.

— Бўлиши мумкин, — дедим ўйланқираб.

— Биласизми, Гастингс, лорд Эжуор бизга хоним айтиб берган гапларни тасдиқлади. Дейн унга ажрашиш учун жуда кўп ҳуқуқшуносларни жўнатган ва у ҳаммасигаям рад жавобини берган экан. Кейин бирдан ажрашишга рози бўла қолган.

— Фақат оғиздагина рози бўлгандир, — дедим.

— Худди шундай, фикрингиз тўғри, дўстим Гастингс. Унинг ҳақиқатан ҳам хат ёзганлиги ҳақида қўлимизда далил йўқ. У бизни алдади, дейлик. Унда бизни нима мақсадда алдаган бўлади? Буниси қоронғи. Лекин тахмин қўйидагича бўлиши мумкин: агар у хат ёзган бўлса, уни бунга мажбур қилган бирон сабаб бўлиши керак. Тасаввур қилиш мумкинки, у биронтасини топган ва унга уйланмоқчи бўлган. Ана шунинг учун мен мисс Кероллга шундай савол берган эдим.

— Лекин у буни қатъиян рад этди-ку, — дедим.

— Ҳа, мисс Керолл... — деди ўйланқираб Пуаро.

— Унда нимани илинтирмоқчисиз? — сўрадим асабийлашиб унинг гап оҳангидаги шубҳаланишига ишора қилиб. — Хонимнинг алдашидан ҳеч қандай наф йўқ.

— Биласизми, Гастингс, унинг кўрсатмаларига унчалик ишониб ҳам бўлмайдим.

— Уни ёлғон гапираяпти деб ўйлайсизми? Нега алдайди?

— Баъзан дудмоллик билан айтилган рост гапдан бирон мўлжални кўзлаб қилинган ёлғонни ажратиш олиш қийин бўлади.

— Бу билан нима демоқчи бўляпсиз?

— Бирон мақсадни кўзлаб қилинган ёлғон — бу бошқа нарса. Айрим тафсилотлари ўз маъносини йўқотган далилларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш — мутлақо бошқа нарса. Бу, дўстим, айрим, айниқса, ҳалол, тўғри одамларга хос бўлган хусусиятдир. Сездингизми, мисс Керолл бизни бир марта алдади? У бизга Дейн Уилкинсонни кўрдим деди, лекин уни кўриши мумкин эмасди. Бу қандай содир бўлди? У тепадан туриб Дейн Уилкинсонни кўрган. Буни у деб билган. Мисс Керолл Дейннинг юзини кўрдим деб тасдиқлаяпти. Уни кўргани рост, энди бошқа тафсилотлар ўз аҳамиятини йўқотади. Бошқалар сен унинг юзини кўролмагансан деб эътироз билдиришяпти. Нима бўпти? Агар бу ҳақиқатан Дейн Уилкинсон бўлса бўлди-да, унинг юзини кўрди нима, кўрмади нима, барибир эмасми? Бошқа саволларга ҳам худди шундай аниқ қилиб

жавоб бераверади. Унинг учун ҳаммаси тўғри, буни биледи. У саволларга бирор далил билан эмас, ўзининг билими, дунёқарашини доирасида жавоб бераверади. Ўзига ишонган гувоҳ, дўстим, маълум шубҳа-гумонларни фожия қилиб ташлайди. Ўзига ишонмаган гувоҳ эса, бир дақиқа ўйлаб туради-да, ҳа, эсимга тушди! — дейди. Кейин мана бундай бўлган эди, деб сайрайди.

— Дўстим, Пуаро, — дедим, — гувоҳлар ҳақида сизга берган саволларимдан ранжибсиз-да.

— Мисс Керолга лорд Эжуорнинг яна уйланиши мумкинлиги ҳақидаги берган саволим ғалати бўлди, чунки унга бунақа савол берилиши етти ухлаб тушига кирмаган эди. Менинг хаёлимга келган фикрнинг бутун тафсилотларини ўйлаб тагига етолмадим. Бинобарин, бу савол бўйича ўша фикрдан қайтганимиз йўқ.

— Назаримда у Дейн Уилкинсоннинг юзини кўра олишингиз мумкин эмасди, деганингизда унчалик ҳам юрагига ғулгула тушгани йўқ, — дедим ўйланқираб.

— Ҳа. Шунинг учун ҳам мен уни бирор мақсадни кўзлаб ёлгон гапирадиган одамлар сирасига эмас, ҳалол лекин воқеалар тафсилотини тўғри айтиб беролмайдиган одамлар қаторига киритишга қарор қилдим, агарда у... Мана бу фикр-чи!

— Қайси фикр? — деб сўрадим.

Лекин Пуаро калласига келган фикрни баён қилишдан бош тортди.

— Жеральдина Марш ҳақида нима дейсиз, Гастингс? — деб сўради у.

— Унга менинг жудаям раҳмим келади.

— Жуда таъсирчансиз, дўстим. Мусибатга дучор бўлган гўзаллик юрагингизга қаттиқ таъсир қилади.

— Унинг бошига тушган мусибат сизга таъсир қилмадими?

— Таъсир қилди, бахти қаро қиз.

— Ҳарҳолда, — дедим мен. — Дейн Уилкинсоннинг Жеральдина ўз отасини ўлдирган деган тахмини нақадар бемаъни эканлигини тушуниб етган бўлсангиз керак.

— Эҳтимол, Дейн менга бу ҳақда гапириб бермаган бўлса ҳам, унинг гапларида жон бўлса керак.

— Азизим Пуаро, наҳотки сиз у билан гаплашгандан кейин ҳам далил қидираётган бўлсангиз?

— У билан гаплашиб қандай натижага эришдик? Билганимиз шу бўлдики, оғир ҳаёт кечирибди, ўз отасидан жирканаркан ва унинг ўлганидан хурсанд бўлибди. Шунинг билан туриб ҳам сиз бошқа далил керакмас дейсиз-а!

— Бор гапни очик айтгани, унинг ютуғи-ку! — дедим.

— Очик-ойдин гапириш бу оилага хос бўлган нарса. Янги лорд Эжуор қандай кибр-ҳаво билан кўнглидагини яширмай тўкиб ташлаганини қаранг.

— Ҳа, — дедим кулиб, — ўзига хос усул бу.

— У, — буни нима дерди, — бизни кўтариб урди.

— Тўғри, — қўшилдим унинг гапига, — жуда кулгили аҳволга тушиб қолдик.

— Балки, дўстим Гастингс, сиз кулгили аҳволга тушиб қолгандир-сиз, мен эса йўқ, — деди Пуаро. — Аксинча, ўзим уни кулгили ҳолга тушириб қўйдим.

— Сиз-а? — дедим унинг гапига ишонқирамай.

— Ҳа. Вайсашларини эшитиб турдим-турдим-да, кейин гапларига алоқаси бўлмаган саволни бердим. Бу, агар сезган бўлсангиз, довярак жанобни эсанкиратиб қўйди.

— Мен унинг ўйланқираб қолганини Карлотта Адамснинг ўлганидан ачинганига йўйгандим, — дедим. — Лекин буни оқилона ўйлаб топилган ўйин десангиз керак.

— Ачингани тўғри, бунга қўшиламан.

— Нима учун амакиси ҳақидаги кўнглидаги гапларни бу қадар сурбетлик билан очиб ташлади, нима деб ўйлайсиз? Юрагини бўшатиш учунми?

— Бундай бўлишиям мумкин. Сиз инглизларда, юмор ҳақида мана шунақа ғалати тасаввур бор. Гарчанд, хатти-ҳаракатни аниқлашда танланган йўл мана шунақа деб изоҳламоқчи бўлсангиз-да, очилмаган жиноятлар шубҳали, очилганлари эса, унчалик аҳамият касб этмайди.

— Масалан, йигитнинг амакиси билан эрталабки жанжалини назарда тутяпсизми?

— Худди шундай. Бу фактлар эртами-кечми юзага қалқиб чиқишини у жуда яхши биларди. Шунинг учун буни ўзи олдинроқ айтиб қўя қолди.

— У биз ўйлаганимизчалик аҳмоқ эмас, шекилли.

— О, мутлақо аҳмоқ эмас. У ўзини қайси ҳолатда турганини жуда яхши билди. Шунинг учун сирини очиқ-ойдин айтиб қўя қолди. Гастингс, сиз ўзингиз ҳам бриж¹ ўйнайсиз-а. Брижда қартани қай вақтда очади, айтиб беринг-чи?

— Ўзингиз ҳам ўйнайсиз-ку, — дедим кулиб. — қартани қачон очишни жуда яхши биласиз, қолган қарталар паст бўлиб, сизники баланд бўлгандан кейин вақтни тежаш учун қартани сузиш мақсадида йиғиштириб оласиз.

— Ҳа, дўстим, тўғри. Лекин баъзан бунга бошқа сабаб ҳам бўлиши мумкин. Мен хонимлар билан ўйнаганимда бунга бир-икки марта гувоҳ бўлганман. Ўшанда хоним, ”қолган қарталар ҳам меники”, деб ўз қартасини ташлаб юборади. Кейин қарталарни чаплаштириб бошқатдан суза бошлайди. Гоҳо тажрибасиз ўйинчилар шундай бўлибди-да, деб рози бўлиб қўя қолишади. Қарта кейинги сафар сузилганда ўйинчилардан биронтаси: ”Ҳа, хоним гишт валетни ташлаши керак эди, кичкина чиллик билан босардим-да, ҳамма қартани йиғиштириб олган бўлардим”, — деб ўйлайди.

— Мен буни, биродар, одатдан ташқари қизиқарли ҳол деб биламан. Хуллас, энди тушлик қиладиган вақт ҳам бўлиб қолди, деб ўйлайман. Тухум қуймоққа тобингиз қалай? Ундан кейин соат тўққизда яна биттаси билан учрашишим керак.

— Ким билан?

— Аввал овқатланиб олайлик, Гастингс. Ундан кейин бир пиёла қаҳва ичмагунча ишдан бир оғиз ҳам гап очиш йўқ.

Биз дўстимни яхши танишадиган Сохо ресторанчасига кирдик. Пуаро жудаям хуш кўрадиган тухум қуймоқ, балиқ ва яхшилаб пиширилган жўжалар билан мазза қилиб тушлик қилдик.

Кейин ўтириб қаҳва ичдик. Пуаро менга майин табассум қилиб қўйди.

— Азиз дўстим, — деди у. — Мен сиздан хоҳлаганимдан ҳам кўра кўп нарсани ўргандим.

Кутилмаган бу мақтовдан ҳам хижолат чекдим, ҳам қувониб кетдим. Илгари у менга бунақа гапларни гапирмасди. Баъзан юрагимнинг тубида Пуаро менинг ақлий имкониятларимга бефарқ муносабатда бўлгандай туюлар ва бундан ичимда огринардим.

— Ҳа, — ўйланқираб деди у. — Назаримда, сиз менга тўғри йўл кўрсатган пайтларингизни ўзингиз ҳам доимо тушуниб етавер-масангиз керак.

¹ Б р и ж — қарта ўйини.

Буни эшитиб ўз қулоқларимга ишонмадим.

— Тўғри, Пуаро, — дедим тугилиб. — Сиздан бу гапни эшитиш жуда мароқли. Менимча, сиз эмас, мен сиздан кўп нарсаларни ўргандим.

Пуаро калласини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, азиз дўстим, сиз ҳеч нарса ўрганганингиз йўқ.

— О! — ҳайратланиб кетдим.

— Одам боласи бировдан бирон нимани ўрганмайди. Ҳар ким ўз имкониятлари доирасида ривожланиб ўсиб боради. Мен сизни Пуаронинг иккинчи ёмон нусхаси бўлишингизни ҳечам истамаган бўлардим. Яхшиси, энг доно Гастингс бўлиб етишинг! Сиз кўз олдимда етарли меъёрдаги ақл-идроққа эга бўлган одам қиёфасида гавдаланасиз.

— Ўзим ҳам бировдан кам бўлмаган ақл-идроққа эга бўлсам керак, деб ўйлайман, — дедим озгина дилим ранжиб.

— Сиз соғлом фикрли инсон тимсоласиз. Наҳотки мен учун худди мана шундай одам ҳаводай зарурлигини тушуниб етмаган бўлсангиз? Бирон одам жиноят қилганда дарров қандай қилиб алдаб жиноятдан қутулиб кетсамикин деб ўйлайди. Кимни алдамоқчи бўлади? Тасаввурда оддий ва содда бўлган одамни-да. Бу одам, албатта, математика каби аниқ фанларга ўхшаш эмас. Лекин сиз кўпроқ худди мана шундай одам тимсолига яқин келасиз. Сиз оддийликдан мўътадиллик томон кўтарилган пайтингизда жуда очилиб кетасиз. Шундай пайтлар бўладики (мени кечиринг), ўз даражангиздан пастга тушиб ҳам кетасиз. Лекин, умуман олганда, ҳайратланарли даражада мўътадил одамсиз. Бу ҳолатда менга қандай фойда келтирасиз, деб ўйлаш мумкин. Жиноятчининг менга ишониш пайтини сизнинг миянгизда худди кўзгуда кўргандек кўриб тураман. Бу ҳол мен учун жуда муҳим.

Назаримда Пуаронинг мен ҳақимда айтган гапларини мақтов ёки хушомад деб ўйлашингиз мумкин эмасди. Бироқ у нима демоқчи бўлаётганини дарров тушунтириб берди.

— Фикримни очиқ баён қилолмадим, — деди у. — Сизда жиноятчиликнинг руҳий оламига шундай усталиқ билан кириб бориш қобилияти борки, худди мана шу нарса менда йўқ.

— Кириб бориш, — дедим ўйланқираб, — ҳа, эҳтимол бўлса бордир.

Мен Пуарога қарадим. У ингичка сигарасини чекиб туриб кулиб қўйди.

— Азиз дўстим, Гастингс, — деди у, — Сиз мен учун шу қадар қимматлисизки, асти қўяверасиз.

Бундай мақтовни эшитиш ёқимли эди. Лекин мен мавзуни ўзгартирдим.

— Менга қаранг, Пуаро, — дедим жиддий, — келинг, билиб келган нарсаларингиз ҳақида фикрлашайлик.

— Яхши, — деди Пуаро ва орқасига суяниб кўзларини юмиб олди. — Мен ўз-ўзимга бир нечта савол бериб кўраман.

— Мен ҳам, — дедим, — масалан, лорд Эжуорни ким ўлдирган бўлиши мумкин, дегандай.

Пуаро калласини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, бундай деб эмас. Шуюм савол бўлдимми? Сиз учун бу саволни ўзим бериб ҳал қилишим мумкин.

Мен сизнинг ёнингизда олифтагарчилик қилиб юрадиган шерикманми, деган сўз тилимга келди-ю, ўзимни тутдим. Майли, мени жа ўқитмоқчи бўлаётган бўлса, ўқита қолсин, дедим.

— Бошланг, — дедим, — эшитамиз.

Ўзини кўрсатиш учун бу одамга худди шу сўз керак эди. У яна стулга суяниб олди.

— Биринчи саволни муҳокама қилиб бўлдик. Бу нима учун лорд Эжуор ажрашишга розилик билдирди, деган савол эди. Бу савол бўйича калламга баъзи бир фикрлар келган эди. Бу сизга маълум.

Ўз-ўзимга берган иккинчи савол: унинг ажралиш ҳақидаги хатининг натижаси нима бўлди? Лорд Эжуор кимларнинг манфаатини кўзлаб ажрашиш масаласини чўзган?

Учинчи савол: кеча эрталаб кутубхонаси эшиги олдида бизни кузатаётиб лорд Эжуорнинг башараси бужмайиб кетгани нимани аңлатади? Бу тўғрида сизда жавоб борми, Гастингс?

Мен бош силкитдим.

— Сизга шундай бўлиб кўрингандек туюлмади?

— Туюлди.

— Яхши, демак, бу ҳолат изоҳ талаб қилади.

— Тўртинчи саволим пенснега тааллуқли. Дейн Уилкинсон ҳам, Карлотта Адамс ҳам пенсне тақишмаган. Унда нима учун Карлотта Адамснинг сумкачасидан пенсне чиқди?

Энди бешинчи савол. Дейн Уилкинсоннинг Чизвикдаги зиёфатда бўлган-бўлмаганлигини билиш учун кўнғироқ қилиш кимга керак бўлиб қолибди? Кўнғироқ қилган ким ўзи?

Ечимини топишим учун мен жон куйдириб ҳаракат қилаётган саволлар, дўстим, мана шулар. Шу саволларга аниқ жавоб топганимдан кейингина мен хотиржам бўламан.

— Лекин бошқа саволлар ҳам бор-ку, — дедим.

— Қанақа саволлар?

— Карлоттани мана бу қаллоблик йўлига бошлаган ким? Кеча соат ўндан кейин у қаерларда бўлган? Олтин қутича совға этган анови "Д" ким ўзи?

— Бу саволлар терговда ўз-ўзидан келиб чиқади. — деди Пуаро. — Буларнинг нозик жиҳатларини аниқлаш қийин. Бизга ҳали номаълум фактлар бордир. Буни истаган вақтимизда аниқлаб олишимиз мумкин. Менинг саволларим, азизим, руҳият билан боғлиқ. Менинг кулранг тўқималаримга дахлдор.

— Пуаро, — дедим умидсизликка тушиб, — бугун кечқурун бир жойга бормоқчи бўлганингиз ҳақида гапиргандек бўлувдингиз.

Пуаро соатига қаради.

— Тўғри, — деди у. — Телефон қиламан. Ҳозир борсам ноқулайлик туғдирмасмикан.

У ташқарига чиқиб бир неча дақиқадан кейин қайтиб кирди.

— Кетдик, — деди у. — Ҳаммаси кўнгилдагидек.

— Қаерга борамиз? — деб сўрадим.

— Чизвикка. Сэр Монтегью Корнерникига. Ҳалиги телефон кўнғироғи ҳақида иложи борича кўпроқ нарсани билмоқчиман.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

СЭР МОНТЕГЬЮ КОРНЕРНИНГ УЙИДА

Сэр Монтегью Корнернинг Чизвикдаги уйига келганимизда соат кечқурун ўнга яқинлашиб қолган эди. Бизни даҳлизга олиб киришди. Очиқ эшикдан ошхонадаги шам ёниб турган каттакон стол кўриниб турарди.

Эшик оғаси бизни кенг зинапоя орқали иккинчи қаватдаги узун хонага олиб чиқди. Хонанинг деразаси дарёга қараган.

Бу хона чироқнинг хира нурида қандайдир қадимги даврларни эслатувчи манзара касб этган эди. Хонанинг бир бурчагида қарта

ўйнайдиган стол ва унинг атрофида тўрт киши ўтирарди. Улардан бири ўрнидан туриб қаршимизга келаверди.

— Сиз билан танишганимдан хурсандман, мсье Пуаро.

Мен Монтегью Корнерга қизиқсиниб тикилдим. Юз тузилишлари яҳудийларникига ўхшаш, бошига гўё атайлаб меҳр билан ўрнатиб қўйилгандай қоп-қора кўзлари бўртиб чиққан ва олазарак бўлиб ўйнаб турарди. Хатти-ҳаракатлари қандайдир хотиржам эди.

— Сизни мистер ва миссис Уидбернлар билан таништиришга рухсат этинг.

— Биз танишмиз, — деди дарров миссис Уидберн.

— Мистер Росс ҳам.

Росс йигирма икки ёшлардаги малла соч, чиройли йигит эди.

— Ўйинларингизга халақит қилдим. Минг бор узр, — деди Пуаро.

— Ҳечам халақит қилганингиз йўқ. Энди қартани суза бошлагандик.

Қаҳва ичасизми, мсье Пуаро?

Дўстим қаҳвани рад этди. Лекин эски брендидан тотиб кўрасизми, деган таклифни қабул қилди. Ичкиликни катта-катта бокалларда олиб келишди.

Биз ичкилик ичарканмиз, сэр Монтегьюнинг жағи тинмади.

Япон наққошлиги, хитой оқсочлари, форс гиламлари, француз импрессионистлари, замонавий мусиқаю Эйнштейн назарияси ҳақида жавраб турди.

Кейин орқасига суяниб олиб илтифот билан табассум қилиб қўйди. Унинг гапирган гапларидан роҳат олаётганлиги шундоққина билиниб турарди. Нимқоронғида эса, у алвастига ўхшаб кетарди. Бутун хона ноёб санъат асарлари билан тўла.

— Энди, сэр Монтегью, — деди Пуаро. — Мен сизникига қилган ташрифимнинг сабабига ўтаман.

Сэр Монтегью қўлини бургутнинг чангалига ўхшатиб силкиб қўйди.

— Шошилманг, вақтимиз кўп ҳали.

— Бу хонадонда доимо вақтнинг бемалоллигини ҳис қиламиз, — хўрсинди миссис Уидберн, — жуда ғалати.

— Агар менга миллион фунт бергандаям Лондонда яшамаган бўлардим, — деди сэр Монтегью. — Лекин бу ерда эскича муҳит ҳукмрон. Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча тиллага тенг вақтларимиз зое кетди-я.

Калламга мабодо, биров сэр Монтегьюга миллион фунт бергудек бўлса, мана бу эски муҳитга у тупурган бўларди, деган хаёл келди.

— Умуман олганда, пул нима деган сўз, шуям гап бўлди-ю! — деди миссис Уидберн дабдаба билан.

Мистер Уидберн паришонҳол шимининг чўнтагидаги чақаларни шиқирлатиб ўйнади.

— Арчи! — таъна аралаш деди миссис Уидберн.

— Тушунаман, мана шундай қувончли дақиқаларда қотиллик ҳақида сўз очиш ноқулай... — деди Пуаро.

— Ҳечам-да, — деди сэр Монтегью мулозамат билан қўл силкиб. — Баъзан қотиллик ҳам санъат асари ҳисобланади. Изқувар ўз касбининг актёри бўлиши керак. Бу гапни полицияга нисбатан ишлатиб бўлмайди, албатта. Бугун бу ерга Скотленд-Ярднинг инспектори ҳам келган эди. Ғалати одам экан. Масалан, умри бино бўлиб Бенвенуто Челлини ҳақида эшитмаган экан.

— У, афтидан, Дейн Уилкинсон ҳақида гаплашиш учун келган бўлса керак? — қизишиб маълум қилди мистер Уидберн.

— Кеча кечқурун Дейннинг бу ерда бўлгани жонига оро кирибди, — деди Пуаро.

— Шундай бўлса керак, — қўшилди сэр Монтегью. — Мен Дейнни театр ишларида бирон-бир ёрдамим тегиб қолар, деб уйимга таклиф қилгандим. Афтидан, бошқа томондан унга ёрдамим тегадиганга ўхшаб қолди.

— Дейннинг бахти бор экан, — гапга қўшилди миссис Уидберн. — У лорд Эжуордан қутулишни орзу қилиб юрарди. Кўнглидаги кўксига чиқибди. Энди ёш герцог Мертонскийга турмушга чиқади. Ҳамма шунақа деяпти. Лекин герцогнинг онаси бундан норози.

— У менда жуда яхши таассурот қолдирди, — хайрихоҳлик билан тан олди сэр Монтегью. — У юнон санъати ҳақида бир нечта жуда мақбул мулоҳазалар билдирди.

Мен Дейннинг жозибали хирилдоқ овози билан ”Ҳа”, ”Йўқ”, ”Жуда зўр-а, тўғрими?” деганини тасаввур қилиб кулиб қўйдим.

Сэр Монтегью Корнер ўз мулоҳазаларини ўзгаларнинг тили билан эшитишни ёқтирадиган одамлар тоифасига кирарди.

— Эжуор шубҳали шахс эди, — деди Уидберн. — Унинг душманлари кўп эди.

— Унинг гарданига пичоқ санчгани тўғрими, мсье Пуаро? — деб сўради миссис Уидберн.

— Худди шундай, хоним. Бу қотиллик устаси фаранг одам томонидан амалга оширилган, дейиш мумкинки, илмий жиҳатдан асосланган.

— Сўзгаям тўн кийдириб юборасиз-да, мсье Пуаро, — деди сэр Монтегью.

— Энди, — давом этди Пуаро, — сизникига ташрифимнинг сабабини баён қилишга рухсат этинг. Леди Эжуор сизникида зиёфатда ўтирганда уни биров телефонга чақириб қолибди. Мени мана шу телефон кўнғироғи қизиқтиради. Хизматкорингизга шу масала билан боғлиқ бўлган бир нечта савол беришимга рухсат этасизми?

— Албатта, албатта. Росс, тугмачани босинг.

Кўнғироққа жавобан баланд бўйли кекса, кўринишидан руҳонийни эслатадиган бир киши кириб келди.

Сэр Монтегью у нима мақсадда чақирилганини тушунтириб берди. Эшик оғаси Пуарога ўгирилиб унга диққат билан тикилди.

— Кўнғироқ чалинганда телефонга ким келди? — деб сўради Пуаро.

— Мен, сэр. Телефон пастда даҳлизга яқин жойда эди.

— Леди Эжуорни чақириб беришни сўрадимми ё Дейн Уилкинсонними?

— Леди Эжуорни, сэр.

— Аниқ нима деди?

— Мен гўшакни олиб “Алло” дедим. Мендан: ”Бу Чизвик 43464”ми деб сўради.” Ҳа, мен дедим. Кейин ”Леди Эжуор шу ерда зиёфатдами?” деди. Мен” дедим. Ўша овоз “Мен у киши билан гаплашмоқчийдим”, деди. Мен хонимнинг олдига бориб уни телефонга таклиф қилдим.

— Кейин-чи?

— Хоним гўшакни олиб: “Ҳа”, “Леди Эжуор эшитади”, деди. Кейин хоним мени чақириб, у ёқдаги одам кулиб юборганини айтди-да, гўшакни осиб қўйди, сўнгра биров яна мени чақиртиргудек бўлса, кимлигини сўранг деб тайинлади. Бошқа ҳеч ким телефон қилмади. Бор гап шу, сэр.

Пуаро қовоғини уйди.

— Мсье Пуаро, сиз кўнғироқни қотилликка алоқаси бор, деб ўйлайсизми? — дея сўради миссис Уидберн.

— Айтиш қийин, хоним.

— Баъзан одамлар ҳазил-мазах қилиш учун кўнғироқ қилишаверади. Бунақа ҳолатни кўп бошимдан ўтказганман.

Пуаро яна эшик оғаси билан суҳбатга тушди.

— Кўнғироқ қилган эркак овозимиди ё аёлникимиди?

— Аёл овози эди, сэр.

— Баланд овозми ё паст овозми?

— Паст, лекин аниқ-тиниқ гапирди. Мен балки адаштираёт-гандирман, назаримда чет эл талаффузи билан гапиргандек бўлди. ”P” ҳарфини нотўғри талаффуз қилди.

— Унда бу шотланд Дональднинг овози бўлиши мумкин, — деди кулиб миссис Уидберн Россга.

Росс ҳам кулиб юборди.

— Айби йўқ, — деди у. — Мен у вақтда столда ўтирган эдим.

Пуаро эшик оғасига миннатдорчилик билдиргандан кейин у чиқиб кетди.

Сэр Монтегью яна нуфузли одам қиёфасига кириб менга меҳмоннавозлик қила бошлади. У қолиб биз билан бирпас бриж ўйнанг, деб таклиф қилди. Мен рад этдим — тикилган пул жуда катта эди. Пуаро ёш Росснинг ўрнини эгаллагандан кейин у ҳам енгил тортди. Росс иккаламиз тўрт ўйинчининг ўйинини томоша қилиб ўтирдик. Оқшом Пуаро билан сэр Монтегьюнинг жуда катта ютуқлари билан ниҳоясига етди.

Биз мезбонга миннатдорчилик билдириб хайрлашдик. Росс биз билан кетди. Оқшом жуда кўнгилли ўтди ва биз такси учрагунча пиёда кетишни маъқул кўрдик.

— Анув пакана одам жуда ғалати экан, — деди Пуаро.

— Ўша пакана жуда бой одам, — деди ҳазил аралаш Росс.

— Эҳтимол.

— Афтидан, унинг менга ҳурмати баланд, — деди Росс. — Ҳар ҳолда шундай деб ўйлайман. Бунақа одамларнинг қўллаб-қувватлаши кўп нарсани ҳал қилиб юборди.

— Сиз актёрмисиз, мистер Росс?

Росс, ҳа, деди. Афтидан, унинг номини билмаганимиз унга таъсир қилгандек туюлди. Яқинда бир рус пьесасида роль ўйнаб муваффақият қозонган экан.

— Сиз Карлотта Адамсни танирмидингиз? — деб сўради Пуаро.

— Йўқ. Газетадан унинг ўлими ҳақидаги хабарни ўқиб билдим. Қандайдир нашадан катта миқдорда истеъмол қилиб юборганмиш. Қизларнинг мана шунақанги ишлар қилиб юришлари жуда бемаънилиқ.

— Ҳа, қайғули. Жуда истеъдодли қиз эди.

— Шунақа бўлса керак.

Росс ўзини бошқа актёрларга нисбатан беписанд қиёфада тутди. Бу нарса аслида ҳамма актёрларга хос бўлган касал.

— Унинг томошасини кўрганмидингиз? — деб сўрадим.

— Йўқ. У менинг соҳамга кирмайди. Бундай томошалар ҳозир катта муваффақият билан қўйиляпти, лекин эртага ҳамма унутиб юборди.

— Мана, такси ҳам келди, — деди Пуаро.

— Мен кетдим, — деди Росс. — Метро билан тўппа-тўғри Хаммерсмитгача бораман. — Кейин у бирдан асабий равишда хахолаб кулиб юборди. — ғалати нарса-да, — деди у. — Анув кечаги зиёфатни айтяпман.

— Шунақами?

— Ўзи ўн учта эдик. Сўнги дақиқаларда кимдир ғойиб бўлиб қолди. Буни зиёфат тугагунча сезганимиз йўқ.

— Ким биринчи бўлиб туриб кетди? — деб сўрадим.

У яна асабий ҳолатда кулиб юборди.

— Мен, — деб жавоб берди у.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

ЭНГ АСОСИЙСИ — МУНОЗАРА

Уйга келсак, Жеп бизни кутиб ўтирган экан.

— Кейинги ҳаракатни бошлашдан олдин сизлар билан гаплашиб олмоқчи эдим, — деди у.

— Биродар, ишларингиз қандай кетяпти? — деб сўради Пуаро.

— Сизга айтадиган бир-иккита фикрим бор. Мени Пуаро, иккиёклама леди бўлиш масаласи қизиқтириб қолди. Бунга нима дейсиз? Ким у ўзи?

— Худди шу ҳақда сизга гапириб бермоқчи эдим.

Пуаро, Жепдан Карлотта Адамс деган кимсани эшитганингиз борми, деб сўради.

— Унинг номини эшитганман, лекин нима муносабат билан эшитганимни эслолмайман.

Пуаро тушунтириб берди.

— Э, буми? Ҳалиги тақлидчи-да! Нимага у билан қизиқиб қолдингиз?

Пуаро текшириб аниқлаган ва билган нарсаларимиз ҳақида гапириб берди.

— Назаримда, сиз ҳақ бўлсангиз керак. Кўйлақлар, шляпа, қўлқоплар ва сарғиш парик — буларнинг тагида бир нима бор. Офарин, мсье Пуаро. Боплабсиз. Булар бари, албатта, шундай бўлган деб ўйлайман. Фаразларингиз назаримда хаёлийроқ. Булар, аслида сал бошқачароқ бўлган бўлиши керак. Карлотта Адамс унинг ҳузурига ўз манфаатини кўзлаб кирган бўлиши мумкин, дейлик, товламачилик ниятида. Ахир, у гап пул ҳақида кетяпти деганди-ку, ахир. Иккаласи уришиб қолишган-у, ўлдириб қўйган. Тасодифан ўлдириб қўйган, аслида ўлдириш нияти бўлмаган. Уйига қайтиб келгандан кейин қилиб қўйган ишининг оқибатини билиб қолиб қўрққанидан веронал ичиб ўзини-ўзи ўлдирган.

— Сиз ҳамма фактлар шунинг ўзи билангина изоҳланади демоқчимисиз?

— Табиий, ҳали кўп нарсаларнинг тагига етолганимиз йўқ. Лекин бу ҳам ёмон тахмин эмас. Бундан бўлак яна бошқа фикр ҳам бор: бу ерда фирибгарлик билан қотилликнинг умумий ишга мутлақо алоқаси бўлмаслиги мумкин. Шунчаки тўғри келиб қолган.

Пуаронинг бу фикрга қўшилмаслигини яхши билардим. Лекин шунга қарамай у мойиллик билдиргандай: “Эҳтимол”, деб қўйди.

— Қандай бўлган бўлиши мумкин? — давом этди Жеп. — Ҳалиги қаллоблик соддаликдай кўриняпти. Лекин кимдир уларнинг суҳбатини эшитиб турган, кейин ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлган бўлиши мумкин. Қалай, ёмон фикрмас-а? Лекин шахсан менга аввалги фикр тўғридай туюляпти. Мана бу қиз билан лорд Эжуорни боғлаб турган занжирни аниқлаб тагига етишимиз керак.

Пуаро лорд Эжуорнинг Америкага жўнатган хатини гапириб берган эди, Жеп бу билан ўзим шуғулланаман, деди.

— Барибир мен қотиллик қилиш учун Карлотта Адамсда мойиллик бор, деб ўйлайман. Бошқа биронта кимсада қотиллик

асарини кўрмайпман, — деди инспектор. — Капитан Маршда, тўғри, айбашга асос борга ўхшайди. Қарзга ботган, бунинг устига кеча эрталаб амакиси билан сан-манга борган. Бу ҳақда унинг ўзи гапириб берди. Лекин унинг бошқа баҳонасиям бор. Кеча кечқурун Дортхаймерлар билан театрга борган. Улар Гросвенор-сквердаги бой-бадавлат яҳудийлар. Унинг баҳонасини ўзим текшириб чиқдим, ҳаммаси тўғри. Улар билан тушлик қилган, сўнг театрга боришган, кейин уларникига бориб биргалашиб яна кечки таомга ўтиришган.

— Мадемуазел-чи?

— Лорд Эжуорнинг қизини назарда тутяпсизми? Уям уйида бўлмаган. Қайсидир бир танишиникида тушлик қилган. Булар уни ўзлари билан Оперга олиб боришган, кейин уйига ташлаб кетишган. У Рижент-Гейтга соат ўн биру қирқ бешда келган. Бу уни ҳамма шубҳадан холи қилади. Лорд Эжуорнинг котибаси жуда виждонли аёл. Кейин у ерда эшик оғаси ҳам бор. Уни менга маъқул бўлди, деб айта олмайман. У жуда эркаклар ёқтирадиган даражада кўркам йигит. Шу йигитдан бироз шубҳам бор, ундан кейин лорд Эжуорнинг хизматига қандай қилиб кириб қолганлиги унчалик аниқмас. Бу ерда қотилликка сабаб бўладиган бирон нима сезмаётган бўлсам ҳам, барибир у билан ўзим шуғулланаман.

— Янги фактлар аниқландими?

— Ҳа. Биринчидан, лорд Эжуорнинг кўча эшиги калити йўқолган экан.

— Бу ғалати.

— Менга бошқа нарса бундан ҳам муҳимроқ кўринади. Лорд Эжуор кеча чек билан пул олган. Кўп эмас — юз фунт. У пулни француз пулида олган, чунки бугун Парижга учиб кетмоқчи бўлган эди. Буни қарангки, пул ҳам йўқолган.

— Ким айтди бунинг сизга?

— Мисс Керолл. Пулни чек билан котиба олган экан. Бориб қидирсам пул йўқ, ғойиб бўлибди, деб суҳбат асносида гапириб берди.

— Пуллар кеча қаерда бўлган экан?

— Мисс Керролл бунинг айтиб беролмади. Банкнинг конвертида учта ўттизталикини лорд Эжуорнинг қўлига тутқазган экан. Бу пайтда у кутубхонада бўлган ва пулни олиб столнинг устига қўйган экан.

— Бу ҳақда яхшилаб бош қотириш керак. Бу нарса энди ишимизни мураккаблаштириб юборади, албатта.

— Ё бўлмасам, енгиллаштиради...

— Ҳа, жароҳат хусусида. Шифокорнинг гапига қараганда бу оддий қаламтарош билан етказилган жароҳат экан. Пичоқнинг тиғи бошқача шаклда бўлган экан. Жудаям ўткир.

— Устара эмас эканми?

— Йўқ-йўқ. Тиғ устараникидан ҳам ўткирроқ экан. — Пуаро қовоғини солди. — Янги лорд Эжуор, афтидан, ўзининг ҳазилидан жуда қувониб юрибди, — деди Жеп. — Биз унияма қотилликда айблаётганимизга ишончи комил. Қизиқ.

— Эҳтимол, бу ўйлаб қилинаётган ишдир.

— Менимча, унинг юрагига гулгула тушган. Амакисининг ўлими унинг кўнглидаги иш бўлган. Энди бемалол Рижент-Гейтга кўчиб ўта қолади.

— Бу пайтгача қаерда яшаган экан?

— Мартин-стрит билан Сант-Жорж-роудда. Жа унчалик ёқимли жойлар эмас.

— Гастингс, ёзиб олинг.

Нималигини тушунмасам ҳам ёзиб олдим. Рональд Рижент-Гейтга кўчиб ўтадиган бўлса, унинг аввалги яшаш жойини билишнинг нима қизиғи бор?

— Менимча, барибир қотилликни Адамс амалга оширган. — деди Жеп ўрнидан тураркан. — Уни айблашга аниқ далилимиз йўқ, лекин бу ҳали очилади.

— Сиз яна бир одамдан шубҳа қилишни назардан қочирдингиз, — деди Пуаро.

— Ким экан?

— Лорд Эжуорнинг бевасига уйланмоқчи бўлаётган жентльмендан. Мен герцог Мертонскийни назарда тутяпман.

— Ҳа, ундан ҳам шубҳаланишга асос бор, — деб кулиб юборди Жеп. — Лекин у Парижда-ку.

— Сиз ундан шубҳаланмайсизми?

— Оббо, мсье Пуаро-ей, сиз ўзингиз-чи?

Жеп Пуаронинг гумонидан хахолаб кулганча чиқиб кетди.

Давоми бор

*Русчадан
Тўлқин АЛИМОВ
таржимаси*



Янги нашрлар

ХИСЛАТ. **“Тараннум”**. Баёз. “MERIYUS” нашриёти. Тошкент, 2010 йил.

Саййид Ҳайбатуллоҳхўжа Хислат таниқли маърифатпарвар шоир сифатида ном қозонган ижодкор эди. Унинг ғазаллари асосида яратилган кўшиқлар халқимиз орасида ҳамон яшаб келмоқда. У ўзбек адабиётини форс тилидан қилинган таржималари билан ҳам бойитди. Жумладан, мумтоз шоир Низомий Ганжавий яратган “Лайли ва Мажнун” дostonи таржимаси шоир маҳоратидан далолат беради. Хислат машҳур “Фарҳод ва Ширин” дostonини насрда маҳорат билан табдил қилиб берган.

Шоирнинг “Тараннум” баёзини санъат фаҳрийси Музаффар Асадуллаев ва тадқиқотчи Тўхтамурод Зуфаровлар нашрга тайёрлаганлар. Китоб мундарижаси ранг-баранг. Унга ғазаллар, мувашшаҳлар, мухаммаслар, маснавийлар, марсиялар, таърихлар, дебочалар, хотира шеърлар, ҳажвиялар, тўртликлар, шеърий мактублар ҳамда “Мушук билан сичқон” шеърий қиссаси ва Хислат ҳақида хотиралар киритилган.

УЛУҒБЕК ҲАМДАМ. **“Узоқдаги Дилнура”**. Қисса, ҳикоялар ва шеърлар. “Академнашр” нашриёти. Тошкент, 2010 йил.

Сергайрат ижодкор Улуғбек Ҳамдам адабий-танқидий мақолалари, шеърий туркумлари, насрий асарлари билан адабий жамоатчилик эътиборини тортиб келмоқда. Муаллиф ўз асарларида инсоннинг ботиний олами, ҳис-туйғулари, орзу-армонларига алоҳида эътибор қаратади. Унинг “Узоқдаги Дилнура” китоби турфа хил гуллардан сараланган ўзига хос гулдастадир. Мазкур китобга турли йилларда ёзилган асарлари жамланган. Муаллифнинг “Ёлғизлик” қиссасида замондошларимизнинг мураккаб қалбини англашга интилиш устуворлик қилади. Тўпламдан “Лола”, “Тош”, “Қайтиш”, “Узоқдаги Дилнура”, “Яхши одамлар” номли ҳикоялар ҳам ўрин олган. Муаллиф кичик жанрлардаги асарларида ҳам ўзига хос услубига содиқ қолган.

Китобдан муаллифнинг бир туркум шеърлари ҳам жой олган. Уларда шоир қалбининг акс-садоларини тинглаймиз.

Тўпламга филология фанлари доктори Баҳодир Карим “Улуғбекнинг дил изҳори” номли сўзбоши ёзган.

ГУЛЖАҲОН МАРДОНОВА. **“Ори кўшиқ бўлган юрт”**. Этнографик бадиа. “Нихол” нашриёти. Тошкент, 2009 йил.

Ўзлигини англаган ҳар бир инсон ўз тарихини, миллий қадриятларини қадрлайди ва эъзозлайди. Шоира ва журналист Гулжаҳон Мардонова ўзбек миллиятининг турли урф-одатлари, аллалар, ёр-ёрлар, келин саломлар, ўланларни йиғиш мақсадида жуда кўп вилоятларни кезди. Натижада “Алла айтай, жоним болам” китобини нашр эттирди. Журналист тўйларимизга неки алоқадор бўлса, яъни совчилик одатларидан тортиб, қуёв ва келинчак киядиган либослар, тақинчоқлар ва тўй оқшомидан кейин бўладиган анъаналар ҳақида эса “Нур тўла уй” китобини ҳам муҳлисларга тақдим этди. Ижодкор бу борада тинимсиз изланмоқда. Гулжаҳон Мардонова “Ори кўшиқ бўлган юрт” этнографик бадиясида шундай ёзади: “Мен билганим уч асрдирки, ота ва она томонидан аждоларимиз кўпқари чопиб, от ўйнатадилар. Томиримда ана шу шиддати баланд чавандозлар қони оқаётганидан биламанки, бу қавмнинг ҳаёти бошланиши каби абадияти ҳам от билан боғлиқдир”.

Улоқ, кўпкари ўйини эр йигитнинг ори, номуси, шаън-шавкати рамзи ҳисобланади. “Китобда тасвирланган воқеалар тўқима эмас, айти кўпкари этнографиясига оид билганларимни бир ипга тизишдир”, – деб ёзади муаллиф китоб хотимасида.

ЭРКИН САМАНДАР. “Куюн излари ёхуд Огаҳий”. Тарихий роман. “MUMTOZ SO'Z” нашриёти. Тошкент, 2010 йил.

Яқинда Эркин Самандарнинг “Куюн излари ёхуд Огаҳий” тарихий романи нашрдан чиқди. Унда муаллиф XIX асрнинг иккинчи ярмидаги воқеаларга мурожаат этади. Чор истибдодининг келиб чиқиш сабаблари, унга қарши маърифатни қурол қилган Хоразм зиёлиларининг кечмиши асарда қизиқарли лавҳаларда баён қилинади. Роман марказида Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳаётининг сўнгги кунлари тасвирланади. Романи ўқиш жараёнида улуг шоир ва мутафаккирнинг асарлари, маслаҳат, ўғитлари халқимиз учун доимий қимматли маънавий сабоқ эканлигига амин бўламиз.

Муаллиф китоб ниҳоясида шундай ёзади: Муҳаммад Ризо Огаҳий айти қиш чилласида дунёга келган эди ва айти қиш қаҳратонида олтимиш олти ёшида уни тарк этди. Етти тутдан ишланган сандиқ тобут елкаларда, унинг кетида тумонот одам, кексаю ёш, олиму фузало, хону гадо ўксик-ўксик кетиб борарди. Мироблар ўрамо, аллома қўли билан яратилган боғ, у севган тутзор, унинг китоб-жамоҳиротлари, битан-у, ниҳоясига етмаган қўлёмалари, бунёд эттирган ёблари, минг-минг марталаб ўтган сўқмоқлари, йўллари орқада қолиб борарди.

Ўтмишга катта меҳр ва билимдонлик билан ёзилган бу янги роман ўқувчиларга манзур бўлишига шубҳа йўқ.

С.М.БЕРК. “Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буюги”. “MUMTOZ SO'Z” нашриёти. Тошкент, 2009 йил.

Марказий Осиёдан чиққан темурийлар ва уларнинг давомчилари бўлган бобурийлар тўғрисида жаҳонда кўплаб тадқиқотлар ёзилган. Шулардан бири Халқаро Бобур фонди томонидан юртимизга келтирилган манба америкалик олим С.М. Беркнинг “Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буюги” асаридир. Уни инглиз тилидан Фафуржон Сотимов ўзбек тилига таржима қилган. Мазкур асар ўзининг илмий изчиллиги, ҳужжатларга бойлиги ва баён тарзи билан Марказий Осиё ҳақида хорижда яратилган асарлардан жиддий фарқ қилади. Бу ҳақда адабиётшунос Ҳамидулла Болтабоев ва Маҳкам Маҳмудовлар: “Бу ҳолат, аввало муаллиф таянган манбаларнинг ишонарлилиги, улардаги маълумот ва фактларни ўзаро типологик жиҳатдан таҳлил қилиб, ҳақиқатга яқин тафсилотларни беришда кўринади”, деб ёзадилар.

Муаллиф қарашларидаги изчиллик яна шу билан белгиланадики, у фақат Акбаршоҳ шахси ёки идора усулини баён қилиш билан чекланиб қолмаган, балки масаланинг илдизига эътибор қаратиб, аввал буюк Темур ва темурийлар, сўнгра Бобуршоҳ ва бобурийлар сулоласига назар ташлаган. Ана шу жиҳатдан муаллиф: “Тарихда осийлик фотиҳлар ҳам жанговор маҳорати туфайли Юлий Цезарь, Александр Македонский ва Наполеон сингари дунё саҳнасидаги маълум ва машҳур жаҳонгирлар бўлиб етишдилар”, деб қайд этади ва асосий эътиборни темурийлар давлатига қаратади.

Хорижлик олимнинг самимият билан ёзилган тадқиқотининг етук савияда амалга оширилган таржимаси ўзбек ўқувчилари учун муносиб совгадир.

ҲАФИЗ АБДУСАМАТОВ. “Саҳна Темурномаси”. “MERIYUS” нашриёти. Тошкент, 2009 йил.

Адабиётшунос олим Ҳафиз Абдусаматов Амир Темур сиймоси саҳнада гавдалангандан бери соҳибқирон ҳақида драма ёзган муаллифлар ижодини синчиклаб кузатиб келади. Шу кузатишлар оқибатида олимнинг “Саҳна Темурномаси” асари юзага келди.

Ҳафиз Абдусаматов “Саҳна Темурномаси” китобида ўзбек миллий саҳна Темурийнома мавзуси қачон ва қандай пайдо бўлди, деган савол ҳақида фикр юритади. ҳамда XVIII бобда турли муаллифлар томонидан яратилган Амир Темур ҳақидаги пьесаларни таҳлил этади.

Драматургиямизнинг саъй-ҳаракатлари, ижодий меҳнатлари билан Соҳибқироннинг баркамол сиймоси яратилди, унинг жанговар қиёфаси кўз олдимизда намоён бўлди. Амир Темур ҳаёти ва мураккаб замонаси ҳақида ҳозиргача кўплаб саҳна асарлари яратилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, аксар муаллифларга шу ўринда “Темур тузуклари” ҳам, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си ҳам жуда кўл келган.

МОҲАНДАС КАРАМЧАНД ГАНДИ. **“Менинг ҳаётим”**. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент –2009 йил.

Социологлар Альберт Эйнштейн билан Маҳатма Гандини XX асрдаги энг буюк сиймолар сифатида эътироф этадилар. Бу бежиз эмас, албатта. Маҳатма Ганди ўзининг ибратли ҳаёти билан фақат Ҳиндистон халқлари учун эмас, бутун дунё халқлари учун ҳам намуна бўлиб қолди. Яқинда ҳинд сиёсий арбоби Моҳандас Карамчанд Гандининг “Менинг ҳаётим” номли китоби Амир Файзулла таржимасида нашр этилди. Муаллиф ўз таржимаи ҳолини ҳикоя қилиш баҳонасида шахсий дунёқарашини, эътиқодини, кўзлаган мақсадларини ошқора ва холисона ифодалаб беради. У мустамлакачилик сиёсатининг нақадар мудҳишлигини, жаҳон халқлари бошига беқиёс мусибатлар солганини ҳар жиҳатдан асослаб, изчил фош этади.

“Менинг ҳаётим” китоби мазмунан бойлиги билан ўзига хос кичик қомусни эслатади. Унда ҳинд халқининг турмуш тарзи, маданияти, фалсафаси, орзу умидлари ҳақида теран мулоҳазалар юритилади.

АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАР!

Журналимизнинг 2010 йил сонларида
қуйидаги асарлар билан танишасиз:

Р.К.НАРАЯН (Ҳиндистон). **Ҳитопадеш**. *Зарбулмасал*.

Сьюзен ФОКС (АҚШ). **Самовий аҳду паймон**. *Роман*

Проспер МЕРИМЕ (Франция). **Коломбо**. *Қисса*.

Отажон ТОҒОН (Туркманистон). **Бегона**. *Роман*.

Э.БУЛЬВЕР-ЛИТТОН (Англия) **Помпеянинг сўнгги кунлари**.
Тарихий роман.

Мурод НИЗАНОВ (Қорақалпоғистон). **Охират уйқуси**. *Роман*.

Пауло КОЭЛЬО (Бразилия) **Иблис ва Прим хоним**. *Роман*.

Гуннар СТОЛЕСЕН (Норвегия). **То абад сеники**. *Роман*.

Булардан ташқари, Ғарб ва Шарқ шеъриятидан намуналар,
фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик
тадқиқотлар билан ҳам танишиб борасиз.

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» журнаliga 2010 йил учун обуна
давом этмоқда.

Индекс:

Якка тартибда – 828.

Ташкилотлар учун – 829.